*third,* the spread of knowledge - 10.7 scores or ranked 101 in the rating (revenues on the object of intellectual property, 0.0/106 in percent, attractiveness of production and exports 30.3/85, exports of high technologies, 0.3/98 in percent in relation to the overall trade, exports of ICT services, in percent in relation to overall trade - 0.9/87).

On the basis of the reforms ongoing in the socio-economic areas of the country, the emergence of business entities and their high labor productivity deserves a high ranking in the international ratings. That is, our country has been ranked 8 in terms of the labor productivity growth! (For comparison: Republic of Belarus ranked 38, Russia ranked 44, Kazakhstan-48), in percent - 4.6/8. In addition, favourable position can be observed in terms of the conditions created for the performance of new businesses. We can confidently ascertain that the analytical data presented in these indicators have shown their strengths.

In the *seventh* indicator "Creative outputs" Uzbekistan has improved by 11 scores (ranked 102 in 2022). At the same time, it has reached 7.7 scores in the rating.

first, intangible assets have been assessed at 12.5 scores or ranked 94 (it is the first time to be included in the rating), on trademarks/billion USD (PPP) in relation to GDP 30.9/75, global brand value with the highest value of 5000 in GDP - no data available, on industrial samples/billion USD (PPP) in relation to GDP - 0.6/82;

*second*, creative goods and services -5.3 scores or ranked 100 in the rating (export of cultural and creative services, in percent to total trade - 0.0/132, national feature films - 1.2/79, entertainment and media market - no data available, printing and other media, production as a percentage - 0.5/79, exports of creative products, as a percentage of total trade - 0.3/68),

*third*, online creativity - 0.5 scores or ranked 109 in the rating (total top-level domains (TLDs) - 0.0/132, country code TLD - 1.2/79, wikipedia edits - 0.9/104, mobile application creation/billion USD (RRR), in relation to GDP - 0.0/107).

It should be noted, we still have a lot of work to do on these indicators. However, despite of improving our rating from 113 to 102 we are still far behind the foreign experience in the creation and commercialization of intellectual property (creation of intellectual property ecosystem), which has been repeatedly mentioned by the President of our country. Moreover, the President has determined it as one of the priorities.

We can say with confidence that today on the basis of the "Third Renaissance", the "Concept of Science Development until 2030", adopted as one of the significant steps in achieving international indices and rankings of Uzbekistan, is being implemented. It is not difficult to understand this, as we are gradually rising in the above International rankings because in 2020, when we scored the International Innovation Index (GII) by this World Intellectual Property Organization (WIPO), in 2021 it was ranked 82.

## 5. Conclusion and proposals.

Currently the funds allocated for science and research in Uzbekistan account for only 0.5 percent of the national GDP. This figure is much lower than the funds allocated to science by developed and developing countries.In addition, the level of commercialization of research results is not high. It is noted that this does not enable research institutions and innovative enterprises established by them to attract investment and bank loans.As a result, by 2030, some low-rated indicators will need to be improved in order to rank high in the Global Innovation Index rankings. In this case, we consider it necessary to pay attention to the following aspects:

first, increase the research and development expenses on the component of human capital and research, as well as the development of technology transfer;

second, to further improve the performance of foreign-funded (GERD) indicators on the business attractiveness component and to develop ICT services;

third, to further increase and develop the dissemination of knowledge on the science and technology outcome component;

fourth, to further improve Internet creativity and mobile application development on the creative outcomes component.

The period of the "Third Renaissance", which began in new Uzbekistan, has never yet been included in the international rankings and indices, in particular: Global Competitiveness Index, World Economic Forum, INSEAD international business-school, Cornell University, World Intellectual Property Organization, (WIPO),Global Green Economy Index - Dual Citizen LLC organization, as well as Competitive Industrial Performance Index developed by United Nations Industrial Development Organization (UNIDO), however, in future our country is striving to get high ranking in the assessment of this reputable ranking agencies.

Despite the impact of the global pandemic, in accordance with the "Concept of Science Development until 2030" and the "Third Renaissance" launched in our country, it is crucially important to intensify and develop activities aimed at raising the number of published research articles, citation index, participation in international conferences and seminars, research activities of higher education institutions on the basis of state support of higher education institutions.

Uzbekistan has already undertaken its first steps in the Global Innovation Index (GII) rating, which has been recognized by reputable international organizations.

In conclusion, the experience of the past two years have shown that Uzbekistan has succeeded in achieving a worthy rating in the Global Innovation Index alongside with economically developed countries, which development history accounts for several hundred years. Following this active development rates, no doubt, will result in achieving the goals and objectives set in the Concept of development of Uzbekistan by 2030. Thus, as the President of the Republic of Uzbekistan said, "The changes that have been launched in our country will not be reversed ... despite the challenges experienced nowadays, we are able to adapt to difficult conditions and find new "points for growth".

**Reference:**

Decree (2020) of the President of the Republic of Uzbekistan "Concept of development of science till 2030" №6097, October 29, https://lex.uz/docs/5073447

Decree (2019) of the President of the Republic of Uzbekistan "Concept of development of high education till 2030" №5847, October 8, https://lex.uz/docs/4545884

Rizaev Nurbek Kadirovich, Khotamov Komil Rabbimovich (2021) Methodology of transformation of financial reporting to international standards in Uzbekistan (evidence from commercial banks). International Journal of Marketing and Technology Vol. 11 Issue 10, October. ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559 Journal Homepage: http://www.ijmra.us, Email: editorijmie@gmail.com

Rizaev N.K. (2020) Expenses on research and development (case-study of the experience of India and Uzbekistan). International Journal of Marketing and Technology Vol. 10 Issue 07, July. ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559. Journal Homepage: http://www.ijmra.us, Email: editorijmie@gmail.com.

Rizaev N.K. (2020) Ecosystem of the intellectual property and its development. International Journal of Management, IT & Engineering Vol. 10 Issue 03, March 2020. ISSN: 2249-0558 Impact Factor: 7.119. Journal Homepage: http://www. ijmra.us, Email: editorijmie@gmail.com.

The Global Innovation Index (GII) 2020: Who Will Finance Innovation? https://www.globalinnovationindex.org/Home

Sultonali U. Mekhmonov, Nurbek K. Rizaev, Ilyos K, Ochilov, Golib D. Tashmanov (2021) Development of artificial intelligence in Uzbekistan (Evidence from Education System). Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume 12, Issue 7, July: 4693 – 4702. https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4518

World Intellectual Property Organization (WIPO)Global Innovation Index | What is the future of innovation-driven growth?-2022.

World Intellectual Property Organization (WIPO)https://www.wipo.int/global_innovation_index/en/2021/

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# МАМЛАКАТИМИЗ ОЛТИН ҚАЗИБ ОЛИШ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҲОЛАТИ

***Абдуллаева Д.А.***
*Тошкент давлат техника университети*

***Аннотация.*** *Ушбу илмий мақолада мамлакат олтин қазиб олувчи ва қайта ишловчи икки, Навоий кон металлургия комбинати ва Олмалиқ кон металлургия комбинатларининг иқтисодий ҳолати таҳлил қилинган. Таҳлил жараёнида ҳар икки комбинатнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, инвестиция дастурида доирасида жалб қилинган маблағлар қиёсий таҳлил қилинган.*

***Калит сўзлар:*** *олтин захираси, Навоий кон металлургия комбинати, Олмалиқ кон металлургия комбинати, олтин қазиб олиш санаоти корхоналари, бошқарув, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми.*

***Аннотация.*** *В данной научной статье анализируется экономическое положение двух золотодобывающих и обогатительных комбинатов страны, Навоийского горно-металлургического комбината и Алмалыкского горно-металлургического комбината. В ходе анализа был проведен сравнительный анализ объемов производства продукции обоих комбинатов, средств, задействованных в инвестиционной программе.*

***Ключевые слова:*** *золотой запас, Навоийский горно-металлургический комбинат, Алмалыкский горно-металлургический комбинат, предприятия золотодобывающей отрасли, управление, объем производства продукции.*

***Abstract.*** *This scientific article analyzes the economic situation of the two gold mining and processing plants of the country, Navoi Mining Metallurgical Combine and Almalyk Mining Metallurgical Combine. In the course of the analysis, the volume of product production of both combines, the funds involved in the investment program were comparatively analyzed.*

***Keywords:*** *gold reserve, Navoi Mining Metallurgical Combine, Almalyk Mining Metallurgical Combine, gold mining industry enterprises, management, volume of product production.*

## 1. Кириш.

Мамлакатимиз олтин захирасига бой мамлакат саналади. Олтин ишлаб чиқариш бўйича мустақилликка эришган йилларнинг бошида 20 -ўриндан 2022 йилга келиб 10 ўринни эгаллашга муваффақ бўлди. Олтин ишлаб чиқариш саноати Ўзбекистонда Навоий ҳамда Тошкент вилоятларида ривожланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июндаги ПҚ-5159-сонли “Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорида белгилангандек кон-металлургия саноати маҳсулотлари

негизида илғор жаҳон амалиёти асосида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, унга боғлиқ бўлган тармоқларни ривожлантириш ҳамда ушбу йўналишнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш мақсадида «хом ашёдан тайёр маҳсулотгача» бўлган кўп поғонали қўшилган қиймат занжирларини яратишга қаратилган иқтисодиётнинг драйвери сифатида республикада мис маҳсулоти ва у билан боғлиқ соҳаларда юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича илмий-технологик кластерни (Мис саноати кластери) ташкил этиш вазифаси қўйилди. Бу олтин қазиб олиш саноати изчиллигини оширишга хизмат қилади. Негаки, кончилик ишида руда қазиб олинади ва уни қайта ишлаш давомида олтин, кумуш, мис, олмос, нефрит сингари қимматбаҳо маъданлар олиш мумкин.

Навоий кон металлургия комбинати ва Олмалиқ кон металлургия комбинати мамлакатимизда жуда йирик саноат объектларидан саналади. Ушбу мамлакат иқтисодиётида аҳамиятли бўлган корхоналарда 15 мингдан ортиқ ишчи меҳнат қилади.

Навоий КМКтининг 6 та асосий бўлинмаси ҳамда 7 та гидрометаллургия заводлари мавжуд. Олмалиқ КМКнинг асосий бўлинмалари 5 та ва гидрометталургия заводлари 6 тадан иборат. Навоий КМК мамлакатимиздаги энг йирик саноат корхонаси бўлибгина қолмай, замонавий технлогиялар, рақамли инфратузилмавий қуролланганлик ҳамда намунали, юқори малакага эга мутахассисларга эга ижтимоий-иқтисоий объект саналади. Олмалиқ КМК йириклиги жиҳатдан Навоий КМКдан кейинги ўринда туради. Рақамли технологиялар тобора кўпроқ жалб этилиб, юқори малакали кадрлар билан тахминланганлик борасида муваффақиятларга эга корхонадир.

Олмалик ва Навоий КМК мамлакатимиз иқтисодиётини стратегик тараққий эттириш шароитида Ўзбекистон ҳудудидаги эркин иқтисодий ҳудудлар ҳамда инвестицион лойиҳаларнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг такомиллашувида долзарб аҳамият касб этади.

Навоий ва Олмалиқ КМКларнинг ташкилий-иқтисодий ҳолатини солиштиш орқали ташкилотларнинг барқарорлик кўрсаткичини аниқлаш тадқиқот ишини кенг ёритишда хизмат қилади.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Олтин қазиб олиш саноати ушбу қимматбаҳо ресурсга эга мамлакатлар олимларининг диққат марказида бўлган мавзулардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, ушбу ресурсга бой мамлакатлар АҚШ, Россия, Бразилия, Ҳиндистон сингари мамлакатларнинг олимлари томонидан кенг тадқиқ этилган.

Жумладан, рус олими В.Журавлев (2017) олтин қазиб олиш корхоналари очиқ динамик ночизиқ тизимга эга деб таърифлаб, уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти мамлакатнинг олтин қазиб олиш корхоналарининг барқарорлигини таъминлашнинг ташкилий-иқтисодий механизмларига боғлиқлигига урғу берган.

Е.Куклинанинг (2001) келтиришича, олтин қазиб олишда корхоналар сонининг кўпайиши, уларнинг фаолиятини тез ва самарали баҳолаш имконини беради. Корхоналар фаолиятини баҳолашда харажатларни минималлаштириш масаласини ҳам кўриб чиқиш керак. Масалан, электр энергияга, асбоб-ускуналарни таъмирлашга харажатлар, корхонанинг атроф-муҳит ва экологияга таъсирини ўрганиш ва бошқалар.

В.И.Белов ва Н.М.Прокофьев (2019) томонидан берилган изоҳга кўра, олтин қазиб олиш саноатини баҳолаш усуллари ушбу корхонага киритилаётган инвестиция ҳажмига ҳам таъсир қилади. Чунки, баҳолаш учун қўлланиладиган

индикаторлар инвесторларни ҳам қизиқтирадиган асосий кўрсаткичлар ҳисобланади.

А.Н.Слепновнинг (2021) таъкидлашича, олтин қазиб олиш саноатини такомиллаштириш учун баҳолаш мезонини ишлаб чиқишга аҳамият бериш керак. Ягона баҳолаш мезонининг қабул қилинмаганлиги самарадорликни ҳам тушиб кетишига сабаб бўлади.

Марко Аурелио да Коста ва Франсиско Хавьер Риос (2022) томонидан келтирилишича, Бразилия сўнгги 300 йил давомида олтин қазиб олиш билан шуғулланиб келаётган мамлакатлардан бири бўлган. Истиқболда мамлакат олтин қазиб олиш саноати ривожлантириш соҳадаги халқаро кооперацияларга боғлиқ. Чунки, халқаро кооперация натижасида олтин қазиб олиш саноатига янги технология ва усуллар кириб келади.

## 3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот давомида назарий тадқиқот усуллари билан биргаликда мамлакатда олтин қазиб олиш санаоти корхоналарининг иқтисодий ҳолатини таҳлил қилишда таҳлил ва синтез, графикли тасвирлаш каби усуллардан фойдаланилган.

## 4. Таҳлил ва натижалар.

Олтин қазиб олиш саноатида ташкилий-иқтисодий механизмнинг асосий меъзонларидан бири ижтимоий фаолият саналиб, корхона мисолида янги иш ўрниларини ташкил этиш ушбу меъзоннинг фаоллик даражасини англатади. Навоий КМКда ушбу кўрсаткич 2017 йилдан 2021 йиллар давомида ўсиш суръатига эга. 2017 йилда янги иш ўринларини ташкил этиш 128 тани ташкил этган бўлса, 2018 йилда бу кўрсаткич 2 баробарга ошган. 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 10 баробар ўсиш суръати кузатилади. 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 5%, 2021 йилда 2021 йилга нисбатан 4% ўсиш кўрсаткичлари барқарор ошиб борган (1-жадвал).

**1- жадвал**

**Навоий КМКнинг асосий кўрсаткичлари (2017-2022 й.й.)[1]**

| № | Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | 2017 й | 2018 й | 2019 й | 2020 й | 2021 й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми | Млрд.сўм | 44135,2 | 45739,1 | 46005 | 49154,5 | 54256,2 |
| 2 | Инвестиция дастури доирсида маблағлар ўзлаштирилиши | Млрд.сўм | 611429 | 613373 | 63387 | 650194 | 621178 |
| 3 | Янги иш ўринларини ташкил этиш | одам | 128 | 349 | 3120 | 3286 | 3423 |
| 4 | Маҳсулот таннархини камайтириш | Млрд.сўм | 673 | 678 | 718 | 798,7 | 1097 |
| 5 | Маҳсулот таннархини камайтириш | фоиз | 1,1 | 1,2 | 3,4 | 6,6 | 6,7 |
| 6 | Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш | Млрд.сўм | 347,4 | 322 | 331,1 | 352,3 | 442,2 |
| 7 | Соф фойда | Млрд.сўм | 12273,4 | 11004,6 | 12052,2 | 10056 | 11330,9 |

Навоий КМКда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2017 йилдан 2021 йиллар давомида барқарор бўлиб, 22%га салмоқли ўсган. Навоий КМК инвестицион жозибадорлиги юқори ташкилотлардан саналиб, маҳсулот ишлаб чиқариш

[1] Навоий КМК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

сифатининг таъминотини ҳиссаси каттадир. Навоий КМКда инвестицион лойиҳалар дастури кенг миқиёсда олиб борилади, хусусан 2017 йилдан 2020 йилга қадар 6% инвестиция дастурии доирасида маблағлар ўзлаштирилиши ошган. 2021 йилда бу кўрсаткич бироз пасайган бўлсада, барқарор ўсиш кўрсаткичини таъминлай олган.

Навоий КМКда соф фойда улуши энг юқори кўрсаткич 2017 йилда қайд этилган бўлиб, 2018 йилда 11 млрд.сўм камроқ натижага эришилган. 2019 йилда соф фойда кўрсаткичи 9%га ошган. 2020 йилда кўрсаткич пастлаган, 2021 йилда барқарорлик таъминланган.

**1-расм. Навоий КМКнинг маҳсулот таннархини камайтириш ва маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми динамикаси. (2017-2021 й.й. млрд.сўм)[2]**

Маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ишлаб чиқариш маҳсулот таннархига бевосита таъсир кўрсатиб, тежамкорлик омилини ошишига туртки бўлади. Маҳсулот таннархини камайтириш стратегияси ортида илғор инновацион технологиялар ҳамда юқори малакали ҳодимларнинг маҳорати улуши бор. 2017 йилда маҳсулот таннархини камайтиришда 1%га, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 2%, 2019 йилда 3,4 % ва 2020 йилда 6,6%га ошган бўлса, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 6,7%га ўсган.

Маҳаллийлаштиришлган маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 22 млрд.сўмга ва 2019 йилда 11 млрд.сўмга пастлаган бўлсада, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 5 млрд.сўмга ва 2021 йиилда кескин 90 млрд.сўмга ошган. Бу ўсиш кўрсаткичи маҳсулот таннархини камайтириш ҳамда корхонанинг маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўрсаткичларига салмоқли таъсир этган.

**2- жадвал**

**Олмалиқ КМКнинг асосий кўрсаткичлари (2017-2022 й.й.)[3]**

| № | Кўрсаткич номи | Ўлчов бирлиги | 2017 й | 2018 й | 2019 й | 2020 й | 2021 й |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми | Млрд.сўм | 26572,4 | 26993,2 | 28764,4 | 31374,2 | 31755,3 |
| 2 | Инвестиция дастури доирсида маблағлар ўзлаштирилиши | Млрд.сўм | 45327,3 | 45534,5 | 52673,5 | 55576,1 | 59413,4 |
| 3 | Янги иш ўринларини ташкил этиш | одам | 56 | 65 | 62 | 55 | 34 |
| 4 | Маҳсулот таннархини камайтириш | Млрд.сўм | 455 | 467 | 516 | 522 | 523 |
| 6 | Маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқариш | Млрд.сўм | 147,4 | 133 | 149,4 | 154,3 | 156,7 |

[2] Навоий КМК маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишланган.
[3] Олмалиқ КМК маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Олмалиқ КМКнинг ташкилий-иқтисодий механизми кўрсаткичларини ифодалашда ижтимоий меъзонни таҳлил қилганда, янги иш ўринларини ташкил этиш кўрсаткичи Навоий КМК билан солиштирганда пастроқ кўрсаткичларни ташкил этишига қармасдан, 2017-2021 йиллар давомида ижобий натижаларни берган. Хусусан, 2017 йилда 56 та янги иш ўринлари яратилган бўлса, 2020 йилга қадар кўрсаткчилар барқарор ўсиб борган, 2021 йилда янги ўринларини ташкил этиш кечкин 34 тага қадар камайган. Бунинг боиси, корхонаа хавл юқори бўлган шахталарда автоматлаштирилган ишлаб чиқариш фаолияти ташкил этиш такомиллаштирилган (2-жадвал).

Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 1, 07%га, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1,09%га, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 1,1%га, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 1,06%га ошган. Бу корхонанинг барқарор иш фаолиятини тавсифлайди.

Инвестиция доирасида ўзлаштирилган маблағлар 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 200млрд. сўм, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 700 млрд. сўм, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 300 млрд.сўм ва 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 400 млрд.сўм кўпроқ маблағ ўзлаштиришга муваффақ бўлган. Бу инвестицион салоҳиятнинг самарадорлигини тавсифлайди.

Маҳсулот таннархини камайтиришда Олмалиқ КМКси қатор ютуқларга эришган, жумладан, 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 12 млрд.сўм маблағ тежалган. 2019 йиилда 2018 йилга нисбатан салкам 50 млрд.сўм, 2020 йилда 2019 йилга нисбатан 6 млрд сўм ҳамда 2021 йилга 2020 йилга 1 млрд.сўм маблағ таннархни камайтиришда тежалишига эришилди.

Маҳаллифлаштириш дастури доирасида Олмалиқ КМКсининг фаолияти ижобий ҳолат кўрсаткичларни қайд этган бўлиб, 2018 йилда маҳаллийлаштирилган маҳсулот ҳажми юзасидан 14 млрд.сўм камроқ натижа берган бўлсада, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан 1,03% га ўсиш суръати кузатилади. Шунингдек, 2020 йилда 2019 йилган нисбатан бу кўрсаткич турғанликни сақлаб қолган, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 1,01% га ошган.

Корхоналарнинг ташкилий иқтисодий механизмининг илмий меъзони Навоий КМКда ўз ичига илмий фааолиятни самарали олиб боришни олади. (2- расм)

**2-расм. Навоий КМК тизимидаги самарали илмий-амалий фаолият турлари[4]**

Навоий КМКнинг инновацион лойиҳаларни жалб этишнинг саноат тармоғидаги улуши 3,2%ни ташкил этади. Ушбу рақамларни маблағ ҳисобига ўтказганда жуда юқори технологик ишланмалар ва лойиҳаларнинг сармояси келиб чиқади. Навоий КМК инвестициянинг интеллектуал, технологик ҳамда капитал турларини барчасини инновацион фаолият билан уйғунлигини таъминлайди. 2018-

[4] https://www.ngmk.uz/uz/home/blog/ishlab-chiqarish/innovatsion-texnologiyalar

йилда комбинатда илмий-тадқиқот ишлари ва инновацион фаолиятни ривожлантириш мақсадида Инновация маркази ташкил етилди ва Навоий кон-металлургия комбинатини 2026-йилгача инновацион ривожлантириш дастури қабул қилинди. Дастурдаги 105 та инновацион лойиҳаларнинг ишлаб чиқаришга жорий етилиши олтин таркибли рудалар ва уранни қазиб олиш ва қайта ишлаш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, експортга йўналтирилган маҳсулотлар сонини кенгайтиришга катта замин яратади. Хусусан, Навоий КМКнинг инновацион тараққий эттириш йўналишлари қаторидан геологик қидирув ишларининг изчиллиги, кончилик ишларининг такомиллашуви ва самарадорлиги, қайта ишла ва бойитиш фаолиятининг натижавийлиги, транспорт фаолиятининг тежамкорлиги, энергетика йўналишининш унумдорлиги, рақамли технологияларнинг тадбиқ этиш салоҳиятининг юқорилиги, экологик ва атроф муҳит муҳофазасининг хавфсизлигини таъминлашнинг муқобиллиги саналади.

**3-расм.Олмалик КМКнинг инновацион йўналишлари ва самарали жорий этиш илмий тизими[5]**

Олтин қазиб олиш саноатида инновацион кластерни такомиллаштиришда инновацион марказлар ва унинг илмий-амалий фаолиятини ривожлантиришда коснтрукторлик, лойиҳалаш бюролари ҳамда лабараторияларнинг ўрни технопаркнинг асосий қисмини эгаллайди. Навоий КМКда илмий фаолиятга

[5] Олмалиқ КМК маълумотлари асосида муаллиф томонидан

салмоқли эътиборнинг изчиллиги ўзини ўзи ташкил этаётган технопарк ва клстерга айланиб бормоқда. Ташкилотнинг инновацион ишланмаларни жорий этишдаги бош вазифалари ташкилотни тараққий эттириш йўналишларига хизмат қилади. Жумладан, геологик-қидирув ва кончилик, қайта ишлаш ва бойитиш ишларининг фойдали саноат қазилмалар захирасини ошириш, минерел хом ашё базасини салмоқли кенгайтириш, ишлаб чиқариш фаолияти таннархи, энергия харажатлари, технологик харажатлар тежамкорлигини жадаллаштириш, экологик хавфсизликни таъминлаган ҳолда ишлаб чиқариш фаолиятини мажмуавий оқилона фойдаланиш, нодир ва қимматбаҳо металларни мажмуавий қайта ишлаш, маҳаллийлаштириш фаолиятини кенгайтириш ва ишчи кучини ижтимоий-иқтисодий ва молиявий қўллаб-қувватлашни чуқурлаштириш сингари вазифалар инновацион ишланмаларин кенг тадбиғини ифодалайди.

Олмалиқ КМКнинг инновацион фаолияти ва йўналишлари корхонанинг ривожланиш стратегиясини тавсифлайди. (3- расм)

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Олиб борилган таҳлиллар натижасида муаллиф томонидан қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

олтин қазиб олиш саноати корхоналарининг ишлаб чиқариш самарадорлиги уларда мавжуд бўлган захираларнинг миқдори билан бирга, ишчиларнинг малакаси, ишлаб чиқариш технологиясининг модернизация қилинганлигига боғлиқ. Ша билан бирга замонавий рақобат шароитида илмий ва инновацион тадқиқотлар ҳам олтин қазиб олиш корхоналари самарадорлигига таъсир этувчи асосий омил ҳисобланади;

Навоий КМК тизимидаги самарали илмий-амалий фаолият корхонанинг халқаро даражада рақобатбардош бўлишини таъминлаш бирга, иқтисодий жиҳатдан ривожланиши учун имконият яратади;

Истиқболда Олмалик КМКнинг иқтисодий ҳолатини ўстириш учун Навоий КМК тизимида фойдаланилаётган инновацион фаолиятдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Жумладан, Марказий илмий-тадқиқот лабораторияси ва Инновация марказини ташкил этиш.

**Адабиётлар:**

Marco Aurélio da Costa, Francisco Javier Rios (2022) The gold mining industry in Brazil: A historical overview, Ore Geology Reviews, Volume 148, 105005, https://doi.org/10.1016/j.oregeorev.2022.105005. (https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0169136822003134)

Zhuravlyov V.V. (2017) Formation of the sustainable development mechanism at enterprises of mining industry as a condition of overcoming crisis. SHS Web of Conferences 35, 01150 DOI: 10.1051/shsconf/20173501150, 2017 p, 1-5

Белов В.И., Прокофьев Н.М. (2019) Пути повышения инвестиционной привлекательности Российской экономики / // Juvenis scienti. № 1. — С. 11–13.

Куклина Е. А. (2001) Состояние золотодобывающей промышленности Северо-Востока: оценка современной ситуации и перспективы развития // ГИАБ. №3. URL: https://cyberleninka.ru/article/n/sostoyanie-zolotodobyvayuschey-promyshlennosti-severo-vostoka-otsenka-sovremennoy-situatsii-i-perspektivy-razvitiya (дата обращения: 26.10.2022).

Слепнев, А.Н. (2021) Инвестиционная привлекаетльность предприятия золотодобывающей промышленности / А. Н. Слепнев // Global and Regional Research. Т. 3. – № 3. – С. 74-84. – EDN NQYZKT.

Қарор (2021) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кон-металлургия саноати ва унга боғлиқ соҳаларни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5159-сон. 24.06.2021 йилдаги https://lex.uz/docs/5477076

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# СУҒУРТА СОҲАСИГА ЯНГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***Абдурахмонов И.Х.***
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси*

***Аннотация:*** *Мақола суғурта инфратузилмасига замонавий рақамли технологияларни жорий этиш орқали суғурта бизнесини ташкил этишга бағишланган. Суғурта бизнес жараёнларига рақамли технологияларни интеграциялашуви, суғурта даъволарини ҳал қилиш жараёнини муваффақиятли рақамли трансформациялаш элементлари, фронт ва бэк-офис жараёнларини рақамлаштириш, мижозлар билан ўзаро муносабатларнинг инновацион усулларини таъминлаш каби масалаларга бағишланган.*

***Калит сўзлар:*** *суғурта соҳасини рақамлаштириш, суғурта зарарлари ва даъволарини ҳал қилиш, янги информацион инновациялар, мижозлар билан муносабатларга киришишнинг замоновий усуллари.*

***Аннотация:*** *Статья посвящена организации страхового дела путем внедрения современных цифровых технологий в страховую инфраструктуру. Он посвящен таким вопросам, как интеграция цифровых технологий в страховые бизнес-процессы, элементы успешной цифровой трансформации процесса урегулирования страховых случаев, цифровизация фронт- и бэк-офисных процессов, обеспечение инновационных методов взаимодействия с клиентами.*

***Ключевые слова:*** *цифровизация страховой отрасли, урегулирование страховых убытков и претензий, новые информационные инновации, современные методы работы с клиентами.*

***Annotation:*** *The article is devoted to the organization of insurance business by introducing modern digital technologies into the insurance infrastructure. It is devoted to issues such as the integration of digital technologies into insurance business processes, the elements of successful digital transformation of the insurance claim settlement process, digitization of front and back-office processes, and provision of innovative methods of interaction with customers.*

***Key words:*** *digitization of the insurance industry, settlement of insurance losses and claims, new informational innovations, modern* methods of customer relations.

## 1. Кириш.

Рақамли технологиялар дунёда тобора муҳим аҳамият касб этиб келмоқда. Охирги ун йилликда уларнинг ривожланиши жуда катта иқтисодий, молиявий ўзгаришларга олиб келди. Биринчидан, рақамли технологиялар ишлаб чиқариш даврларини қисқартирди ва соддалаштирди. Иккинчидан, янги технологиялар

таҳлил қилиш имкониятини кенгайтирди ва маълумотларни қайта ишлашни янада соддалаштирди, бу эса стандартлаштирилган индивидуал таклифларни яратиш имконини берди. Бугунги кунда барча соҳалардаги компаниялар трансформацияга муҳтожлик сезмоқдалар, сабаби янги технологиялар, инновациялар ва истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатлари эски шаклланган бизнес моделларини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни суғурта компанияларига сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Замонавий технологиялар биринчи навбатда, интернет, рақамли экотизим, мобил ва ижтимой платформалар соҳасидаги туб ўзгаришлар мижозларнинг хоҳиш-истаклари, уларнинг хатта-ҳаракатлари ва қароралар қабул қилишига сезиларли ўзгаришлар олиб келди. Сўнгги ўн йилликда рақамли технологияларнинг жадал ривожланиши туфайли истеъмолчилар ўзлари учун яхши имкониятларга эга бўлдилар, улар катта ҳажмдаги маълумотлардан фойдаланишни, ўзларининг хоҳиш ва истаклари учун зарур бўлган эҳтиёжларни мустақил равишда топиш ва қондиришни ўрганиб олдилар. Истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатларининг ўзгаришига жавобан, хизмат кўрсатувчи провайдерлар катта маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш учун янги технологияларни жадаллик билан жорий қилмоқдалар, бу эса улар истеъмолчиларнинг ҳулқ-атворини яхшироқ тушинишга ва ўз мавқейларини тиклаб олиб ишконини бермоқда. Сотувчиларнинг стратегияси ўзгармоқда, фаолроқ компаниялар мижозни сотиб олиш тўғрисидаги қарорини ўзгартиришга ҳаракат қилишмоқдалар. Суғурта соҳаси учун рискларни ва уларнинг тақсимланишини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, суғуртани рақамлаштиришнинг иқтисодий оқибатларини ўрганишдан аввал бизнес ва аҳоли учун энг долзарб бўлган янги замонавий рискларни ўрганиш зарурлигини таъминлайди.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Тадқиқотчи М.Н.Степанова (2020) ўз тадқиқотларида қўйидагиларни таъкидлайди, яъни узоқ вақт давомида суғурта мутлақо консерватив соҳа ҳисобланар эди, унда ўзгаришлар ва янгиликлар фақат суғурта ҳимоясининг одатий турларининг устки қисми этикеткаси ўзгариши ёки алмаштирилиши билан боғлиқ ҳисобланарди. Кўринишидан, оддий ва тушунарли суғурта механизмига кўп асрлик соҳада ўзгартириш мумкин бўлган бошқа нарсани уйлаб топиш қийиндай туюларди. Бироқ, замонавий воқейликлар шундан иборат бўлдики, суғурта соҳасининг имкониятлари, агар сиз мижозларнинг янги эҳтиёжларига ва янги бизнес технологияларга мослаша оладиган инновацион ғояларни қидириб топиш ва жорий этиш билан шуғулланмасангиз ташқи қийинчиликларга дуч келишингиз мумкин. Замонавий иқтисодий маконда яшаб қолиш консерватив бўлишдан кўра муҳим бўлиб бормоқда. Ишонч билан айта оламизки, айнан суғурта соҳасида фойдаланилмаган салоҳият мавжуд бўлиб, унинг рўёбга чиқиши нафақат иқтисодий инқирозларга бардош бериш, балки иш юритиш жараёнлари ва мижозларга хизмат кўрсатишнинг янги сифат даражасига эришиш имконини беради. Жаҳон суғурта бозори аҳолининг суғурта тўғрисидаги тасаввурини тубдан ўзгартириувчи ва уни қўллашга қўлай, ҳамёнбоплиги уни молияивй воситага айлантириш имконини берувчи муваффақиятли инновацион ғояларни амалга ошириш мисолларини намойиш эрмоқда.

Н.В.Щербакова, Ю.М.Ильиныхлар (2019) эса қўйидагиларни таъкидлайдилар, рақамли трансформация даврида анъанавий офис компаниялари ўрнига платформа компаниялари, бизнес жараёнларни ташкил этиш бўйича янги ёндашувлар шаклланиб бормоқда. Мобил технологиялар, ижтимоий тармоқлар, булутли хизматлар, интеграциялашган қурилмалар, катта маълумотлар ва турли таҳлилий

воситалар инсон капитали салоҳиятига таъсир кўрсатмоқда. Компаниялар ўз бўлимларининг қандай ишлаши ва рақобатлашаётганини соҳани тубдан қайта англаш, самарадорлик ва фойдани ошириш, мижозларга қўлайликлар яратиш мақсадида рақамли инновациялардан фойдаланмоқдалар. Бироқ, кўплаб компаниялар инновацион ташабуслар билан чиқишларига қарамай, уларнинг аксарияти замонавий бизнес учун зарур бўлган интерагицияни яхлит тизим сифатида ишлашини таъминлай олмайдилар. Суғурта компаниялари рақамли иқтисодиётнинг асосий инновацияларига жуда катта қизиқишларни намоён этмоқда. Жараён ва механизмларни соддалаштириш мақсадида улар автоматизациялаштириш, чат-ботлар, маълумотларни булутли ҳисоблаш, суньий интеллект элементларига эга технологиялардан фаол фойдаланиб келмоқда.

Д.В.Брызгалов (2018) бу боради қўйидагиларни назарда тутади, яъни суғурта компаниялари томонидан бизнес жараёнларда рақамли технологиялардан фойдаланиш суғурталанувчилар билан алоқа қилиш, суғурта шартномасини қўллаб-қувватлаш ва даъволарни ҳал қилиш соҳаларида суғурта маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишнинг омили эканлигини илгари суради.

Чжан Сыюань (2020) фикрига кўра рақамлаштириш томонлар ўртасида маълумотларни узатиш уларнинг ишочлигини оширади, бу эса даъволарни ҳал қилиш самарадорлигини ошириши ва бунга сарфланадиган харажатни камайтириши мумкин. Суғурта компаниясининг ички операцион жараёнларида кичик ўзгаришларнинг зарурий шарти даъволарни ҳал қилиш ва маълумотларни тўплашнинг ҳар бир босқичини рақамлаштириш даражасини оширишдан иборатдир. Келажакда умумий суғурта соҳаларида даъволарни рақамли ҳал қилишнинг идеал жараёни қўйидагича кўриниш олиши керак бўлади: суғурта ҳодисаси содир бўлгандан сўнг, суғурталанган шахс бу ҳолат бўйича суғурта компаниясига ижтимоий тармоқлардаги аккаунти, сенсорлар ёрдамида ёки телефон орқали хабар бериши мумкин бўлади. Белгиланган тартибда маълумотлар олингандан сўнг суғурта компанияси биринчи навбатда мижознинг ташқи ва ички маълумотларида фирибгарлик бўйича текширувлар ўтказади, ундан кейин эса катта маълумотлар ва сунъий интелектдан фойдаланиб зарарни баҳолайди, мижозга хизмат кўрсатиш ҳамда тўловни тўлаш лойиҳалари ишлаб чиқилади.

А.А.Цыганов ва Д.В.Брызгалов (2018) суғуртада замонавий технологияларни жорий этишда қўйидагиларни таъкидлайдилар, суғурта фаолиятини интернетлаштириш суғурта компанияларида қўйидаги йўналишларида амалга оширилади:

- суғурта маҳсулотларини онлайн сотиш;
- интернет орқали суғуртада даъволарини ҳал қилиш;
- интернет орқали суғурталанувчилар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш.

Я.В.Трофимова (2018) олиб борган тадқиқотларида қўйидаги хулосаларни шаклантирган, янги технологиялар етказилган зарарни тезроқ баҳолаш (16 дақиқа ўрнига 8,5 дақиқага қисқариши) ва даъволарни қоплаш жараёнини автоматлаштириш имконини беради, масалан автосуғуртада бу ўзининг ижобий натижаларини кенг намоён этмоқда. “Axa France” суғурта компанияси томонидан амалга оширилаётган “блокли занжир” усули парвозлар 2 соатдан кўпроқга кечиктирилганда йўловчиларга даъволарни қоплашни автоматлаштириш имконини беради (у ҳаво қатнови бўйича халқаро маълумотлар базаси билан блокчейн орқали интеграция қилинган).

Суғурта соҳасида қўлланиладиган янги таҳлилий воситалар кўпайиб бормоқда. Масалан, “Kölner D&O-Versicherer VOV” суғурта компанияси суньий интелектга асосланган башорат қилиш тизимидан (KI-Analysetool) фойдаланади, у бир неча даъво файлларини таҳлил қилиб, даъво аризалари ва асосли важларни ҳисобга

олган ҳолда суд ишларининг натижаларини юқори аниқлик билан башорат қилиш имконини беради. Суғурта компаниялари харажатларининг 70 фоизигача зарарларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, айнан шу соҳани автоматлаштирилиши маблағларни иқтисод қилиш учун катта имкониятларга эга ҳисобланади.

McKinsey (2018) жаҳон амалиёти бугунги кунда суғурта ҳодисалари ва даъволарини рақамли каналлар ёрдамида ҳал қилиш масаласига катта эътибор берилмоқда. McKinsey & Co экспертларининг фикрича, ушбу соҳада рақамли технологияларни жорий этиш мижозларга хизмат кўрсатиш сифатидан қониқишини 20-30 фоизга ошириши ва даъволарни қоплаш харажатларини 25-30 фоизга камайтириш мумкин.

Ю.А.Сплетухов (2020) инновацияларни суғурта соҳасида қўллашда қўйидагиларни таъкидлайди, дунёнинг етакчи суғурта компанияларида даъволарни ҳал қилиш жараёни мижознинг end-to-end customer journey (даъволарни тўғридан-тўғри ҳал қилиш) бўйича қўрилган. Шу билан бирга у қўйидаги таркибий қисмлардан ташкил топади:

– рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда йўқотишларни (маслан суғурта фирибгарлиги) олидини олиш;

– суғурта ҳодисаси тўғрисида бирламчи хабарномани рақамлаштириш (месенжерлар, мобил иловалар, суғурта компанияларининг расмий veb-сайтидан фойдаланган ҳолда);

– суғурта ҳодисалари юзага келганлиги тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш жараёнини автоматлаштириш;

– рақамли жараёнлар ва алгоритмлар ёрдамида зарар миқдорларини баҳолаш;

– суғурта тўловларини жараёнини рақамлаштириш.

С.В.Аксютина (2020) суғурта бозорининг кейинги трансформацияси кўпроқ даражада суғурта маҳсулотларини сотиб олиш ва суғурта даъволарини ҳал қилиш бўйича шахсийлаштирилган таклифларни тақдим этишга қаратилган рақамли хизматларни фаоллаштириш билан боғлиқ бўлади, бунда блокчейн технологиялари (blockchain), Big Data “катта рақамлар”, интернет нарсалари ва TELE технологиялардан кенг фойдаланилади.

## 3. Тадқиқот методологияси.

Тадқиқот жараёнида суғурта соҳасига янги замонавий технологияларни жорий этиш имкониятлари, уларни ривожлантиришнинг назарий, амалий асослари ва илмий адабиётлар ўрганилди, мавзуга оид эмперик тадқиқотларга таянган ҳолда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув усулларидан кенг фойдаланилди.

## 4. Таҳлил ва натижалар.

Суғурта соҳаси рақамли иқтисодиёт шароитида туб ўзгаришларни бошидан кечирмоқда. Мижозлар рақамли технологиялар каналларидан фойдаланган ҳолда автомобилларни ёқиб учириш, ақлли уйлар ва сунъий интелект каби технологиялардан фойлананиши оқибатида маълумотлар ва таҳлилларга асосланган маҳсулотлар даврини бошлаб берди. Суғурта компаниялари суғурта полисларини сотиш ёки даъво аризаларини кўриб чиқиш учун мижозларга қулай, тез ва содда бўлиши учун чат-ботлар каби рақамли иловалардан фойдаланишни жорий этишмоқда, масалан: АҚШда “Lemonade”, Лотин Америкасида “Youse” ёки Европадаги “Nexible” шулар жумласидандир. Бундай ёндашув анъанавий методлардан фойдаланиладиган суғурта компанияларига қараганда анча қулайдир.

Суғурта компаниялари рақамли технологиялари ўз фаолиятига жорий этиш учун доимий равишда тезкор ҳаракатларни амалга ошириши керак бўлади. Умумий

суғурта соҳасида суғурта операцияларини амалга оширишда даъволарни кўриб чиқиш жараёнларини автоматлаштириш катта салоҳиятга ва суғурта компаниялари олдида кенг имкониятларни очиб бермоқда. Рақамлаштириш имкониятларини тўғри баҳолашда умумий суғурта соҳасида даъволарни ҳал қилишда мижозларга йўналтирилган рақамли компанияга айлантириш керак бўлади. У ўз навбатида даъволарни учта асосий йўналиш бўйича яхшилашга: мижозларга сифатли хизмат кўрсатиш, самарадорлик ва натижадорликни яхшилашга имкон беради. Даъво ишларини рақамлаштиришдан асосий мақсад юқоридаги учта асосий йўналиш бўйича иш фаолиятини сезиларли даражада яхшилашга ва мос равишда ҳар томонлама фойда келтириши мумкин.

Даъволарни рақамли қайта ишлаш мижозларга йўналтирилган хизмат кўрсатишни доимий равишда эътиборда бўлишини таъминлаб туради. Суғурта компаниялари мижозларга йўналтирилган фаолиятини ўзининг асосий мақсадига айлантириши ва улар оқибатида келиб чиқадиган иқтисодий муносабатларни тўғри баҳолаб бориши керак бўлади. Натижали таъсир қилиш учун суғурта компанияларининг даъволарни кўриб чиқиш бўлимлари биринчи навбатда иш жараёнларини рақамлаштиришни таклиф қилиши ва ўрта истиқболда уларни ривожлантириб бориши муҳим аҳамият касб этади. Қўйида биз суғуртада даъво ишларни тўғри ташкил этиш, рақамлаштириш жараёнини жорий этиш ва бошқариш учун зарур бўлган асосий ташкил этувчи омилларни таҳлил қиламиз.

*Даъво ишларини самарали рақамлаштириш омиллари.* Даъво ишларини муваффаққиятли рақамли трансформацияси юқори даражадаги мажбуриятни ва мижознинг даъво сифатини охиригача рақамлаштиришни белгиловчи янги самарали, фойдали таклифини ишлаб чиқишдан бошланади. Мижозга қаратилган инновацион йўлни танлаш учта асосий йўналиш орқали эришиш мумкин, булар сунъий интелект ва рақамли технологиялар, суғуртада даъволарни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш экотизимининг рақамли интегацияси ҳамда тубдан янгиланган рақамли бизнес жараён модели орқали эришиш мумкин. Буларнинг ҳаммаси биргаликда башқарув талабларидан келиб чиққан ҳолда даъво ишларини яхшилаш борасида стратегия ишлаб чиқишда ва унинг бажарилишида самарали воситаларни қўллаш имкониятини беради.

*Талаблар асосида янги рақамли технологиялар таклифи.* Рақамли технологиялар шароитида даъволарни самарали ва тез ҳал қилиш имконияти, яъни суғурта компанияси суғурталанувчиларга даъволарни бошқариш жараёнида мумкин бўлган анъанавий усуллардан тубдан фарқ қилувчи воситалар орқали тақдим этишини назарда тутади. Бунда асосий эътибор мижозларга янги шахсийлаштирилган таклифларни тақдим этишдан иборат. Бунда суғурта компаниялари даъволарни кўриб чиқишда соддароқ, тезроқ ва ўз вақтида асослантирилган оддий таҳлилларни ўз ичига олган жараёнларни автоматлаштиришни асосий мақсад қилиш керак бўлади. Бунга мисол тариқасида Lemonade рақамли илова бир неча сонияда рақамлашган даъво тўловларини амалга оширишга ихтисослашган платформа яратиш устида иш олиб бормоқда. Йўқотишлар тўғрисидаги бирламчи хабар бериш тизими бу суғурта ҳодисаси (бахтсиз ҳодиса) содир бўлгандан кейин шартнома шартлари асосида белгиланган талаблар асосида суғурта компаниясига тақдим этиладиган биринчи даъво ҳисобланади. Одатда бу суғурта шартномаси тузилгандан кейин суғурта маҳсулотининг ҳаёт жараёнларининг биринчи хабари тариқасида ҳам талқин этилиши мумкин бўлади. Бирламчи хабар бериш одатда бирон бир расмий даъво беришдан олдин бериладиган хабардир.

Суғурта компаниялари даъволарнинг тез, сифатли ва тўғри ҳал қилинишида мижозлар билан фаол ишлаш жараёнларини олиб боришлари керак, мижозларга

шартноманинг жозибадор томонларини кўрсатиш, уларни мижозлар талаблари асосида доимий равишда такомиллаштириб боришлари керак бўлади ва бунда мижозлар учун қўлайликларни яратиш муҳим мақсад бўлиб қолиши керак.

Бундай янги маҳсулотлар таклифи компания бўйлаб амалга оширилишида жараёнларнинг рақамли трансформацияси муҳим аҳамият касб этади ва бу жараён ҳозирги кунгача ҳам кўплаб компаниялар томонидан етарлича баҳоланмаган.

*Мижоз даъволари учун янги рақамлаштирган жараёнларни тақдим этиш.* Даъволарни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш жараёнларини рақамлаштиришдан асосий мақсад мижозлар дуч келадиган жараёнларни соддалиги ва уларнинг аниқлиги туриши керак. Мижозларда суғурта хизматларидан қониқиш одатда суғурта даъволари натижасида тўланадиган суғурта қопламаларида намоён бўлади. Бунда эса бэк-офисларнинг роли катта бўлади, шу сабабли суғурта компаниясининг барча бизнес жараёнлари ўртасида ўзаро самарали алоқалар бўлиши муҳим аҳамият касб этади.

Суғурта компаниялари чинакам замонавий ва инқилобий ғояларни амалга ошириш учун ҳамма нарсанинг иложи бор деган фикрлашдан бошлашлари керак бўлади. Суғуртадан қониқишни ташкил этишда доимий равишда ўтказиладиган сўровлар натижаси муҳим аҳамият касб этади, бунда мижозлар даъволарнинг қай жараёнда эканлиги уларни ҳал қилиниши жараёнларининг шаффофлиги, кейинги босқичларнинг рақамлаштирилганлиги муҳим ҳисобланади. Бунда рақамлаштириш жараёнлари барча операцион жараёнларни қамраб олиш керак, яъни рақамлаштириш нафақат бир жараённинг балки суғурта маҳсулотининг бутун ҳаётий жараёнларини қамраб олиши керак бўлади. Испанияда жойлашган “Adesla”s кўп каналли платформа орқали йўқотишлар бўйича бирламчи хабар бериш, автоматик даъво сегментацияси ва рақамли даъволар ҳолатини кўзатиш каби хусусиятларни амалга ошириш орқали даъво жараёнлари сифатини охиригача рақамлаштиришни якунлаш устида ишларни олиб бормоқда.

Рақамли технологиялар қандай қилиб даъволарнинг нафлилик қийматининг ошиши ва мижознинг даъволар бўйича бошидан ва охиригача бўлган жараёнларни яхшилаш мақсадида компания менежерлари даъво жараёнларини бошидан охиригача бўлган жараёнларни қайта кўриб чиқишлари ва шу асосда истиқболли жараёнларни киритишлари керак бўлади.

*Суғурта хизматларини соддалаштириш*. Мижозлар оддий, содда ва тез қоплаб бериладиган суғурта маҳсулотларини хўш кўришади ва бу жараёнларнинг максимал рақамлашганлиги уларда бунга нисбатан эҳтиёж шакллантиради. Аммо даъволарни кўриб чиқишдаги кўплаб истиснолар, тақдим этиладиган хужжатларнинг кўплиги бу жараёнларни рақамлаштиришда кўплаб тўсиқларни келтириб чиқаришлари мумкин. Турли қоплаб бериш усулларига эга бўлган суғурта маҳсулотлари ҳам технологик ўзгаришларни амалга ошириш ва соддалаштириш жараёнларни қийинлаштиради. Мижозларга хизмат кўрсатувчи бўлимлар, операторлар мижозларга тўлиқ рақамли хизматларни тақдим этишда суғурта маҳсулотларини соддалаштириши ва маҳсулот авлодлари сонини камайтиш чораларини излаши керак бўлади.

*Мижозлар ва воситачилар учун ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш моддуллари*. Суғурта компаниялари оддий ва содда операцияларни бажаришни мижозлар ва суғурта воситачиларининг ўзларига ўтказиш имкониятларига эга. Йўқотишлар бўйича бирламчи хабарлар бўйича мижоз ва воситачилар ўзлари маълумотларни шакллантиришлари ва жойлаштиришлари, баҳоловчилар билан онлайн учрашувлар, тез-тез ва кўплаб бериладиган саволларга жавобларга чат-ботларини, зарарларни баҳолаш инструментларини шакллантириш, умуман олганда мижоз ва воситачиларга керак бўлган ёрдамни яратишлари керак бўлади. Бундан ташқари,

маълумотларни қабул қилиш ва узатиш каналларининг узлуксиз ишлаши муҳим аҳамият касб этади ва рақамлашган жараёнларда буларнинг ўрни беқиёсдир.

Йўқотишларни бирламчи хабаридан сўнг даъволарни кўриб чиқиш жараёни давомида суғурта компаниялари ходимлари одатда мижозлар билан даъво бўйича учрашувларни белгилаш ёки зарарларни тўғридан-тўғри таъмирлаш дастурлари ҳақида маълумотлар бериш бўйича қарорлар қабул қилишади. Суғурта маҳсулоти ҳаётий циклини рақамлаштириш уни мижозлар учун жозибадоригини оширишда муҳим саналади. Сунъий интелект ёрдамида рақамли баҳолаш автоматик равишда маълум бир мижознинг даъвосини кўриб чиқиш ва уни ҳал қилишнинг оптимал алгоритмини ишлаб чиқиши имконини беради. Бу ўз набатида мижознинг аризасини кўриб чиқишни бир неча баробарга тезлаштиради.

*Фронт ва бэк-офис жараёнларини рақамлаштириш*. Даъво аризаларни кўриб чиқувчи ва ҳал қилувчи ходимлар кўплаб иш жараёнларини қўлда бажарадилар, бунинг натижасида айрим натижаларда турли хил оғишлар кўзатилиб турилади. Инновацион воситалар бу жараёнларни рақамлаштириши қўлда бажариладиган жараёнларни соддалаштириши ва тизимлаштириши мумкин. Масалан, умумий суғурта тармоғида суғурталанган суғурта объектига етказилган зарарни баҳолашда компьютер дастурлари ва алгоритмлари орқали зарарни баҳолашни тезлаштириши ва адолатли баҳолашга ёрдам бериши мумкин, бу баъзи ҳолларда зарарларнинг қоплаб бериш бўйича даъво аризаларини ижобий ошириши мумкинлигини англатсада барбир амалга оширилиши муҳим саналади. Тизимлаштирилган ҳисоботлар ва ҳисоблаш усуллари мижозларга даъво бўйича суғурта қопламаларини ҳисоблашнинг шаффофлигини таъминлайди ва мижозларда бу жараёнлар бўйича тўлиқ маълумотлар шаклланади ва шубҳаларга ўрин қолдирмайди. Бу ҳолат эса мижозларда суғурта маҳсулотлардан қониқишни оширади ва қайта ҳисоб-китоблар ва суд жараёнларисиз соддалашган жараёнда тўловларни амалга оширишга олиб келади.

*Мижозларга мулоқат қилишнинг инновацион усулларини тақдим этиш*. Мижозлар билан муносабатларга киришишнинг инновацион усулларини таклиф қилиш сунъий интеллект ва технологик платформаларни қўллаш, шунингдек, даъволарни ҳал қилиш тизимига бу соҳадига ҳамкорларни рақамли интеграциясини таъминлашни талаб қилади. Ушбу элементлар ва уларни ҳаётга тадбиқ этиш учун зарур бўлган рақамли операцион моделни чуқурроқ тушиниш компаниянинг даъво билан ишлаш ходимларига бизнес жараёнларни яхшилашга ёрдам беради.

Мижозлар билан рақамли муносабатлар нафақат даъволар билан ишловчи ходимлар томонидан анъанавий равишда қабул қилинадиган сунъий интелектга асосланган қарорларни автоматлаштиришни, балки реал вақт тизимида мижозлар билан муносабатларга киришни таъминловчи рақамли IT тизимни талаб қилади. Сунъий интелект мижозлар билан идеал тарзда ишлашсада, даъво тизимларини бошқаришнинг рақамлаштирилиши орқали эса мижозларга асосланган фаолият олиб боришда катта наф келтириши мумкин.

*Даъволарни ҳал қилиш тизимининг рақамли интеграцияси.* Даъволар юзага келган тақдирда, рақобатбордош устунлик ва мижозларга эгалик қилиш учун суғурта компаниялари мижозларнинг даъво аризалари жараёнларини, шу жумладан учунчи шахслар иштирокидаги даъволарни ҳам бошқаришлари талаб этилади. Масалан, Германия даъволарни бошқариш “Control €xpert” провайдери суғурта компаниялари ва таъмирлаш устахоналари, меҳмонхоналар, касалхоналар ва бошқа бозор иштирокчилари билан даъво аризаларни ҳал қилишдаги ҳисоб китобларни назорат қилиш ва тўғри ҳисобларни амалга оширилганлигини бошқариш учун рақамли интерациясини таъминламоқда. Тўлақонли интеграциялашган рақамли

тизимни тақдим этиш орқали суғурта компаниялари даъво юзага келганда мижозлар билан алоқа қилишнинг ягона хизмат кўрсатувчисига айланиши мумкин.

Бундай таклифларни самарали ташкил этиш ва хизмат кўрсатишнинг ягона тизимига айланиши учун суғурта компаниялари бозорнинг бошқа ўйинчилари билан ҳар қандай катталикдаги даъволарни ҳал қилиш тизимига рақамли интегарациясини таъминлашлари керак бўлади. Бундан ташқари, ягона рақамли тизим томонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик самарадорлигини сезиларли даражада ошириши ва мижозларнинг даъволарини кўриб чиқишни ва улар бўйича ҳолисона қарор чиқаришлари учун асос бўлади. Рақамли интеграциянинг бундай тури ҳозирда камдан-кам учрайди, бунда хизматни таклиф этувчилар ўз мижозлари учун мавжуд тизимларнинг энг яхши имкониятларидан фойдаланган ҳолда уларнинг тақдим этувчисига айланиши мумкин бўлади.

Бундай турдаги интеграциянинг мураккаблигини ҳисобга олган ҳолда, хизматни таклиф этувчи кўп сонли даъволарда иштирок этадиган ўйинчилар билан рақамли интерфейслардан фойдаланишга устувор аҳамият беришлари керак бўлади. Масалан умумий суғурта тармоғининг транспорт воситалари суғуртасида бу иштирокчиларга йўлларда техник ёрдам берадиган хизматлар, даъволарни баҳоловчилар ва таъмирлаш устахоналари тармоқлари, ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатувчи провайдерлар киради. Бунда суғурта компаниялари ўз фаолиятини нолдан бошлашлари керак эмас. Кўпгина суғурта бозорларида insurtech компаниялар рақамли интеграцияни бошқара бошладилар, масалан, автотаъмирлаш устахоналари рақамли интеграцияси орқали таъмирлаш харажатлари ҳисоб-китобларини онлайн кўринишда тақдим этишлари мумкин. Суғурта компаниялари даъволар тизимини янада рақамлаштириш ва интеграция қилиш учун мавжудлар билан ҳамкорликда ишлаш ёки улар билан интегарция масалаларини кўриб чиқишса бўлди.

*Рақамли давр учун янги операцион модел.* Муваффақиятли рақамли трансформация сунъий интелект, рақамли технологиялар ва даъво тизимларидан фойдаланган ҳолда мижознинг даъво аризасидан қониқиш унинг янги босқичга чиқишига замин яратади. Бундай тартибда иш олиб боришда даъволарни кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўлими компаниянинг маркетинг, сотув ва ахборотлаштириш каби бошқа бўлимлари билан ўзаро функционал алоқаларни кўчайтириши керак бўлади. Трансформация жараёнларини ҳаётга тадбиқ этиш учун янги кўникмаларни талаб этади, жумладан маълумотлар билан ишлаш бўйича мутахассислар, платформа ва провайдерлар тажрибаси, шунингдек бошқа рақамли компаниялар иш фаолияти тажрибаси ўрганилиши керак бўлади. Бундай ёндашув амалда тажрибани талаб қилади, уни амалга ошириш учун эса вақт ва қўйидаги усуллар билан амалга оширилади:

Ҳар бир мижоз ҳаракати жараёнини рақамлаштириш қисқа муддатли лойиҳалаштириш, режалаштириш босқичидан бошланиши керак. Идеал ҳолда эса режалаштириш маҳсулот сотишдан у бўйича келиб тушадиган даъвони ҳал қилишни қамраб олади ёки у бир суғурта маҳсулотининг ҳаётий циклини ўз ичига олиши керак бўлади. Бу жараён бевосита истеъмолчининг тилак ва истаклари, фикр-мулоҳазалари, ғоялари асосида ишлаб чиқарилади ва унинг бир бутун тизим бўлиб ишлаши учун замин яратади.

Муваффақиятли ўйинчилар тезда лойиҳадан прототип ишлаб чиқаришга ўтадилар. Бунда ҳаётий цикли қисқа бўлган маҳсулот яратилади ва такомиллаштириб борилади, шу асосда эса унинг прототипи яратилади ва тезда уни ишлаб чиқариш жараёни бошланади, бунга эса эгилувчан, мижозлар талабларига асосан ишлаб чиқариш усуллари орқали эришилади. Мижозларнинг дастлабки синовлари ва олинган фикр мулоҳазалари доимий равишда рақамли каналлар ва

ечимларни ишлаб чиқиш жараёнида инобатга олиб борилади, бу эса ривожланаётган рақамли даъволарни ҳал қилиш жараёнида мижозлар тажрибаси доимий равишда такомиллаштириб борилади ва бу кутилганидан ҳам яхши натижаларни келтириб чиқариши аниқ.

Ушбу янгиланаётган жараён муҳим янгиликларни англатиши мумкинлги сабабли, муваффақият компаниянинг барча бизнес жараёнларига рақамли ишлаш усулини чуқур интеграциялашувига боғлиқ бўлади. Масалан Allianz глобал рақамли платформани ўзининг халқаро операцияларида даъволарни кўриб чиқиш ечимларини ишлаб чиқиш каби рақамли лойиҳалар орқали ўзгаришларни амалга ошириш учун рақамли операторлар марказларини ишга туширди.

Даъволарни кўриб чиқиш функциясини тез ва қатьий равишда ўзгартирадиган суғурта компаниялари маълумотларни қайта ишлаш самарадорлиги ва аниқлигини оширган ҳолда мижозларнинг янги ва турли туман талабларини қондиришга қодир бўлиб борадилар.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Ўзбекистонда суғурта соҳасининг ривожланиши кўпроқ суғуртанинг туб иқтисодий моҳиятига таъсир қилмайдиган янги рақамли иқтисодий ва молиявий технологияларни жорий этишга боғлиқдир, буни олиб борган тадқиқотларимиз яққол кўрсатиб турибти. Суғурта фаолиятига рақамли технологияларни қўллаш қўйидаги ижобий ҳолатларга олиб келиши таъбиийдир, яъни:

– суғурта фаолияти самарадорлиги ва рентабеллиги ошади;
– ўзаро ва тижорат суғуртасининг интервенцияси амалга ошади (P2P-суғурта);
– суғурта муносабатларининг ижтимоийлашуви кучая боради;
– янги суғурта хизматлари ва маҳсулотлари пайдо бўлади;
– суғурта соҳасида меҳнат муносабатлари ўзгаради (суғурта воситачилари, компаниянинг қўйи ва ўрта буғин ходимларининг иш жараёнлари автоматлаштирилади).

Суғурта компанияларининг рақамли ва инновацион фаолияти суғурта бизнесининг мижозга йўналтирилган моделига ўтишини, суғурта бизнес жараёнларининг интеграциялашуви, янги маҳсулотларнинг жорий этилиши, суғурта маҳсулотларини тақдим этиш ва зарарларни қоплашда рақамли технологиялар ҳамда янги каналларни қўлланилиши назарда тутади.

**Адабиётлар:**

McKinsey (2018). Claims in the digital age: How insurers can get started. In: Digital insurance in 2018: Driving real impact with digital and analytics.

Аксютина С.В. (2020) Трансформация страхования: инновационные продукты и технологии // Экономика, предпринимательство и право. – 2020. – Том 10. – № 2. – С. 395-410. doi: 10.18334/epp.10.2.100463

Брызгалов Д.В. Цифровизация конкуренции на страховом рынке. Экономика и Управление. № 2/2018 122-128 стр.

Сплетухов Ю.А. (2020) Информационные технологии на российском страховом рынке: возможности развития // Финансовый журнал. Т. 12. № 1. С. 105–116. DOI: 10.31107/2075- 1990-2020-1-105-116.

Степанова М.Н. (2020) Инновации в страховании: основные мировые тенденции. Азимут научных исследований: экономика и управление. Т. 9. № 3(32) 340-344 стр.

Трофимова Я.В. (2018) Современные технологии минимизации потерь в цифровой экономике. Вестник УГНТУ. Наука, образование, экономика. Серия экономика. № 2 (24), 2018г.

Чжан Сыюань. (2020) Экология цифровизации: будущее страховой отрасли Китая. «ИННОВАЦИИ И ИНВЕСТИЦИИ». № 10. 2020 57-61 стр.

Щербакова Н.В., Ильиных Ю.М. (2019) Страхование в эпоху цифровых и интернет-технологий. Экономика. Профессия. Бизнес. №1 83-86 стр.

Цыганов А.А., Брызгалов Д.В. (2018) Цифровизация страхового рынка: задачи, проблемы и перспективы. ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИ. № 2/2018 111-120 стр.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ АСОСЛАРИ

***Абдурашидова Г.А.***
*Тошкент молия институти*

***Аннотация:*** *Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларининг иқтисодий моҳияти, ташкил этувчи кўрсаткичларини баҳолаш, таснифланиши борасидаги мавжуд муаммолар ҳамда унинг бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш йўналишлари ёритилган. Молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштиришнинг аҳамияти назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил қилинган, хусусан молиявий натижалар кўрсаткичларини тўғри шакллантириш ва унинг ахборот таъминоти функцияси таъсирини ошириш мақсадида ҳисоб турлари ўртасида фарқланиши кўрсатиб берилган. Мавзу доирасида олиб борилган тадқиқотлар натижасига асосланиб, молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *хўжалик юритувчи субъект, молиявий натижа, даромад, харажат, чиқим, сарф, фойда, молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби.*

***Аннотация:*** *В статье раскрывается экономическая сущность и значимость финансовых результатов хозяйствующих субъектов, существующие проблемы оценки и классификации показателей финансовых результатов, а также основные направления организации его бухгалтерского учета. Обоснована важность совершенствования бухгалтерского учета финансовых результатов, в частности, для этого обоснованы различия между видами учета с целью правильного формулирования показателей финансовой эффективности и повышения эффективности его функции информационного обеспечения. По результатам исследования, проведенного по теме, даны выводы и рекомендации по совершенствованию бухгалтерского учета финансовых результатов.*

***Ключевые слова:*** *хозяйствующий субъект, финансовый результат, доход, затраты, расходы, прибыль, бухгалтерский учет финансовых результатов.*

***Abstract:*** *The article describes the economic significance of the financial results of business entities, the existing problems in the assessment and classification of constituent indicators, as well as the direction of its accounting. The importance of improving financial performance accounting has been analyzed theoretically and practically, in particular the differences between types of accounts in order to properly formulate financial performance indicators and increase the impact of its information support function. Based on the results of research conducted on the topic, conclusions and recommendations for improving the accounting of financial results are given.*

***Key words:*** *business entity, financial result, income, costs, expenses, profit, accounting of financial results.*

**1. Кириш.**

Ривожланган давлатлар амалиётида хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларини шакллантириш, уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш ҳамда уларнинг ҳисоботини тузиш ҳар доим долзарб муаммолардан бири ҳисобланган.

Хорижий давлатларда хўжалик юритувчи субъектларда жорий молиявий ҳолатни билишдан кўра уларни кўпроқ келажакдаги кутилишлар қизиқтиради, яъни ҳар бир хўжалик юритувчи субъект ўтган ёки жорий даврда эришган натижалари билан эмас, балки келажакдаги ўзгаришлар орқали ўзининг молиявий имкониятлари билан барқарорлигини таъминлай олади. Ушу ҳолат йирик тадбиркорлик субъектлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий ҳисобот таҳлили ҳамда уни прогнозлаштиришни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири молиявий ҳисобот шаклларини халқаро стандартлар талаблари даражасида тузиш қоидаларининг жорий этилишидир. Бунда МҲХСларига ўтиш жараёнларининг жадаллашгани ҳамда миллий стандартларни уларга яна ҳам яқинлаштириш асосида ушбу муаммо қисман ўз ечимини топгандек кўринади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ 404-сонли 18-моддасида даромад ҳамда харажатларни тан олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: “Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъий назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади”.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида қатор давлатларда йирик компанияларнинг молиявий-иқтисодий инқирозга учраётгани туфайли замонавий шароитларда ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий оқимларини оптимал бошқаришни таъминлаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бу муҳим вазифани эса самарали тарзда ташкил қилинган молиявий оқимлар бошқарув ҳисобининг нафақат оператив-тактик, балки уни стратегик даражада ташкил қилмасдан амалга ошириб бўлмайди.

**2. Адабиётлар шарҳи**

Олиб борилган тадқиқотлар натижаси кўрсатадики, хўжалик юритувчи субъектларнинг морлиявий натижалари кўрсаткичлари бўйича иқтисодчи олимлар томонидан турли хил ёндашилади ва шунга мувофиқ тарзда унинг моҳияти ҳам турлича тақин қилинади (Авлоқулов А.З., 2019).

Хусусан, шу соҳадаги нуфузли олимлардан Я.В.Соколов ҳамда М.Л.Пятовлар (2007) “Молиявий натижа хўжалик юритувчи субъектнинг даромад ва харажатлари ўртасидаги фарқ ёки соф активларнинг ўсишидир” деб эътироф этишади.

“Молиявий натижалар – бу хўжалик юритувчи субъектнинг маълум хисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камйишидир. Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва зарарларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади” деб қайд қилишади бир гуруҳ миллий иқтисодчи олимларимиз (Авлоқулов А.З., 2019).

Ушбу фикр-мулоҳазаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда таъкидлаш жоизки ана шу эътироф этилаётган молиявий ҳамда номолиявий ахборотларнинг асосини даромад, харажат, соф тушум, ялпи фойда ҳамда соф фойда каби тушунчалар ҳамда улар билан боғлиқ маълумотлар ташкил қилади. Иқтисодий адабиёт ва

монографияларда даромад, харажат, соф тушум, ялпи фойда ҳамда соф фойда каби тушунчаларнинг иқтисодий моҳияти атрофлича талқин қилинган.

Иқтисодчи олимлардан Н.П.Любушин, В.Б.Лещева, В.Г.Дьяковалар (2004) фойда ҳамда даромадни ифодаловчи кўрсаткичларни қуйидагича эътироф этишган: 1) маҳсулотни сотишдан соф даромад; 2) маҳсулотни сотишдан ялпи фойда; 3) асосий фаолиятдан фойда; 4) молиявий фаолиятдан фойда; 5) умумхўжалик фойдаси; 6) экстраординар фойда; 7) солиқ тўлагунга қадар фойда; 8) соф фойда.

Шу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борган А.Авлоқулов (2019) ўз илмий изланишлари натижаларига асосланиб молиявий натижаларни ифодаловчи харажат кўрсаткичларидан "чиқим", "сарф" ва "харажат" категориялари ўртасидаги услубий ҳамда методологик фарқларни кўрсатиб берган.

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан А.Х.Пардаев (2019;2020) таъкидлаганидек: "…таклиф қилинаётган бошқарув қарорларининг у ёки бу вариантини танлашда унинг молиявий жиҳати ҳал қилувчи ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, молиявий менежментнинг аҳамияти, унинг хўжалик юритувчи субъект бошқаруви жараёни қуйи тизими сифатидаги роли хўжалик фаолиятидаги молиявий жараёнларни мувофиқлаштирувчи эканлиги билан белгиланади".

Лекин, шу ўринда алоҳида эътироф этиш керакки, нафақат иқтисодий ҳамда молиявий кўрсаткичларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш борасида, балким ана шу кўрсаткичларнинг иқтисодий моҳиятини белгилашда ҳам ҳозирги кунгача қатор ноаниқликлар ва мулоҳазали масалалар мавжуд. Хусусан, нафақат амалиётчилар, ҳаттоки назариячи олимлар ҳам шу борадиги молиявий кўрсаткичлар, аниқроғи муҳим иқтисодий категориялар, яъни "даромад", энг асосийси "харажат", "сарф", "чиқим"ларнинг моҳияти ҳамда уларнинг ўзаро ўхшашлик ва фарқли томонларини аниқ белгилаб бера олмаганлар. Шунга мувофиқ тарзда хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ҳамда юритишнинг асосий услубий ва ташкилий масалалари ҳам ўзининг ижобий ечимини кутиб турган муҳим йўналишлардир (А.Ҳ.Пардаев, З.А.Пардаева 2019; Пардаева Ш.А, 2021).

## 3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада илмий тадқиқот жараёнида молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби борасидаги иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, жараённи кузатиш, молиявий натижаларнинг таркибий тузулишини ўрганиш асосида ижтимоий ва иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилиш, муаллиф тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил олиб бориш орқали тадқиқот натижаларига асосланиб, хулоса ва таклифлар берилган.

## 4. Таҳлил ва натижалар.

Мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш, хорижий инвесторларни жалб қилиш, экспорт салоҳиятини ошириш каби устувор вазифаларни бутун ҳисоб тизимидаги бўлгани каби, хусусан унинг молиявий натижаларининг самарали ташкил қилишдаги истиқболли йўналиши, яъни стратегик бошқарув ҳисобисиз амалга ошириб бўлмайди. Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий тармоқларда фаолият юритувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти давомида стратегик бошқарув ҳисобини самарали ва тўғри ташкил қилиш муҳим ҳисобланади. Ушбу ўринда стратегик бошқарув ҳисобини бошқа ҳисоб турлари, яъни молиявий ва бошқарув ҳисобларидан фарқли томонларини келтириб ўтиш жоиздир (1-жадвал). Чунки, иқтисодчи олимларимиз ҳисоб турлари, хусусан молиявий ҳисоб ва айниқса бошқарув ҳисоби ҳамда унинг алоҳида йўналиши бўлиб ҳисобланадиган стратегик бошқарув ҳисоби ўртасидаги фарқларни аниқ тасаввур эта олишмаяпди. Бу борада

шу йўналишда илмий тадқиқотлар олиб бораётган Ш.Пардаева (2021) томонидан таклиф этилган илмий тадқиқотлари натижасини эътирофга молик, деб ҳисоблаймиз.

**1-жадвал**

**Ҳисоб турлари ўртасидаги фарқ (Пардаева Ш.А., 2021)**

| Баҳолаш меъзонлари | Ҳисоб турлари | | |
|---|---|---|---|
| | *Молиявий ҳисоб* | *Бошқарув ҳисоби* | *Стратегик бошқарув ҳисоби* |
| *Мақсади* | Хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволини баҳолаш мақсадида керакли маълумотларни шакллантириш | Маълумотларни тезкор ва жорий бошқарув қарорлари қабул қилиш учун шакллантириб бериш | Маълумотларни стратегик қарорлар қабул қилиш учун шакллантириб бериш |
| *Маълумотлардан фойдаланувчилар* | Ташқи ва ички фойдаланувчилар | Юқори ва ўрта звено менежерлари | Мулк эгалари ва юқори звено менежерлари |
| *Ҳисоб объекти* | Хўжалик маблағлари ва уларнинг ташкил топиш манбалари | Харажатлар ва молиявий натижалар | Стратегик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган активлар, натижалар ва ресурслар миқдори |
| *Маълумот тури* | Бирламчи ҳужжатларга асосланади | Таҳлилий ва истиқбол кўрсаткичларига асосланади | Таҳлилий, шунингдек, истиқболлик ва башоратловчи характерга эга ташқи муҳит кўрсаткичлари |
| *Ҳисобот тақдим этиш даврийлиги бўйича* | Ҳар бир ҳисобот даври учун тузилади | Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ёки маъмурият томонидан белгиланиб, мунтазам ҳисобланмайди | Хўжалик юритувчи субъект бошқаруви ва мулк эгалари томонидан белгиланади |
| *Релевантлик даражаси* | Корхона даражасида ҳисобланиб, қисқа муддатли ҳисобланади *(норелевант)* | Ишлаб чиқариш дастури ва алоҳида олинган бўлимлар доирасида бўлиб, қисқа ва ўрта муддатли ҳисобланади *(релевантли)* | Ички ва ташқи муҳит омиллари ўзгариши башоратига асосланган ҳамда узоқ муддатли ҳисобланади *(юқори релевант ва башоратли)* |

Юқоридаги жадвал маълумотларига асосланиб, ҳисоб турлари орасидаги фарқни қуйидаги асосий методологик ёндашув орқали кузатиш мумкин (А.Ҳ.Пардаев, З.А.Пардаева 2019; Пардаева Ш.А, 2021):

- Молиявий, бошқарув ва стратегик ҳисобларнинг ҳар бири бошқарув қарорини қабул қилиш даражаси ва шаклига қараб мўлжалланади;

- Олинган маълумотларни релевантли деб ҳисоблашда ҳар бир ҳисоб турида фақатгина ўзига хос бўлган мезонлардан фойдаланилади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларининг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритиш жуда кўп жиҳатдан уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш мақсадида фойдаланиладиган кўрсаткичлар мажмуасини молиявий ҳамда номолиявий блокларга ажратиш ҳамда кўрсаткичлар мажмуаси блокларининг амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект истиқболда молиявий натижалари кўрсаткичлари бўйича мақсадли параметрларга эришишлари учун албатта, стратегик салоҳиятига бевосита таъсир қиладиган номолиявий кўрсаткичлар блокларин ҳам шакллантиришлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоьби, таҳли ҳамда назорат тизимини ташкил қилишлари зарур (Пардаева Ш.А., 2021).

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритишнинг яна бир муҳим омили, юқорида алоҳида таъкидлаганимиздек, харажатлар ҳисобининг қай даражада ташкил этилганлигига боғлиқ. Харажатлар ҳисобининг ўз вақтида ва тўғри олиб борилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий фаолияти юзасидан мақбул қарорларни қабул қилинишига асос бўлади. Биринчи навбатда, харажатларни ҳисобга олишда муҳим ҳисобланган бир қанча тушунчаларга тўхталиб ўтиш лозим:

Бир қатор иқтисодий адабиётларда харажатлар белги ва кўрсаткичлари бўйича туркумланади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг маҳсулот (иш ва хизматлар) ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган харажатларни қуйидагича таснифлаш мумкин (А.Ҳ.Пардаев, З.А.Пардаева 2019; Пардаева Ш.А, 2021):

1. Ишлаб чиқариш давомидаги тутган иқтисодий роли бўйича:
- *асосий;*
- *иккиламчи.*
2. Маҳсулот таннархига киритилиши бўйича:
- *тўғри (бевосита);*
- *эгри (билвосита).*
3. Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича:
- *ўзгарувчан;*
- *доимий.*

Ҳозирги вақтгача иқтисодчи олимлар томонидан эътироф этилган харажатларнинг классификацияси ичида стратегик бошқарув ҳисоби учун алоҳида ўринни ўзгарувчан ва доимий харажатлар эгаллайди. Ўзгарувчан харажатларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин (А.Ҳ.Пардаев, З.А.Пардаева 2019; Пардаева Ш.А, 2021):

1. Маҳсулот таннархига кирувчи: тўғри моддий харажатлар (хом-ашё, материаллар); тўғри меҳнат харажатлари (иш ҳақи, иш ҳақидан ажратмалар); баъзи умумишлаб чиқариш харажатлари (ёқилғи-мойлаш, электр энергия харажатлари ва ш.к.).

2. Давр харажатларига кирувчи: маҳсулот реализацияси (тижорат) билан боғлиқ баъзи харажатлар (маҳсулотни ўраш, жойлаш, юклаш); маъмурий-бошқарув харажатларининг айримлари.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш барча фойдаланувчилар учун муҳим ҳисобланишидан келиб чиқиладиган бўлса, айнан унинг шаклланишидаги мавжуд назарий ёндошувлар моҳиятини ҳам талқин қилиш ва уларнинг моҳиятини билиш керак бўлади, деб ҳисоблаймиз. Маҳаллий иқтисодчи олимларимиз дунё амалиётида шу йўналишда 3 та назария мавжудлигини эътироф этишади: статик, динамик ва органик.

Статик назариянинг моҳияти – хўжалик юритувчи субъектнинг мулк қийматини ва молиявий мустақиллик коэффициентини аниқлаш ҳисобланади. Динамик назария моҳияти эса, рентабеллик кўрсаткичларни ҳисобга олиш ва уларнинг ўзгариш тенденциясини динимик ривожланишда кузатишга асосланади. Мана шу икки назариянинг амалиётга татбиқ этилишида вужудга келадиган зиддиятларни бартараф этиш мақсадида органик баланс назариясидан фойдаланилади. Эътироф этиш мумкинки, айнан мана шу органик баланс назарияси олдинги қайд этилган иккита назария, яъни статик ва динамик назариялар талабларини уйғунлаштирган. Сабаби, мана шу органик назарияда маълумотлар ва ахборот тизими ҳам ички, ҳам ташқи фойдаланувчиларга мўлжаллангандир. Уйғунлашган назария деб эътироф этилишининг яна бир асосий сабаби – хўжалик юритувчи субъектнинг ҳам молиявий натижаларини, ҳам мулкий ҳолатини бир авқтнинг ўзида баҳолаш имкониятини беради. Ана шу баланс назарияларининг молиявий натижалар ҳисобидаг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, уларнинг фарқли ва ҳисобга олиниши керак бўлган жиҳатларини алоҳида изоҳлашни, мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик (2-жадвал):

**2-жадвал**

**Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишдаги баланс назарияларининг моҳияти ва қиёсий таҳлили (Авлоқулов А.З., 2019)**

| ***Мезон*** | ***Баланс назарияси ва уларнинг номланиши*** | | |
|---|---|---|---|
| | ***Статик*** | ***Динамик*** | ***Органик*** |
| *Ҳисоблаш мақсади* | Тўловга лаёқатлилик, молиявий барқарорликни аниқлаш | Рентабелликни аниқлаш | Молиявий натижаларни аниқлаш ва мулкий ҳолатни баҳолаш |
| *Фойдаланувчилар манфаати* | Кредиторлар ва инвесторлар манфаатини ҳимоя қилиш | Мулкдорлар манфаатини ҳимоя қилиш | Ҳам ташқи, ҳам ички фойдаланувчилар манфаатини ҳимоя қилиш |
| *Ҳисоблаш элементлари* | Актив, капитал, мажбурият | Даромад, харажат, фойда | Актив, капитал, мажбурият, даромад, харажат, фойда |
| *Элементларни баҳолаш* | Муайян вақтда инвентаризация ўтказиш натижасида асосий элементларни баҳолаш | Таннарх бўйича асосий элементларни баҳолаш | Жорий қиймат бўйича баҳолаш |

Органик баланс назарияси статик ва динамик назария ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган тафовут, келишмовчиликлар, яъни оддийроқ ифода этиладиган бўлса, қарама-қаршиликни бартараф этиш ҳамда хисоботдан фойдаланувчиларга хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг реал ҳолати тўғрисида объектив маълумотларни тақдим этиш каби муҳим вазифани бажаради. Хусусан: хўжалик юритувчи субъектнинг тўловга лаёқатлилигини, молиявий барқарорлигини аниқлайди; рентабеллик билан боғлиқ бўлган жуда муҳим кўрсаткичларни аниқлаш имконини беради; молиявий натижаларни аниқлаш ва мулкий ҳолатни баҳолаш имкониятини яратади; мулкдорлар, кредиторлар ва инвесторлар манфаатини ҳимоя қилади; активлар, капитал, мажбурият, даромад, харажат, фойда кўрсаткичларини баҳолаш ва аниқлаш имкониятини яратади.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Ривожланган давлатлар амалиётида компанияларнинг молиявий натижаларнинг бухгалтерия ҳисоби, хусусан унинг янга истиқболли йўналиши саналадиган стратегик бошқарув ҳисоби стратегик менежмент ҳамда ҳисоб-таҳлил амалиёти давомида шаклланган ва ривожланмоқда. Шунга кўра, стратегик бошқарув ҳисобини корхоналарда самарали ташкил қилиш ҳамда юритишда қуйидаги асосий тамойиллар бўйича ташкил қилиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади: хўжалик юритувчи субъект стратегиясини кўра билиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг илмий-таҳлилий тамойили; хўжалик юритувчи субъектлар ривожланишига таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни ҳисобга олиш тамойиллари; молиявий натижалар бўйича бошқарув стратегияси ва тактикасининг уйғунлиги; молиявий натижалар бўйича хўжалик юритувчи субъект стратегиясининг аниқлиги. Қайд этилган тамойилларни хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий натижаларининг бухгалтерия ҳисобини ташкил қиилшга жорий этиш энг аввало харажатларни таснифлаш асосида амалга оширилиши керак бўлади.

Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий натижаларининг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритиш жуда кўп жиҳатдан уни ифодаловчи кўрсаткичлар тизимини шакллантириш ҳамда ҳисобга олишга боғлиқдир. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш ва юритиш мақсадида фойдаланиладиган кўрсаткичлар мажмуасини молиявий ҳамда номолиявий блокларга ажратиш ҳамда кўрсаткичлар мажмуаси блокларининг амалиётда ишлаш механизмини шакллантириш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъект истиқболда молиявий натижалари кўрсаткичлари бўйича мақсадли параметрларга эришишлари учун албатта, стратегик салоҳиятига бевосита таъсир қиладиган номолиявий кўрсаткичлар блокларин ҳам шакллантиришлари ва уларнинг бухгалтерия ҳисоьби, таҳли ҳамда назорат тизимини ташкил қилишлари зарур.

Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижалар тўғрисидаги ахборотларни шакллантириш барча фойдаланувчилар учун муҳим эканлигини ҳисобга олган ҳолда, айнан унинг шаклланишини дунё амалиётида шу йўналишда мавжуд бўлган 3 та назария, яъни статик, динамик ва органик баланс назариялари асосида ташкил қилиш самарали ҳисобланади.

**Адабиётлар:**

Abdinabi Kh. Pardaev, Umidjon U. Kostaev. (2020) The improvement of organizing strategic management accounting, Journal of Critical Reviews, 7(18), с. 718-721, ISSN-2394-5125 vol. 7, ISSUE 18,

Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. (2019) Boshqaruv hisobi: Darslik /T.: “Iqtisod-Moliya”, 556 b.

Pardaev Abdunabi Halikovich, Pardaeva Zulfizar Alimovna (2019) Management accounting in conditions of modernization of the economy. //international journal on economics, finance and sustainable development, p.15-18, E-mail address: info@researchparks.org Peer review under responsibility of Emil Kaburuan. ISSN (electronic): 2620-6269/ ISSN (printed): 2615-4021 . Hosting by Research Parks All rights reserved.

Авлоқулов А.З. (2019) Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. /Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. –Тошкент, 71 б.

Любушин Н.П., Лещева В.Б., Дьякова В.Г. (2004) Анализ финансово-экономической деятельности предприятия: Учеб. пособие для вузов / Под ред. проф. Н.П.Любушина. - М.: ЮНИТИ-ДАНА, С 47.

Пардаева Ш.А. (2021) Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий натижаларнинг стратегик бошқарув ҳисобини такомиллаштириш. –Тошкент, “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали, №3.

Соколов Я.В., Пятов М.Л. (2007) Результат как цель бухгалтерского учета / «Бухгалтерский учет». №21. – с.56-59.

Қонун (2016) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелда қабул қилинган “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” (янги таҳрири) ги ЎРҚ 404-сон.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ОФФШОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ: ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР

***PhD, доцент Вохидова М.Х.***
*Тошкент давлат шарқшунослик университети*

***Аннотация.*** *Ушбу илмий мақолада оффшорлар ва уларнинг турлари, ижобий ва салбий жиҳатлари тадқиқ этилган. Шунингдек, оффшор зонасининг жозибадор хусусиятлари сифатида норезидентларни рўйхатдан ўтказиш жараёни соддалаштирилганлиги, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари паст бўлган ҳолларда норезидент томонидан тўланиши, оффшор компаниялар фаолиятининг махфийлиги кафолатланганлиги, улар давлат назоратдан озод қилинганлиги келтирилган.*

***Калит сўзлар:*** *оффшор зоналар, Андора, Аруба, Барбадос, Мальта, Монако, Бруней, Сингапур, солиқ имтиёзлари, солиқ гаванналари, молиявий жиноят.*

***Abstract.*** *This scientific article explores offshores and their types, pros and cons. Also, as attractive features of the offshore zone, it is mentioned that the process of registration of non-residents is simplified, in cases where the personal income tax rates are low, they are paid by non-residents, the confidentiality of the activities of offshore companies is guaranteed, and they are exempted from state control.*

***Keywords:*** *offshore zones, Andorra, Aruba, Barbados, Malta, Monaco, Brunei, Singapore, tax incentives, tax havens, financial crime.*

***Аннотация.*** *В данной научной статье рассматриваются оффшоры и их виды, плюсы и минусы. Также в качестве привлекательных особенностей оффшорной зоны упоминается упрощенный процесс регистрации нерезидентов, в случаях, когда ставки НДФЛ низкие, их уплачивают нерезиденты, конфиденциальность деятельности оффшорным компаниям гарантируется, и они освобождаются от государственного контроля.*

***Ключевые слова:*** *оффшорные зоны, Андорра, Аруба, Барбадос, Мальта, Монако, Бруней, Сингапур, налоговые льготы, налоговые гавани, финансовые преступления.*

## 1. Кириш.

Ҳозирги босқичда халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши глобаллашув жараёнлари таъсирида содир бўлмоқда, бу, хусусан, жаҳон иқтисодий муносабатларига субъектлар сонининг кўпайиши, иқтисодий муносабатларнинг ўзаро таъсири интенсивлигининг ўсишида намоён бўлади. Глобаллашув ҳодисасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири асосли равишда капиталнинг жаҳон ҳаракати ҳисобланади. Инсониятнинг бутун иқтисодий тарихи давомида капитал ҳаракати бирлаштирувчи ва халқаролаштирувчи рол ўйнади.

Оффшор - хорижий компаниялар учун бизнес учун махсус шарт-шароитларга эга мамлакат ёки ҳудуд. Улар орасида паст ёки нол солиқлар, корпоратив ҳисобот ва бошқарувнинг оддий қоидалари, бизнеснинг ҳақиқий эгаларини яшириш имконияти бор. Бугунги кунда жаҳон молия тизимининг асосий элементларидан бири турли оффшор компаниялар (ушбу соҳага ихтисослашган корпоратив бирликлар, банклар) ва оффшор режимлар (махсус ҳудудлар штатлар ва турли маъмурий-ҳудудий тузилмалар) кўринишидаги оффшор бизнесдир. Жаҳон иқтисодиётида оффшор компаниялар кўпинча жиноятларни молиявий жиноятларни амалга оширишдаги қулай ҳудудлар ҳисобланиб, жиноий пул ювиш, давлат коррупцияси, фирибгарлик операциялари ушбу ҳудудлар орқали амалга оширилади[1].

Жаҳонда 80 га яқин оффшор зоналар фаолият олиб боради. Улардан 12 таси Британия Виржиния ороллари да, 22 таси Луксембургда, 13 таси Гонконгда, 5 таси Нидерландияда жойлашган. Ушбу оффшорлар рўйхатига Андора, Аруба, Барбадос, Мальта, Монако, Бруней, Сингапур ва бошқаларни келтириш мумкин.

Оффшорларнинг жаҳон иқтисодиётида қўлланила бошлаганига 3 асрдан ошиб, замонавий кўринишдаги оффшорларнинг фаолиятига ярим асрдан кўпроқ бўлган бўлса ҳам, улар муҳокамалар марказида бўлган объектлардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан ҳам, ушбу илмий мақолада оффшорларнинг ўзига хос жиҳатлари, ижобий ва салбий жиҳатларини тадқиқ этамиз.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Замонавий иқтисод фанида оффшор бизнес халқаро иқтисодий муносабатлар ҳодисаси бўлиб, у ҳали етарлича ўрганилмаган ва шу билан бирга илмий ягона назария шакллантирилмаган мавзу ҳисобланади.

Капитал ҳаракатини байналмилаллаштириш жараёнининг бир қисми сифатида оффшор марказлар халқаро миқёсда капитал айланмасини тезлаштирадиган, жаҳон молиявий оқимларини оптималлаштиришга ҳисса қўшадиган узатиш бўғини вазифасини бажаради.

Кембридж луғатида келтирилишича, оффшор қирғоқдан узоқда ёки масофада жойлашаган ҳудуд бўлиб, бошқа мамлакат ҳудудидаги солиқ юрисдикцияси асосида фаолият олиб бориш имкони билан асосланади[2].

Адам Хейснинг келтиришича, оффшорлар рискни камайтириш воситаси бўлиб, тадбиркорликда харажатларни қисқартиришнинг энг самарали усулидир[3].

Юхан Чен Хеюн Линь (2022) барқарор ривожланиш шароитида яшил иқтисодиётни ривожланттиришда, шамол ва сув энергиясидан самарали фойдаланишда оффшорлар муҳим ўрин тутади. Хитойда ҳам шамол энаргиясидан фойдаланишни кенгайтириш мақсадида оффшор усулларини қўллаш тавсия этилади.

Даниэле Морганти, Пьетро де Джованни (2022) илмий тадқиқотларида 172 та Европа компанияси ўрганилиб, оффшорингни қўллаш орқали энергияни иқтисод қилиш, ишчи кучини ва молиявий ресурсларни тежаш мумкинлиги келтирилган.

Тору Кикучи, Нго Ван Лонг (2010) оффшорларни қўллаб-қувватлаш кераклигини айтиб, оффшорларнинг жозибадорлиги имтиёз ва преференциялар билан бирга транспорт ва алоқа инфратузилмаси ҳам таъсир қилишини ҳисоблаб беради.

Жозеф Стиглиц каби иқтисодчилар томонидан илгари сурилган мулоҳазаларга кўра, оффшор ҳудудларнинг мавжудлиги глобал муаммодир. Уларнинг жаҳон

[1] Офшоры — это вообще законно? — Meduza. Meduza. Дата обращения: 15 апреля 2016. Архивировано 24 апреля 2016 года.
[2] https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/offshore
[3] https://www.investopedia.com/terms/o/offshore.asp

хўжалигида фаолият олиб бориши иқтисодий жиноятлар кўпайишида муҳим омил эканлиги назарда тутилади.

Аммо давлатлар ҳамда олимларнинг оффшор ҳудудларни ёқламайдиган фикр ва мулоҳазалари ҳамда таклифларига қарамасдан, жаҳон хўжалигида ҳали-ҳануз бундай ҳудудлар фаолият олиб боради.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Ушбу илмий мақолада назарий тадқиқот усуллари билан биргаликда, оффшор ҳудудларнинг ижобий ва салбий ҳолатини тадқиқ этишда қиёсий таҳлил, анализ ва синтез усулларидан фойдаланилган.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Замонавий оффшор зоналарни 3 турга бўлиш мумкин: ҳашаматли, классик ва бошқалар. Ишбилармонлик учун энг жозибадор бўлиб, белгиланган ҳисобот ва солиқларни тўлашни таъминлайдиган ҳудудларни ҳашаматли ҳудудлар деб аташ мумкин. Классик зоналар бу ерда ҳисобот ўрнатилмаганлиги ва солиқлар тўланмаганлиги билан ажралиб туради. Жаҳон хўжалигидаги оффшор ҳудудларни 5 гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳга Кариб денгизи киради. Ушбу зонанинг асосий қулайликлари: сиз оддий операцияларни амалга оширишингиз мумкин, текшириш органлари томонидан назорат қилинмайди, ҳисобот ва солиққа тортилмайди. Бу ерда амалга оширилган барча операциялар тўлиқ махфийликка эга бўлиб, компанияларнинг эгаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш шарт эмас.

Иккинчи гуруҳга Гернси, Жерси ва Мейн каби баъзи ороллар киради. Бу ерда тадбиркорлик фаолияти ҳам худди шундай тарзда, ҳисобот ва солиқ тўламасдан амалга оширилиши мумкин. Компанияни рўйхатдан ўтказишда эгалари ҳақида маълум маълумотлар тақдим этилиши керак.

Учинчи гуруҳга Гибралтар ва Кипр киради, бу ерда маълум бир кичик солиқ тўловлари белгиланади. Ушбу ҳудудлардаги компаниялар фаолияти мажбурий аудитдан ўтказилади. Ушбу зонада бизнес очиш учун катта миқдордаги маблағ талаб этилса-да, бу зоналар нуфузли ҳисобланади ва ишбилармонлар орасида машҳурдир.

Тўртинчи гуруҳга Люксембург ва Швейцария киради. Бу ерда маълум шартларда имтиёзлар учун ишлатилиши мумкин бўлган баъзи солиқ юклари ҳам ўрнатилади. Ушбу оффшор зоналар МДҲ мамлакатлари ишбилармонлари орасида ҳам жуда машҳур.

Бешинчи гуруҳга баъзи Осиё мамлакатлари киради: Сингапур, Малайзия ва Гонконг. Ушбу зонада рўйхатдан ўтиш ва компания эгаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш ҳам талаб қилинади. Фирмаларнинг тадбиркорлик фаолияти мажбурий аудитдан ўтказилади. Малайзияда 3 фоиз солиқ бор, Гонконг ва Сингапурда эса солиқ мажбурияти йўқ[4].

[4] https://expert.ru/2017/03/6/offshornyie-zonyi-ih-preimuschestva-osnovnyie-nedostatki-i-otlichiya/




**1-расм. Оффшорларнинг устунликлари[5]**

Юқорида кўриб ўтганимиздек, аксарият олимлар оффшорларнинг қулайликлари ҳақида гапириб, барқарор ривожланиш шароитида яшил технологиялардан фойдаланиш учун қулай макон эканини келтиришади. Жумладан:

- Оффшорда паст ёки нол солиқлар. Шахсий молия ёки компаниянинг корпоратив ҳисоблари бўладими, активларингизни оффшорга олиб чиқишнинг энг муҳим ва машҳур сабабларидан бири бу оффшор жойларда солиқларнинг йўқлиги ёки камайтирилганлигидир. Улар паст солиқ юрисдикциялари деб ҳам юритилади. Бу харажатларни оптималлаштириш ва солиқ юкини камайтириш имконини беради. Аммо бу бир томондан, ҳуқуқий оптималлаштириш, бошқа томондан, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ҳам бўлади.

- Ҳали ҳам оффшорда нисбатан юқори даражадаги махфийлик мавжуд. Бизнинг глобал компанияларимиз ва бой одамларимиз оффшорни танлашининг яна бир муҳим сабаби махфийликдир. Улар активларни ҳимоя қилиш ва махфийлик тизимида қўлланилади. Кўпгина оффшор компанияларда директорлар ва бенефициарларнинг реестри мавжуд эмаслиги сабабли, шахсий маълумотлар, битимлар тўғрисидаги маълумотлар ва бошқаларни маълум даражада ҳимоя қилишга эришиш мумкин. 2013 йилда баъзи оффшор компанияларни йирик давлатлар босими остида ўз тамойилларини муросага келтиришга мажбур қилди. Аммо, шунга қарамай, оффшор компаниялар, трастлар, фондлар ва бошқа тузилмалардан фойдаланадиган схемалар ҳанузгача маълумотни сақлаш нуқтаи назаридан энг ишончлиларидан бири ҳисобланади.

- Оффшорда компанияларни рўйхатдан ўтказишнинг тезлиги ва осонлиги. Оффшорларда 1 кун ичида компания очиш ёки ёпиш мумкин.

- Исталган давлатда валюта ҳисобини очиш имконияти. Оффшорда компания яратганингиздан сўнг, бу ерда ҳисоб яратишингиз шарт эмас. Сизнинг ишчи ҳисобингиз дунёнинг исталган мамлакатида жойлашган бўлиши мумкин ва сиз ўзингиз танлаган валютада тўловларни қабул қилишингиз мумкин.

- Оффшор ҳисоботининг этишмаслиги. Корхонада муаммолар пайдо бўлишининг сабабларидан бири бухгалтерия бўлимидадир. Кўпгина оффшор

[5] https://internationalwealth.info/offshore-offshores/offshor-ostrova-strany-territorii-i-spiski/

компаниялар ўртасидаги фарқ шундаки, молиявий ҳисоботларни топширишнинг соддалаштирилган шакли мавжуд ёки уни умуман тақдим этиш шарт эмас, йиллик тўловни тўлаш ва бухгалтерия ҳисобини рўйхатга олувчига маълум жойда сақлаш билан чекланади[6].

Аммо халқаро ташкилот ва интеграцияларнинг ҳаммаси ҳам оффшорларнинг фаолиятини ижобий баҳоламайди. Улар одатда, қуйидаги жиҳатларни оффшорларнинг салбий ва иқтисодиёт учун хавфли томони сифатида келтиришади:

Қонунчиликдаги фарқлар. Сиз офшорга кела олмайсиз ва мамлакатингиз учун стандарт қоидаларга мувофиқ ишлай олмайсиз. Ҳар бир штат ва юрисдикция ўзига хос хусусиятларга ва муайян бизнес мақсадларига мос келадиган ўз қонунчилигига эга. Қаердадир транспортга эга бўлган компанияни яратиш фойдалироқ, қаердадир суғурта бизнесини очиш фойдалироқ ва қаердадир шахсий активларингизни ҳимоя қилиш энг қулайдир.

Компания аудити. Масалан, Сингапур ва Гонконгда йилида бир маротаба ўз компаниянгизни аудит қилишингиз ҳамда бунинг учун маҳаллий мутахасис ва компаниялар хизматидан фойдаланишингиз керак бўлади.

Фақатгина чет эллик шахс офшор компаниянинг эгаси бўлиши мумкин.

Фаолият фақат оффшорда. Барча оффшор компанияларнинг маъноси шундаки, юрисдикцияда база мавжуд, аммо барча фаол фаолият (хизматлар, савдо) мамлакатдан ташқарида амалга оширилади. Бу шуни англатадики, сиз ушбу давлатда ишлай олмайсиз.

Оффшорларда текширув ва ҳисоботларнинг йўқлиги. Одатда, оффшор ҳудудларда рўйхатдан ўтаётган компания бир марталик ёки йиллик тўловларни тўлайди. Оффшорда ҳисоботларнинг талаб этилмаслиги ноқонуний бизнеснинг ривожланиши, пул ўтказмаларининг ноқонуний айланмаси каби ҳолатларни келтириб чиқаради (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Оффшор ҳудудларнинг ижобий ва салбий жиҳатлари**

| Оффшорларнинг ижобий жиҳатлари | Оффшорларнинг салбий жиҳатлари |
|---|---|
| Оффшорда паст ёки нол солиқлар.<br>Ҳали ҳам оффшорда нисбатан юқори даражадаги махфийлик мавжуд.<br>Оффшорда компанияларни рўйхатдан ўтказиш тезлиги ва осонлиги.<br>Оффшорда текширув ва ҳисоботларнинг йўқлиги | Қонунчиликдаги фарқлар.<br>Компания аудити.<br>Фақатгина чет эллик шахс офшор компаниянинг эгаси бўлиши мумкин.<br>Фаолият фақат оффшорда.<br>Оффшорларда текширув ва ҳисоботларнинг йўқлиги.<br>Молиявий жиноятларнинг аксарияти оффшорларда содир бўлиши сабаблти жаҳон хўжалигидаги аксарият мамлакатларнинг уларга нисбатан таъқиқларни қўллаши. |

Оффшор зонасининг жозибадор хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

норезидентларни рўйхатдан ўтказиш жараёни соддалаштирилади ва жадаллаштирилади, унда оддий рамзий сумма тўланади (масалан, Панамада компания асосчиларини кўрсатиш шарт эмас, ҳар йилги қайта рўйхатдан ўтказиш учун бир оз миқдор тўланади) (1-расм);

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкалари паст бўлган ҳолларда норезидент томонидан тўланади;

[6] https://internationalwealth.info/offshore-jurisdictions/pros-and-cons-of-offshores/

оффшор компаниялар фаолиятининг махфийлиги кафолатланади, улар давлат назоратдан озод қилинади[7].

Миллий бизнесни ҳимоя қилиш учун оффшор компанияларни оффшор ҳудуднинг ўзида бирон бир тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш таъқиқланади. Оффшор зонасининг асосий даромади рўйхатга олиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш тўловлари, солиқ тушумлари, оффшор компанияларнинг ўзларининг доимий миссиялари (котибият идоралари) бўйича хизмат кўрсатиш харажатларидан келиб чиқади. Офис ходимлари учун қуйидагилар киради: биноларни ижарага бериш, алоқа, электр энергияси, турар жой ва овқатланиш, транспорт, дам олиш, иш ҳақи ва баъзи ижтимоий тўловлар (масалан, даволаниш учун тўловлар ва бошқалар).

Кўпгина оффшор ҳудудларда маҳаллий аҳолининг котибият бюросида мажбурий ишга жойлашиши талаб этилади, шу билан иш билан таъминлаш муаммоси ҳал этилади. Компаниялар учун импорт қилинадиган ускуналар, транспорт воситалари ва материаллар божхона тўловларидан озод қилинмайди. Битта оффшорда рўйхатдан ўтган норезидент фирмалар сони бир неча ўн минглабга етиши мумкин.

Оффшор зоналарида фаолият кўрсатадиган компаниялар асосан ўрта ёки йирик корхоналар вакиллари ҳисобланади. Кичик корхоналар учун оффшор компанияларни рўйхатга олиш ва уларга хизмат кўрсатиш жуда қимматга тушади, шунинг учун улар ўз мамлакатларида фаолиятни ташкил қилиш учун кўпроқ фойда олишади. Оффшор зоналари махсус иқтисодий зоналарнинг хизмат кўрсатиш зоналари кичик тизимидир.

Классик оффшор зоналари классик ЭИҲдан қуйидагилар билан фарқ қилади:

ЭИҲда фаолиятни амалга ошириш мумкин, лекин оффшорларда эмас;

ЭИҲда резидент мавқеъини олиш мумкин, аммо оффшорда норезидент сифатида қайд этилади;

оффшорларда фаолият миқёсидан қатъи назар, йиллик тўловни тўлаш етарли, СЭЗда эса улар ҳали ҳам барча солиқлар ва тўловларни тўлайди, яъни компанияларнинг иқтисодий кўрсаткичлари ва тўланадиган солиқлар ўртасидаги муносабатлар мавжуд (Вохидова М.Х., 2021).

Ўртача солиққа тортиш ва классик оффшор мамлакатлар ўртасидаги фарқ қуйидагича:

Ўртача солиққа тортилган мамлакатлар одатда классик оффшор компанияларга нисбатан кўпроқ шаффофдир (улар махфийлик, молиявий қонунбузарликларга кам эътибор бериш ва бошқалар);

Ўртача солиққа тортилган мамлакатлар кўпинча икки томонлама солиққа тортишнинг олдини олиш бўйича икки томонлама битимларни имзолайдилар, шунда ҳам классик оффшор компаниялар йўқ.

Фарқли жиҳатлари:

мўътадил солиққа тортилган мамлакатлар — кўплаб ривожланган давлатлар амалиёти, унда юқори солиқларга эга бўлган, имтиёзли солиқ режими бир қатор тадбирларга (қуруқлик ва оффшор мамлакатлар деб аталадиган) амал қилади;

солиқ соҳаси (классик оффшоре) — оффшор ташқарисида ўз бизнесларини юритиши керак бўлган хорижий норезидент компаниялар учун имтиёзли солиққа тортиш (классик оффшор компанияларнинг ўзига хос хусусияти);

Солиқ оазислари — мамлакат ҳудудида ўз ҳудудида ўз бизнесини юритиши керак бўлган корхоналар учун имтиёзли фаолиятни юритишни таъминланадиган

[7] http://mapfezworld.uz/news/erkin-i%D2%9Btisodij-%D2%B3ududlarda-investiczion-mu%D2%B3it-hususiyatlari/

ички оффшорлар. Кўпинча соликни оптималлаштирадиган солиғи бўлган мамлакатдаги компаниялар томонидан ишлатилади.

Солиқ гаванналари солиқ ва бошқа имтиёзлар бериш йўли билан чет элдан кредит маблағларини жалб қилиш сиёсатини олиб борадиган кичик давлатлар ва ҳудудлардир. Одатда, бу Европанинг кичик давлатлари, ривожланаётган мамлакатлар ёки ривожланган мамлакатлардан ажратилган ўз-ўзини бошқарадиган ҳудудлардир. Чет эл сармояларини жалб қилиш учун яратилган эркин иқтисодий зоналарда, шунингдек солиқ маъмуриятлари белгилари бўлган муайян маъмурий тузилмаларда ҳам худди шундай шароитлар мавжуд. Баъзан солиққа тортишнинг қисқариши фақат маълум даромад турларига нисбатан қўлланилади. Люксембургда банклар учун имтиёзли солиқ режими мавжуд; Швейцарияда ва Лихтенштейнда — холдинг, воситачи ва савдо компаниялари учун; Багам ороллари да — даромад солиғи йўқ.

Солиқ тизимларида оффшор солиқ имтиёзларидан фарқли ўлароқ, нафақат хорижий, балки маҳаллий компаниялар ҳам кенгайиб бормоқда. Панама, Коста-Рика, Либерия, Бермуда, Кайман ороллари, Багамадаги ва бошқа кўплаб солиқ тўловчилари мавжуд. Дунёда 70 дан ортиқ солиқ гаванналари мавжуд.Солиқ тизимларида рўйхатдан ўтиш жараёни имкон қадар соддалаштирилади: устав капиталининг энг кам миқдори одатда белгиланмаган, фирмалар эгаларининг идентификаторлари ошкор қилинмайди. Айрим солиқлар базасида мулк эгаларининг номини ошкор қилмаслик, шунингдек, ташувчининг акцияларини бериш имкониятини ҳам беради.

**2-жадвал**

**Энг машҳур ва хавфли оффшорлар**

| Энг машҳур оффшор зоналар | Хавфли оффшорлар |
|---|---|
| Белиз, Британия Виржиния ороллари, Сейшел ороллари, Маршалл ороллари, Невис, Сингапур, Кайман ороллари, Панама, Кипр, Гибралтар, Канада, Сербия, Ангилья, Эстония, Багам, Лабуан [12] | Кипр, Мальта, Гонконг, Антил ороллари |

Оффшор ҳудудлар ўзининг молиявий жиноятчиликдаги роли сабабли кўп танқид қилинса ҳам, аммо компания очишнинг қулайлиги, ортиқча бюрократиянинг йўқлиги сабабли ривожланишда давом этяпти. Масалан, Британия Виржиния ороллари да 437 минг, Багам ороллари да 123 минг, Антил ороллари да 20 мингдан ортиқ компаниялар рўйхатдан ўтгани маълум бўлди. Қиёслаш учун шуни айтиш керакки, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган корхона ва ташкилотлар сони 2022 йил маълумотларига кўра 28827 ни ташкил этади[8].

Ўзбекистон тадбиркорлари ҳам оффшор зоналар билан иқтисодий-молиявий муносабатларга эга Шу сабабдан ҳам, давлат томонидан оффшор зоналар орқали вальюта операциларини амалга ошириш бўйича ҳуқуқий асослар яратилган.

Жумладан, «Юридик ва жисмоний шахслар томонидан валюта операциялари амалга оширилишининг асосланганлиги юзасидан мониторинг олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди, Хусусан, мониторинг қилинадиган офшор зоналар, валюта операциялари (импорт бўйича тўлов, банк ҳисоб варақларига ўтказиш) рўйхати кенгайтирилди. Унга Америка Самоаси, Аруба, Гватемала, Доминика, Кирибати, Монако, Норманд Олдерни ороли, Питкерн, Сан-Марино, Сен Мартен (Синт Мартен), Уругвай и Филиппин киритилди.

Рўйхатда жами 69 та минтақа кўрсатилган.

[8] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/usreo-2

Бундан ташқари, банк филиаллари ва божхона хизмати органларининг ҳудудий бошқармаларидан ахборот оладиган солиқ органлари аниқлаштирилди — ҳудудий давлат солиқ бошқармалари ва Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси.

Ҳужжат билан, шунингдек, мезонлардан бири — резидент-жисмоний шахс томонидан жисмоний шахсларнинг хориждаги ҳисоб варағига пул маблағлари ўтказмаси суммасига тузатиш киритилди. Агар бир календарь йили давомида ўтказма суммаси 100 миллион сўмдан ортиқ бўлса (илгари — экв. 10 минг доллар) банклар хабар беришлари керак[9].

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Оффшор зоналар қулай бизнес муҳитга эга бўлиб, солиқ имтиёзлари ва солиқларнинг 0 ставкада қўлланилиши ушбу ҳудудларнинг жозибадорлиги ҳисобланади. Шу сабабдан ҳам, йирик трансмиллий корпорацияларнинг аксарияти оффшор зоналарда рўйхатдан ўтган;

Оффшор зоналарда рўйхатдан ўтиш компаниялар учун солиқ ва бошқа молиявий харажатларни қисқартириш имконини беради;

Оффшор зоналарнинг салбий жиҳатларидан кўра унинг ижобий томонлари кўпроқ. Жумладан, улар кичик ороллларнинг даромад манбаи ҳисобланади, халқаро молиявий муносабатларда пул айланмасини тезлаштиради, барқарор ривожланиш шароитида оффшор ҳудуднинг эколотизимини сақлаб қолишда муҳим аҳамият касб этади;

Оффшор ҳудудлар бошқа мамлакатлар иқтисодиёти учун зарарли жаиҳатларга ҳам эга. Масалан, йирик солиқ тўловчи компанияларнинг мамлакатдан чиқиб кетишига сабаб бўлади, халқаро вальюта операцияларини назорат қилиш қийинлашади.

**Адабиётлар:**

Daniele Morganti, Pietro De Giovanni (2022) Offshoring motivations driven by sustainability factors, Research in Transportation Economics, 101222, ISSN 0739-8859, https://doi.org/10.1016/j.retrec.2022.101222.
(https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0739885922000439)

Toru Kikuchi, Ngo Van Long (2010) A simple model of service offshoring with time zone differences, The North American Journal of Economics and Finance, Volume 21, Issue 3, Pages 217-227, ISSN 1062-9408, https://doi.org/10.1016/j.najef.2010.08.001. (https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S1062940810000379)

Yuhan Chen, Heyun Lin (2022) Overview of the development of offshore wind power generation in China, Sustainable Energy Technologies and Assessments, Volume 53, Part D, 102766, ISSN 2213-1388, https://doi.org/10.1016/j.seta.2022.102766. (https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2213138822008141)

Вохидова, М.Х. (2021) Махсус иқтисодий зоналарнинг инфратузилмаси / М. Х. Вохидова // Иқтисод ва молия. No 1. – P. 30-35. – EDN OBYLIU.

[9] https://www.norma.uz/oz/qonunchilikda_yangi/offshor_hududlar_ruyhati_kengaytirildi

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# КВАЛИФИКАЦИЯ ПЕРСОНАЛА – ОСНОВА РАЗВИТИЯ ГОСУДАРСТВА

***PhD, Гиёсов А.А.***
*Фискального института Государственного налогового комитета*

***Аннотация:*** *В статье описывается специфика организации обучения государственных служащих в зарубежных странах, что позволяет проанализировать их опыт в дальнейшей разработке путей реформирования системы обучения и учесть ее положительные стороны.*

***Ключевые слова:*** *обучение, реформирование, системы, специфика организации, опыт.*

***Annotatsiya:*** *Maqolada xorijiy mamlakatlarda davlat xizmatchilarining malakasini oshirishni tashkil etishning o'ziga xos xususiyatlari bayon etilgan bo'lib, bu ularning ta'lim tizimini isloh qilish yo'llarini yanada rivojlantirish bo'yicha tajribasini tahlil qilish va uning ijobiy tomonlarini hisobga olish imkonini beradi.*

***Kalit so'zlar:*** *kadrlar tayyorlash, islohotlar, tizimlar, tashkiliy xususiyatlar, tajriba.*

***Abstract:*** *The article describes the specifics of the organization of training of civil servants in foreign countries, which allows us to analyze their experience in further developing ways to reform the education system and take into account its positive aspects.*

***Key words:*** *training, reform, systems, organizational specifics, experience.*

## 1. Введение.

В данной статье изложены пути повышения квалификации государственных служащих, как важное направление, без которого невозможно совершенствование системы государственного управления в целом. Изучение особенностей организации профессионального развития государственных служащих в зарубежных странах позволяет проанализировать накопленный ими опыт и учесть положительные аспекты при дальнейшей разработке путей реформирования системы повышения квалификации сотрудников госналоговой службы в нашей стране.

Понятие профессионального развития государственных служащих принято рассматривать шире, чем понятие повышения квалификации, т. к. последнее часто является составной частью профессионального развития. На практике разница между данными понятиями обычно является условной: и повышение квалификации, и профессиональное развитие направлены на реализацию одной цели — способствовать более качественному выполнению государственными служащими возложенных на них обязанностей.

Налоговая система как неотъемлемая часть экономики является важнейшим механизмом достижения приоритетных направлений социального и

экономического развития страны. Совершенствование налоговой системы Республики Узбекистан дает возможность продолжения реализации задач по формированию благоприятной среды для снижения налогового бремени, упрощения системы налогообложения, совершенствования налогового администрирования, развития предпринимательства и привлечения зарубежных инвестиций. В связи с этим Постановлением Президента Республики Узбекистан утверждена Стратегия совершенствования налогового администрирования[1]. Одной из основных задач Стратегии является улучшение качества оказываемых налоговых услуг путем повышения профессионального мастерства работников налоговых органов и внедрения цифровых технологий в налоговое администрирование.

**2. Анализ и результаты.**

Методика исследования представляет собой сравнительный анализ зарубежного опыта повышения квалификации государственных служащих, в первую очередь целей и аудитории слушателей, форм и методов повышения квалификации, программ повышения квалификации, организаций, осуществляющих повышение квалификации. Зарубежный опыт организации профессионального развития государственных служащих, как правило, основывается на взаимодействии государственных органов с учебными заведениями (университетами, колледжами, школами). Повышение квалификации часто носит обязательный характер и включает теоретические и практические занятия.

В мировой практике сложились две основные модели государственной службы — англосаксонская (США и Великобритания) и континентальная (Франция). Рассмотрим подробнее особенности профессионального развития государственных служащих на примере указанных стран.

Общее руководство кадровой политикой на гражданской (государственной) службе в Великобритании осуществляет премьер-министр, одновременно являющийся министром по делам государственной службы. Он отвечает за регулирование гражданской службы в рамках реализации решений исполнительных органов власти. Руководитель гражданской службы (Head of the Civil Service) отвечает за выполнение возложенных на эту службу функций и создание для государственных служащих оптимальных условий работы.

Секретариат кабинета министров (Cabinet Office) отвечает за выполнение плана реформ гражданской службы. В действующем плане реформ гражданской службы (Civil Service Reform Plan, 2012 г.) одним из направлений обозначено создание возможностей для совершенствования знаний и умений государственных служащих, повышения эффективности гражданской службы.

Для этого предлагается разработать пятилетние планы развития для всех гражданских служащих, отражающие, какие именно навыки необходимо получить и как это предполагается достигнуть. При этом отмечается, что некоторые пробелы в компетенциях уже обнаружены, в первую очередь — недостаточный уровень квалификации в сфере управления изменениями, финансового менеджмента, управления проектами, управления рисками и др. Для поддержки планов развития создается новая модель компетенций (Competency Framework), а также система обучения и повышения квалификаций гражданских служащих.

Пройти повышение квалификации государственные служащие могут в Колледже гражданской службы (Civil Service College), организованном преподавателями Национальной школы государственного управления (National School of Government), которая была закрыта в марте 2012 г. Новая учебная

[1] Постановление Президента Республики Узбекистан «О дополнительных мерах по совершенствованию налогового администрирования» от 10 июля 2019 года за №ПП-4389.

организация предлагает для государственного сектора как обучение собственными силами (свой штат профессиональных тренеров, оборудованные для обучения помещения и др.), так и специализированное обучение (направленное на удовлетворение индивидуальных потребностей клиентов), регулярные (готовые) курсы.

Для целей повышения квалификации всех государственных служащих создан сайт Civil[2] Service Learning1, на котором государственные служащие могут найти информацию о дистанционном обучении, онлайн-ресурсах и очных курсах. Большая часть возможностей по повышению квалификации представлена в Общей программе, состоящей из трех блоков:

1. Ключевые навыки, необходимые всем гражданским служащим для выполнения своих обязанностей: обслуживание потребителей, управление проектами, навыки в сфере финансов и информационных технологий;

2. Работа на государственной службе: специфические навыки, относящиеся к работе в органах государственной власти, например, навыки проведения брифингов, подготовки документов, наличие правового сознания;

3. Лидерство и совершенствование управленческой деятельности — навыки, необходимые для руководства, управления людьми и бизнесом на всех уровнях государственной службы, а также темы по управлению изменениями.

Особое место занимает повышение квалификации в рамках программы «быстрый поток» (Fast Stream). Для участия в этой программе служащих отбирают путем открытого конкурса. Также предусмотрено ускоренное прохождение службы с различными условиями для кандидатов (например, для выпускников высших учебных заведений, для действующих гражданских служащих). В настоящее время открыто финансовое направление, по которому могут обучаться участники программы «быстрый поток», кандидаты на повышение квалификации в рамках программы и профессионалы в области финансов. Обучение проводится в рамках одной из четырех профессиональных организаций:

1. Дипломированный институт бухгалтеров по управленческому учету (The Chartered Institute of Management Accountants, CIMA);

2. Ассоциация дипломированных сертифицированных бухгалтеров (The Association of Chartered Certified Accountants, ACCA);

3. Институт государственных финансов и бухгалтерского учета (The Chartered Institute of Public Finance and Accountancy, CIPFA);

4. Институт дипломированных бухгалтеров Англии и Уэльса (The Institute of Chartered Accountants in England and Wales, ICAEW).

Одной из главных в сфере государственного управления и повышения квалификации в США считается Национальная ассоциация институтов государственной службы (NASPAA). Это международная ассоциация общественно-политических школ (школы государственной политики и управления) в университетах США и за рубежом. NASPAA также является профессионально аккредитованным объединением магистерских программ в области государственной политики (Master of Public Policy, MPP), публичного и общественного управления (Master of Public Affairs, MPAff) и магистров государственной службы (Master of Public Administration, MPA). Миссией организации является «обеспечение высоких стандартов в области образования и подготовки кадров для государственной службы и пропаганда идеалов госслужбы»[3].

---

[2] Официальный сайт повышения квалификации государственных служащих Civil Service Learning (https://civilservicelearning.civilservice.gov.uk/)

[3] Официальный сайт Национальной Ассоциации институтов государственной службы США (NASPAA) (http://naspaa.org/about_naspaa/naspaa.asp)

В целом в США в настоящее время насчитывается более 260 школ MPA/MPP. Многие из них предлагают как очные, так и очно-заочные формы обучения, программы для высшего руководства (Executive MPA), онлайн-курсы, где требования для получения степени могут варьироваться в зависимости от профессионального опыта. Программы MPA/MPP существуют с целью предоставить профессиональное обучение государственным служащим (на всех уровнях), сотрудникам из некоммерческого и частного секторов и в Соединенных Штатах, и во всем мире.

Приволжский институт повышения квалификации Федеральной налоговой службы (далее ФНС) России – бюджетное образовательное учреждение, осуществляющее деятельность в области дополнительного профессионального образования. Приволжский Институт повышение квалификации сотрудников ФНС России является одним из ведущих государственных образовательных учреждений, осуществляющих деятельность в области дополнительного профессионального образования в сфере налогообложения и финансов.




**Рис-1. Структура Приволжского Института повышения квалификации ФНС России[4]**

Учебные программы Института отвечают современным требованиям и включают в себя широкий спектр вопросов экономического развития, налоговой и финансовой политики, управления и применения современных технологий. Разработку учебных планов и учебно-методических программ Институт проводит, опираясь на основные принципы налогового администрирования, при согласовании с соответствующими управлениями ФНС и Министерством финансов Нижегородской области. Кроме штатных преподавателей Института к проведению занятий на условиях почасовой оплаты труда, ежегодно привлекаются более 120 руководителей и наиболее опытных специалистов налоговых и финансовых органов Нижегородской области, работников федеральных и региональных органов

[4] https://cpp-nnov.nalog.ru/about/staff

законодательной и исполнительной власти, высококвалифицированных преподавателей вузов города.

Ежегодно в Институте повышают свою квалификацию более 11500 человек, из которых по очной форме обучаются свыше 3000 государственных служащих из всех регионов России, свыше 8,5 тысяч специалистов обучаются с использованием дистанционных образовательных технологий. По окончании обучения слушателям, успешно прошедшим обучение и сдавшим экзамены, выдаются удостоверения о повышении квалификации.

**Таблица-1.**

**Осуществление образовательной деятельности Приволжского Института повышения квалификации ФНС России [5]**

| **Основные программы по направлениям** *(из 79 направлений в 2021 году)* | **Реализуемые формы обучения** | **Нормативный срок обучения, час** | **Информация о практиках** | **Итоговой аттестация** |
|---|---|---|---|---|
| *В том числе:* | | | | |
| Налоги и налоговое администрирование | Очная и заочная | 40-108 | Не предусмотрено | Экзамен в форме тестирования |
| Бухгалтерский учет, анализ бухгалтерской информации в целях налогового контроля | | 64 | | |
| Использование информационных ресурсов и программно-аналитических комплексов в контрольно-аналитической работе | | 72 | | |
| Возмещение НДС. Доказательство отказов при возмещении НДС | | 110 | | |
| Информационная безопасность 502 час. | Заочная | 502 | Прохождение производственной практики | Экзамен и зашита выпускной квалифицированной работы |

При изучении деятельности Приволжского института повышения квалификации ФНС России на основании приказа ФНС России внедрена система ежегодной *(79 направлений)* переподготовки *(502 часа)* и курсы повышения квалификации *(40-110 часов)*.

[5] Там же.

В нашей стране проводится ряд работ по повышению уровня профессиональной подготовки, материального и социального обеспечения государственных служащих. На основе принципа «Обучение на протяжении всей жизни» управленческого персонала и служащих всех уровней определены единые правила системы квалификаций, направленные на формирование у них необходимых навыков на протяжении всей карьеры.

В частности, при подготовке современных кадров продвигается практика изучения положительного опыта зарубежных стран в области налогового администрирования и расширения системы обучения. По этой причине была разработана «дорожная карта» по реформированию налогового администрирования, внедрению информационных технологий в отрасль и повышению квалификации налоговых органов. Такие задачи, как повышение уровня автоматизации исчисления и уплаты налогов до 90%, сокращение времени, затрачиваемого налогоплательщиками на подготовку и сдачу налоговой отчетности и уплату налогов до 2-х раз[6].

Система повышения квалификации органов государственной налоговой службы создана в Налоговом институте при Государственном налоговом комитете Республики Узбекистан и курсы обучения сотрудников налогового органа проводятся в соответствии с образовательными программами, направленными на практическое освоение имеющихся в системе информационных систем по принципу ближайшего помощника налогоплательщика. В 2021 году по 5 направлениям в заочной, выездной и традиционной формах обучено 4 285 слушателей.

**3. Заключение.**

Важно отметить, что в большинстве стран один из основных принципов обучения государственных служащих — постоянное непрерывное повышение квалификации. Для многих должностей составляются планы индивидуального развития. Это позволяет государственным структурам планировать и проводить повышение квалификации не только по уже существующим тематикам, но и по специфическим, отвечающим потребностям конкретного департамента или отдела. После прохождения дополнительного обучения некоторые организации устраивают анонимное анкетирование, чтобы выяснить, насколько обучение соответствовало запросам государственного служащего и насколько он считает его эффективным.

Во многих странах широко развита сеть дистанционного образования, позволяющая пройти повышение квалификации без отрыва от работы, что существенно экономит временные и финансовые затраты. Модульный принцип обучения обеспечивает большую гибкость, позволяя государственным служащим самостоятельно планировать время на обучение, последовательность изучения модулей и тем самым осуществлять обучение более эффективно.

Фискальный институт при ГНК Республики Узбекистан должен играть ключевую роль при подготовке и переподготовке высокопрофессиональных налоговых кадров, отвечающих современным требованиям. В этой связи разработаны следующие предложения по улучшению системы переподготовки и повышению квалификации кадров:

1. Институт совместно с Департаментом развития человеческих ресурсов ГНК должны разработать кадровую программу, рассчитанную на долгосрочную перспективу;

2. Разработка дифференцированных учебных программ с учетом должностей и опыта налоговых служащих и их повышения квалификации в Налоговом институте;

[6] Постановление Президента Республики Узбекистан “О мерах по реализации проекта «реформа налогового администрирования» с участием всемирного банка” от 24 марта 2022 года за № ПП-178.

3. Обучение налоговых органов «мягким знаниям», включая лидерство, тайм-менеджмент, ораторское искусство, управление конфликтами и другие навыки;

4. Профессиональное развитие по организации курсов по видам налогов *(налог на добавленную стоимость, налог на прибыль организаций, бухгалтерский и налоговый учет)*;

5 Расширение направлений по учебным курсам по повышению квалификации за счет обучения информационным технологиям *(возврат НДС, доказательство отказа в возмещении НДС, взыскание налоговой задолженности, досудебные споры, эффективное взаимодействие с налогоплательщиками, схемы уклонения от уплаты налогов, виды и способы доказывания уклонения от уплаты налогов)*.

6. Ускорить создание современной электронной образовательной платформы для дистанционного обучения в системе переподготовки и повышения квалификации. При этом:

разработка технического задания на программный продукт, необходимый для внедрения дистанционного обучения;

определение и финансирование необходимых технических средств для дистанционного обучения, выплаты привлеченным к процессу специалистам и другие расходы;

разработка, тестирование и внедрение программного продукта платформы дистанционного обучения;

разработка и регистрация системы и программного обеспечения «Электронный репозиторий сертификатов» с идентификационным номером и QR-кодом и элементами защиты;

организовать выдачу электронных свидетельств выпускникам курсов переподготовки и повышения квалификации с дистанционным обучением.

7. Совершенствование автоматизированного электронного программного продукта «Е-Кадр», единой базы данных, осуществляющей контроль за процессом обучения и переподготовки кадров.

8. Интеграция автоматизированного электронного программного продукта «Е-Кадр» с платформой «Электронное обучение».

9. Повышение ответственности региональных государственных налоговых органов в обслуживании автоматизированного электронного программного обеспечения «Е-Кадр».

10. Расширение направлений по учебным курсам по повышению квалификации сотрудников госналоговой службы за счет обучения информационным технологиям увеличит навыки по противодействию теневой экономики в стране.

**Литература:**

Постановление (2022) Президента Республики Узбекистан “О мерах по реализации проекта «реформа налогового администрирования» с участием всемирного банка” от 24 марта 2022 года за № ПП-178.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТРИШДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ, ИЧКИ САЁҲАТЛАРНИ ХАРАЖАТЛАРИНИНГ БИР ҚИСМИНИ ҚАЙТАРИШ (CASHBACK) ТИЗИМИНИ ЖОРИЙТИШ МАСАЛАЛАРИ

***Кадиров Н.О.***
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

***Аннотация:*** *Мазкур мақолада туризмнинг иқтисодий ривожланишдаги аҳамияти, мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилган. Ривожланган хорижий давлатларнинг ҳуқуқий қиёсий таҳлиллари ҳамда илғор тажрибаси асосида юртимизда туризмни ривожлантириш бўйича берилаётган имтиёзлар ва преференцияларнинг самарадорлигини баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, тадбиркорлар интизомли солиқ тўловчилар сафини кенгайтириш борасида ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, туризм, виза, визасиз режим, сайёҳлар, инфраструктура, гидлик фаолияти, хорижий давлатлар, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференсиялар.*

***Аннотация:*** *В данной статье анализируется значение туризма в развитии экономики, проводимая работа по развитию туристической отрасли в нашей стране. На основе правового сравнительного анализа развитых зарубежных стран и передового опыта особое внимание уделяется оценке эффективности предоставляемых льгот и преференций для развития туризма в нашей стране. Также предпринимателей просветили о расширении рядов дисциплинированных налогоплательщиков.*

***Ключевые слова:*** *бюджетная политика, кризис, бюджет, налоговые льготы, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, туризм, виза, безвизовый режим, туристы, инфраструктура, экскурсионная деятельность, зарубежные страны, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налог, налоговая ставка, предпочтения.*

***Abstract:*** *This article analyzes the importance of tourism in the development of the economy, the ongoing work to develop the tourism industry in our country. Based on a legal comparative analysis of developed foreign countries and best practices, special attention is paid to assessing the effectiveness of the benefits and preferences provided for the development of tourism in our country. Entrepreneurs were also enlightened about the expansion of the ranks of disciplined taxpayers.*

***Keywords:*** *budget policy, crisis, budget, tax incentives, tax administration, business entities, tourism, visa, visa-free regime, tourists, infrastructure, excursion activities, foreign countries, tax reporting, tax revenues, tax incentives, tax, tax rate, preferences.*

## 1. Кириш.

Жаҳонда туризм соҳаси барча инфратузилмаларни ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида гавдаланади. Замонавий туризм транспорт, ижтимоий ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг юқори даражада ривожланишига асосланган бўлиб, бу охир-оқибат уни иқтисодиётнинг юқори рентабелли соҳасига айлантиради.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ туризм соҳасини давлат томонидан қўллаб – қувватлаш, мазкур соҳа билан шуғулланувчи корхоналарга имтиёзлар яратиб бериш, шунингдек, туризм соҳаси учун инфратузилмани шакллантириш борасидаги ишлар жадал суръатлар билан давом эттирилмоқда. Хусусан, солиқ имтиёзларини жорий этиш орқали имтиёзларнинг солиқ тўловчининг молиявий фаолиятига таъсирини таҳлил қилиш ҳамда самарасиз ва мақсадсиз берилган солиқ ҳамда божхона имтиёзларини бекор қилиш бўйича бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланиши, шу жумладан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар кирилмоқда.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Мавзу доирасида асосий ўрганилувчи иқтисодий категория солиқ имтиёзлари тушунчаси бўлиб, солиқ имтиёзларига нисбатан берилган таърифларга батафсил тўхталсак.

Жаҳон тадқиқотларида туризм соҳасида алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда. Жумладан, ҳозирги кунда ривожланган давлатлар илмий тадқиқотларида туризм соҳасини уларнинг иқтисодиётига, ижтимоий соҳасига, экология ва бошқа соҳаларга таъсири ўрганиш бўйича бир қанча тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Ушбу тадқиқотларнинг асосий мазмунида ижтимоий капиталнинг туризм йўналишида олиб борилаётган сиёсатга мос тушадими. Ушбу жумбоқни очиб беришда бир нечта олимлар АҚШ 3 та штати, Австралия ва Океания мамлакатларида 74 қизиқиш билдирган томонлар билан тадқиқот ўтказилган. Ушбу тадқиқот натижасига кўра улар ўзаро боғлиқ бўлиб ижтимоий капиталнинг ўсиши туризм соҳасини ривожланишига билвосита таъсир ўтказиши асосланган.

Кужел Ю. (2018) ўзининг дарслигида туризм соҳасини мамлакат ижтимоий–иқтисодий ривожлантиришдаги ролини очиб берган. Бунда мамлакатнинг энг тез ривожланадиган соҳаси сифатида туризмга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини келтириб ўтади.

И.А.Майбуров (2011) солиқ имтиёзларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили.

Н.В.Милякова (2008) —солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослаганда афзалликлар тақдим этиш, жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти.

Ф.Рахматуллаева (2016) солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: —имтиёзлар - бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир.

А.С.Баладина (2011) бу борада қуйидагича таъриф берган: солиқ преференцияси – давлат томонидан солиқ мажбуриятини камайтириш юзасидан айрим солиқ тўловчилар учун мажбурий тартибда, бажарилиши лозим бўлган тақдим қилинадиган устуворликлардир.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, туризм соҳасига солиқ имтиёзларига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Республика иқтисодиётида туризмни стратегик даражага кўтариш, ички туризм хизматлари ҳажмини кескин кўпайтириш, фуқароларни мамлакатимизнинг туризм салоҳияти билан таништириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, тақдим этилаётган туризм хизматлари сифатини яхшилаш ва жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини ошириш мақсадида қадар чора -тадбирлар оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 483-моддасига асосан 2022 йил 1 январга қадар бўлган даврда 2020 йил 31 декабрдаги ҳолатга кўра фаолиятни туризм соҳасида амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари учун юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича солиқ қарзини мажбурий равишда ундириш, шунингдек қуйидагилар бўйича пеня ҳисоблаш чоралари кўрилмайди:

2021 йил 31 декабргача бўлган давр учун туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари:

фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлайди;

ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдоридаги солиқ ставкаси бўйича тўлайди;

юридик шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқни ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғини тўлашдан озод қилинади.

Кодекснинг 75-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва вилоятлар халқ депутатлари Кенгашлари туристик зоналарда жойлашган алоҳида санаторий-курорт объектлари эгаллаган ер участкаларига нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг камайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш ёки солиқ тўлашдан озод қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 30 апрел кунидаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сонли қарорининг 1-бандига асосан 2022 йил 1 июндан бошлаб «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида:

саёҳат харажатларининг бир қисми иш берувчиларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қоплаб берилади. Қарорнинг 4-бандига асосан 2022 йил 1 сентябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида республика ҳудудлари бўйлаб ички саёҳатларни амалга ошириш харажатларининг бир қисмини қайтариш («Cashback») тартибини жорий этиш белгиланган. Хусусан:

Саёҳат харажатларини қайтариш ички саёҳатларни режалаштириш ва маблағларни қайтариш ҳамда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида тақдим қилинадиган чегирмалар, тайёр туристик пакетларни мустақил

шакллантиришни назарда тутувчи электрон платформа, шу жумладан унинг мобиль иловаси (кейинги ўринларда — Платформа) орқали амалга оширилади;

Саёҳат харажатларини қайтариш ҳар бир туристга қуйидаги миқдорларда амалга оширилади:

авиақатнов орқали бориб-келиш чиптаси нархининг 15 фоизи, лекин 150 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

темир йўлда ёки автобусда бориб-келиш чиптаси нархининг 15 фоизи, лекин 80 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

жойлаштириш воситасида тунаб қолиш харажатининг 15 фоизи, лекин 80 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

театр, музей, цирк ва бадиий галереяларга ҳар бир ташриф чиптаси нархининг 50 фоизи, лекин 20 минг сўмдан ошмаган миқдорда;

саёҳат харажатлари фақатгина Платформа орқали амалга оширилган ички саёҳатлар учун унинг якуни билан маҳаллий туристларнинг банк карталарига қайтарилади;

Платформа Давлат солиқ қўмитасининг махсус мобиль иловаси (SoliqUz) билан интеграция қилинган ҳолда, харажатлар ҳаққонийлиги мобиль илова ёрдамида текширилиб, харид чекининг матрицали штрих кодини (QR-код) ҳамда маҳаллий туристларнинг доимий яшаш жойларини кўрсатиш орқали саёҳатлар рўйхатдан ўтказилади. Туризм ва маданий мерос вазирлигига 2022 йил 1 сентябрга қадар Платформани ишлаб чиқиш ва ишга тушириш;

2022 йил 1 октябрга қадар жойлаштириш воситалари, туроператор ва турагентлар, гид (гид-таржимон), йўриқчи-йўл бошловчи ва экскурсия етакчилари Платформа орқали ўз хизматларини йўлга қўйишлари учун барча шароитларни яратиш;

туризм соҳаси субъектлари ўртасида Платформа имкониятларини доимий тарғиб қилиб бориш;

Платформага хизмат кўрсатиш ва кейинчалик модернизация қилиш ҳамда доимий равишда техник қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш вазифаси юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги «Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-104-сон қарорининг 2-бандига асосан 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари кўрсатувчи ҳамда кўнгилочар масканларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз этиб белгилаш. Бунда:

мазкур солиқ имтиёзи тадбиркорлик субъектлари томонидан, агар уларнинг мазкур кичик бандда кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этса, қўлланилади;

мазкур кичик бандда кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан ходимлар сонини яшириш ҳолатлари аниқланганда, мазкур солиқ имтиёзининг амал қилиши тўхтатилади ҳамда қонунчиликда белгиланган молиявий санкциялар қўлланилади.

Тадбиркорлик субъектларига 2022 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил 1 январга қадар меҳмонхона юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларини 90 фоизга камайтириш. Бунда, 2027 йил 1 январгача янгидан қуриладиган объектларга (шу жумладан, улар эгаллаган ер участкасига) нисбатан мазкур имтиёзни улар фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб 5 йил муддат давомида қўлланилади.

Фойда солиғини ҳисоблашда биноларнинг қийматини икки йил давомида амортизация харажатлари сифатида чегириш ҳуқуқини берилади.

Бундан ташқари айрим ҳудудларнинг объектлар ва улар эгаллаган ер участкаси бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорларини — мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида белгиланган. Бунда, туман ва шаҳарларнинг туризм ҳудудлари чегаралари Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармалари хулосалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан белгиланади. Жисмоний шахслар томонидан маҳаллалараро савдо-хизмат кўчалари бўйида жойлашган тураржой объектларини меҳмонхона (жойлаштириш) хизмати кўрсатиш тури бўйича нотураржой объекти тоифасига ўтказилганда 2024 йил 1 январга қадар уларга нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг жисмоний шахслар учун ўрнатилган ставкасини сақлаб қолади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Ўзбекистон республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5781-сонли Фармонининг 9-бандига асосан 2023 йил 1 январга қадар:

- етиб бориш қийин бўлган ва чекка жойларда (аҳоли яшаш пунктларидан камида 10 км ёки қаттиқ қопламали автомобиль йўлларидан 5 км узоқликда) кемпинглар ва «сафари» туризмини ташкил этиш бўйича туризм хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар алоҳида автоном инфратузилмани яратган тақдирда мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, айланмадан олинадиган солиқ тўлашдан;

- юридик шахслар, уларнинг лойиҳа ташкилотлари, бош пудратчи ва субпудратчи ташкилотлари жаҳон стандартларига мос ва зарур маданий кўнгилочар инфратузилмаларига эга гольф мажмуаларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш доирасида:

фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан;

лойиҳани амалга ошириш учун жалб этиладиган хорижий мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ижтимоий солиқдан;

лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган товарларни, шу жумладан «вақтинча олиб кириш» божхона режимида олиб киришда божхона божи ва акциз солиғидан ҳамда намунавий лойиҳалар бўйича замонавий санитария-гигиена шохобчаларини қуриш ва (ёки) уларнинг фаолиятини ташкил этишни амалга оширувчи юридик шахслар мазкур фаолият тури бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғи, шунингдек, айланмадан олинадиган солиқни тўлашдан озод этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг.2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3514-сонли қарорига асосан 2018 йил 10 февралдан бошлаб 2023 йил 31 декабрга қадар қуйидаги тартиб жорий этилган, унга кўра:

- иш берувчининг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республика бўйлаб туристик йўлланмаларни сотиб олиш харажатлари ходимнинг даромади сифатида кўриб чиқилмайди ҳамда юридик шахсдан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаб чиқишда чегириб қолиниши лозим;

- жисмоний шахсларнинг даромад солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган даромадлари суммаси Ўзбекистон Республикаси бўйлаб туристик йўлланмаларни туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга бўлган субъектлардан

сотиб олишга йўналтирилган харажатлар суммасига камайтирилади. Бунда туристик йўлланма (айирбошланадиган ваучер), авиа ва темир йўл чипталари, автотранспорт ташкилотларининг ҳисоб-фактуралари (чипталари) ва жойлаштириш воситалари чеклари тасдиқловчи ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 октябрдаги ПҚ–5252-сон қарорига мувофиқ жорий йил 1 январдан бошлаб аҳолига амалга оширилган хариднинг 1 фоизи қайтарилмоқда. Шундан 1058 минг нафар фуқаролар томонидан 36,4 трлн сўмлик 61,6 млн дан ортиқ чекларни мобил илова орқали рўйхатдан ўтказилди ва уларнинг 681 минг нафарига 180,4 млрд сўм солиқ кешбэки тўлаб берилди. Май ойида 233 мингта жисмоний шахслар 47,6 млрд сўмлик солиқ кешбэкини банк карталарига ўтказиб олдилар. Май ойи учун эса 711 мингта жисмоний шахслар 74,6 млрд сўмлик солиқ кешбэкини олиш учун 13,3 млн дан ортиқ чекларни рўйхатдан ўтказган. Махсус дастур орқали солиққа оид ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатлар ҳақида солиқ органларини хабардор қилган жисмоний шахсларга пул мукофотини тўлаш тўғрисидаги низом (Вазирлар Маҳкамасининг 255-сонли қарори) тасдиқланди.

Жумладан, “Soliq” мобил иловаси орқали 2022 йил январь-май ойларида 12,9 минг нафар фуқаролар томонидан 66,4 мингта (шундан 30,5 мингтаси такрорий (давомий)) мурожаат келиб тушган. Келиб тушган мурожаатлар асосида 34 мингта солиқ тўловчида сайёр солиқ текширувлари ўтказилиб, шундан 33,1 минг тасида (97%) ҳуқуқбузарликлар тўлиқ тасдиқланган. Жорий йил 1 июнь ҳолатига 26,2 мингта субъектга (79%) 89,0 млрд.сўм миқдорида молиявий жарима қўлланилган ва уларнинг 20,8 минг тасидан (80%) 73 млрд.сўми (82%) тўлиқ ундириб олинди. Натижада, берилган хабарлаб ўз тасдиғини топган 19,3 мингта холатлар бўйича фуқароларга 12,4 млрд.сўм мукофот пуллари тўлаб берилди. Электрон тўлов тизимларининг ривожланиб бораётганлигини инобатга олиб, 12 майдан бошлаб (Вазирлар Маҳкамасининг 255-сонли қарори) электрон тижорат платформалари — Маркетплейслар орқали амалга оширилган тўловларга автаматлаштирилган тартибда ҳарид суммасининг 1 фоизини қайтариш тартиби амалиётга жорий қилинди.

Ўзбекистон улкан туризм ва соғломлаштириш салоҳиятга эга ҳамда республика ҳудудида 7 мингдан ортиқ маданий мерос объектлари мавжуд. Бундан ташқари, 8 та қўриқхона, 2 та табиий ва 1 та миллий боғ, 6 та табиий ёдгорлик, 11 та қўриқхона, 50 дан ортиқ сувни муҳофаза қилиш зоналари мавжуд. Жорий йилнинг 8 ойида мамлакатга 3 млн хорижий фуқаролар ташриф буюрган бўлса, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу кўрсаткич 1,9 баробарга ёки 1,5 миллион кишига кўпайган. Туризмни ривожлантириш доирасида жорий йил охиригача 490 та лойиҳани амалга ошириш ва 6 850 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Кейинги йилларда туризмни ривожлантиришга доир 60 дан ортиқ ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Туризм соҳаси ривожланишига янги ташкилотлар: Туризм хизматларини сертификатлаштириш маркази, Туризмни ривожлантириш институти, Миллий PR-марказ ва бошқалар ёрдам бермоқда. Экспертлар ҳисоб-китобларига кўра: Ўзбекистонда туризм миллий иқтисодиётнинг “ўсиш нуқталаридан” бирига айланиб, юқори мултипликатив эффектга эга - туризмдан олинадиган тўғридан-тўғри даромаднинг 1 доллари иқтисодиётнинг турдош тармоқларига камида 5-7 доллар беради. Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистон CrescentRating ташкилоти томонидан тузилган Глобал Ислом туризми индексидаги 10 поғонага кўтарилиб, 22-ўринни эгаллади. Шунингдек, Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ўзбекистонни туризм соҳасида энг тез ривожланаётган давлатлар рўйхатида 4-ўринга жойлаштирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-104-сон қарори тасдиқланди. Мазкур қарор ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режимини жорий этиш мақсадида қабул қилинган. Бундан ташқари қарорда:

- 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона хизматлари (яшаш), йўловчи ва юк ташиш, автотранспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорида белгилаш;

- 2022 йил 1 январдан 2027 йил 1 январга қадар меҳмонхоналар ҳамда 5 минг кв.метрдан ортиқ майдонни эгаллаган савдо мажмуалари бўйича:

• юридик шахслардан ер солиғи ва юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкасини 90 фоизга камайтириш.

• фойда солиғини ҳисоблашда бинолар қийматини икки йил ичида амортизация шаклида чегириб ташланадиган харажатларга киритиш;

- 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январгача белгиланган туристик ҳудудларда рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субектлари учун айланмадан олинадиган солиқ ставкасини 1 фоиз миқдорида белгилаш;

- юридик шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари суммаси - ушбу солиқ турлари бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида тўланиши назарда тутилди.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Рақобат муҳитини бузувчи индивидуал имтиёзлар ва преференцияларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишни амалга ошириш механизларини такомилаштириш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармонига асосан, тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат шароитларини яратиш, шунингдек, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни тақдим этишни тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган ва Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан олинадиган товарлар (хизматлар) бўйича солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилиш;

- Вазирлар Маҳкамаси хатлов натижасига кўра аниқланган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан тақдим этилган айрим солиқлар ва божхона имтиёзларининг амал қилишини давом эттириш заруриятини танқидий қайта кўриб чиқиб, 2022 йил 1 августга қадар уларни бекор қилиш юзасидан таклиф киритиш бўйича берилган топшириққа ҳамда амалдаги солиқ ставка юқори эмаслигидан келиб чиқиб, дивиденд солиғи бўйича амалдаги мавжуд имтиёзларни барчасини бекор қилиш таклиф қилинади.

**Адабиётлар:**

Barnabé Walheer, Linjia Zhang (2018) Profit Luenberger and Malmquist-Luenberger indexes for multi-activity decision-making units: The case of the star-rated hotel industry in China //International Journal of Tourism Management. December. Pages 1-604 pp.1-11.

Кужеля Ю.Л. (2018) Туризм и гостеприимство. Учебник:- М. : Издательство Юрайт, 439 с.

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи 2020. 640 б.

Баладина А.С. (2011) Анализ теоретических аспектов налоговых льгот и налоговых преференций // Вестник Томского государственного университета- №4(16)- С. 45-60.

Рахматуллаева Ф. (2016) —Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли. Молия илмий журнали №2/ 108 бет.

Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. (2004) Налогооблажение юридических и физических лиц. –М.: Экзамен, С.44.

Майбуров И.А. (2011) Налоги и налогообложение . Ред. 4-е изд. - М: 558 с.

Милякова Н.В. (2008) Налоги и налогооблажение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.–М.:ИНФРА, С.33 Milyakova N.V.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИ

***Караев П.Ю.***
*Тошкент молия институти*

***Аннотация:*** *Мақолада олий таълим ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини ташкил этилиши, бухгалтерияда харажатлар ҳисобини юритилиши кўриб чиқилган. Олий таълим ташкилотларида харажатлар ҳисобини юритиш бўйича хорижий олимларнинг асарларида харажатлар ҳисобининг турли талқини ўрганилиб, маҳаллий ва хорижий олимлар қарашлари таҳлил қилинган. Харажатлар ҳисобини юритишнинг назарий асослари ва бюджет ҳисобини юритилиши юзасидан турли қарашлар ўрганилган. Олий таълим ташкилотларининг харажатлари ҳисобининг алоҳида хусусиятлари тўғрисида фикр юритилди.*

***Калит сўзлар:*** *Бюджет ҳисоби, смета харажатлари, харажатлар ҳисоби, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари жамғармалар, ҳисобварақ, бюджет таснифи.*

***Аннотация:*** *В статье рассматривается организация бухгалтерского учета в организациях высшего образования, управление расходами в бухгалтерском учете. Изучены различные трактовки хозрасчета в работах зарубежных ученых по хозрасчету в организациях высшего образования, проанализированы взгляды отечественных и зарубежных ученых. Исследованы различные взгляды на теоретические основы хозрасчета и бюджетного учета. Высказано мнение об особенностях хозрасчета организаций высшего образования.*

***Ключевые слова:*** *Бюджетный учет, сметные расходы, хозрасчет, бюджетные средства, внебюджетные фонды, учет, бюджетная классификация.*

***Abstract:*** *The article discusses the organization of accounting in higher education organizations, cost management in accounting. Various interpretations of self-financing in the works of foreign scientists on self-financing in higher education organizations are studied, the views of domestic and foreign scientists are analyzed. Various views on the theoretical foundations of self-financing and budgetary accounting have been explored. An opinion is expressed about the features of self-supporting organizations of higher education.*

***Keywords:*** *Budget accounting, estimated expenses, self-financing, budget funds, off-budget funds, accounting, budget classification.*

## 1. Кириш.

Давлат ташкилотларида бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш ва уларни доимий назорат қилиб бориш бугунги кунда муҳим ҳисобланади. Шунингдек, давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларнинг кўп қисми таълим тизимига

йўналтирилишини ҳисобга олиб, давлат олий таълим ташкилотларини харажатларини туркумлаш, уларни ҳисобини юритишни янги йўналишларини ишлаб чиқиш ва харажатлари ҳисобини юритишнинг назарий ҳамда амалий муаммоларини ўрганиш долзарбдир. Олий таълим ташкилотларида бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлари бўйича харажатлар ва даромадлар сметаси тузилади ва смета ижросини таъминлаш бўйича мавжуд меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида бухгалтерия ҳисобини юритадилар.

Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг "Бухгалтерия ҳисоби" тўғрисидаги Қонунига, Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги "Бюджет ташкилотларини маблағ билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига, Молия вазирининг 2010 йил 22 декабрдаги "Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги йўриқномасига ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатларга асосан юритилади.

Давлат олий таълим ташкилотларида бугунги кунда юритилаётган бухгалтерия ҳисоби тизими ташкилотнинг молиявий харажатлари таркиби, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари маблағларининг самарали сарфланиши, мақсадли ишлатилиши юзасидан тезкор ва батафсил маълумотлар билан таъминлайди. Шунингдек, олий таълим ташкилотларининг харажатлари ва даромадларини ҳисобини тўғри юритилишини назорат қилади, бюджет маблағларини самарали ва мақсадли ишлатилишини таъминлайди, уларнинг синтетик ва аналитик ҳисобини юритади ва улар юзасидан ҳисоботларни тузади.

**2. Адабиётлар шарҳи.**

Олий таълим ташкилотларида харажатлар ҳисобини алоҳида хусусиятлари ва ташкил этишнинг назарий асослари бўйича бир нечта маҳаллий ва хорижий олимлар тадқиқот олиб борганлар. Маҳаллий олимлардан О.С.Қаршибоев (2011) томонидан олий таълим муассасаларининг ривожлантириш жамғармаси харажатлари ва уларнинг таҳлили кенг ўрганилган. Унинг фикрича, "Олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобининг касса услуби қўлланилганда содир бўлган ҳодисалар бўйича пул маблағларининг келиб тушиши ёки пул маблағларини тўланиши пайтида тан олинса, бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш услуби қўлланилганда эса содир бўлган ҳодисалар активларнинг қиймати ва мажбуриятларнинг суммаси пайдо бўлган ёки уларнинг иқтисодий қиймати ўзгарган пайтда тан олинади". Бундан кўринадики, олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисобида харажатларни ҳисобга олишнинг ҳар бир усуллари тўғрисида кенг фикр юритган.

Рус олими Заводчиков Н.Д. (2007) харажатларни бошқариш кераклигини таклиф қилади. Унинг фикрича, уларни нафақат қисқартириш, балки, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш харажатларидан самарали фойдаланиш керак. Харажатларнинг самарадорлиги ташкилотнинг харажатлари миқдорини ҳам, харажатларнинг самарадорликка таъсирини ҳам ҳисобга олади.

Антипова Э.Г. (2014) "харажатлар" ва "харажат" атамалари тушунчаларини таърифини беради. Муаллифнинг таъкидлашича, харажатлар корхонани ташқи муҳитда намоён этишнинг ҳал қилувчи кўрсаткичидир, чунки харажатлар - бу кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини таъминлаш учун қиймат жиҳатидан моддий, меҳнат ва молиявий ресурсларнинг сарфланиши.

Бундан ташқари яна кўплаб олимлар бу йўналишда илмий изланишлар олиб борилган, ҳар бирининг ўзига хос ёндошуви ва қарашлари мавжуд.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Мақолада илмий тадқиқот жараёнида давлат таълим ташкилотларида харажатларнинг ҳисоби ва назарий асослари борасидаги иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, жараённи кузатиш, харажатларнинг миқдори ва даражасига таъсир қиладиган омилларни тизимлаштириш, харажатлар ҳисоби самарадорлигини ошириш мақсадида, уларни туркумларга ажратиш, алоҳида йўналишлари бўйича ҳисобга олиш, бюджет таснифи бўйича гуруҳларга ажратиш механизми ўрганилган, давлат олий таълим ташкилотларида харажатларнинг ҳисобини ташкил қилишнинг ва мақсадли сарфланиши юзасидан назорат қилишни ташкил қилиш механизми таҳлил қилинган, муаллиф тадқиқотлари билан кузатув асосида таҳлил олиб бориш орқали тадқиқот натижаларига асосланиб, хулоса ва таклифлар берилган.

**4. Таҳлиллар ва натижалар.**

Ўзбекистонда олий таълим тизимида юзага келган кескин ўзгаришлар тизимни шиддат билан ривожланишига сабаб бўлди. Ушбу тизимда айрим муаммоли вазиятларни бартараф этиш ва кўзланган мақсадга эришиш учун кенг қамровли сифатни яхшилашга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда хориж тажрибаси асосида тизимни такомиллаштиришга қаратилган йўналишларни ҳам илмий ҳам методик томондан янгилаш бугуннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади. Мамлакатимизда олий таълим муассасаларида молиявий мустақиллик берилиши билан боғлиқ кескин ўзгаришлар, бошқа соҳаларда ҳам мустақиллик муҳитини шакллантиришга хизмат қилди. Бундан кўриниб турибдики, соҳанинг ривожланиши давлат олий таълим муассасаларида олиб борилаётган ислоҳотлар яна бир янги тизимни шакллантиришга, бир босқичдан бошқа босқичга қадам қўйишга ва шу билан бир қаторда ривожланишни янада такомиллашган кўринишига эга бўлишига сабаб бўлмоқда.

Бюджет ташкилоти ва бюджет маблағлари олувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан харажатлари бюджетдан ажратиладиган маблағлар доирасида ва уларнинг харажатлар сметаларида кўрсатилган мақсадларда амалга оширилади (Буйруқ, 2014).

Бюджет ташкилотларининг ҳисоб юритиш шакли, бир нечта харажатлар сметалари асосида топшириладиган ҳисоботлари, молиялаштириш манбалари кўп тармоқлилигидан келиб чиқиб, бюджет ташкилотларида харажатлар ҳисобини юритишни тўғри ташкил этишнинг аҳамияти янада юқорилигини кўришимиз мумкин.

Давлат олий таълим ташкилотларида харажатлар ҳисоби асосан икки йўналиш бўйича олиб борилади: бюджет маблағлари ва бюджетдан ташқари маблағлар. Давлат таълим ташкилотларининг бюджет маблағларини смета асосида давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ташкил этса, бюджетдан ташқари маблағларини контракт ҳисобрақами ва ривожлантириш жамғармаси таркибидаги маблағлар ташкил этади.

Харажатлар сметаси бўйича ҳисоблаб чиқариш иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари кўрсаткичларига ва тежамкорликнинг қатъий режимини ҳисобга олган ҳолда маблағларга эга бўлган эҳтиёжга мувофиқ амалга оширилиши лозим (Буйруқ, 2014).

Давлат таълим ташкилотларида харажатларни ҳисоблаб чиқаришда бир нечта омилларга эътибор қаратиш лозим. Харажатларни ҳисоблаб чиқариш вақтида қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- белгиланган тартибда тасдиқланган бюджет ташкилотлари харажатларининг нормативларига;

- товар ва хизматларнинг давлат томонидан тартибга солинадиган нархлари ва таърифларига;

- олий таълим муассасасининг педагог ходимларига ойлик маош тўлаш учун бюджетдан ажратилатиладиган маблағларни аниқлашда белгиланган қонунчиликда кўзда тутилган базавий меҳнатга ҳақ тўлаш ставкаларидан, устамаларни белгилаш бўйича белгиланган меъёрлардан, педагог ходимларни илмий унвонларидан келиб чиқиб белгиланган ойлик маош миқдоридан ва бошқалар учун қўшимча ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда ўқув режасига мувофиқ тузилган тарификациялардан келиб чиқиши лозим;

- стипендия харажатлари стипендиялар миқдорлари ва стипендия билан таъминлаш тартибига мувофиқ ҳисобланади;

- ягона ижтимоий тўловни тўлаш харажатлари харажатлар сметасига белгиланган ставкалардан ва қонун ҳужжатларига мувофиқ ягона ижтимоий тўлов тўланадиган барча тўлов суммаларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

- хўжалик харажатлари, жумладан, коммунал хизматлар, телефон ва бошқа телекоммуникация хизматлари учун харажатлар ҳар бир ташкилотга кўрсатилган хизматга белгиланган лимит доирасида нарх ва тарифларни ҳисобга олган ҳолда белгиланади;

- мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотини тўлаш харажатлари харажатлар сметасига қонунда назарда тутилган тартибда олий таълим ташкилотининг барча ходимларининг ўтган йилги иш ҳақининг ҳақиқий харажатларидан келиб чиққан ҳолда киритилади;

- хизмат сафарларига харажатлар ташкилотларнинг олдига қўйилган вазифаларидан, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Давлат таълим ташкилотларининг бюджет маблағлари асосан юқорида кўрсатилган харажатлар юзасидан сметага асосан сарфланади ва смета ижроси бўйича ҳисобот топширади. Бюджет маблағлари харажатлари харажатлар сметасига мувофиқ олий таълим ташкилотларида шахсий ҳисобварақлари орқали амалга оширилган тўловлар суммаси 232-"Бюджетдан молиялаштириш" субсчётида ҳисобга олинади.

Шунингдек, 261 “Бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлар” субсчётида ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ривожлантириш жамғармаси ҳисобига амалга оширилган ҳақиқий харажатлари ҳисобига юритилади.

Ривожлантириш жамғармаси маблағлари асосан биринчи навбатда:

- вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларни ва мавжуд кредиторлик қарзларни тўлашга;

- моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тадбирларига;

- ижтимоий ривожлантириш ва бюджет ташкилоти ходимларини моддий рағбатлантириш тадбирларига сарфланади (Қаршибоев О.С., 2011).

Бундан ташқари бугунги кунга келиб, олий таълим муассасаларида уларнинг амалга оширилаётган ишлар доираси кенгайиб бормоқда. Бунга сабаб, ташкилот фаолияти ва молиялаштириш юзасидан ўзгаришлар пайдо бўлганлигидир. Олий таълим ташкилотларининг асосий фаолияти таълим ва илмий-тадқиқотни ўз ичига олади. Айни пайтда, асосий ва қўшимча қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш дастурлари лойиҳалари ўзгариб бормоқда. Шу билан бир қаторда, халқаро таълим лойиҳалари ва идмий-тадқиқот фаолияти кўлами кенгайиб бормоқда, хусусан, тажриба-синов тариқасида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилган **35 та** олий таълим муассасалари рўйхати тасдиқланди. Шу муносабат билан давлат

таълим ташкилотларида қўшимча маблағларни жалб қилиш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Шу жумладан талабаларни илмий тадқиқотчилар сифатида жалб қилиш орқали грант лойиҳалари бўйича ишлар жадаллаштирилмоқда. Жумладан, олий ўқув юртларининг даромадлари таркибида бюджетдан ажратиладиган субсидиялар ва инвестициялар билан бирга даромад келтирадиган фойда турлари ҳар хил кўринишда бўлади (1-расм).




**1-расм. Олий ўқув юртларининг даромад келтирадиган фойда турлари (Хамидова З.У., 2021)**

Натижада замонавий олий таълим ташкилотларининг ўзгарувчанлиги ва молиялаштириш манбалари тузилмасининг ўзига хослиги туфайли, олий таълим муассасаларида ички аудит хизмати фаолияти ташкил этилди. Олий таълим ташкилотининг самарали иқтисодий ва молиявий фаолиятини таъминлашга қаратилган ички аудит тизимини, жумладан, олий таълим ташкилотининг молиявий ресурсларининг сарфланишини назорат қилишнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиш лозим.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Давлат олий таълим ташкилотларида харажатлар ҳисобини тўғри ташкил этилиши ва унинг назорати борасида олиб борилаётган ишлар бугунги кунда катта аҳамият касб этади. Олий таълим ташкилотларига берилган молиявий мустақиллик бунинг яққол намунасидир. Ташкилотларда тузиладиган бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар юзасидан тузилариган харажатлар сметаси пухта ҳисоблаб чиқилиши ва унинг ижроси юзасидан алоғида назорат ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир.

Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг смета ижроси бевосита мазкур ташкилот раҳбарлари томонидан амалга оширилади. Бюджет маблағларидан тасдиқланмаган харажатлар сметаси, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметасида назарда тутилмаган тадбирлар, шунингдек даромадлар ва харажатлар сметаси бўйича сметада ва алоҳида харажатлар сметасида тасдиқлангандан ортиқ суммаларда харажат қилиш

тақиқлаб қўйилган. Бундай ҳолатларни юзага келмаслиги ва смета бўйича сарфларни доимий назоратга олиш муҳимдир.

Бугунги кундаги олий таълим ташкилотларнинг амалга оширадиган ишлари доирасидан келиб чиқиб, уларнинг даромад келтирадиган фойда турлари аниқланган, ички аудит ва молиявий назорат хизматининг қамраб оладиган жиҳатлари асосланган, бюджет ташкилотлари учун ички аудит ва молиявий назорат хизматларининг зарурияти ва аҳамияти очиб берилган, ички аудит вазифалари ва тамойиллари белгилаб берилган.

**Адабиётлар:**

Антипова Э.Г. (2014) Теоретические основы учета затрат в растениеводстве // Материалы VI Международной студенческой научной конференции «Студенческий научный форум» URL:<ahref="https://scienceforum.ru/2014/article/2014006779">https://scienceforum.ru/2014/article/2014006779</a>

Буйруқ (2010) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2010 йил 21 декабрдага “Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида”га 2169-сон.

Буйруқ (2014) “Бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг харажатлар сметаси ва штат жадвалларини тузиш, тасдиқлаш ва рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2014 йил 15 декабрда 2634-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2014 йил 14 ноябрдаги 74-сон буйруғига илова.

Заводчиков Н.Д. (2007) “Управление издержками и прибылю в организациях агропроводольственного сектора экономики”, автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук, Оренбург.

Кодекс (2013) Ўзбекистон Республикасининг “Бюджет Кодекси”. ЎРҚ-360-сон.

Қонун (2016) Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404-сон.

Қарор (2019) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 майдаги "Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида"ги 967-сон.

Қаршибоев О.С. (2011) “Олий таълим муассасаларининг ривожлантириш жамғармаси харажатлари ҳисоби”, Иқтисод ва Молия, №12.

Хамидова З.У. (2021) “Бюджет ташкилотларида ички аудит ва молиявий назорат хизмати фаолиятини такомиллаштириш” диссертация.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ИҚТИСОДИЁТНИ РАҚАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА АУДИТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МУАММОЛАРИ

***и.ф.д., профессор Курбанов З.Н.***
*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси ҳузуридаги Фискал институт*

***Аннотация:*** *Мақолада Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини рақамли иқтисодиёт шароитида ташкил этиш масалалари ёритилган. Шунингдек иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида аудитнинг назарий масалалари, унинг амалиёти, методи ва аудиторлик жараёнида ҳам катта ўзгаришлар бўлишлиги асосланган.*

***Калит сўзлар:*** *аудит, аудиторлик фаолияти, иқтисодиётни рақамлаштириш, "Катта тўртлик, аудиторлик хизмати.*

***Аннотация:****В статье освещены вопросы организации аудиторской деятельности в Республике Узбекистан в условиях цифровой экономики. Также в основу положены теоретические вопросы аудита, его практика, метод и процесс аудита в условиях цифровизации экономики.*

***Ключевые слова:*** *аудит, аудиторская деятельность, цифровизация экономики, «большая четверка», аудиторская служба.*

***Annotation:*** *The article highlights the issues of organizing audit activities in the Republic of Uzbekistan in the digital economy. It is also based on the theoretical issues of audit, its practice, method and audit process in the context of the digitalization of the economy.*

***Keywords:*** *audit, audit activity, digitalization of the economy, Big Four, audit service.*

## 1. Кириш.

Мамлакатимизда аудиторлик фаолияти йилдан-йилга ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Аудиторлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам такомиллашиб, мустаҳкамланмоқда. Бунинг яққол мисоли бўлиб Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда имзоланган **"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги** ЎРҚ-677-сонли қонунинингқабул қилинишидир. Ушбу қонун мамалакатимизда аудиторлик фаолиятини ташкил этиш бўйича халқаро нормаларга жавоб берадиган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Мазкур қонуннинг 3-моддасида "**аудиторлик фаолияти** — аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик хизматларини кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти" деб эътироф этилган. Қонуннинг асосий талабларидан бири аудиторлик фаолиятини рақамли иқтисодиёт шароитига мослашишидир.

**2. Адабиётлар шарҳи.**

Хўш аудит, аудиторлик фаолияти иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида қандай ташкил этилади? Бундай шароитда аудиторлик фаолияти, аудиторлик текширувларининг ташкилий ва методологиясида ўзгаришлар вужудга келади. Бу борада В.А.Якимованинг (2020) қуйидаги фикрларини келтириш мумкин: "ҳозирги шароитда аудитда парадигматик ўзгаришлар рўй бериб, унинг шакли анъанавийдан интеллектуал аудитга айланмоқда, унинг методологияси ҳам технологияларга асосланмоқда". Бу аудитни босқичма босқич рақамлаштиришга ўтишидан далолатдир.

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида рақамли аудит моделини ишлаб чиқишни талаб этади. Россия Федерацияси Ҳисоб палатасининг раиси А. Кудриннинг (2020) фикрича, Россияда 3 йил ичида рақамли аудитга ўтиш мумкин экан.Унинг ёзишича, биринчи навбатда молиявий аудитни рақамлаштиришдир. А.Кудрин ўзининг фикрини давом эттириб, биз рақамли аудит моделини яратамиз-бу шуни англатадики, аудитор объектга чиққан вақтида, унда ўтказиладиган текширишга барча маълумотлар қисмлари билан тайёр бўлади.

В.В.Панковнинг (2019) ёзишича, ҳисоботлардаги ахборотларга нисбатан ўтказилаётган анъанавий аудит ҳозирги талабларга жавоб бермай қолди. Шунинг учун янги қарорлар қабул қилишни излаш вақти келди. Ўзининг фикрини давом этириб В.В.Панков, келажакдаги аудитнинг методологияси рискка йўналтирилган консепцияга асосланади деган хулосага келган. Демак, рақамли иқтисодиёт шароитида, нафақат аудитнинг назарий масалалари, унинг амалиёти, методи ва аудиторлик жараёнида ҳам катта ўзгаришлар бўлишлиги кутилмоқда.

И.И.Мелиев ва Б.М.Дагаровларни (2020) такидлашича масофавий тарзда аудиторлик хизматларини ташкил этиш ва ўтказишда қўйилган мақсадга эришиш учун нафақат IT технологиялар воситаларидан фойдаланиш, балки аудитнинг илғор автоматлашган дастурлари, молиявий таҳлил дастурлари, электрон рақамли имзо хизматини жорий этиш ва кўрсатиладиган аудиторлик хизматлари сифатини тасдиқловчи аудиторни тайинлаш орқали эришиш мумкин.

Х.Х.Сайдивалиева (2020) аудитни рақамлаштириш бўйича қуйидагиларни халқаро аудиторлик компаниялари (Deloitte «Optix» аналитик дастури, KPMG «Watson», «Clara» смарт аудит платформаси, шунингдек, Microsoft Excel билан биргаликда CAAT, GAS, ASL, Outlier Analysis, Benfords Law Analysis дастурлари) фаолиятида кенг қўлланаётган дронлар, рақамли аудит, data mining, аудит операцияларини роботлаштириш, блокчейн, суньий ақл, аналитик дастурлар каби илғор технологиялар ва уларнинг аудиторлик текширувларидаги самаралари ўрганилиб, миллий аудиторлик ташкилотлари амалиётида улардан фойдаланиш таклиф этади.

З.Н.Курбановнинг(2020) фикрича рақамли иқтисодиётни ривожланиши шароитида бухгалтерия ҳисобининг янги объектлари пайдо бўлади ва унинг методологиясини такомиллаштиришни талаб қилади. Бу бевосита аудитга ҳам тегишлидир.

Д.В.Варламова ва Л.Д. Алексеевалар (2020) эса рақамли аудитга таъриф беришган:" Рақамли аудит-бу маҳсулотни яратишнинг ҳар бир босқичида аудиторлик текшируви учун зарур шарт-шароитларни яратиш".

Н.Козлова (2021) аудитни рақамлаштиришни қуйидагича тассавур қилади:" Аудитни рақамлаштириш – бу корхоналарда аудитни тўлиқ масофадан ўтказишдир".

А.В.Петух ва М.Ф.Сафоноваларни (2019) ёзишича: "Рақамли аудитнинг ритвожланиши билан аудитни ўтказиш технологиясида ҳам транформация рўй беради".

Н.А.Антипенко ва Д.Ю.Бусыгинларни (2019) эътироф этишича рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг янги объекти- рақамли белги (токен) пайдо бўлди. Бундан келиб чиқадики, рақамли белги билан боғлиқ операциялар ҳам аудиторлик текширувидан ўтиши керак.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Мақолада илмий тадқиқот жараёнида иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида аудитни ташкил этиш муаммолари борасидаги иқтисодчи олимларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганиш, жараённи кузатиш асосида ижтимоий ва иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилиш, муаллиф тадқиқотлари билан қиёсий таҳлил олиб бориш орқали тадқиқот натижаларига асосланиб, хулоса ва таклифлар берилган.

**4. Таҳлил ва натижалар**:

Аудиторлик фаолияти умуман олганда аудиторлик текшируви ва кўрсатиладиган хизматларни ўз ичига олади.

Бу борада Ўзбекистон Республикасининг **"Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги** ЎРҚ-677-сонли қонуиннинг 31-моддасида аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувлари ва турдош хизматлари туридаги аудиторлик хизматларини кўрсатади деб белгилаб қўйилган.

Қонуннинг 33-моддасида аудиторлик ташкилотлари томонидан қуйидаги турдош хизматларни кўрсатилиши белгилаб қўйилган:

бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, қайта тиклаш, юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш, шу жумладан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тузиш;

юридик шахснинг тафтиш комиссияси (тафтишчиси), инвестиция активларини ишончли бошқарувчи вазифаларини амалга ошириш;

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисобот тузиш масалалари бўйича маслаҳат бериш;

аудиторлик ташкилотининг штатида солиқ маслаҳатчиси мавжуд бўлганда ёхуд шартнома шартлари асосида уни жалб этган ҳолда, солиққа оид қонунчиликни қўллаш, солиқлар ва йиғимлар бўйича ҳисоб-китоблар, декларациялар тузиш юзасидан маслаҳатлар бериш;

молия-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва молиявий режалаштириш, шу жумладан бизнес-режалар тайёрлаш, иқтисодий, молиявий маслаҳат ва бошқарувга оид маслаҳат бериш;

бухгалтерия ҳисоби, аудит ва молиявий ҳисобот, солиқ солиш, молия-хўжалик фаолиятини ҳамда молиявий режалаштиришни таҳлил қилишга доир семинарлар, конференциялар ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишни автоматлаштириш ва молиявий ҳисобот тузиш, молиявий ахборотнинг ахборот хавфсизлиги бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Мамлакатимизда аудиторлик хизмат кўрсатишдан олинган 206352,4 млн. сўмнинг 67,6 фоизи аудиторлик текширувларидан ва фақат 32,4 фоизи бошқа кўрсатилган хизматлар улушига тўғри келади. Ушбу кўрсаткич Россия Федерациясида қуйидагича:умумий дарамоднинг 58,2 фоизи аудиторлик текширувларидан ва 41,8 фоизи эса бошқа кўрсатилган хизматлар улушини ташкил этади. Юқоридагилардан кўриниб турибдики мамлакатимизда аудиторлик фаолиятидан олинаётган даромадларда бошқа хизматлар кўрсатишдан тушумни ошириш зарур. Бу айниқса рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий аҳамиятга эга.

Иқтисодий адабиётларни таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, рақамли иқтисодиёт шароитида аудитнинг методологияси ўзгаради, аудит узлуксиз бўлади. Чунки

информацион технологияларга асосаланган бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи маълумотлари аудиторлар томонидан доимий текширилиб, белгиланган муддатда ва тартибда аудиторлик ҳисоботи тузади ҳамда аудиторлик хулосани беради.

Бунинг қонуний асоси борми деган савол туғилиши мумкин. Ҳа, қонуннинг Аудиторлик текширувини ўтказишдаги чекловлар" номли 34-моддасида "Аудиторлик ташкилоти кетма-кет етти йилдан кўпроқ айни бир хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини ўтказишга ҳақли эмас." деб белгилаб қўйилган. Бундан келиб чиқадики аудиторлик ташкилоти бир хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувини етти йил кетма-кет ўтказиш ҳуқуқига эга. Агар аудиторлик ташкилоти бир хўжалик юритувчи субъект билан 5 ёки 7 йилга аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома тузган бўлса, шу давр мабойнида аудит узлуксиз ўтказилиб борилиши мумкин.

Бу бўйича қуйидаги мисолларни келтиришимиз мумкин. Россия Федерациясининг энг йирик : ПАО "Нефтяная компания "ЛУКОЙЛ" компанияси (2021) молиявий ҳисоботларини аудиторлик текшириуви бир неча йилдан бери АО "КПМГ" аудиторлик фирмаси томонидан ўтказилиб келинади. Худди шундай вазият Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятида ҳам. Ўзбекнефтгаз" акциядорлик жамиятининг 2016, 2017 ва 2018 йиллар учун МҲХС асосида тайёрланган консолидациялашган молиявий ҳисоботи жаҳондаги йирик тўртталикка кирувчи – "Ernst & Young" халқаро аудиторлик компанияси томонидан Халқаро аудит стандартлари (ХАС) асосида аудиторлик текширувидан ўтказилди. Аҳамиятли жиҳати, 2020 йилнинг 5 июни ва 24 ноябрларида бу ҳақда ижобий аудиторлик хулосаси олинди.

Рақамли иқтисодиёт шароитида аудиторлик текширувларида фирмалар томонидан яратилаётган ва қўлланаётган амалий рақамли технологиялардан кенг фойдаланиш долзарб бўлиб боради. Бу борада В.А.Якимова Россия Федерацияси аудиторлик фирмалари томонидан амалиётда қўлланаётган қуйидаги «Экспресс Аудит: ПРОФ», «Помощник аудитора», Audit Expert; Audit XP, «Комплекс Аудит»; Audit NET; IT Audit ва бошқа рақамли технологияларни муҳимлигини кўрсатиб ўтган. Бу рақамли технологиялар дунё ва Россия Федерациясининг йирик аудиторлик компаниялари томонидан амалиётда қўлланиб келинмоқда. Бу эса йирик аудиторлик компанияларининг рақамли иқтисодиёт талабларига мослашганлигидан далолат беради. . Масалан, жаҳоннинг "Катта тўртлик" аудиторлик компанияларининг 2019 йилда мижозларга кўрсатган хизматлари ҳажмидан ҳам кўриниб турибди (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Жаҳоннинг "Катта тўртлик" аудиторлик компанияларининг 2019 йилдаги асосий кўрсаткичлари[1]**

| Компаниялар | Даромади | Ходимлар сони | 1 ходимга тўғри келадиган даромад | Йил | Штаб-квартирасининг жойлашган жойи |
|---|---|---|---|---|---|
| Deloitte | $46,2 млрд | 312 028 | $148 077 | 2019 | Буюк Британия/АҚШ |
| PwC | $42,45 млрд | 276 005 | $153 794 | 2019 | Буюк Британия/АҚШ |
| EY | $36,4 млрд | 284 000 | $128 169 | 2019 | Буюк Британия/АҚШ |
| KPMG | $29,75 млрд | 219 281 | $135 671 | 2019 | Голландия |

[1] Большая четвёрка (аудит) https://ru.wikipedia.org/wiki. 15.10.2020.

Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики 2019 йилда аудиторлик компаниялари ичида энг кўп даромад олган компания “Deloitte” ҳисобланади. “Deloitte” компаниясининг 2019 йилдаги даромади **$46,2 млрд.**ни ташкил этган, кейинги ўринда PwC компанияси бўлиб, унинг даромади **$42,45 млрд.**ни ташктл этган. “Катта тўртлик” аудиторлик компанияларида қарийб 1 миллион ходим ишлашлигини алоҳида қайд этиш керак. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 99 та аудиторлик ташкилоти ва 572 нафар аудиторлар рақамли иқтисодиёт талабларига мослашишлари зарур.

Халқаро иқтисодий форум (World Economic Forum) прогнозига кўра 2025 йилга келиб аудиторлик текширувларининг қариб 30 фоизи интелектуал ахборот технологияларидан фойдаланилган ҳолда ўтказилади. “Deloitte & Touche” аудиторлик фирмасининг ҳисоботига асосан текширишларда рақамли технологиялардан фойдаланиш ҳисобига фирманинг даромади 2019 йилда 23 фоизга ошган, 2022 йилга келиб 30 фоизга ошиши кутилмоқда.

**5. Хулоса.**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хулоса қилишимиз мумкинки рақамли иқтисодиёт шароитида аудитнинг ташкилий ва методологиясида туб ўзгаришлар рўй беради. Аудиторлик текширувларида сунъий интелектуал ахборот технологияларидан фойдаланиш ошиб боради. Бунда сунъий интеллект технологияларини қўлловчи дастурий таъминот ишлаб чиқувчиларига рақамли маълумотлардан фойдаланиш учун шароит яратиш ва ташкилотларининг тегишли маълумотларини тезкор рақамлаштиришни таъминлаш зарур бўлади.

Бундай ўзгаришлар аудиторлик фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқий меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритишни талаб қилади. Рақамли иқтисодиёт шароитига мос бўлган аудитнинг халқаро стандартларини ишлаб чиқиш ёки мавжудларига тегишли ўзгартиришлар киритишни таклиф қиламиз.

Энг асосийси аудиторлик текширувини ўтказадиган кадрларни рақамли иқтисодиёт талабларига мослашуви бўйича қайта тайёрлаш ва аудитни рақамлаштириш ривожланган хорижий мамлакатларда стажировка ўтишини тавсия этамиз.

**Адабиётлар:**

Қонун (2021) Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралда тасдиқланган “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сон.

Якимова В.А. (2020) Возможности и перспективы использования цифровых технологий в аудиторской деятельности. Вестник Санкт-Петербургского университета. Экономика. Т. 36. Вып. 2. С. 287–318.

Алексей Кудрин (2018): за три года Счетная палата перейдет на цифровой аудит. https://finrussia.ru/news/aleksey-kudrin-za-tri-goda-schetnaya-palata-pereydet-na-tsifrovoy-audit/.

Панков В.В. (2019) Трансформация института аудита в условиях применения цифровых технологий. Журнал “Аудит” №12.

Мелиев И.И., Дагаров Б.М. (2020) Коронавирус пандемияси шароитида аудиторлик хизматларини ташкил этиш хусусиятлари. Молия ва банк иши электрон илмий журнали ii сон. март-апрель, 167-176 бет.

Сайдивалиева Х.Х. (2020) Аудиторлик фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш 12.00.03-Фуқаролик ҳуқуқи.Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ. юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy)диссертацияси автореферати. 14 бет.

Курбанов З.Н. (2020) Рақамли иқтисодиёт шароитида бухгалтерия ҳисобининг

муаммолари.”Логостика ва иқтисодиёт” илмий электрон журнал. 3 сон. 96-102 бет. http://economyjournal.uz/.

Варламова Д.В., Алексеева Л.Д. (2020) Вопросы внедрения цифровых технологий в систему бухгалтерского учета // Вестник Алтайской академии экономики и права. № 5-2. – С. 248-254; URL: https://vaael.ru/ru/article/view?id=1136 (дата обращения: 29.04.2021).

Козлова Н. (2021) Цифровизация аудита и консалтинга - наша реальность. https://zen.yandex.ru/media/finexpertiza/cifrovizaciia-audita-i-konsaltinga-nasha-realnost-nina-kozlova-vystupila-na-professionalnoi-vstreche-raex. 29.04.2021.

Петух А.В., Сафонова М.Ф. (2019) Современный аудит в условиях цифровизации экономики: проблемы и перспективы развития. Международный бухгалтерский учет, Т. 22, № 10, С. 1154 – 1169

Антипенко Н.А., Бусыгин Д.Ю. (2019) Некоторые особенности проведения аудита хозяйственных операций, совершаемых с использованием цифровых знаков (токенов). Экономика и управление народным хозяйством: сборник статей всероссийской научно-практической конференции / сост. И.Г. Чернышова - Брянск: БГУ, 209 с. – режим доступа: https://brgu.ru/science/publikatsii/sborniki-trudov/.

Маълумотлар (2020) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари https://www.mf.uz/media/file/audit/osn_pokazateli/osnovnie_pokazateli_2020.pdf. 16.04.2021

Маълумотлар (2021) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари https://minfin.gov.ru/ru/document/?id_4=130374.osnovnye_pokazateli_rynka_auditorskikh_uslug_v_rossiiskoi_federatsii_v_2019_g.16.04.2021.

ПАО (2021) "Нефтяная компания "ЛУКОЙЛ": бухгалтерская отчетность и финансовый анализ. https://www.audit-it.ru/buh_otchet/7708004767_pao-neftyanaya-kompaniya-lukoyl.

Тўқсанов Ҳ. (2021) “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг тизимидаги корхоналарнинг ҳаққоний қиймати ХБС асосида баҳоланди.https://uza.uz/uz/posts/ozbekneftgaz-aj-va-uning-tizimidagi-korxonalarning-haqqoniy-qiymati-hbs-asosida-baholandi_233879.18.02.2021.

Искусственный_интеллект (мировой_рынок) (2021). URL: http://www.tadviser.ru/index.php/ (дата обращения: 16.04.2021).

Годовой отчет Deloitte (2021). URL: https://www2.deloitte.com/content/dam/Deloitte/nl/Documents/ about-deloitte/deloitte-nl-integrated-annual-report-2017-2018.pdf (16.04. 2021).

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИНИНГ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

***Мирсаидова Ш.А.***
*Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети*

***Аннотация.*** *Ушбу илмий мақолада мамлакатда фаолият олиб бораётган саноат тармоқлари, саноат таркиби, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари, саноат корхоналари ва уларнинг сони ўрганилган бўлиб, тадқиқот натижасида Ўзбекистон саноат тармоғининг барқарор ривожланишида муҳим аҳамиятга эга таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.*

***Калит сўзлар:*** *саноат, саноат тармоғи, саноат корхоналари, истеъмол товарлари, инновация, барқарор ривожланиш.*

***Аннотация.*** *В данной научной статье рассмотрены отрасли, действующие в стране, структура промышленности, промышленная продукция, промышленные предприятия и их количество, а в результате исследования сформулированы предложения и рекомендации, важные для устойчивого развития промышленности Узбекистана.*

***Ключевые слова:*** *промышленность, промышленный сектор, промышленные предприятия, товары народного потребления, инновации, устойчивое развитие.*

***Annotation.*** *This scientific article discusses the industries operating in the country, the structure of industry, industrial products, industrial enterprises and their number, and as a result of the study, proposals and recommendations are formulated that are important for the sustainable development of industry in Uzbekistan.*

***Key words:*** *industry, industrial sector, industrial enterprises, consumer goods, innovations, sustainable development.*

## 1. Кириш.

Саноат корхоналарининг иқтисодий шароитларини ўзгартириш миллий ва жаҳон саноат бозорларида уларнинг барқарор ривожланиши учун янги воситаларни излашни ўз ичига олади.

Саноатнинг барқарор ривожланиши Ўзбекистонни янги саноатлаштиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда барқарор ривожланишнинг 2030 йилгача бўлган даврда мақсад ва йўналишлари шакллантирилган бўлиб, унга мувофиқ 2030 йилгача инфратузилмани модернизациялаш ва саноат корхоналарини қайта жиҳозлаш, ресурслардан фойдаланиш ҳамда соф ва экологик хавфсиз технологиялар ва ишлаб чиқариш жараёнларидан кенг фойдаланиш ҳисобига уларни барқарорлаштириш, бунда барча манфаатдор мамлакатларнинг уларнинг индивидуал имкониятларига мувофиқ иштирокини таъминлаш; 2030 йилгача озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг барқарор тизимлари

яратилишини таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш имконини берадиган қишлоқ хўжалигини юритиш усулларини жорий қилиш тадқиқот предмети доирасидаги мақсадлар белгилаб берилган (Қарор, 2022).

Бугунги кунда мамлакатда 18 та комплекс тармоқ ва 180 га яқин комплекс тармоққа кирувчи тармоқлар фаолият олиб боради. Энг йирик комплекс тармоқлар жумласига озиқ-овқат саноати, енгил саноат, қурилиш материаллари саноати, машинасозлик ва металлургия, нефт ва кимё саноати кабилар киради. Ушбу саноат тармоқлари мамлакат экспорт таркибида ҳам муҳим ўринга эга. Аммо, экспорт хомашё базасидан фаол фойдаланиш иқтисодиётнинг инновацион тармоқларини рағбатлантиришга тўсқинлик қилмоқда, бироқ шу билан бирга, анъанавий тармоқларни ривожлантирмасдан туриб, янги юқори технологияли тармоқларга тўлақонли инвестиция киритиш мумкин эмас.

Шу жиҳатдан олганда ҳам, илмий тадқиқот мавзуси долзарб бўлиб, Ўзбекистон саноатининг барқарор ривожланиш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақоланинг асосий мақсади ҳисобланади.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Барқарор ривожланиш концепциясининг асослари Э.Р.Линдал (1939) ва Ж.Р.Хикс (1939) асарларида белгилаб берилган, асосий тамойиллар эса Г.Х.Брундтланднинг 1987 йилдаги маърузасида киритилган. Кўпинча "цивилизация келажагининг глобал модели" деб аталадиган концепциянинг ўзи 1992 йилда Рио-де-Жанейрода бўлиб ўтган БМТнинг ривожланиш ва атроф-муҳит бўйича конференциясида қабул қилинган. Барқарор ривожланиш ғояси бир вақтнинг ўзида учта йўналишни ривожлантиришдир: иқтисодий (самарадорлик ва ўсиш барқарорлиги), ижтимоий (инсон капиталига инвестициялар, маданий анъаналарни сақлаш ва ижтимоий тенгликка эришиш) ва экологик. Шундай қилиб, барқарор ривожланиш - бу мувозанатли трансформация жараёни бўлиб, унда ресурслар, инвестициялар, ижтимоий ривожланиш ва давлат институтларини ўзгартириш инсон эҳтиёжлари ва мақсадларини оқилона қондиришга қаратилган (ГригорьеваС.В., 2013).

Шуни таъкидлаш керакки, "барқарор" атамасининг талқинида чалкашликлар мавжуд. Кўриниб турибдики, шунинг учун баъзи хорижий тадқиқотларда "корхона барқарорлиги" ва "корхонанинг барқарор ривожланиши" тоифалари ажратилган. "Барқарор" сўзининг аниқ таржимаси "узоқ", "узлуксиз" деган маънони англатади, бунинг контекстида биз объектнинг ўзгармас ҳолати ҳақида эмас, балки, аксинча, унинг динамикаси ҳақида гапираётганимиз аён бўлади. Ривожланиш давомийлиги янгилик ва объектни ташқи ва ички табиатнинг ўзгарувчан шароитларига мослаштиришни назарда тутади (Шумпетер Й., 1982). Шундай қилиб, барқарор ривожланишнинг асосий белгилари - мослашувчанлик, рақобатдош устунликларнинг давомийлиги, фаолиятнинг жорий ва келажакдаги мақсадлари ўртасида зиддиятнинг йўқлиги, барча субъектлар ва умуман жамият манфаатларини ҳисобга олиш. Шу сабабдан ҳам биз ушбу тадқиқотда, саноат тармоқлари сони, фаолият олиб бораётган ва тугатилган корхоналарнинг ўзаро нисбатини, саноат корхоналарида жорий этилаётган инновацияларнинг сонини ўргандик.

Микро даражада қабул қилинган стратегиялар ва қарорлар институционал муҳит параметрлари, инновацион ташқи таъсирлар ва ташқи муҳитнинг кўплаб бошқа омилларидан келиб чиқади (Хотинская Г.И., 2015). Шундай экан, барқарор ривожланишни таъминлаш нафақат корхонанинг, балки бутун давлатнинг ҳам вазифасидир.

Хорижий микроиқтисодий тадқиқотлар муаллифлари барқарор ривожланишни тушунишда худди шундай мантиққа амал қиладилар, яъни улар иқтисодий, ижтимоий ва экологик ўзгарувчилар тўпламини ҳисобга оладилар.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Саноатининг барқарор ривожланиш йўналишларини тадқиқ этиш мақсадида мавзунинг назарий-услубий асослари тадқиқ этилди.

Шунингдек, Ўзбекистонда саноатининг барқарор ривожланиш йўналишларини аниқлаш мақсадида 2017-2021 йилларда саноат таркиби, 2019-2021 йилларда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажми, 2021 йилда тармоқлар бўйича корхоналар сони ўрганилди. Ўрганиш давомида анализ, синтез ва қиёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2021 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига республикамизда жами фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари сони 92 033 тани ташкил этмоқда.

2020 йилнинг мос даври билан солиштирилганда 17,6 % га ошган.

Ишлаб чиқариш саноати таркибида 2021 йил кўрсаткичларига мувофиқ, металлургия саноати (25,7), озиқ-овқат саноати (13,6), тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш (13,7), автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш (8,7) саноат таркибидаги энг юқори улушга эга тармоқлар ҳисобланади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**2017-2021 йилларда саноат таркиби, фоизда[1]**

| Кўрсаткичлар | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 | 2021 |
|---|---|---|---|---|---|
| **Ишлаб чиқарадиган саноат** | **100** | **100** | **100** | **100** | **100** |
| Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 19,2 | 13,3 | 13,9 | 13,8 | 13,6 |
| Ичимликлар ишлаб чиқариш | 3,1 | 2,6 | 2,5 | 2,4 | 2,7 |
| Тамаки маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1,0 | 0,8 | 0,7 | 0,6 | 0,6 |
| Тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 13,9 | 13,1 | 11,8 | 12,0 | 13,7 |
| Кийим ишлаб чиқариш | 5,1 | 4,1 | 3,6 | 3,4 | 3,5 |
| Тери ва унга тегишли маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 1,2 | 0,9 | 0,6 | 0,5 | 0,5 |
| Ёғоч ва пўкак буюмлар (мебелдан ташқари), поҳол ва тўқиш учун материаллардан буюмлар ишлаб чиқариш | 0,6 | 0,8 | 0,6 | 0,5 | 0,6 |
| Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 1,0 | 0,9 | 0,8 | 0,7 | 0,7 |
| Ёзилган материалларни нашр қилиш ва акс эттириш | 0,9 | 0,7 | 0,5 | 0,4 | 0,4 |
| Кокс ва нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 3,1 | 2,9 | 3,9 | 3,6 | 3,0 |
| Кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш | 8,2 | 8,0 | 7,4 | 6,9 | 7,4 |
| Асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш | 1,2 | 0,9 | 0,8 | 0,8 | 1,1 |
| Резина ва пластмасса буюмлар ишлаб чиқариш | 2,7 | 2,8 | 2,1 | 2,3 | 2,0 |
| Бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 6,2 | 6,4 | 5,4 | 5,3 | 5,4 |
| Металлургия саноати | 12,8 | 16,5 | 22,5 | 26,0 | 25,7 |
| Машина ва ускуналардан ташқари тайёр металл буюмлар ишлаб чиқариш | 3,0 | 2,7 | 2,2 | 2,3 | 2,7 |
| Компютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш | 0,7 | 0,5 | 0,8 | 1,1 | 1,6 |
| Электр ускуналар ишлаб чиқариш | 2,7 | 3,7 | 2,9 | 2,8 | 2,8 |
| Бошқа тоифаларга киритилмаган машина ва | 1,3 | 1,8 | 1,7 | 1,4 | 1,0 |

[1] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| ускуналар ишлаб чиқариш | | | | | |
| Автотранспорт воситалари, трейлерлар ва ярим прицеплар ишлаб чиқариш | 8,7 | 14,0 | 13,0 | 11,0 | 8,5 |
| Бошқа транспорт учкуналари ишлаб чиқариш | 0,3 | 0,3 | 0,3 | 0,3 | 0,4 |
| Мебел ишлаб чиқариш | 1,3 | 0,9 | 0,9 | 0,7 | 0,8 |
| Бошқа тайёр буюмлар ишлаб чиқариш | 0,9 | 0,7 | 0,6 | 0,6 | 0,6 |
| Машина ва ускуналарни таъмирлаш ва ўрнатиш | 1,0 | 0,7 | 0,5 | 0,5 | 0,5 |

2021 йил кўрсаткичларига мувофиқ, ўтган даврга нисбатан компютерлар, электрон ва оптик маҳсулотлар ишлаб чиқариш, асосий фармацевтика маҳсулотлари ва препаратлари ишлаб чиқариш улашининг саноат таркибида ортганини кўриш мумкин (1-расм).




**1-расм. 2021 йилда саноат таркиби, улуш[2]**

[2] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2

**2-жадвал**

**2019-2021 йилларда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари ҳажми[3]**

| Кўрсаткичлар | Млрд. сўм | Аҳоли жон бошига,минг сўм | Млрд. сўм | Аҳоли жон бошига,минг сўм | Млрд. сўм | Аҳоли жон бошига,минг сўм |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | 2019 | | 2020 | | 2021 | |
| **Жами** | **110321,0** | **3285,3** | **129348,6** | **3778,6** | **152042,8** | **4354,6** |
| озиқ-овқат маҳсулотлари | 34565,8 | 1029,3 | 41203,9 | 1203,7 | 52202,2 | 1495,1 |
| вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво | 2467,2 | 73,5 | 2810,1 | 82,1 | 3125,1 | 89,5 |
| ноозиқ-овқат маҳсулотлари | 73288,0 | 2182,5 | 85334,5 | 2492,8 | 96715,5 | 2770,0 |

Юқорида келтириб ўтилганидек, мамлакатда 18 та комплекс тармоқ ва 180 га яқин комплекс тармоққа кирувчи тармоқлар фаолият олиб боради. Тармоқлар глобал классификациясига мувофиқ жаҳондаги секторлар ва тармоқлар бошқача классификацияга эга. Жаҳонда 11 та сектор мавжуд. Улар таркибига энергетика, информацион технологиялар, молия, истеъмол товарлари, кўчмас мулк ва саноат кабилар киради. Ушбу 11 та сектор 24 та тармоқ гуруҳи, 69 та тармоқ ва 158 та субтармоқларга ажратилган[4].

Масалан энергетика сектори таркибига нефт-газ тармоғи, материаллар секторига қурилиш материаллари, тоғ-кон саноати, қоғоз ва ўрмон маҳсулотлари тармоқлари, истеъмол товарларига озиқ-овқат, табак, уй жиҳозлари, ичимликлар ва шахсий маҳсулотлар киради. Истеъмол товарлари Ўзбекистонда озиқ-овқат маҳсулотлари, вино-ароқ маҳсулотлари ва пиво, ноозиқ-овқат маҳсулотлари каби гуруҳларга ажратилади (2-жадвал). Ўзбекистонда 2021 йилда ишлаб чиқарилган жами истеъмол товарлари ҳажми 152042,8 млрд сўмни ташкил этган.

Энг қизиқарли жиҳати шундаки, истеъмол дискрициони, молия, алоқа хизматлари, кўчмас мулк ҳам саноат тармоғи сифатида келтирилади.

**3-жадвал**

**2021 йилда тармоқлар бўйича корхоналар сони[5]**

| Тармоқлар | Рўйхатдан ўтган корхоналар сони | Янги ташкил этилган | Фаолият кўрсатмаётган (тугатилган) | Жами корхоналарга нисбатан тугатилганлари, % |
|---|---|---|---|---|
| **Жами** | 503538 | 102804 | 28341 | 5,62 |
| қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги | 44657 | 11765 | 3336 | 7,47 |
| саноат | 88727 | 19309 | 5188 | 5,8 |
| қурилиш | 43173 | 6341 | 2223 | 5,15 |
| савдо | 140182 | 38467 | 7990 | 5,7 |
| ташиш ва сақлаш | 18211 | 2646 | 910 | 5,0 |
| яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар | 32501 | 6633 | 2390 | 7,35 |

[3] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2
[4] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2
[5] https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/industry-2

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| ахборот ва алоқа | 10188 | 2544 | 671 | 6,6 |
| соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар | 9427 | 1848 | 282 | 3 |
| бошқа турлари | 116472 | 13251 | 5351 | 4,6 |

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, жами ташкил этилган корхоналарнинг 5,6 фоизи 2021 йилда тугатилган. Бу кўрсаткич қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида 7,47 фоизни, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларида 7,35 фоизни, ахборот ва алоқада 6,6 фоизни, саноатда эса 5,8 фоизни ташкил этади. Масалан, тугатилган корхоналар сони Туркияда 14 700, Россияда 11 000, Хитойда 12 750 тани ташкил этади. Мамалакатлар бўйича ҳисобланганда бу ўртача 5-8 фоиз дегани.

Саноат тармоқларининг барқарор ривожланишини таъминлашда улар томонидан инновацион лойиҳаларнинг амалга оширилганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Мамлакатимизда Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан ҳудудларда инновацион лойиҳалар амалга оширилмоқда ва молиялаштирилмоқда. Бу лойиҳаларнинг сони бўйича Наманган вилояти илк ўринда. У ерда қизилмия йилдизини қайта ишлаш чиқиндилари ва бошқа қишлоқ хўжалик органик қолдиқларидан брикет ва гранула ишлаб чиқариш бошланди, кўп функцияли ерёнғоқ йиғиштириш машинаси яратилди. Қорақалпоғистон Республикасида эса, рециркуляцион усулда интенсив балиқ етиштириш йўлга қўйилди, тураржой бинолари учун ресурстежамкор ва хавфсиз иситиш қозонларини ишлаб чиқариш бошланди (4-жадвал). Ушбу лойиҳалар мамлакатимиз учун инновацион ҳисобланса-да, хорижий саноат тармоқлари улар янгилик эмас.

**4-жадвал**

**Ҳудудлар бўйича амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар сони[6]**

| **Ҳудуд** | **Инновацион лойиҳа сони** |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 20 |
| Хоразм вилояти | 19 |
| Сурхандарё вилояти | 9 |
| Сирдарё вилояти | 15 |
| Наманган вилояти | 31 |
| Жиззах вилояти | 9 |
| Тошкент вилояти | 11 |
| Андижон вилояти | 15 |
| Бухоро вилояти | 18 |

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, мамлакатда инновацион тармоқларнинг ривожланиши юқори тезликда бормаяпти. Фармацевтика, кимё саноати, роботсозлик, авиасаноат кабиларнинг ривожланиш кўрсаткичлари юқори эмас. Бунга асосий сабаб сифатида ушбу соҳадаги кадрларнинг етишмалиги ва эскириб қолган ишлаб чиқариш технологияси кўрсатилади.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Ўзбекистон саноатининг барқарор ривожланиш йўналишлари бўйича олиб борилган таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосалар шаклланди:

Мамлакатнинг саноат тармоқлари жаҳонда қўлланиладиган саноат тармоқлари классификациясига мувофиқ эмас;

[6] https://mininnovation.uz/ru/innovativeregions

Саноат тармоқлари бўйича юритиладиган статистик таҳлиллар ҳам жаҳон стандартларига тўғри келмайди. Шу сабабдан ҳам, жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлари ҳамда Ўзбекистоннинг саноат тармоқлари, уларнинг сони ва барқарор ривожланиши бўйича кўрсаткичларни қиёсий таҳлил қилиш хатоликларга олиб келади;

Мамлакатда анъанавий саноат тармоқлари фаолияти ривожланган. Масалан, озиқ-овқат, машинасозлик ва металлургия, нефт-кимё ва бошқалар. Инновацион субтармоқларнинг ривожланиш тезлиги ва рақобатбардошлиги паст.

Хулосалар натижасида қуйидаги таклифлар шакллантирилди:

Мамлакатнинг саноат тармоқлари жаҳонда қўлланиладиган саноат тармоқлари классификациясига мувофиқлаштириш. Бу мамлакатнинг халқаро ташкилотлар томонидан олиб бориладиган статистик маълумотларини ҳам тўғри ҳисоблаш имконини беради;

Ўзбекистон саноатининг барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида банкротлик ёқасига келиб қолган корхоналар билан ишлаш процедурасини кенгайтириш лозим. Уларга имтиёзли кредитлар бериш, аудиторлик текшируви орқали уларнинг фаолитяини диагностика қилиш;

Саноатнинг барқарор ривожланиши корхоналарнинг мослашувчанлиги билан бирга, улар фаолиятида инновацияларни жорий этиш ва инновацион тармоқлар сонининг кўпайишига имконият яратиш. Бунинг учун хорижда мавжуд бўлганини эмас, балки аналоги йўқ инновацияларни жорий этишга ва янги саноат ьармоқларини ривожлантиришга имконият яратиш керак.

**Адабиётлар:**

Lindahl E. R. (1939) Studies in the theory of money and capital. London.

Hicks J.R. (1939) Value and capital: An inquiry into some fundamental principles of economic theory. Oxford: Clarendon Press.

Брундтланд Г.Х. (1987)Наше общее будущее. Доклад Комиссии ООН по окружающей среде и развитию. М.: Прогресс, 1988

Григорьева С.В. (2013) Оценка стратегической устойчивости в развитии предприятия // Вопросы экономики и права. № 3. С. 33–37.

Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга оширишни жадаллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги83-сон. 21.02.2022 йил.

Хотинская Г.И. (2015) Корпоративный рост: теория, финансовые индикаторы, эмпирические закономерности // Управленец. № 4(56). С. 12–17.

Шумпетер Й. (1982) Теория экономического развития. М.: Прогресс.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ЙИРИК СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ҲИЗМАТ КУРСАТИШ ҲАМДА СОЛИҚ МАЪМУРИЯТЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УЛАРНИНГ БЮДЖЕТГА ТЎЛАШНИ ТАКОМИЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

***Музаффаров Д.Ш.***
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

***Аннотация:*** *Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикасида солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар йиғилувчанлигининг зарур даражасини таъминлаш, Йирик солиқ тўловчилар фаолиятини ташкил этиш, солиқ тўловчиларнинг солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш ҳамда солиқ мажбуриятларини бажариш бўйича ўзаро ҳамкорлик асосида сервис-техник хизмат кўрсатилишини тубдан такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *бюджет сиёсати, бюджет, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ салоҳияти, норматив таҳлил, позитив таҳлил, солиқ юки, репрезентатив солиқ ставкаси, ўртача ставка солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ ставкаси.*

***Аннотация:*** *В данной статье даны предложения на основе взаимного сотрудничества по обеспечению необходимого уровня собираемости налогов и других обязательных платежей, организации деятельности крупных налогоплательщиков, осуществлению налогового администрирования налогоплательщиков и исполнению налоговых обязательств.*

***Ключевые слова:*** *бюджетная политика, бюджет, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, налоговый потенциал, регуляторный анализ, положительный анализ, налоговая нагрузка, репрезентативная налоговая ставка, средний налоговый отчет, налоговые поступления, налоговые льготы, налоговая ставка.*

***Annotation:*** *This article provides proposals on the basis of mutual cooperation to ensure the required level of collection of taxes and other obligatory payments, the organization of the activities of large taxpayers, the implementation of tax administration of taxpayers and the fulfillment of tax obligations.*

***Key words:*** *budget policy, budget, tax administration, business entities, tax potential, regulatory analysis, positive analysis, tax burden, representative tax rate, average tax report, tax revenues, tax incentives, tax rate.*

## 1. Кириш.

Бугунги кунда республикамиздаги деярли барча йирик корхоналар акциядорлик жамиятларига айлантирилиб, корпоратив бошқарув усуллари жорий этилаётган хўжалик юритувчи субъектлар сони кун сайин кўпаймоқда. Бу

иқтисодиётимиз жадал суръатларда ривожланиши, саноат салоҳияти ошиши, юқори технологияли тармоқларнинг ўзлаштирилиши, бошқача айтганда, мамлакатимиз рақобатдошлиги таъминланишига хизмат қилади. Жаҳонда аксарият мамлакатларда солиқ тизими солиқ тўловчиларининг муайн қатламига (молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳажмига мувофиқ) эътибор қаратиш йўли билан солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга ҳарақат қилмоқдалар. Бу эса йирик солиқ тўловчиларни солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигининг ошишига олиб келади.

**2. Адабиётлар шарҳи.**

Йирик солиқ тўловчиларни бошқариш оид илмий тадқиқотлар ривожланган мамлакатларда тадқиқот йўналишини сифатида ўрганилиб келинмоқда.

А.Каратаев (2011) илмий ёндошувидаги йирик солиқ тўловчиларнинг солиқ салоҳияти билан боғлиқ бир қатор моделлари уларнинг солиқ тўлаш имкониятини максимал даражадаги аниқлашга, шу орқали давлат бюджети даромадларини тўғри шакллантиришга имкон яратади.

А.Федоров (2010) учун йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаоллигини солиқ орқали рағбатлантиришни кучайтиришнинг услубий асослари ишлаб чиққан. Бундан ташқари А.Федоров (2010) тадқиқотлари доирасида “маъмурий юкни камайтирадиган ва йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолллигини рағбатлантирадиган солиқ маъмуриятчилигиини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар таклиф этган, амалдаги солиқ имтиёзларини сезиларли даражада кенгайтирадиган ва тўлдирадиган ҳамда ўз инвестиция манбаларини кўпайтирадиган йирик солиқ тўловчиларнинг инвестиция фаолиятини солиқ орқали рағбатлантириш усуллари ва услубларини ишлаб чиққан, уларнинг самарадорлигини баҳолаган.

Т.Камалнев (2009) “йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш билан боғлиқ илмий тадқиқотларида “йирик солиқ тўловчиларга оид солиқ маъмуриятчилигини ташкил этиш ва усулларини такомиллаштириш бўйича тавсияларни ишлаб чиққан, солиқ маъмуриятчилиги тушунчасининг моҳиятини ойдинлаштирган, йирик солиқ тўловчиларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаган ҳолда тизимлаштирган, улардан солиқ маъмуриятчилиги амалиётида фойдаланиш чора-тадбирларини таклиф этган.

А.Юнак (2009) йирик солиқ тўловчилар тушунчаси моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилиб, унга қуйидагича таъриф беради: “йирик солиқ тўловчилар- бу қонуний белгиланган мезонларга: субъектга тааллуқли бўлган амалга оширилаётган фаолият тури, иқтисодиётнинг тармоғи, фаолиятнинг моливий кўрсаткичлари, шахслар гуруҳларидаги иштироки, банд бўлган ходимларнинг сони ва бошқа маълумотларга жавоб берадиган солиқ тўловчиларнинг юридик ва жисмоний шахслар, резидентлари ва норезидентлари, қонуний равишда алоҳида шахсларнинг махсус тоифасидир” изохлаган.

С.Брусницын (2012) йирик солиқ тўловчилар фаолиятига оид солиқ маъмурчилигида қўшилган қиймат солиғининг юкини бошқаларга ўтказилишида солиқ назоратини ўрнатиш муаммолари билан боғлиқ илмий-амалий тавсиялар беради. “Солиқ назоратининг таклиф этилаётган босқичлари, мавжудларидан фарқли ўлароқ, ҚҚСни ҳисоблаш ва тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади, бу эса ўз навбатида назорат ишларининг услубий асосларини такомиллаштиришга ёрдам беради ва натижада солиқ маъмуриятчилигининг сифатини оширади, шунингдек, инновацион солиқ назорати механизмларини шакллантиришга ёрдам берадиган тубдан янги амаллардан фойдаланишни кўзда тутади”

О.Ситниковaнинг (2012) фикрича, “консолидациялашган солиқ тўловчилар гуруҳига киритишда активларини тан олиш ёки махсус қайта баҳолаш зарур, гуруҳга киришдан олдин корхонанинг зарарларини ўтказиш тартиби ишлаб чиқилиши лозим, консолидациялашган солиқ тўловчининг молиявий-хўжалик фаолиятининг бир хил қийматга эга бўлган субъект сифатида халқаро эътироф этилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим”дея такидлаган.

К.Вакуленконинг (2014) таърифича, “йирик солиқ тўловчилар - бу маълум мезонларга кўра энг йирик тоифага кирадиган йирик солиқ тўловчи ташкилотлардир. Айнан уларнинг фаолияти орқали бюджет солиқ тушумларининг катта қисмини олади. Аммо мураккаб тузилмаси, улкан пул оқимлари, кўплаб хўжалик операцияларни амалга ошириш уларга солиқ юкини камайтирадиган турли хил солиқ схемаларидан фойдаланишга имкон беради.

С.Пепеляев (2004) тадқиқотларида ушбу жараёнларнинг қонунийлиги ва тармоқ бошқарувининг самарадорлиги муаммоларига алоҳида эьтибор қаратиб, солиқ органлари фаолиятидаги ҳуқуқий ва функционал камчиликларга баҳо берилган.

Жумладан, австралиялик олимлар Z.Akhand ва P.Grob (2014) томонидан ривожланаётган мамлакатларда йирик солиқ тўловчиларни бошқарувини махсус бўлинмалар томонидан назорат қилиш тизимини жорий этишда эришилган ютуқлар ва камчиликлар тадқиқ қилинган. Шунингдек, Z.Ahmad (2014) тадқиқотида йирик солиқ тўловчилар солиқ маъмуриятчилигига оид Покистон тажрибаси келтирилган. МДҲ давлатларидан Россия Федерациясида биринчилардан бўлиб, йирик солиқ тўловчиларни бошқариш ва ушбу тизимни яратиш амалга оширилган бўлиб, 1998 йилдан йирик солиқ тўловчиларни бошқариш мақсадида солиқ органи марказий апаратида махсус бўлим ташкил этилган.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада Йирик солиқ тўловчиларнинг таҳлил қилишда мантиқий усул ва моделлаштириш усуллари, таҳлил ва синтез, норматив ёндашув, тизимли ва қиёсий таҳлил, статистик ва эконометрик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Йирик солиқ тўловчилар бўйича ойма-ой, чораклик ва йиллик прогноз кўрсаткичларини бажарилиши таҳлил қилиниб келинмоқда. Бунда ҳисобланган солиқлар ва йиғимларга нисбатан ундирувчанлик даражаси, солиқ қарзи ҳисобидан бюджетга йўналтирилган маблағлар ҳамда бу борадаги ишларнинг самарадорлик даражаси, солиқ аудити, камерал солиқ текшируви ва сайёр солиқ текширувлари натижасида қўшимча манбаларни жалб қилиш борасида амалга оширилган тадбирлардан келиб тушган тушумларнинг прогноз кўрсаткичларини бажарилишидаги улушларига алоҳида-алоҳида баҳо берилиб келинмоқда. Бундан ташқари солиқ тўловчилар томонидан тўловларни ҳисоблаш учун маълумотларни тўғри ҳисобланганлиги бўйича амалга оширган ишлар таҳлил қилинмоқда.

Бугунги кунда Давлат бюджетига солиқ тушумларини прогнозлаштириш Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқ ва йиғимлар тушумлари прогнозини (хорижий давлатларнинг тамойиллари ва амалий тажрибасини ҳисобга олган ҳолда) тайёрлаш борасида аниқ методика ёки услубий қўлланма ишлаб чиқилмаган. Шу сабабли, бюджет даромадлари прогнози, шу жумладан йирик солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланиши кутилаётган прогнозларни ҳисоблаб чиқиш методикаси ишлаб чиқилиши кераклигини кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, йирик солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланган

солиқлар соҳалар кесимидаги таҳлил қилсак (1.жадвал.)

**1-жадвал**

**Йирик солиқ тўловчилар томонидан бюджетга тўланган солиқлар соҳалар кесимидаги таҳлилий маълумот.**[1] (млрд.сўмда)

| № | Корхона номи | 2019 йил | | 2020 йил | | | 2021 йил | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | солиқ тушуми | улуш % | солиқ тушуми | улуш % | Ўсиш (%) | солиқ тушуми | улуш % | Ўсиш (%) |
| | ЙСТИ тушуми | 45 859 | 100 | 67 717 | 100 | 148 | 82 241 | 100 | 121 |
| 1 | Қўшилган қиймат солиғи | 10 867 | 24 | 10 556 | 16 | 97 | 13 296 | 16 | 126 |
| 2 | Фойда солиғи | *4 900* | *11* | *25 295* | *37* | *516* | *34 138* | *42* | *135* |
| 3 | ЖШОД солиғи | *2 561* | *6* | *3 542* | *5* | *138* | *4 873* | *6* | *138* |
| 4 | Акциз солиғи | 7 852 | *17* | 9 095 | *13* | *116* | 10 519 | *13* | *116* |
| 5 | Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ | 14 549 | 32 | 15 870 | 23 | 109 | 14 938 | 18 | 94 |
| 6 | Ер қаъридан фойдаланилганлик учун солиқ (норуда) | 0 | 0 | 368 | 1 | 100 | 643 | 1 | 175 |
| 7 | Мулк солиги | 1 010 | 2 | 793 | 1 | 79 | 886 | 1 | 112 |
| 8 | Ер солиги | 326 | 1 | 355 | 1 | 109 | 994 | 1 | 280 |
| 9 | Сув солиғи | 264 | 1 | 292 | 0,4 | 111 | 332 | 0,4 | 114 |
| 10 | Давлат улуши | 38 | 0 | 1 155 | 2 | 3 002 | 1 354 | 2 | 117 |
| 11 | СРП | 1 888 | 4 | 397 | 1 | 21 | 264 | 0,3 | 66 |
| 12 | Бошкалар | 1 605 | 3 | 0 | 0 | 0 | 4 | 0 | 100 |

Ушбу 1-жадвалда йирик солиқ тўловчилар бўйича 2020 йил учун бюджетга белгиланган 66,8 трлн.сўм прогноз 67,7 трлн.сўмга ёки 101 фоизга бажарилди. Тушумлар 2019 йилга (45,9 трлн.сўм) нисбатан 21,8 трлн.сўмга ёки 147,5 фоизга ошган. 2021 йилда бюджетга жами 74 трлн.сўм (2020 йилга нисбатан 6,3 трлн.сўмга (109%) кўп) тушумни таъминлаш юзасидан ҳисоб-китоб қилинган.

Йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган тушумларнинг йирик солиқ тўловчилар учун белгиланган ҳисоб рақамларга тўғри тушишини таъминлаш учун янги ғазначилик ҳисобрақамлари белгиланиб, тушумларнинг уларга тўғри тушиши йўлга қўйилди, иш жараёнида пайдо бўлган камчиликлар бартараф этилди. Йирик солиқ тўловчиларнинг (тижорат банклари ва бошқа) алоҳида бўлинмаларини ҳисобга олиб марказлашган ҳолда солиқ ҳисоботларини тақдим этиши ва солиқларни тўлаши имконияти яратилди, шахсий карточкалари бирлаштирилди.

[1] ДСҚ маълумотлари асосида муалиф томонидан ишлаб чиқилган.

Давлат бюджети даромадлари прогнозини шакллантириш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ:

- даромад турлари бўйича базани аниқлаш (йиғиш, тўплаш), прогнозлаш учун параметрлар тизимини танлаш;
- бюджетга даромадлар тушишига таъсир этувчи омилларни аниқлаш, даромадлар ўсишини рағбатлантирадиган ҳамда даромадлар ўсишини секинлаштириш мумкин бўлган таъсирлар тўғрисида эксперт хулосаларини илгари суриш;
- дастлабки маълумотларни тўплаш ва тизимлаштириш, уларни баҳолаш, маълумотларнинг бир хиллиги ва солиштирилишини текшириш;
- бир марталик тушумларни миқдорий баҳолаш;
- бюджет кўрсаткичлари динамикаси тенденцияларини аниқлаш, прогнозларнинг бир нечта вариантларини ишлаб чиқиш;
- даромадларни прогноз қилишнинг турли хил вариантларини кўриб чиқиш ва энг мақбулини танлаш;
- бюджет даромадлари бўйича фискал кўрсаткичларни умумлаштириш.

Йирик солиқ тўловчи ҳисобланган Олтин, кумуш, мис қазиб олиш ва сотиш билан шуғулланувчи корхоналар учун фойда солиғи, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ва дивидендлар прогнозини ҳисоблаш олтин қазиб олиш саноати корхоналари шароитида олтин қазиб олиш ҳажми, олтиннинг жаҳон бозоридаги кутилаётган нархи, сўмнинг АҚШ долларига нисбатан курси ва солиқ қонунчилигида назарда тутилган ставкаларга асосланади.

Олтин, кумуш, мис қазиб олиш ва сотиш билан шуғулланувчи йирик корхоналар учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ, фойда солиғи ва дивидендлар прогнози қуйидаги формулалар орқали прогнозлаштирилади:

а) ер қаъридан фойдаланганлик учун солиғи прогнози:

$P=V*St$

бунда:

P - солиқ прогнози;

V - ялпи тушум;

St - ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси.

Ялпи тушум қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$V=H*N*Susd$

бунда:

V - ялпи тушум;

H - олтин қазиб олиш саноати корхоналари шароитида олтинни унцияларда ишлаб чиқариш ва сотиш режаси;

N - олтиннинг бир унция АҚШ долларидаги нархи;

Susd - АҚШ долларининг сўмга нисбатан прогноз курси аниқлаш таклифинимақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

2019 йилда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида таҳлил қилсак. 2019 йилнинг 5 ойи мобайнида йирик солиқ тўловчилар томонидан давлат бюджетига солиқ тушумлари 24 293 – млрд.сўмни ёки ойига ўртача 3 470 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, Йирик солиқ тўловчилар инспекцияси ташкил этилганидан сўнг тушумлар 20 266 млрд.сўмни ёки ойига ўртача 4 053 млрд.сўмни ташкил этди. Яъни давлат бюджетига солиқ тушумлари ойига ўртача 583 млрд.сўмга ёки 16 фоизга кўпроқ тушиши таъминланди. Давлат бюджетига солиқ тушумларининг ўсиши қандай омиллар ҳисобига рўй берганини кўриб чиқсак. Солиқ назоратини амалга ошириш натижасида 2019 йилнинг сўнги 5 ойи давомида 237 та ҳолатда корхоналарда 681 млрд.сўм миқдордаги қўшимча манба аниқланди. Қўшимча

ҳисобланган 681 млрд.сўм солиқ суммаси солик назоратининг қуйидаги турларида амалга оширилди:

Мавзули экспресс ўрганиш натижасида– 137 млрд.сўм бюджетга қўшимча ҳисобланган.

Ҳужжатли текшириш натижасида – 11 млрд.сўм бюджетга қўшимча ҳисобланган.

Камерал назорат натижасида – 533 млрд.сўм. бюджетга қўшимча ҳисобланган.

2020 йилда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси томонидан амалга оширилган ишларни таҳлил қилсак. Йирик солиқ тўловчилар бўйича бюджетга тушумларнинг таъминланган. Йирик солиқ тўловчилар бўйича 779 млрд.сўм прогнози 5 955 млрд.сўмга бажарилган. Тушумлар 2019 йилнинг мос даврига (3 084 млрд.сўм) нисбатан 2 871 млрд.сўмга ошган. Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахслар таркибининг белгиланган мезонлари қайта кўриб чиқилиб, Адлия вазирлигида 2020 йил 10 январда 3172-1-сон билан рўйхатга олинди ҳамда ДСҚнинг буйруғи билан жами 854 та (илгари 1416 та эди) йирик солиқ тўловчилар таркиби тасдиқланди. Йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган тушумларнинг йирик солиқ тўловчилар учун белгиланган ҳисоб рақамларга тўғри тушишини таъминлаш учун янги ғазначилик ҳисобрақамлари белгиланиб, тушумларнинг уларга тўғри тушиши йўлга қўйилди, иш жараёнида пайдо бўлган камчиликлар бартараф этилди. Шунингдек йирик солиқ тўловчиларнинг (тижорат банклари ва бошқа) алоҳида бўлинмаларини ҳисобга олиб марказлашган ҳолда солиқ ҳисоботларини тақдим этиши ва солиқларни тўлаши имконияти яратилди, шахсий карточкалари бирлаштирилди.

Йирик солиқ тўловчилар маъмурчилиги(солиқ назорати) таъминланиши юзасидан эса 2020 йил 1 707 та корхоналарда ўтказилган камерал солиқ текширишлари натижасида 5 350,2 млрд.сўм қўшимча солиқлар ҳисобланди.

2020 йилда камерал солиқ текширувлари натижаси бўйича 49 та ҳолатда 614,7 млрд.сўм қўшимча солиқлар ҳисобланиб, 47,8 млрд.сўми ортиқча тўлов ҳисобига қопланди, 83,8 млрд.сўми ундирилди ва қолган 483,1 млрд.сўми мажбурий ундирувга қаратилди. Қўшилган қиймат солиғидан ноль даражали ставка қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган 2893,9 млрд.сўм ортиқча суммаларни қайтариш бўйича жами 167 та аризалар келиб тушган бўлиб, 95 та ариза бўйича 1693,0 млрд.сўмга Молия вазирлигига ортиқча суммаларни қайтариш учун хулосалар юборилди. 61 та ҳолатда камчиликлар аниқланганлиги сабабли 475 млрд.сўмлик аризалар қайта кўриб чиқиш учун солиқ тўловчига қайтарилди. Шунингдек, ташқи савдо операциялари бўйича солиқ тўловчиларга хабарнома жўнатиш орқали жами 668,9 млн.АҚШ доллари миқдоридаги муддати ўтган дебитор ҳамда 444,3 млн.АҚШ доллари миқдоридаги кредитор қарздорликлари қисқартирилишига эришилган. Бундан ташқари, солиқ қарзини ундириш бўйича йил бошидан 1 651 та корхонага қарздорлигини тўлаш тўғрисида 6 714 та 7 905,0 млрд.сўмлик огоҳлантириш талабномалари юборилиб, шундан 5 665,3 млрд.сўм қисми ундирилиши таъминланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-5969-сонли фармони ижроси бўйича юридик шахслар мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқларни тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) бериш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида 38 та корхоналарга жами 25 683,6 млн сўмлик хулосалар тайёрланиб, ҳудудий ҳокимиятларга тақдим қилинди.

Тошкент, Самарқанд, Навоий, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳар Халқ депутатлари кенгашлари қарорлари асосида 30 та корхонанинг мол-мулк, ер ва сув солиқларидан бўлган 17,3 млрд.сўм солиқ қарзлари тўлов муддати узайтирилди.

Йирик солиқ тўловчиларга 2021 йилда амалга оширилган ишларни таҳлил қилсак. Инспексия бўйича 2021 йилнинг январ-декабр ойлари учун бюджет прогнози 73,4 трлн.сўм белгиланган бўлиб, ҳақиқатда бюджетга 82,2 трлн.сўм (112%) ёки прогнозга нисбатан 8,8 трлн.сўмга кўп маблағ жалб этилди. Тушум миқдори 2020-йилга (67,4 трлн.сўм) нисбатан 14,8 трлн.сўмга ёки 122 фоизга ошган. Шунингдек, 2021-йилнинг 4-чораги учун бюджетга белгиланган 17,2 трлн.сўм прогноз 20,5 трлн.сўмга ёки 119 фоизга бажарилди. Тушумлар 2020-йилнинг мос даврига (19,4 трлн.сўм) нисбатан 1,1 трлн.сўмга ёки 105 фоизга ошган. 2021 йил учун бюджетга белгиланган 5,7 трлн.сўм прогноз 7,1 трлн.сўмга ёки 124 фоизга бажарилди. Тушумлар 2020 йилнинг мос даврига (6,2 трлн.сўм) нисбатан 0,8 трлн.сўмга ёки 113 фоизга ошган.

Йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи юридик шахслар таркиби Адлия вазирлигида 2019-йил 12-июлда 3172-сон билан рўйхатга олинган Низом билан (Низомга киритилган ўзгартиришларни ҳисобга олган ҳолда) белгиланган мезонлар ҳамда ДСҚнинг тегишли буйруқлари билан 2021-йил 31-декабр ҳолатига жами 1 149 та (2019-йилда 1 416 та, 2020-йилда 836 та) йирик солиқ тўловчилар таркиби тасдиқланган. Янги қўшилган йирик солиқ тўловчилар томонидан тўланган солиқларнинг белгиланган ҳисоб рақамларга тўғри тушишини таъминлаш учун янги ғазначилик ҳисобрақамлари белгиланиб, тушумларнинг уларга тўғри тушиши йўлга қўйилди, иш жараёнида пайдо бўлган камчиликлар бартараф этилди. Йирик солиқ тўловчиларнинг (тижорат банклари ва бошқа) алоҳида бўлинмаларини ҳисобга олиб марказлашган ҳолда солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва солиқларни тўлаш имконияти яратилди, шахсий карточкалари бирлаштирилди ҳамда бу ишларни такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини ошириш мақсадида ва энг кам иш ҳақининг ошиб борилишини инобатга олиб, инфляция даражаси мувозанатни таъминлаш ҳамда йирик солиқ тўловчиларни даромадларнинг умумий миқдори юқорилигини инобатга олиб Маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларни сотишдан олинган соф тушуми ўтган календарь йил якуни бўйича 200,0 миллиард сўмдан юқори миқдорини белгилаш керак.

**Адабиётлар:**

Akhand Z. (2014) Understanding the effects of coercive and persuasive tax compliance tools on large corporate taxpayers [online] // Journal of Australian Taxation. Vol. 16, No. 2. P. 206– 258.

Брусницын С.В. (2012) Совершенствование механизма налогового контроля по НДС: становление н тенденции развития в системе налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва. с.7-11.

Вакуленко К.Э. (2014) Крупнейшие налогоплательщики как вид усиленного контроля налоговых органов. Журнал. Бухгалтерский учет, статистика. № 9 (37).

Камалнев Т.Ш. (2009) Налоговое администрирование крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.

Каратаев А.С. (2011) Концепция налогового салоҳията крупнейших налогоплательщиков и методология его оценки. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктор экономических наук. Йошкар-Ола

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом насҳриёт уйи.- 640 б.

Пепеляев С. (2004) Структура налоговой службы: время исправлять ситуацию // Экономика и жизнь. № 12.

Пепеляев С.Г. Актуальные проблемы законодательства и правопри менительной практики налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков // Правовые проблемы налогового администрирования крупнейших налогоплательщиков. М.: ВолтерсКлувер, 2006.

Ситникова О.В. (2012) Совершенствование налогообложения крупнеиших консолидированных налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Москва.

Федоров А.Н. (2010) Налоговое администрирование и стимулирование инвестиционной активности крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат экономических наук. Нижний Новгород.

Юнак А.А. (2009) Проблемы правового регулирования налогового контроля и учета крупнейших налогоплательщиков. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат юридических наук. Москва. с.12.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИ БЕРИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УЛАРНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

***и.ф.д. (DSc) Нормурзаев У.Х.***
*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси*

***Аннотация:*** *Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш уларга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини ошириш, аҳолига янги иш ўринларини яратиш имкониятлари кенгайтириш муҳум вазифалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга тенг рақобат шароитларига эга бўлган ягона иқтисодий маконни шакллантириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, солиқ имтиёзлари ва бошқа берилаётган енгилликлар аниқ мақсадларга йўналтирилаётганлигига қарамасдан, уларнинг самарадорлигини баҳолашнинг тизими ишлаб чиқилмаган.*

***Калит сўзлар:*** *бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференсиялар.*

***Аннотация:*** *Развитие сферы услуг в Республике Узбекистан путем внедрения новых подходов к ним, увеличения объема рыночных услуг, расширения возможностей создания новых рабочих мест для населения является одной из важных задач. В последние годы в целях опережающего социально-экономического развития страны были предприняты масштабные меры по либерализации экономики, поддержке предпринимательства, созданию единого экономического пространства с равными конкурентными условиями. Также, несмотря на то, что налоговые льготы и другие льготы направлены на конкретные цели, не разработана система оценки их эффективности.*

***Ключевые слова:*** *бюджетная политика, кризис, бюджет, налоговые льготы, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налоги, налоговые ставки, преференции.*

***Abstract:*** *The development of the service sector in the Republic of Uzbekistan by introducing new approaches to them, increasing the volume of market services, expanding opportunities for creating new jobs for the population is one of the important tasks. In recent ears, in order to accelerate the socio-economic development of the country, large-scale measures have been taken to liberalize the economy, support entrepreneurship, and create a single economic space with equal competitive conditions. Also, despite the fact that tax incentives and other benefits are aimed at specific goals, a system for evaluating their effectiveness has not been developed.*

***Keywords:*** *budget policy, crisis, budget, tax benefits, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax benefits, taxes, tax rates, preferences.*

**1. Кириш.**

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий сиёсатининг энг муҳим элементларидан бири – солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни амалга ошириш ҳисобланади. Республикамизда амалга оширилаётган кенг кўламли солиқ ислоҳотларининг натижасида аҳоли реал даромадлари ўсиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда.

**2.Адабиётлар шарҳи.**

Мавзу доирасида асосий ўрганилувчи иқтисодий категория солиқ имтиёзлари тушунчаси бўлиб, солиқ имтиёзларига нисбатан берилган таърифларга батафсил тўхталсак.

И.А.Майбуров (2011) солиқ имтиёзларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили.

Ф.Рахматуллаева (2016) солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: —имтиёзлар - бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир.

А.Жўраев ва бошқалар (2009) солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин.

А.С.Баладина (2011) бу борада қуйидагича таъриф берган: солиқ преференцияси – давлат томонидан солиқ мажбуриятини камайтириш юзасидан айрим солиқ тўловчилар учун мажбурий тартибда, бажарилиши лозим бўлган тақдим қилинадиган устуворликлардир.

Россия Федератсиясининг солиқ кодекси (117-ФЗ) Европада юридик шахслар томонидан берилган хайр-эҳсонлар хайрия маблағлари солиқ имтиёзлари билан рағбатлантирилади. Россия Федератсиясида бу шундай эди бекор қилинди ва 2005 йилда тижорат ташкилотлари учун солиқ имтиёзлари хайрия ишларида иштирок этиш бекор қилинди. Бироқ, 2020 йилда ушбу тақиқ қайта кўриб чиқилди. Хайрия ташкилотларида иштирок этиш учун компанияларни жалб қилиш учун Россия юридик шахслар учун солиқ имтиёзини жорий этди, бу солиқ солинадиган базани камайтиришга имкон беради. Шундай қилиб, 2020 йил 1 январдан юридик шахслар хайр-эҳсонлар ва фондларга бадалларни қуйидагича ҳисоблашлари мумкин операцион бўлмаган харажатлар. Бу базани камайтиришга ёрдам беради даромад солиғини ҳисоблаш белгиланган. Бироқ, солиқ базасини 1% дан кўп бўлмаган миқдорда камайтириш мумкин йиллик даромад. Яъни, иштирок этадиган юридик шахслар хайрия ташкилотларига берилган хайр-эҳсонларни (пул ҳам, берилган мол-мулк қиймати ҳам) маълум нотижорат ташкилотларига ўтказиш имконияти мавжуд.

Казарин С.В., Свечникова Н.Ю. (2020) бу борада Солиқ имтиёзлари бюджет жараёнларида тартибга солувчи функтсияга эга ва қуйидагилар давлат бюджет сиёсатининг самарали усули. Солиқ воситалари тартибга солиш солиқ

субъектларининг у ёки бу тоифасини акс эттиришга қаратилган, имтиёзлардан фойдаланиш. Оммабоп ва талаб қилинадиган шакллар нафақат солиқ имтиёзлари ва имтиёзлари, шунингдек махсус (махсус) солиқ режимларидир.

Матина А.Ю. (2019) тадқиқотларда, эса бюджетда кенг кўламли амалга оширишнинг салбий томони қайд этилган солиқ имтиёзлари ва имтиёзлар сиёсати. Бюджет баланси принципига асосланиб, юзага келадиган солиқларни қоплаш бошқа тоифаларга тақсимланадиган вазият яратилади. Бундай шароитда қарама-қарши таъсир хавфи мавжуд: ўсиш субъектларнинг бошқа тоифаларига солиқ юки ва натижада уларнинг иқтисодий пасайиши фаолияти солиқ имтиёзларини жорий этиш замонавий солиқ тизимидаги мослашувчанликни пасайтиради динамик иқтисодий шароитлар операцион шароитларни қабул қилишда жиддий тўсиқ бўлиши мумкин стратегик қарорлар солиқни тартибга солиш тендентсиялари фаол акс этади ҳамда иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида солиқни рағбатлантириш механизмларидан фойдаланишни ривожлантиради.

Шунинг билан, солиқ имтиёзларини тақдим этиш, уларни тизимлаштириш, уларнинг жорий қилиниши натижасида рақобат мухитининг мурракаблашиб бориши юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб бориши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ имтиёзларига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Жаҳонда солиқ имтиёзларига бандликни ошириш, капитал ўтказмалари сонининг кўпайиши, илмий тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш, шунингдек, кам ривожланган ҳудудларни яхшилаш учун таъсири этувчи афзаллик сифатида қаралади. Бугунги кунда солиқ имтиёзлари концепциясини аниқлаш ва имтиёзлар самарадорлигини баҳолаш билан боғлиқ масалалар, фискал сиёсатининг солиқ йўналиши ва давлатнинг ижтимоий юкини камайтириш учун дастак сифатида солиқларнинг тартибга солиш функцияси, солиқ имтиёзларини таҳлил қилиш, уларни тизимлаштириш, самарадорликни баҳолаш ва оптималлаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда солиқ соҳасини такомиллаштириш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, солиқ ва йиғимларнинг йиғилувчанлигини ошириш ҳамда имтиёзларни тақдим қилиш борасидаги муаммоларнинг мавжудлиги солиқ маъмуриятчилигини тубдан такомиллаштиришни тақозо қилмоқда. “Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, солиқ соҳасида қўшилган қиймат солиғини амалдаги 15 фоиздан 12 фоизгача, телекоммуникация, банк ва молия каби соҳаларда фойда солиғини амалдаги 20 фоиздан 15 фоизгача тушириш ҳамда хизмат соҳасидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, янгидан ташкил этиладиган савдо комплекслари ва меҳмонхоналар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича имтиёзлар бериш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармонида тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 31 майдаги ПҚ-3756-сон Фармони билан қабул қилинган Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясида: “имтиёзларнинг самарадорлигини мониторинг ва назорат қилиш

бўйича таъсирчан тизимнинг мавжуд эмаслиги сабабли соғлом рақобатни таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи, хўжалик юритувчи субъектларни солиқ ва божхона, шу жумладан индивидуал хусусиятга эга бўлган имтиёзлар ҳисобига қўллаб-қувватлаш амалиётининг кенг тарқалганлиги тизимли муаммолардан бири сифатида қайд қилинган". Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони билан тадбиркорлик субъектлари учун тенг рақобат шароитларини яратиш, шунингдек, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзларни тақдим этишни тартибга солиш мақсадида:

2022 йил 1 майдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига тенг шароитларни яратиш учун чекланган (Ўзбекипаксаноат, Ўзбекбалиқсаноат, Ўзчармсаноат уюшмалари ва Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш ташкилотлари уюшмасига) субъектларга татбиқ этилаётган солиқ ва божхона имтиёзлари барча субъектлар учун татбиқ этилди;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича 2020 йил 1 июлга қадар маъқулланган ва Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари орқали қайта молиялаштириладиган ёки қайта кредитланадиган халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг маблағлари (қарзлари, кредитлари) ҳисобидан олинадиган товарлар (хизматлар) бўйича солиқ ва божхона имтиёзлари бекор қилинди. Мазкур норма тижорат банклари ва тадбиркорлик субъектлари ўртасида янги тузиладиган битимлар (расмийлаштириш шакли ва усулидан қатъий назар) асосида олинадиган товарларга (хизматларга) татбиқ этилиши белгилаб қўйилди;

айрим солиқлар ва божхона имтиёзлари Фармоннинг 3-иловага мувофиқ босқичма-босқич бекор қилиниши;

Шунингдек, тармоқ вазирлик ва идоралари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари соҳани ва (ёки) ҳудудни ривожлантириш учун берилган алоҳида солиқ ва божхона имтиёзлари самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларни йил якунлари бўйича ҳар йили 1 мартга қадар Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасига тақдим этиб борилиши белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, Фармон билан 35 та солиқ имтиёзлари

босқичма-босқич (21 таси 01.07.2022 йилдан, 14 таси 01.01.2023 йилдан) бекор қилиниши белгиланди.

Маълумот учун: Бекор қилинган 35 та солиқ имтиёзлари бўйича 2021 йилда 547 та тадбикорлик субъектларига 221,4 млрд.сўм ва 2022 йил I чорагида 214 тасига 13,1 млрд.сўм солиқ имтиёзлари берилган.

Давлат солиқ қўмитаси томонидан қонунчилик ҳужжатлари билан берилган солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш ҳамда улардан тадбиркорлик субъектлари томонидан мақсадли фойдаланишини таъминлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди.

5 та штат бирлигидан иборат алоҳида Солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш ва таҳлил қилиш бўлими ташкил этилиб, солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш ва маъмурчилигини таъминлаш бўйича ишлар йўлга қўйилди.

Солиқ имтиёзлари ҳисобини автоматик тарзда юритиш имконини берувчи "Е-имтиёз" автоматлаштирилган ахборот тизими 2022 йил 11 январда амалиётга жорий қилинди.

Солиқ тўловчилар учун солиқ имтиёзларидан фойдаланишида янада қулайлик яратиш мақсадида "Солиқ имтиёзларидан фойдаланиш бўйича мурожаат" интерактив хизмати ишга туширилди.

4. Солиқ имтиёзларидан фойдаланган тадбиркорлик субъектлари тўлиқ хатловдан ўтказиб, 2019 - 2021 йиллар бўйича солиқ имтиёзларининг маълумотлар базаси шакллантирилди.

Кенг жамоатчиликка шаффоф бўлиши учун тадбиркорлик субъектларига берилган солиқ имтиёзлари тўғрисидаги маълумотлар Давлат солиқ қўмитаси расмий веб-сайтига жойлаштирилди ва доимий равишда янгилаб борилмоқда.

Солиқ имтиёзлари ҚҚС, айланмадан олинадиган солиқ ва акциз солиқларига МХИК ёки СТИР бўйича ЭҲФни тўлдириш орқали ва мол-мулк ва ер солиғига солиқ ҳисоботлари шакллантириш амалиёти жорий этилди. Ушбу маълумотлар базаси асосида солиқ имтиёзларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни доимий таҳлил қилиб бориш устида иш олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, Республикада инвестициявий муҳитини янада яхшилаш, адолатли рақобат тамойилларини жорий этишни таъминлашда солиқлар ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар бериш амалиётини янада тартибга солиш ва самарадорлигини баҳолаш тизимини яратиш бугунги куннинг давр талабига айланмоқда. Хусусан, 2020 йилдан бошлаб янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан солиқ имтиёзлари тақдим этиш назарда тутилган. Шунингдек, солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш солиқ органлари томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ва ушбу имтиёзларнинг ҳар бир турига махсус идентификация кодини берган ҳолда амалга оширирмоқда. Тармоқлар ва ҳудудни ривожлантириш учун берилган алоҳида солиқ ва божхона имтиёзлари самарадорлиги тўғрисидаги ҳисоботларни йил якунлари бўйича ҳар йили 1 мартга қадар тақдим этиш амалиёти жорий этилди. Бугунги солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича ваколатни Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасига берилган. Лекин солиқ имтиёзларни самарадорлигини баҳолаш ишлари оқсоқланиб қолмоқда. Шунинг учун бизнинг назримизда ушбу ваколатни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки Давлат солиқ қўмитасига иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига тақдим этилган солиқ имтиёзларининг самарадорлигини баҳолаш бўйича ваколатли орган этиб таёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундан ташқари, ушбу имтиёзларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича ҳисобот шакллари ишлаб чиқиб ва баҳолашнинг асосий мезонлари этиб:

Солиқ имтиёзлар берилиши натижасида яратилган ишчи ўринлари сони;

Корхоналарининг товарни реализацияси айланмаси;

Корхонани кўрилган фойда ва олган дивидендлари ҳажми;

Корхоналарининг имтиёздан сўнг киритган инвестицияси натижаси кўриб чиқилиши керак. Хозирги кунда Солиқ кодексига асосан, айрим солиқлар бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан кўпи билан уч йил муддатга берилиши мумкин. Лекин бу солиқ имтиёзнинг самарадорлигини баҳолаш имконини бермайди. Шунинг учун шундай тартиб ишлаб чиқиш керак ўрнатиш керак яъни солиқ имтиёзлари ёки субсидиялар икки + бир тамойили асосида тақдим этилиш мақсадга мувофиқ.

Мазкур кўрсаткичга асосан, солиқ имтиёзлари берилиши дастлабки икки йил муддатга тақдим этиш зарур. Агар имтиёздан оқилона ёки ижобий натижасига кўра муддат даври қўшимча бир йилга узайтириш керак. Бундан ташқари солиқ имтиёзлари ҳисобини юритиш имконини берувчи “E-imtiyoz” ахборот тизимини, бюджетга даромадларни ундириш ваколати бўлган бюджет ташкилотлари ва давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларини уланишини таъминлаш керак. Товар моддий заҳиралари қолдиқлари миқдори 500-700 миллион сўмдан ортиқ бўлганда қўшилган қиймат солиқ тўловчилари солиқ органларига солиқ тўловчининг шахсий кабинетига қўшилган қиймат солиғи билан сотиб олинган товар-моддий захираларининг кутилаётган инвентаризация далолатномасини беради. Бундан ташқари, Давлат буюртмачилари режалаштирилган харид ҳажмининг камида 10-20 фоизини микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар билан шартнома тузиш орқали амалга ошириш, бюджет буюртмачилари кичик корхоналар билан товарларни харид

қилиш бўйича тузиладиган шартномаларда 50 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга ошириш назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлади. Солиқ тўловчиларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг ҳаётни узоқ муддатли суғурталаш бўйича суғурта мукофотларини тўлаш жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар, акциядорлик жамиятлари томонидан ишлаб чиқарилган мис катодини биржа савдоларига қўйишда чегирма бериш, шунингдек юқори қўшилган қийматли мис маҳсулотларини экспорт қилувчилари ҳамда чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига субсидияларни бекор қилиш мақсадга мувофиқ чунки мазкур берилаётган имтиёзлар рақобат муҳитини бузмоқда. Хозирги кунда қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзлар самарасиз фойдаланиш кўпайиб кетмоқда. Бу ҳолатни бартараф этиш учун агар солиқ тўловчининг солиқ текшируви доирасида фирибгарлик белгилари ва ҚҚСни тўлаш бўйича солиқ узилиши кўрсаткичи асосида товарлар етказиб бериш занжирида ҚҚСни тўламаганлик ҳолатлари аниқланса, солиқ органлари товарларни (хизматларни) етказиб бериш занжирида иштирок этган бундай солиқ тўловчининг барчасига нисбатан бир вақтнинг ўзида солиқ текширувини тайинлаш лозим бўлади.

Шунингдек, шундай тартиб ўрнатиш керакки бунда тақдим этилаётган солиқ имтиёзлари ва ажратилаётган субсидияларнинг натижадорлиги ва самарадорлигини таъминлашга тегишли ваколатли орган ҳисобланиши, субсидиялар тегишли давлат органлари томонидан маъқулланиб тасдиқланганидан сўнг ғазначилик органлари орқали ажратилиши лозим бўлади. Бундан ташқари, имтиёзлари фақат Ўзбекистон Республикаси қонуни билан белгилаш лозим. Белгиланган тартибда қабул қилинганидан сўнг унда назарда тутилмаган давлат имтиёзларини қўллашни тўхтатиб туриш, ягона электрон платформасини яратиб унда ижтимоий соҳа йўналишлари, иқтисодиёт тармоқлари, саноат, қишлоқ хўжалиги, ташқи-иқтисодий фаолият ва ҳудудларни ривожлантириш учун субсидия ёки давлат имтиёзларининг бошқа турлари босқичма-босқич киритиш, имтиёзларини назарда тутувчи норматив ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий равишда тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказиб, ягона реестрига тегишли маълумотлар киритиш, давлат имтиёзлари қўлланиладиган соҳалар ҳамда бир вақтнинг ўзида бир маротаба тақдим этиладиган имтиёзлари тегишли қарорларида белгилаш лозим бўлади.

Бунга қўшимча равишда амалдаги солиқ имтиёзларининг ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ва рақобатга таъсири ҳамда самарадорлиги улар жорий қилинган кундан бошлаб ҳар уч йилда имтиёз қўлланиладиган соҳада ягона давлат сиёсатини юритиш ҳамда унинг таъсирини баҳолашдан ўтказиб, мақсадли ва самарали сарфланиши устидан назорат органлари томонидан текшириб бориш имтиёзларни самарали фойдаланишга олиб келади.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Рақобат муҳитини бузувчи индивидуал имтиёзлар ва преференцияларни етарли натижа кўрсатмаётган соҳалар ва йўналишлар бўйича, шунингдек эскирган ва амалиётда фойдаланилмаётган имтиёзлар ва субсидияларни қисқартириш ёки бекор қилиш, юқори натижа кўрсатаётган ҳудудлар, юқори қўшилган қиймат яратиб, тез ўсаётган соҳалар учун янги қўллаб-қувватлаш турларини жорий этиш, яратилган қўшилган қиймат, иш ўринлари, экспорт каби кўрсаткичлар асосида ҳар битта имтиёз, субсидия, компенсация ва кафиллик бўйича самарадорликни баҳолаш тизимини (KPI) йўлга қўйиш ҳамда Молия вазирлигида янги тузилма очиш, ушбу тузилмада солиқ ҳисобини яратиш, имтиёзларни, субсидияларни ҳамда бошқа енгилликларни самарадорлигини баҳолашни амалга ошириши керак бўлади.

Тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларига ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш билан боғлиқ тадбирларга давлат имтиёзларини ажратиш босқичма – босқич аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан молиявий қўллаб қувватлашнинг ягона электрон платформаси орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

**Адабиётлар:**

МирзиёевШ. (2021) Мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи. 2021 йил 20 август. – https://president.uz/uz/lists/view /4551

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи.- 640 б.

Александров И. М. (2009) Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско- торговая корпорация «Дашков и К, 228 с.

Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. (2009) Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т.: NORMA. 184- бет.

Баладина А.С. (2011) Анализ теоретических аспектов налоговых льгот и налоговых преференций // Вестник Томского государственного университета- №4(16)- С. 45-60.

Казарин С.В., Свечникова Н.Ю. (2020) Исследование влияния предоставления налоговых льгот на эффективность развития ИТ-компаний в регионах Российской Федерации// Известия Санкт-Петербургского государственного экономического университета. №5(125). – 62-68.

Матина А.Ю. (2019) Налоговые льготы как способ стимулирования инновационной деятельности в России// Актуальные проблемы менеджмента, экономики и экономической безопасности.

Майбуров И.А. (2011) Налоги и налогообложение . Ред. 4-е изд. - М: 558 с.

Милякова Н.В. (2008) Налоги и налогооблажение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.–М.:ИНФРА, С.33 Milyakova N.V.

Маъруза (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси// Тошкент. 2020 йил, 26 март.

«Налоговый кодекс Российской Федерации (часть вторая)» от 05.08.2000 N 117-ФЗ (ред. от 26.03.2022) // ст.265 п.1 пп.19.6 [Электронный ресурс] - Режимдоступа: http://www.consultant.ru/ document/ cons_doc_ LAW_28165/a2342761bef95f844ec8f330bef11c6d60174f8f/ (Дата обращения: 25.03.2022)

Рахматуллаева Ф. (2016) —Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли. Молия илмий журнали №2/ 108 бет.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ЎЗБЕКИСТОН ИЛК МАРТА ХАЛҚАРО ИННОВАЦИОН ИНДЕКСНИНГ *(GII-2022)* ЖАНУБИЙ ОСИЁ МИНТАҚАСИ КУЧЛИ УЧТАЛИГИДА

***и.ф.д., профессор Ризаев Н.К.***
*Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси*
***и.ф.д., доцент Исаев Ф.И.***
*ТДИУ ҳузуридаги «Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий-тадқиқот маркази*

***Аннотация:*** *Мақолада Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан (WIPO) томонидан Халқаро инновацион индекс (GII-2022)да 2022 йил якунлари бўйича Ўзбекистон ни эгаллаган рейтинг натижалари ва бу рейтингга эришишдаги еттита индикаторларнинг чуқур таҳлили келтирилган. Бунда айрим индикаторлар бўйича кўрсаткичларнинг пастлиги, жумладан, ишбилармонлик жозибадорлиги (Business sophistication), ижод маҳсули (Creative outputs) ва илмий ва технологик натижалар (Knowledge & technology outputs) бўйича индикаторларни янада яхшилаш бўйича таклифлар берилган. Шунингдек, "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"да белгиланган устивор вазифаларни амалга оширишда келгусида қилиниши лозим бўлган масалалар ҳақида фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилган, илмий хулосалар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *инновацион индекс, институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, бозор жозибадорлиги, ишбилармонлик жозибадорлиги, илмий ва технологик натижалар, ижод маҳсули.*

***Аннотация:*** *В статье представлены результаты рейтинга Узбекистана Всемирной организацией интеллектуальной собственности (ВОИС) в Международном инновационном индексе (GII-2022) по итогам 2022 года и углубленный анализ семи показателей достижения этого рейтинга. В данном случае были внесены предложения по дальнейшему улучшению показателей при низкой эффективности некоторых показателей, в том числе сложности бизнеса, творческих результатов и научно-технических результатов. Также были даны мнения и научные выводы по вопросам, которые следует предпринять в будущем при реализации приоритетных задач, определенных в «Концепции развития науки до 2030 года».*

***Ключевые слова:*** *инновационный индекс, институты, человеческий капитал и исследования, инфраструктура, рыночная привлекательность, деловая привлекательность, научно-технические результаты, творческая продукция.*

***Abstract:*** *The article presents the results of the ranking of Uzbekistan by the World Intellectual Property Organization (WIPO) in the International Innovation Index (GII-2022) at the end of 2022 and an in-depth analysis of seven indicators for achieving this ranking. In this case, suggestions were made for further improvement of indicators for some indicators,*

*including business sophistication, creative outputs, and scientific and technological results (Knowledge & technology outputs). Also, opinions and scientific conclusions were given about the issues that should be done in the future in the implementation of the priority tasks defined in the "Science Development Concept until 2030".*

***Key words:*** *innovation index, institutions, human capital and research, infrastructure, market attractiveness, business attractiveness, scientific and technological results, creative output.*

## 1. Кириш.

Ўзбекистонда “2019 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармонида белгиланган устувор вазифалар ижроси таъминланиши натижасида Ўзбекистон 2020 йил бўйича иқтисодиёти Марказий Осиёда ягона мамлакат сифатида ўша машҳур Глобал инновацион индекс (“The Global Innovation Index” — GII)да 93 ўринни банд этган эди.

Маълумки, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан (WIPO) Халқаро инновацион индекснинг (GII-2022) “Келажак нима, бу инновацияга асосланган ўсишми?” (What is the future of innovationdriven growth?) номи билан эълон қилинган кўрсаткичлари рейтингида Ўзбекистон 132 давлат орасида 2021 йилга нисбатан 4 поғона юқорилаб 82 ўринни эгаллади!

Эътибор қиладиган бўлсак Ўзбекистон дастлабки ўша 2020 йилда илк уринишдаёқ бу рейтингда 93 чи натижани қайд этган эди. Натижада, энг катта юқорилаган мамлакатлар ТОП-10 таликдан жой олган. Демак, Ҳурматли Президентимиз томонидан халқимизни эртанги кунга бўлган ишончини уйғота олган ва қатъият билан айтган сўзлари бугун ўз исботини топмоқда.

Ўзбекистон ўз олдига 2030 йилда Халқаро инновацион индексда кучли 50 таликдан жой олиши мақсад қилинган эди. Орадан қисқа муддат ўтишига қарамасдан натижаларга хавас қилса арзийди, биринчидан мамлакатимизни 2020 йилда ушбу рейтинга кириши ва 93 ўринни эгаллаши бўлса, иккинчидан 2021 йилда 7 поғона юқорилаб 86 ўринга муносиб бўлган эди. Жорий йил кўрсаткичлари бўйича бу 4 поғона юқорилаб 82 ўринни эгаллади. Ўтган йиллар динамикаси Ўзбекистонни фақат юқорилаб боришини кўрсатмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш лозимки, 2021 йил 23 декабрда Халқаро рейтинг ва индекслар бўйича республика кенгашининг йиғилишида хам Глобал инновацион индексдаги ўрнимиз яхшиланганлиги ва бу борада хали қилинадиган ишлар кўплиги алоҳида қайд этиб ўтилган эди. Шундай бўлсада, сўнгги ўн йилликда рейтингдан жой олмай келаётган Ўзбекистон иқтисодиёти кўрсаткичлари учун жуда катта ва тарихий ютуқдир. Демак, ҳаракат қилинса кўзланган мақсадларга, албатта, эришамиз.

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда жаҳонда 200 дан ортиқ рейтинг баҳолаш компаниялари бўлиб, шулардан энг нуфузлилардан бири – бу Глобал инновацион индекс (The Global Innovation Index (GII)) ҳисобланади.

Жаҳонда юз берган каранавирус пандемияси ҳамда ҳозирда давом этаётган мамлакатлар ўртасидаги ўзаро низолар ва урушлар туфайли Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан (WIPO) дунё мамлакатларнинг иқтисодиётини баҳолашда муаммолар ва қийинчиликларга дуч келинмоқда. Глобал инновацион индекс (GII-2021) Корнелл университети (Cornell University), Европа бизнесни бошқариш институти (INSEAD) ва Бутунжаҳон интеллектуал мулк

ташкилоти (WIPO) ҳамда БМТнинг ихтисослашган агентлиги томонидан биргаликда нашр этилади. Ушбу индекс жорий йилда ўзининг "Келажак нима, бу инновацияга асосланган ўсишми?" мавзусига бағишланган ўн бешинчи нашрини тақдим этди. Ушбу нашриёт инновациялар иқтисодий ривожланишнинг асосий омили эканлигини англаган ҳолда, жаҳоннинг 135 мамлакатининг инновацион рейтинг ва кенг таҳлилларни ўзида мужассамлаштирди.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO)нинг маълумоти бўйича, *Глобал инновацион индекс* — бу мамлакатларнинг инновацион имконият ва кўрсаткичлари рейтингидир. Бунда институтлар, инсон капитали ва тадқиқотлар, инфратузилма, кредитлар, инвестициялар, коммуникациялар мезонларга асосланган ҳолда инновациялар даражалари ўлчанади.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг эътироф этишича, *Глобал инновацион индекс* — бу улкан тадқиқот бўлиб, унда инновацион ривожланиш даражасига кўра дунё мамлакатлари рейтинги тузилади. Демак, Глобал инновацион индекс мамлакатларнинг ҳар йили ўзларининг қобилият ва инновациялардаги муваффақиятларига қараб тузиладиган рейтинг. Бу рейтинг одатда корпоратив ва ҳукумат томонидан мамлакатларнинг инновацияларини ўзаро таққослаш учун фойдаланилади.

Мазкур Глобал инновацион индекс субъиндексларга бўлинган ҳолда бир нечта баҳолаш компонентларидан иборат бўлади. Глобал инновацион индекс рейтинги кўрсаткичлари жаҳон мамлакатлари иқтисодиётини ўзида қамраб олиб, у 80 га яқин кўрсаткичлар асосида аниқланади (шакллантирилади).

## 3. Тадқиқот методологияси.

Халқаро инновацион индексда Ўзбекистоннинг тутган ўрни ва эгаллаган индикаторлари бўйича рейтинг натижаларини тадқиқ этишда индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, тизимли ёндашув, мантиқий фикрлаш, таққослаш, омилли таҳлил усулларидан фойдаланилди. Бунда кўпроқ таққослама таҳлил усулларидан фойдаланилган ҳолда кўрсаткичлар бўйича маълумотларни шакллантириш ва паст индикаторлар чуқур таҳлил қилинган ва илмий хулосалар шакллантирилган.

## 4. Таҳлил ва натижалар.

Бугун Ўзбекистон бу нуфузли рейтингни қайси кўрсаткичлари билан юқорилаб боряпти ва қайси жиҳатларига кўпроқ этиборни қаратиш лозим. Юқорида қайд этганимиздек, бу рейтинг маълум мезонлар асосида ишлаб чиқилади. Лекин, қарангки, жаҳон иқтисодий ривожланишига ҳамоҳанг тарзида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган инновацион ривожланиш Стратегиясининг бош мақсади: "Инсон капиталини ривожлантириш"га қаратилади. Демак, Стратегия бош мақсадига эришишнинг натижаси сифатида 2030 йилга келиб, Ўзбекистоннинг Глобал инновацион индекс рейтинги бўйича жаҳоннинг кучли 50 илғор мамлакати қаторига кириши зарурий шарт қилиб қўйилди. Буни эса республикамизнинг халқаро майдондаги рақобатбардошлилиги даражасини ва инновацион жиҳатдан тараққий этишини белгиловчи асосий омил сифатида баҳолаш ва эътироф этиш мумкин.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Марказий ва Жанубий Осиё минтақаси бўйича кучли учталикка кирган етакчи давлат бўлди (Ҳиндистон - 40, Эрон Ислом Республикаси – 53 ва Ўзбекистон - 82). Муҳими биз Жанубий Осиё минтақасида ўтган 2021 йилда 4 ўринда эдик, жорий йилда Қозоғистонни ортда қолдириб ТОП-3 яъни, кучли учликнинг янги иштирокчиси деган номни олди. Шундай бўлса-да, Ўзбекистон хамон даромадлик даражаси бўйича ўртачадан

пастроқ бўлган 36 та давлатларнинг ичида 10 ўринда турибди *(Lower middle-income economies).*

Ўзбекистон 2022 йил кўрсаткичлари бўйича ушбу рейтингни "Даромадлик"да 10 ўрин ва "Ҳудуд рейтинги"да - 3 ўринни эгаллаб умумий ҳолда 27,4 даража кўрсаткичига эга бўлиб, инновация соҳасида кўплаб ютуқларга эришганлигидан далолат беради. Рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистон Глобал инновацион индексининг 2022 йил рейтинги бўйича 0,3 даража (25,3) юқорилаган (2021 йилда 0-100 дан 25,0 даражали баҳога эга бўлган). Демак, Халқаро инновацион индекс (GII-2022)нинг маълумотларида Ўзбекистон қуйидагича кўрсаткичлар бўйича эълон қилинган:

GII-2022 даги рейтинги-82 ўрин;

кириш рейтинги- 68;

чиқиш рейтинги-91;

даромадлик даражаси-ўртачадан паст -10 ўрин;

худуд-Марказий ва Жанубий Осиё;

ЯИМ харид қобилияти паритети бўйича (PPP)-291,2 млрд. долл (ўсиш 103,2 %), ЯИМ аҳоли жон бошига (PPP) -8,4 минг долл (ўсиш 113,5 %).

Хабарингиз бор жорий йилнинг 15-16 сентябр куни Самарқанд шахрида Шанхай Хамкорлик Ташкилоти (ШХТ)нинг навбатдаги саммити бўлиб ўтди. Ушбу саммит иштирокчи давлатлари ҳам GII-2022 рейтингида ўз ўрнига эга, жумладан, Хитой-11, Россия -47, Ҳиндистон – 40, Эрон – 53, Арманистон-80, Қозоғистон -83, Покистон-87, Озарбайжон-93, Қирғизистон – 94, Тожикистон -104 ўриндан жой олган. Нима демоқчимиз, сўнгги йилларда Ўзбекистонннинг Шанхай Хамкорлик Ташкилоти (ШХТ) давлатлари билан фаоллигини ортиб бориши (100 дан зиёд манфаатли битимларнинг имзоланиши, шунингдек МДҲнинг 23 та нуфузли ташкилотларига аъзо бўлиши) халқаро рейтинглардаги даражамизни янада юксалиб бориши учун кафолат бўла олади.

Энг муҳими, жорий йилда Ўзбекистон инновация ишланмалари орқали Марказий Осиё давлатлари бўйича таққослаганда, илк бор биринчи ўринни эгаллади (ўтган 2021 йилда Қозоғистон – 79 ўриндан 83 ўринга пастлаган, Қирғизистон – 4 поғона юқрилаган -94 ва Тожикистон эса бир поғона пастлаган-104). Демак, мамлакатимизда "2022-2026 мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси"да белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, мазкур рейтингда янада юқорилаш имкониятини бермоқда. Чунки биз 2030 йилда ушбу рейтингни кучли 50 талигидан муносиб жой эгаллашимиз керак (олдиндаги саккиз йил давомида камида 32 поғона юқорилашимиз талаб этилади).

**1-жадвал**

**Глобал инновацион индекси (*GII-2022*) рейтингида Ўзбекистон**

| **Баҳолаш даражаси (0-100)** *(Score)* | **Ўрин** *(Rank)* | **Даромад-лилиги** *(Income)* | **Минтақа (CSA)** ***(Region)*** | **Минтақа-да** *(Rank)* |
|---|---|---|---|---|
| 27.4 | 82 | Ўртачадан паст (LM) | Марказий ва Жанубий Осиё | 3* |

**Ўзбекистон 2022 йил рейтингида илк бор ТОП-3 га кирди.*

Юқорида таъкидлаганимиздек, 2030 йилдаги кучли 50 таликка 2026 йилга бориб бемалол киришга шубҳа қилмаса хам бўлади (агар ўртача 2,4 даражада юқорилаб борилса, бу 4 йилда 9,6 ёки умумий даражада 37.0 бўлиши мумкин, айни вақтда GII-2022 ТОП-50 таликнинг қуйи чегараси 34,0 даражага тенг), тўғри рақамлардан хаволаниб кетмасдан, қўйилган мақсад сари фақат олға интилиш, илм олиш, изланиш, инновация, яратувчанлик кабилардан пасайиб кетмаслик керак.

**2-жадвал**

**Глобал инновацион индексида Ўзбекистон позициясининг динамик ўзгариши**

| **Т/р** | **Кўрсаткичлар** *(индикаторлар)* | **Глобал инновацион индекси** *("The Global Innovation Index"- GII)* | | | **2022 йилга нисбатан фарқи,** *(юқорилаш / пасайиш)* |
|---|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон** | | **2020 йил** | **2021 йил** | **2022 йил** | |
| | | **93** | **86** | **82** | **+9↑** |
| 1. | Институтлар (Institutions) | 95 | 94 | 63 | +32↑ |
| 2 | Инсон капитали ва тадқиқотлар (Human capital & research) | 77 | 72 | 65 | +12↑ |
| 3 | Инфратузилма (Infrastructure) | 77 | 72 | 74 | +3↑ |
| 4 | Бозор нафислиги (Market sophistication) | 27 | 24 | 60 | -33↓ |
| 5 | Ишбилармонликнинг жозибадорлиги (Business sophistication) | 127 | 123 | 74 | +53↑ |
| 6 | Илмий ва технологик натижалар (Knowledge & technology outputs) | 90 | 77 | 80 | +10↑ |
| 7 | Ижод маҳсули (Creative outputs) | 127 | 113 | 102 | +25↑ |

Ўзбекистонни Глобал инновацион индекс рейтингида 2020 йилга нисбатан 9 поғона юқорилаши кўрсаткичлар эвазига амалга оширилди ёки эришилди, бу саволларга қуйида жавоб олишга харакат қиламиз. Буни энг муҳим бўлган 7 та кўрсаткич (компонент) бўйича маълумотлардан кўриш мумкин.

**3-жадвал**

**Халқаро инновацион индекс (GII-2022) индикаторларида Ўзбекистоннинг позицияси**

| **Т/р** | **Индикаторлар** | **Рейтинг натижаси** |
|---|---|---|
| GII-2022 рейтингида: Ўзбекистон - 82 ўрин | | |
| 1. | Институтлар (Institutions) | 63 - ўрин (2021 йилда - 94) |
| 2. | Инсон капитали ва тадқиқотлар (Human capital & research) | 65- ўрин (2021 йилда - 72) |
| 3. | Инфратузилма (Infrastructure) бўйича | 74 -ўрин (2021 йилда - 72) |
| 4. | Бозор жозибадорлиги (Market sophistication) | 60- ўрин (2021 йилда -27) |
| 5. | Ишбилармонлик жозибадорлиги (Business sophistication) | 74 -ўрин (2020 йилда - 123) |
| 6. | Илмий ва технологик натижалар (Knowledge & technology outputs) | 80- ўрин (2022 йилда - 77) |
| 7. | Ижод маҳсули (Creative outputs): | 102- ўрин (2022 йилда -113) |

Биз қуйида ҳар бир кўрсаткич бўйича уларнинг таркибида қайси малумотлар эвазига рейтинг балларини олганлигини таҳлилини келтириб ўтамиз.

Агар *биринчи* индикатор бўйича маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, *"Институтлар" (Institutions)*да бир поғонага 94 дан 63 га юқорилаган (57,3 даража), бунда қуйидаги параметрлар бўйича баҳоланган:

*биринчи,* сиёсий муҳит 52,1 даража ёки 94 ўрин (сиёсий ва операцион барқарорлик - 65.5/74, ҳукуматнинг самарадорлиги - 38,8/98);

*иккинчи*, қонунчилик базаси - 50,7 даража ёки 104 ўрин (қонунларнинг сифати - 21,3/123, қонун устуворлиги- 18.5/123, ишдан бўшатиш харажатлари -17.3/73),

*учинчи, бизнес муҳити* - 69,2 даража ёки 21 ўрин (бизнесни ташкил қилиш қулайлиги 69,2 /21, тўловга лаёқатсизликни ҳал қилишнинг қулайлиги – маълумотлар мавжуд эмас).

Тан олиш керак, ҳозирда республикамиз қонунчилик базасини янада мустаҳкаш ва унинг устиворлигини таъминлаш бўйича хал қилиниши керак бўлган ишларимиз кўп хали. Ўз навбатида ушбу рейтингда хам айнан қонунчилик базага кучсиз (a weakness) деб изоҳ берилган (104 -ўрин). Бу сиёсий-ҳуқуқий сохада халқаро рейтинг кўрсаткичларини келгуси йилларда яхшилаш юзасидан Халқаро рейтинг ва индекслар бўйича республика кенгашининг йиғилишида хам алоҳида чора-тадбирлар белгилаб олинди. Мазкур параметрда қувонарли ҳолати бизнес муҳити бўйича кўрсаткичларимиз кучли *(indicates a strength; an income group strength*) дея баҳоланган (21-ўрин).

Кўрсаткичларнинг *иккинчисида, "Инсон капитали ва тадқиқотлар"* (Human capital & research)да 7 поғона юқорилаб 30,8 даржа ёки 65-ўринни эгаллаган, бу асосан:

*биринчи, таълим* 57.4 даража ёки 50- ўрин. Афсуски таълим кўрсаткичи бўйича 2021 йилга нисбатан 8 поғона паслаган. Бунда айрим устунлар бўйича маълумотлар берилмаган (таълим харажатлари, ЯИМга нисбатарн 4,9 фоиз ёки 45 ўрин, давлат томонидан молиялаштириш / ўқувчи, ЯИМга нисбатан фоизда – маълумотлар мавжуд эмас, ўрта таълим (мактаб) давомийлиги, йил -12,5/ 88, талабаларни халқаро бахолаш дастури PISA шкаласи - маълумотлар мавжуд эмас, ўқувчи-ўқитувчи нисбати, ўрта -10,9/37),

*иккинчи, олий таълим* -33,9 даража ёки 54 ўрин (олий таълимга қабул қилиш, ялпи фоизда -15.9/101, фан ва муҳандислик йўналишидаги битирувчилар, фоизда - 36,9/6, олий таълимга кириш харакатчанлик, фоизда - 0,2/106),

*учинчи*, илмий-тадқиқот ва ишланмалар (R&D) 1,2 даража ёки 93 ўрин (тадқиқотчилар, FTE-тўлиқ вақт эквиваленти / киши-439,9/73, илмий-тадқиқот ишларига харажатлар, ЯИМга нисбатан фоизда-0,1/98, илмий-тадқиқот ва инвесторлар, миллион доллар - 0,0/ 38, QS- университет рейтинги - 0,0/72).

Мазкур параметрда айрим маълумотларни етарли эмаслиги ёки тақдим этилмаганлиги учун ижобий ҳолатлари кам кўрсатилган. Жумладан, талабаларни халқаро бахолаш дастури PISA шкаласи ва давлат томонидан молиялаштириш/ ўқувчи, ЯИМга нисбатан кабиларни келтириш мумкин. Шундай бўлсада рейтингда ўқувчи-ўқитувчи нисбати ҳамда фан ва муҳандислик йўналишидаги битирувчилар кўрсаткичлари кучли (6-ўрин! Ҳиндистон-11 ва Россия-14) дея эътироф этилган.

Рейтингда *учинчи* "Инфратузилма" (Infrastructure) 2021 йилга нисбатан 5 поғонага кўтарилган яъни 72 дан 74 кўрсаткич бўлган (41,7 даража).

Бунга асосан *биринчи*, ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) – 76,1 даража ёки 55 ўринни эаллаган (АКТга кириш 82,7/78, АКТдан фойдаланиш 62,3/ 66, ҳукуматнинг онлайн хизмати - 78.2/46, электрон фойдаланувчилар 81,0 /46),

*иккинчи,* Бош инфратузилма -32,6 даража ёки 56 ўрин (электр энергияси ишлаб чиқариш -1891,9/ 84, логистика - 24,7/ 92, ялпи капитал шаклланиши, ЯИМга нисбатан фоизда- 40,6 /6),

*учинчи*, экологик мувозанат -16,4 даража ёки 117 ўрин (ЯИМ/энергиядан фойдаланиш бирлиги 5,2/118 атроф-муҳитга таъсири- 38,2/77, ИСО 14001 экологик сертификатлари/млрд. долл ЯИМга нисбатан- 0,1/125).

Мазкур кўрсаткичларнинг айримлари бўйича биз кучли-50 таликдан жой олганмиз десак хам бўлади, масалан, хукуматимизнинг онлайин хизматлари бўйича 46 ўрин! Е-электрон бўйича хам шу натижа, хаттоки кучли 10 таликка давогарлик қиладиган кўрсаткичимиз хам йўқ эмас (), бу- ЯИМга нисбатан капитални шакллантириш даражаси, эътибор беринг 7-ўрин! (Россия – 59, Қозоғистон-24). Умуман олганда мазкур "Инфратузилма" (Infrastructure) бўйича кўрсаткичларимиз рейтингда ўзининг кўплаб параметрларда кучли томонларини кўрсата олган.

Халқаро рейтингнинг яна бир муҳим кўрсаткичи бўлган тўртинчи "Бозор жозибадорлиги (Market sophistication) бўйича 36 поғона пастлаган. Яъни кўрсаткич - 33,9 даржа ёки 60 ўринга лойиқ кўрилган.

Бунда *биринчи*, кредит – 7,1 даража баҳоланган ёки 119 ўрин (кредит олиш қулайлиги – маълумот йўқ, 2021 йилда бу-65,0/61 бўлган, хусусий секторга ажратилган ички кредит, ЯИМга нисбатан фоизда – 35,7/87, микромолиявий ялпи кредитлар, ЯИМга нисбатан фоизда -0,2/51);

*иккинчи*, инвестициялар бўйича 2022 йил учун маълумотлар тақдим этилмаган. Ваҳоланки, бу 2021 йилда қуйидагича бўлган: - 70.0 даражага баҳоланган ёки маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган (миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш қулайлиги- 70,0/36, бозор капиталлашуви, ЯИМга нисбатан фоизда-маълумотлар мавжуд эмас, венчур капитали инвесторлари, битимлар/млрд долл-маълумотлар мавжуд эмас, венчур капитали олувчилар, битимлар/млрд. долл-маълумотлар мавжуд эмас);

*учинчи,* савдо, диверсификация ва бозор хажми -60,7 даражада баҳоланган ёки 51 ўрин (қўлланиладиган тариф ставкаси, ўртача вазнли, 2,6/69, маҳаллий саноатни диверсификация қилиш - 92,9/37, ички бозор хажми, млрд. долл. (PPP) – 291,2 /59).

Рейтингнинг *"Ишбилармонлик жозибадорлиги"* (Business sophistication) номли бешинчи кўрсаткич бўйича 2021 йилга нисбатан 2022 йилда мутлоқ рекорд десак бўлади, яъни бошқа йилларга нисбатан ўн баробар 49 поғонага юқорилаган (123 ўриндан 74 ўринга).

Бунда *биринчи*, билимли ходимлар бўйича маълумотлар тақдим этилмаган (ўтган йилда бу - 22.8 даражада баҳоланган), расмий тренингни таклиф қилувчи фирмалар фоизда-16,9/ 98, бизнес томонидан амалга оширилган GERD, ЯИМга нисбатан - 0,1/69 бизнес томонидан молиялаштирилган GERD, фоизда -13,7/56, илғор даражага эга бўлган аёллар- маълумот мавжуд эмас);

*иккинчи,* инновацион алоқалар 24.7 даража ёки 59-ўрин. Ўтган йили маълумотлар етарли бўлмаганлиги учун-109 ўринда эди. ] маълумотлар етарли эмас (университет ва саноатнинг илмий-тадқиқот ишлари бўйича ҳамкорлиги-маълумот мавжуд эмас, кластернинг ривожланиш ҳолати -маълумот мавжуд эмас, чет эл томонидан молиялаштирилган GERD, ЯИМга нисбатан фоизда- 0,0/93, қўшма корхона/стратегик шерикчилик битимлари/млрд. долл (PPP), ЯИМга нисбатан фоизда -0,0 /62, патент оилалари/млрд. долл. ЯИМга нисбатан фоизда - 0,0/ 91);

*учинчи*, билимларни ўзлаштириш -22,8 даража ва 100 ўрин (интеллектуал мулк тўловлари, умумий савдо фоизда- 0,4 / 74, юқори технологиялар импорти, умумий савдо фоизда- 9,1/54, АКТ хизматлари импорти, умумий савдо фоизда- 0,7/98, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар соф тушуми, ЯИМга нисбатан фоизда - 2,6/54, тадқиқот қобилияти, корхоналарда, фоизда - 12,9/58).

Рейтингнинг мазкур бизнес жозибадорлиги кўрсаткичларида бирина бизнес томонидан молиялаштирилган GERDни ҳисобга олмаганда, кучли томонлари мавжуд эмас.

Рейтингни *олтинчи* “Илмий ва технологик натижалар (Knowledge & technology outputs) бўйича кўрсаткичида даража 17,9ни ва 80 ўринни эгалади. Ваҳоланки бу кўрсаткич 2021 йилда 2020 йилга нисбатан 13 поғона юқорига кўтарилаган! Яъни 90 ўриндан 2021 йилда 77 ўрин. Гарчи ушбу кўрсаткич бундан-да яхшироқ бўлиши керак эди, лекин патентлар, илмий-техник мақолалар ва иқтибос қилинадиган маълумотларимиз мақтанадиган аҳволда эмас.

*биринчи,* Билимларни яратиш (ижодий ёндошув) – 9,1 даража ёки 78 ўрин (патентлар/млрд. долл (PPP) ЯИМга нисбатан фоизда, 1.3/56, PCT патентлари/млрд.долл (PPP), ЯИМга нисбатан фоизда 0,0/95, шуни алоҳида эътироф этиш мумкинки, фойдали моделлар бўйича кучли томонларни кўрсата олган/млрд.долл, ЯИМга нисбатан фоизда 1.3/18, илмий ва техник мақолалар/млрд.долл (PPP), ЯИМга нисбатан фоизада 2.4/124, иқтибос қилинадиган ҳужжатлар h-индекси 3,4/113);

*иккинчи,* билимлар таъсири – 33,9 даража ёки рейтингда 42 ўрин! (меҳнат унумдорлигининг ўсиши, фоизда - 4,7/7! Юқори натижа, янги тадбиркорлик субъектлари-2,7/49, дастурий таъминот харажатлари, ЯИМга нисбатан фоизда – маълумотлар мавжуд эмас, ИСО 9001 сифат сертификатлари/млрд.долл (PPP) ЯИМга нисбатан – 1,5/92, юқори технологияли ишлаб чиқариш, фоизда – 27,3/46);

*учинчи,* билимларнинг тарқалиши 10,7 даражада ёки рейтингда 101 ўрин (интеллектуал мулк объекти бўйича тушумлар, фоизда - 0,0/106, ишлаб чиқариш ва экспортнинг жозибадорлиги 30,3/85, юқори технологиялар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда - 0,3/98, АКТ хизматлари экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда - 0,9/87).

Республикамизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги ислоҳотлар асосида тадбиркорлик субъектларнинг пайдо бўлиши ва улардаги меҳнат унумдорлигининг юқори бўлиши, халқаро рейтингда хам юқори поғонага лойиқ кўрилган. Яъни, меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўйича рейтингда 8 –ўрин! (Белорус Республикаси -38, Россия-44, Қозоғистон-48), фоизда - 4,6/8, шунингдек, яратиб берилаётган шарт-шароитлар асосида янги тадбиркорлик субъектларининг кўрсаткичлари бўйича хам ижобий натижага эришилган. Ишонч билан айта оламизки мазкур кўрсаткичларда келтирилган таҳлилий маълумотлар ўзининг кучли томонларини кўрсата олган.

“Ижод маҳсули” (Creative outputs) бўйича *еттинчи* кўрсаткичда Ўзбекистон 11 поғонага юқорилаган (2022 йилда - 102 ўрин). Бунда рейтингда -7,7 даражани эгаллади.

*биринчи,* номоддий активлар – 12,5 даража ёки 94 ўрин (илк марта рейтингдан жой олди), савдо белгилари бўйича/млрд долл (PPP), ЯИМга нисбатан 30,9/75, глобал бренд қиймати, энг юқори 5000, ЯИМда – маълумотлар мавжуд эмас, саноат намуналари бўйича/млрд.долл (PPP), ЯИМга нисбатан- 0,6/82);

*иккинчи,* ижодий товарлар ва хизматлар -5.3 даража ёки рейтингда 100 ўрин (маданий-ижодий хизматлар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда - 0,0/132, миллий бадиий филмлар – 1,2/79, кўнгилочар ва медиа бозори- маълумотлар мавжуд эмас, матбаа ва бошқа оммавий ахборот воситалари, ишлаб чиқариш фоизда - 0,5/79, ижодий маҳсулотлар экспорти, умумий савдога нисбатан фоизда - 0,3/68);

*учинчи,* онлайн ижодкорлик 0,5 даража ёки рейтингда 109 ўрин (умумий юқори даражадаги доменлар (TLD) - 0,0/132, мамлакат коди TLD - 1,2/79, википедия таҳрирлари – 0,9/104, мобил иловалар яратиш/млрд.долл (PPP), ЯИМга нисбатан - 0,0/107).

Тан олиш лозим, ушбу кўрсаткичлар бўйича хали олдинда қилинадиган ишларимиз кўп, биз 113 поғонадан 102 поғонага кўтарилмайлик, бари бир интеллектуал мулк объектларини яратиш ва уни тижоратлаштириш (интеллектуал

мулк экотизимини яратиш) масаласида хорижий тажрибадан хали анча ортдамиз, буни Юртбошимиз томонидан хам алохида қайта-қайта таъкидлаб ўтилган, хаттоки, устивор вазифалардан бири сифатида белгилаб берган.

Ишонч билан айта оламизки, бугун, "Учинчи Ренессанс" асосида Ўзбекистонни халқаро индекслар ва рейтинг кўрсаткичларига эришишдаги муҳим қадамлардан бири сифатида қабул қилинган "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" амалда ишламоқда. Буни юқоридаги Халқаро рейтинг кўрсаткичларида босқича-босқич юқорилаб бораётганлигимиздан ангал олиш қийин эмас. Чунки, 2020 йилда биз ушбу Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти томонидан (WIPO) Халқаро инновацион индекс (GII)ни забт этган бўлсак, 2022 йилда 82 поғона эгалланди.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Бугунги кунда Ўзбекистонда илм-фан ва илмий фаолиятга йўналтирилаётган маблағ мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 0,5 фоизини ташкил қилади. Ушбу кўрсаткич ривожланган ва ривожланаётган давлатлар томонидан илм-фанга йўналтирилаётган маблағларга нисбатан анча камдир. Шунингдек, илмий-тадқиқот ишлари натижаларини тижоратлаштириш даражаси юқори эмас. Бу эса илмий ташкилотлар ва улар томонидан ташкил этилган инновацион корхоналарга инвестиция ва банк кредити маблағларини жалб қилиш имкониятини бермаслиги келтириб ўтилган. Натижада 2030 йилга қадар Глобал инновацион индекс рейтингида юқори поғоналарни эгаллаш учун айрим паст деб баҳоланган кўрсаткичларни яхшилаб бориш керак бўлади. Бунда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим деб ҳисоблаймиз.

биринчи, Инсон капитали ва тадқиқотлари компоненти бўйича илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишланмаларига харажатларни ошириш ҳамда технологиялар трансферини ривожлантириш;

иккинчи, бизнеснинг жозибаси компоненти бўйича хорижий компаниялар томонидан молиялаштириладиган (GERD) кўрсаткичларини янада яхшилаш ҳамда АКТ хизматларини ривожлантириш;

учинчи, фан ва технология натижалари компоненти бўйича билимларнинг оммалашувини янада ошириш ва ривожлантириш;

тўртинчи, ижодий натижалар компоненти бўйича интернет ижодкорлиги ҳамда мобил иловаларни яратишни янада такомиллаштириш.

Янги Ўзбекистонда бошланган "Учинчи реннесанс" даври хали бирор марта ҳам ўрин ёки баҳосига сазовор бўлмаган халқаро рейтинг ва индексларида, жумладан: Глобал рақобатбардошлик индекси (Global Competitiveness Index), Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum), INSEAD халқаро бизнес-мактаби, Корнел университети (Cornell University), Халқаро интеллектуал мулк ташкилоти (World Intellectual Property Organization, WIPO) Яшил иқтисодиёт глобал индекси (Global Green Economy Index) - Dual Citizen LLC ташкилоти ҳамда Саноат рақобатбардошлиги индекси (Competitive Industrial Performance Index) – Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Саноатни ривожлантириш ташкилотига (United Nations Industrial Development Organization, UNIDO) кириш ва уларнинг юқори баҳоларига сазовар бўлишида муҳим дастак бўлиб ҳизмат қилади.

Глобал пандемиянинг таъсирига қарамасдан, "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" ҳамда мамлакатимизда бошланган "Учинчи реннесанс"га мувофиқ, чоп этилган илмий мақолалар сони, улардан иқтибос келтириш индекси, халқаро конференциялар ва семинарларда иштироки, олинган патентлари сони бўйича танлаб олинган соҳадаги энг фаол олий таълим

муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг тадқиқот йўналишини доимий равишда кучайтириб бориш зарур.

Ўзбекистон Глобал инновацион индекс (GII) рейтингида ўзининг дастлабки қадамларини дадил ташлади ва бу халқаро даражадаги нуфузли рейтинг ташкилотлар томонидан тан олинди.

Хулоса ўрнидан таъкидлаш мумкинки, Глобал инновацион индексда бир неча юзлаб йиллар иқтисодий жиҳатдан тараққиётга эришиб келаётган мамлакатлар орасида Ўзбекистоннинг кўриниш бериши ва улардан ҳеч кам эмаслигини ўтган қисқа муддат икки йил ичида исботлади, бу каби шиддат билан тараққий этишимизда ўйлайманки, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистонда бошланган "Учинчи реннесанс" ҳамда 2030 йилгача Концепцияда белгиланган устивор вазифалар ва мақсадларга, ўз танлаган йўлимизнинг ярмидаёқ мувоффақиятларга эришимизга шубҳа йўқ. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, "Мамлакатимизда бошланган ўзгаришлар ортга қайтмайди... бугунги давр қийинчиликларига қарамай, мураккаб шароитларга мослашиш ва янги "ўсиш нуқталари"ни излаб топишга муваффақ бўляпмиз".

**Адабиётлар:**

Rizaev Nurbek Kadirovich, Khotamov Komil Rabbimovich (2021) Methodology of transformation of financial reporting to international standards in Uzbekistan (evidence from commercial banks). International Journal of Marketing and Technology Vol. 11 Issue 10, October. ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559 Journal Homepage: http://www.ijmra.us, Email: editorijmie@gmail.com

Rizaev N.K. (2020) Expenses on research and development (case-study of the experience of India and Uzbekistan). International Journal of Marketing and Technology Vol. 10 Issue 07, July. ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559. Journal Homepage: http://www.ijmra.us, Email: editorijmie@gmail.com.

Rizaev N.K. (2020) Ecosystem of the intellectual property and its development. International Journal of Management, IT & Engineering Vol. 10 Issue 03, March. ISSN: 2249-0558 Impact Factor: 7.119. Journal Homepage: http://www. ijmra.us, Email: editorijmie@gmail.com.

Rizaev Nurbek Kadirovich, Temirkhxanova Mutabar Juraevna, Li Shaomin (2021) Improving the Intangible Assets Accounting: In a Pandemic Period. Tashkent Financial Institute, Uzbekistan. PSYCHOLOGY AND EDUCATION 58(1): 28-42 ISSN: 00333077. (Scopus). http://psychologyandeducation.net/pae/index.php/pae/issue/view/10, Psychology and Education Journal

Sultonali U. Mekhmonov, Nurbek K. Rizaev, Ilyos K, Ochilov , Golib D. Tashmanov (2021) Development of artificial intelligence in Uzbekistan (Evidence from Education System). Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry (TOJQI) Volume 12, Issue 7, July: 4693 – 4702. https://www.tojqi.net/index.php/journal/article/view/4518

The Global Innovation Index (GII) 2020: Who Will Finance Innovation? https://www.globalinnovationindex.org/Home

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) Global Innovation Index | What is the future of innovation-driven growth?-2022.

Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти (WIPO) https://www.wipo.int/global_innovation_index/en/2021/

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси" ПФ-6097-сон, 2020 йил 29 октябрь. https://lex.uz/docs/5073447

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълимни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси” ПФ-5847-сон, 2019 йил 8 октябрь. https://lex.uz/docs/4545884

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ХАЛҚАРО СТАНДАРТГА МУВОФИҚ МАҲСУЛОТ ТАННАРХИ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ҲИСОБГА ОЛУВЧИ СЧЁТЛАР ҲАМДА АСОСИЙ БУХГАЛТЕРИЯ ЎТКАЗМАЛАРИ

***Ташназарова Д.***
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада моҳсулот таннархи элементлари хош-ашё ва материаллар, қайта ишлаш харажатлари ва жорий ҳолатга келтириш билан боғлиқ харажатларидан ташкил топиши тадқиқ қилинган. Корхоналарнинг ҳисоб сиёсатига захиралар ҳамда захираларнинг таннархини ҳисобга олувчи счётларни, жумладан 1700 "Харид таннархи", 1810 "Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар таннархи", 1910 "Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари", 2010 "Устама ишлаб чиқариш харажатлари", 2110 "Қайта ишлаш таннархи", 2210 "Захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлари", 2300 "Захира таннархи" счётларини киритиш ва бухгалтерия ўтказмаларини амалга ошириш таклиф этилган.*

***Калит сўзлар****: маҳсулот таннархи, устама ишлаб чиқариш харажатлари, қайта ишлаш харажатлари, тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари, бошқа устама харажатлар*

***Аннотация:*** *В данной статье исследуются элементы затрат продукта состоящих из себестоимости сырьё и материалов, затрат на переработку и затрат, связанных с доведением его до текущего состояния. Учетная политика предприятий предлагается внести счета учета себестоимости запасов, такие счета 1700 «Себестоимость закупки», 1810 «Себестоимость сырья и материалов, отпускаемых в производство», 1910 «Прямые затраты на оплату труда», 2010 «Производственные накладные расходы», 2110 «Затраты на переработку», 2210 «Прочие накладные расходы, связанные с доведением запасов до текущего состояния и местонахождения» 2300 "Себестоимость запасов" и предлагается соответствующие бухгалтерские проводки.*

***Ключевые слова:*** *себестоимость продукции, производственные накладные расходы, затраты на переработки, прямые затраты на оплату труда, другие накладные расходы.*

***Annotation:*** *This article examines the cost elements of the product, consisting of the cost of raw materials and costs of conversion (including fixed and variable manufacturing overheads) and other costs incurred in bringing the inventories to their present location and condition. The accounting policy of enterprises is proposed to make accounts for the cost of inventories, such accounts 1710 "Cost of purchase", 1810 "Cost of raw materials and materials released into production", 1910 "Direct labor costs", 2010 "Manufacturing overheads cost", 2110 "Costs of conversion", 2210 "Other overhead costs incurred in bringing the inventories to*

*their present location and condition" and 2300 "Cost of inventory" the corresponding accounting entries are proposed.*

***Keywords:*** *cost of product, Manufacturing overheads cost, costs of conversion, Direct labor costs, Other overhead costs*

**1. Кириш.**

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори (2020) асосида халқаро стандартлар жадал жорий этилмоқда. Халқаро стандартларнинг жорий этилиши мамалкатимизда инвестициявий муҳитни яхшилаш, корхоналарнинг экспорт солиҳиятини ошириш ва дунё бозорларига чиқишга имкон беради. Халқаро стандартларни фаол жорий қилиш уларнинг ҳар бирини алоҳида тадқиқ қилишни тақозо этади. Худди шундай муҳим стандартлардан бири бу 2-сон БҲХС "Захиралар" стандарти[1] ҳисобланади. Ушбу стандартда маҳсулот таннархини шаклантиришга оид қоидалар акс эттирилган. Халқаро стандартларга ўтаётган акциядорлик жамиятларида ҳисоб сиёсатида тасдиқланадиган ишчи счётлар режасида маҳсулот таннархига оид бўлган счётларини мазмун ва моҳият жиҳатдан такомиллаштириш ҳамда уларга доир бухгалтерия ёзувларини тавсия этиш ўта муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўз навбатида маҳсулот таннархига оид янги мазмундаги счётларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб боришни тақозо этади. Шу боис, мазкур мавзудаги тадқиқот иши долзарб мавзуга бағишланган.

**2. Адабиётлар шарҳи.**

Амалдаги 21-сон БҲМС "Счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича инструкция"да харажатларни ҳисобга олувчи счётлар товар-моддий захиралар учун ажратилган бўлимга киритилган. Маҳсулот таннархини ҳисобга олиш учун 2010 "Асосий ишлаб чиқариш" счёти кўзда тутилган. Ушбу счётни юритиш тартиби, харажатларнинг моддалари бугунги кун талабига жавоб бермайди. Таннархни ҳисобга олувчи счётларни кенгайтириш ва корхоналарнинг ҳисоб сиёсатига киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Е.А.Прищенко ва Н.Г.Низовкиналар (2018) "Харажатлар ҳисоби ва таннархи калькуляциясини такомиллаштириш" номли мақоласида "Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига мувофиқ маҳсулот таннархи фақат ишлаб чиқариш харажатларини ўз ичига олиши шарт, қайсики анъанавийда маҳсулотларнинг тўлиқ таннархи тўғрисида маълумотларни олишни кўзда тутади" деб таъкидлайдилар. Шунингдек, таннарх калькуляцияси схемасида маҳсулот бирлигининг тўлиқ таннархи хом-ашё ва материаллар таннархи, маҳсулотни тайёрлашга доир ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда товарларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатлардан ташкил топишини қайд қилади. Муаллифнинг товарларни етказиб бериш билан боғлиқ харажатларга маъмурий устама харажатлар, тайёрлов (сбит) бўйича устама харажатлар ва бошқа устама харажатларни киритилиши мулоҳазали ҳисобланади. Чунки, бу харажаталрнинг аксарият қисми устама ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киритилади.

Н.А.Кравченко (2011) "Бугунги кунга қадар харажатлар моддалари бўйича умумлашган моддалари бўйича йиғилганлиги боис, бошқарувнинг харажатлар тўғрисида мақсадли йўналиши, юзага келиш жойи ва харажатларни ташувчилар, шунингдек ресурслардан самарали ва рационал фойдаланиш назорат қилиш мақсадида ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришга қодир эмаслигини" таъкидлайди. Ушбу муаллифнинг фикрига қўшилган ҳолда бугунги кунда

[1] IAS 2 — Inventories. https://www.iasplus.com/en/standards/ias/ias2

харажатларни таснифлаш ва харажатлар моддаларини қайта шакллантириш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз.

Хорижий адабиётларда, жумладан Rachel Wehrmannинг "Таннарх ҳисоби орқали фойдалиликни ошириш" номли мақоласида "Харажатларни ҳисобга олиш бўйича амалиётида харажатларнинг асосий тоифалари бўлиб хом-ашёни тайёр маҳсулотга айлантириш учун зарур моддий ва қайта ишлаш харажатлари (меҳнат ва устама харажатлар) ҳисобланади (Madhav V. 2017).

Моддий харажатлар – бу маҳсулот ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш учун ишлатиладиган материал харажатлардир.

Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари – бу маълум бир маҳсулот ишлаб чиқариш учун ёки муайян хизматларни кўрсатишда бевосита иштирок этадиган ўзгарувчан меҳнат ҳақи ва улар билан боғлиқ харажатлардир.

Устама харажатлар ишлаб чиқариш мойдончасини бошқариш учун билвосита харажатларни ўз ичига олади, жумладан ижара, коммунал хизматлар, суғурта, амортизация ва билвосита меҳнат харажатлари киради" (R.Wehrman, 2020). Ушбу келтирилган харажатларнинг таснифи халқаро стандартларга мувофиқ келади. Ушбу тажрибаларни муваффақиятли таҳлил қилиб, халқаро стандартларга мувофиқ услубий тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқот жараёнида анализ ва синтез, СВОТ таҳлили, иқтисодий математик методлардан фойдаланилган.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

2-сон БҲХС "Захиралар"да[2] захираларнинг таннархи қуйидаги элементлардан ташкил топишини кўрсатилган:

1. Захираларнинг хариди билан боғлиқ барча харажатлар (cost of purchase);
2. қайта ишлаш (cost of convertion);
3. захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлари (other overhead).

Ушбу стандартга мувофиқ захираларнинг хариди билан боғлиқ харажатларга (cost of purchase) харид нархи, импорт пошлиналари ва бошқа солиқлар, транспорт, транспорт-экспедиция ва тайёр маҳсулот, материаллар ва хизматлар харидига тўғридан-тўғри олиб бориш мумкин бўлган бошқа харажатлар киритилади. Савдо чегирмалари, тўловларнинг қайтарилиши ва бошқа шунга ўхшаш моддалар харид бўйича таннархни аниқлашда чегириб ташланади.

Халқаро стандартларда захираларни қайта ишлаш харажатларига маҳсулот бирлиги билан бевосита боғлиқ бўлган, масалан меҳнатга ҳақ тўлаш билан боғлиқ тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи харажатларини ҳамда устама ишлаб чиқариш (production overhead) харажатлари (УИЧХ) ҳам салмоқли харажат моддаси сифатида киритилиши кўзда тутилган.

**Қайта ишлаш таннархи = тўғридан-тўғри меҳнат ҳақи + устама ишлаб чиқариш харажатлари**

Бошқа устама харажатлар (other overhead) захиралар таннархига шу даражада қўшиладики, қайсики улар захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бўлади. Масалан, ишлаб чиқариш бўлмаган устама харажатлар ёки аниқ мижозлар учун маҳсулотлар ишланмалари бўйича харажатларни захиралар таннархига киритиш мантиқан тўғри бўлади.

[2] IAS 2 — Inventories. https://www.iasplus.com/en/standards/ias/ias2

Бухгалтерия ҳисобидаги муҳим масалалардан бири бу захиралар таннархини шакллантириш билан боғлиқ жараёнларни бухгалтерия ҳисоби счётларида акс эттириш масаласи бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, корхоналарнинг ҳисоб сиёсатида ишлаб чиқариш харажатлари, яъни таннархи элементларини ҳисобга олувчи счётлар билан захираларни ҳисобга олувчи счётларни ажратиш керак бўлади:

Таннархни ҳисобга олувчи счётларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1700 “Харид таннархи”

1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар таннархи”;

1910 “Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари”

2010 “Устама ишлаб чиқариш харажатлари”

2110 “Қайта ишлаш таннархи”

2210 “Захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлари”

2300 “Захира таннархи”

Ушуб счётларнинг очилиши, қўлланилиши ва асосий бухгалтерия ёзувларига доир ишланмаларни таклиф этиш муҳим аҳамият касб этади.

1700 “Харид таннархи” счёти транзит счёт бўлиб, харид қилинган хом-ашё ва материалларнинг таннархини аниқлашга мўлжалланган. Корхонанинг ҳисоб сиёсатидаги счётлар режасига харид таннархи элементлари бўйича қуйидаги счётларни очишни таклиф этамиз:

1710 “Харид таннархи”

1720 “Харид нархи”

1730 “Божхона божи, солиқлар ва тўловлар”

1740 “Транспорт-тайёрлов харажатлари”

1750 “Харид чегирмалари”

1760 “Хариднинг қайтарилиши”

1700 “Харидлар таннархи” счётининг қўлланилиши

Ушбу счётларнинг қўлланилиши билан боғлиқ жараёнларни бухгалтерия ёзувлари орқали акс эттирамиз (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Таклиф этилаётган 1700 “Харид таннархи” счётига оид асосий бухгалтерия ёзувлари[3]**

| **Молиявий-иқтисодий операциялар (транзакциялар) мазмуни** | **Счётлар** | | **Сумма** |
|---|---|---|---|
| | **Дебет** | **Кредит** | |
| 1. Харид қилиб олинган хом-ашё ва материалларнинг харид нархи суммасига | 1720 “Харид нархи” | 6010 “Таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар” | 2064139835 |
| 2. Харид қилинган импорт хом-ашё ва материаллар учун тўланган божхона божи ва божхона тўловлари суммасига | 1730 “Божхона божи, солиқлар ва тўловлар” | 6010 “Таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар” | 171474012 |
| 3. Харид қилиш жараёнида амалга оширилган ортиш-тушириш, декларация, омборхонада сақлаш, транспорт ва бошқа тайёрлов харажатлари суммасига | 1740 “Транспорт-тайёрлов харажатлари” | 6010 “Таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар” ёки 6990 “Турли кредиторлар билан ҳисоб-китоблар” | 285790020 |
| 4. Таъминотчи томонидан харид қилинган хом-ашё ва материаллар бўйича тақдим қилинган чегирма суммаси | 6010 “Таъминотчилар билан ҳисоб-китоблар” | 1750 “Харид чегирмаси” | 28446350 |
| 5. Таъминотчилардан харид қилинган хом-ашё ва материалларнинг шартнома шартларига жавоб бермаган ёки сифати | 6010 “Таъминотчилар билан ҳисоб- | 1760 “Хариднинг қайтарилиши” | 16110674 |

[3] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

| | | | |
|---|---|---|---|
| паст ва бошқа сабаблар билан қайтарилган қисми | китоблар” | | |
| 6. Харид таннархи элементларини ҳисобга олувчи счётлардаги ойлик тўпланган суммалар 1710 “Харид таннархи” счётига ўтказилди | 1710<br>1710<br>1710<br>1750<br>1760 | 1720<br>1730<br>1740<br>1710<br>1710 | 2064139835<br>171474012<br>285790020<br>28446350<br>16110674 |
| 7. 1710 “Харид таннархи” счётининг дебет ва кредит обороти ўртасидаги фарқ суммаси 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар” счётига ўтказилди | 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материалларнинг қиймати” | 1710 “Харид таннархи” | 2476846843 |

1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар таннархи” счёти транзит счёт бўлиб, у ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар, бутловчи қисмларнинг таннархини ҳисобга олишга мўлжалланган. Ушбу счётнинг дебетида даврий ҳисоб тизимда 1000 “Хом-ашё ва материалларни ҳисобга олувчи счётлар” бошланғич қолдиғи (таннархи бўйича), захираларнинг харид таннархи акс эттирилади. Кредит қисмида эса 1000 “Хом-ашё ва материалларни ҳисобга олувчи счётлар” охирги қолдиғи ҳамда ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материалларнинг таннархи суммаси акс эттирилади.

Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материалларнинг таннархи қуйидаги формула бўйича аниқланади:

**Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материалларнинг таннархи = Хом-ашё ва материалларнинг бошланғич қолдиғи + Харид таннархи – Хом-ашё ва материалларнинг охирги қолдиғи (1.1)**

1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар таннархи” счёти билан боғлиқ асосий бухгалтерия ёзувларини келтирамиз (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Таклиф этилаётган 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар таннархи” счётига оид асосий бухгалтерия ёзувлари[4]**

| Молиявий-иқтисодий операциялар (транзакциялар) мазмуни | Счётлар | | Сумма |
|---|---|---|---|
| | Дебет | Кредит | |
| 1. 1010 “Хом-ашё ва материаллар” счётининг бошланғич қолдиғини ҳисобдан чиқариш суммасига | 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар” | 1010 “Хом-ашё ва материаллар” | 625423847 |
| 2. 1710 “Харид таннархи” счётининг дебетида тўпланган суммани 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар таннархи” счётига ўтказилиши | 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар” | 1710 “Харид таннархи” | 2476846843 |
| 3. 1010 “Хом-ашё ва материаллар” счётининг охирги қолдиғини тиклаш | 1010 “Хом-ашё ва материаллар” | 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар” | 753783970 |
| 4. Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материалларнинг таннархи суммасига | 2310 “Тайёр маҳсулот таннархи” | 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар” | 2348486720 |

Таннархни ҳисобга олувчи счётлар таркибида 1920 “Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари” счётини қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу счётнинг мақсади тўғридан-тўғри меҳнат харажатларини алоҳида ҳисобга олиб бориш ва таннархнинг салмоқли моддаси тўғрисида батафсил ахборотларни жамлаш бўлиб ҳисобланади. Ушбу счёт транзит счёт бўлиб, унда қолдиқ қолмайди, счёт ёпилиб кетади. Счётнинг дебетида тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш ишчилари учун

[4] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

ҳисобланган меҳнат ҳақи харажатлари акс эттирилади. Бундан ташқари ушбу счётда ишлаб чиқариш хусусиятидаги меҳнат ҳақи харажатлари асосида ҳисобланадиган ижтимоий тўловлар ҳам акс эттирилади. Ушбу счётнинг дебетида тўпланган сумма 2110 "Қайта ишлаш таннархи" счётига ўтказилади.

Ушбу счётнинг дебет ва кредитига оид бўлган ёзувлар қуйидагилардан иборат:

Ишлаб чиқариш ишчиларига меҳнат ҳақи ҳисобланганда қуйидагича бухгалтерия ёзувини беришни таклиф этамиз:

Дебет 1920 "Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари".....518 291 339 сўм

Кредит 6810 "Ишчилар билан ҳисоб-китоблар.....518 291 339

**Асос:** Корхона бўйича 2022 йил октябрь ойида ишлаб чиқариш ишчиларига 518291339 сўм меҳнат ҳақи ҳисобланди.

Ишлаб чиқариш ишчиларига ҳисобланган меҳнат ҳақи асосида ижтимоий суғуртага ажратмалар амалга оширилди.

Дебет 1920 "Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари".....62 194 961 сўм

Кредит 6510 "Ижтимоий суғурта ҳисоб-китоблари".....62 194 961

**Асос:** Корхона бўйича 2022 йил октябрь ойида ишлаб чиқариш ишчиларига ҳисобланган иш ҳақи асосида ижтимоий суғуртага ажратмалар суммаси 518291339 сўм х 12% = 62 194 960 сўм

1920-счётнинг дебетида тўпланган сумма 2110 "Қайта ишлаш таннархи" счётига ўтказилганда:

Дебет 2110 "Қайта ишлаш таннархи".....580 486 300 сўм

Кредит 1920 "Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари".....580 486 300

**Асос:** 1920-счётининг дебетида тўпланган 580 486 300 сўм қайта ишлаш таннархи элементи сифатида тан олинди ва 2110-счётга ўтказилди.

Таннархнинг кейинги элементи устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобланади. Устама ишлаб чиқариш харажатларига билвосита хом-ашё харажатлари, билвосита меҳнат ҳақи харажатлари, амортизация ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган ишлаб чиқариш бинолари, асбоб-ускуналари ва фойдаланиш ҳуқуқи кўринишидаги активларга хизмат кўрсатиш, овқатланиш, тиббий хизматлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бошқарув ва маъмурий харажатлар киради.

Устама ишлаб чиқариш харажатларини (УИЧХ) ҳисобга олиш учун 2010 "Устама ишлаб чиқариш харажатлари" счётини очишни таклиф этамиз. Ушбу счётнинг бошқа счётлар билан алоқаларини қуйидаги 3-жадвалда расмийлаштирамиз:

**3-жадвал.**

**Корхонада таклиф этилаётган 2010 "Устама ишлаб чиқариш" счётига оид асосий бухгалтерия ёзувлари[5]**

| Молиявий-иқтисодий операциялар (транзакциялар) мазмуни | Счётлар | | Сумма |
|---|---|---|---|
| | Д-т | К-т | |
| Билвосита материал харажатлари (ёрдамчи материаллар) | 2010 | 1710* (1010) | 50 485 623 |
| Технологик, транспорт ва бошқа ишлаб чиқариш ва хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги харид қилинадиган энергия | 2010 | 6990 | 38 945 460 |
| Асосий ишлаб чиқариш фондларини иш ҳолатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртача, жорий ва мукаммал тузатиш харажатлари) | 2010<br>2010<br>2010 | 6810<br>6510<br>6990 | 20 546 978<br>2 465 637<br>12 486 985 |
| Ишлаб чиқариш биносини ёритиш, иситиш ва совутиш, ёнғиндан сақлаш ва қўриқлаш харажатлари | 2010 | 6990 | 39 456 854 |
| Ишчиларнинг соғлиқни муҳофаза қилиш тадбирлари, тиббий хизмат, ишчиларни тиббий кўрикдан ўтказганлик учун тиббий муассасаларга | 2010<br>2010 | 6990<br>6810 | 10 548 962<br>12 458 260 |

[5] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

| | | | |
|---|---|---|---|
| ҳақ тўлаш | | | |
| Ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, ҳисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари | 2010 | 6990 | 10 476 890 |
| Ишлаб чиқариш бинолари ва машина ва асбоб-ускуналари, ишлаб чиқариш ишчиларини ҳамда таваккалчиликни суғурта қилиш харажатлари | 2010 | 6990 | 12 946 800 |
| Билвосита ишлаб чиқариш ходимларининг меҳнат ҳақи харажатлари ҳамда нафақалар | 2010<br>2010 | 6810<br>6510 | 75 486 900<br>9 058 428 |
| Ёнилғи харажатлар | 2010 | 6810 | 18 254 600 |
| Ишлаб чиқариш фаолиятига тегишли бўлган асосий воситаларни жорий ижарага олиш билан боғлиқ харажатлар | 2010 | 6990 | 10 425 830 |
| Ишлаб чиқаришдаги асосий воситалар ва номоддий активлар амортизацияси | 2010<br>2010 | 0200<br>0500 | 110 450 900 |
| Ишлаб чиқариш мақсадларидаги ер, мол-мулк солиғи, сув ресурслари учун тўловлар | 2010 | 6410 | 20 480 976 |
| Ишчиларга коммунал хизматларни қоплаб бериш, озиқ-овқат, ишчиларни овқатлантириш, ишчиларга бериладиган уй-жой ижара ҳақини тўлаш харажатлари, текин бериладиган ва буюмлар қиймати, чой кофе ва сув харажатлари | 2010 | 6990 | 20 479 620 |
| Ишлаб чиқариш ходимларини ишга олиб келиш, олиб кетиш транспорт харажатлари | 2010 | 6990 | 12 546 900 |
| Меҳнатнинг нормал шароитларини ва техника хавфсизлигини таъминлаш харажатлари | 2010 | 6990 | 5 450 500 |
| Ишлаб чиқариш ходимларини ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш ҳамда малака ошириш бўйича харажатлар | 2010 | 6970 | 12 845 900 |
| Маҳсулот (хизматлар)ни мажбурий сертификация қилиш харажатлар | 2010 | 6990 | 15 400 000 |
| Устама ишлаб чиқариш харажатларининг бюджетлаштирилган ставкаси бўйича 2300 “Захира таннархи” счётига ўтказилганда | 2110 | 2010 | 527215144 |
| Тақсимланмай қолган (ёки ортиқча тақсимланган УИЧХлар) реализация қилинган маҳсулот таннархига ўтказилганда (527215144 – 521699003) | 2010 | 9110 | 5 516 141 |

**Изоҳ:** агар корхона даврий тизимда бўлса 1710, агар узлуксиз тизимда бўлса 1010-счётлардан фойдаланилади.

2110 “Қайта ишлаш таннархи” жамловчи счёт бўлиб ҳисобланади. Ушбу счётга тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари ва устама ишлаб чиқариш харажатлари счётлари дебетидаги тўпланган суммалар ўтказилади. Счётнинг мақсади қайта ишлаб билан боғлиқ жараёнларнинг таннархи қанча бўлганлигига оид ахборотларни шакллантиришдан иборат. Ушбу счётга доир бўлган бухгалтерия ёзувлари таҳлил жадвалларида келтирилган.

Таннархни ҳисобга олишга мўлжалланган кейинги счёт 2210 “Захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлари” деб номлаш мақсадга мувофиқ. 2-сон БҲХС “Захиралар” стандартда захираларни жорий ҳолатга келтириш билан боғлиқ тизимли ва систематик харажатларни маҳсулот таннархига қўшиш лозимлиги таъкидланган.

Захираларни ҳисобга олувчи счётларга қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1000 “Хом-ашё ва материалларни ҳисобга олувчи счётлар”

1100 “Тугалланмаган ишлаб чиқариш”

2810 “Тайёр маҳсулот”

2910 “Товарлар”

Захира таннархи нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, амалда мавжуд бўлган 2000 “Асосий ишлаб чиқариш” счётини 2300 “Захира таннархи” деб ўзгартириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бунинг иккита асос бўлувчи сабаби бор. Биринчидан, “асосий ишлаб чиқариш” деган тушунча халқаро стандартларда мавжуд эмас, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёнида захира (тайёр маҳсулот) таннархи

шаклланади. Ушбу счёт ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотлар таннархини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Ушбу таклиф этилаётган счётда нафақат тайёр маҳсулот таннархи, балки товарлар ва бошқа захиралар таркибига кирувчи активларнинг таннархини шакллантириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

2300 “Захиралар таннархи” счётининг таркибий қисмлари қуйидаги счётларни очишни таклиф этамиз:

2310 “Тайёр маҳсулот таннархи”

2320 “Товарлар таннархи”

Тадқиқотимиз объекти бўлган 2310 “Тайёр маҳсулотлар таннархи” счётининг асосий мақсади бўлиб, тайёр маҳсулотларнинг таннархини шакллантириш бўлиб ҳисобланади. Ушбу счёт транзит счёт бўлиб унда қолдиқ қолмайди. Унинг дебетида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи, тўғридан тўғри меҳнат харажатлари, устама ишлаб чиқариш харажатлари акс эттирилади. 2310 “Тайёр маҳсулотлар таннархи” счётининг кредитида давр охирида тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиғи ҳамда давр мабойнида ишлаб чиқаришдан олинган тайёр маҳсулотларнинг таннархи акс эттирилади.

Бундан ташқари даврий ҳисоб тизимида маҳсулот таннархини тўлиқ шакллантириш учун компанияларнинг ҳисоб сиёсатига қуйидаги счётларни ҳам киритишни таклиф этамиз:

Ушбу таклиф этилаётган счётнинг билан корреспонденция алоқаларини қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин (4-жадвал):

**4-жадвал**

**Таклиф этилаётган 2310 “Тайёр маҳсулотлар таннархи” счётига оид асосий бухгалтерия ёзувлари[6]**

| **Молиявий-иқтисодий операциялар (транзакциялар) мазмуни** | **Счётлар** | | **Сумма** |
|---|---|---|---|
| | **Дебет** | **Кредит** | |
| 1. Даврий ҳисоблар тизими асосида 1110 “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” счётининг бошланғич қолдиғининг ҳисобдан чиқарилиши | 2310 “Тайёр маҳсулот таннархи” | 1110 “Тугаллан-маган ишлаб чиқариш” | 180420850 |
| 2. 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материалларнинг таннархи” счётидаги суммани тайёр маҳсулот таннархига ўтказилиши | 2310 “Тайёр маҳсулот таннархи” | 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар таннархи” | 2348486720 |
| 3. 1910 “Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари” счётида тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари суммаси қайта ишлаш таннархи счётига ўтказилиши | 2110 “Қайта ишлаш таннархи” | 1910 “Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари” | 580486300 |
| 4. 2010 “Устама ишлаб чиқариш харажатлари” счётидаги сумманинг қайта ишлаш таннархи счётига ўтказилиши | 2110 “Қайта ишлаш таннархи” | 2010 “Устама ишлаб чиқариш харажатлари” | 527215144 |
| 5. 2110 “Қайта ишлаш таннархи” счётидан қайта ишлаш таннархи суммаси захира таннархи счётига ўтказилди | 2310 “Тайёр маҳсулот таннархи” | 2110 “Қайта ишлаш таннархи” | 1107701444 |
| 6. Захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлари маҳсулот таннархига ўтказилганди | 2310 “Тайёр маҳсулот таннархи” | 2210 “Захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлари” | 50486500 |
| 5. Даврий ҳисоблар тизими асосида 2010 “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” охирги қолдиғининг тикланиши | 1110 “Тугалланмаган ишлаб чиқариш” | 2310 “Тайёр маҳсулотлар таннархи” | 174854530 |
| 6. Тайёр маҳсулотлар таннархи асосида тайёр маҳсулотлар счётига қабул қилинди (180420850+2348486720+1107701444+5048650 0-174854530 = 3512240984) | 2810 “Тайёр маҳсулот” | 2310 “Тайёр маҳсулотлар таннархи” | 3512240984 |

[6] Тадқиқотлар асосида муаллиф ишланмаси

**5. Хулоса.**

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мазкур таклиф ва тавсиялар ҳисоб тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштиришга имкон беради. **Биринчидан,** ҳисоб сиёсатига янги счётларнинг киритилиши, жумладан захиралар таннархини элементларини ҳисобга олувчи счётлар ҳамда захираларни ҳисобга олувчи счётларга ажратиш имкониятини беради.

**Иккинчидан**, маҳсулот таннархи хом-ашё ва материалларнинг таннархи, қайта ишлаш таннархи ва жорий ҳолатга келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлардан ташкил топиши қайд қилинган. Муҳим хулосалардан бири захираларнинг харид таннархи билан қайта ишлаш таннархини алоҳида ажратган ҳолда ҳисобга олиш тавсия этилди.

**Учинчидан**, маҳсулот таннархининг ҳар бир элементи учун алоҳида счётларни 1700 “Харид таннархи”, 1810 “Ишлаб чиқаришга чиқарилган хом-ашё ва материаллар таннархи”, 1910 “Тўғридан-тўғри меҳнат харажатлари”, 2010 “Устама ишлаб чиқариш харажатлари”, 2110 “Қайта ишлаш таннархи”, 2210 “Захираларни жорий ҳолатга ва жорий жойлаштириладиган жойига келтириш билан боғлиқ бошқа устама харажатлари”, 2300 “Захира таннархи” очиш ва уларни юритишнинг услубий тартиби келтирилган. Ушбу услубий тартибда 2300 “Захиралар таннархи” счётида маҳсулот таннархини шаклланиши ва унинг тайёр маҳсулотлар счётига ўтказилиши амалий мисоллар асосида кўрсатиб берилган. Устама ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобида муҳим йўналишлардан бири бу УИЧХларнинг маҳсулот таннархига бюджетлаштирилган ставкаси бўйича олиб борилиши ҳисобланади. Натижада 2010-счётнинг дебетида ҳақиқий юзага келган харажатлар акс эттирилса, кредит қисмида эса бюджетлаштирилган тақсимлаш ставкаси бўйича маҳсулот таннархига олиб борилади. Счётнинг дебет ва кредит оборотлари ўртасидаги фарқ тақсимланмай қолган ёки ортиқча тақсимланган УИЧХларни беради. Ушбу фарқ реализация қилинган маҳсулот таннархига олиб борилиши қайд қилинган.

Ушбу тавсияларнинг амалиётда қўлланилиши тайёр маҳсулотлар таннархини тўғри шакллантириш, ҳаққоний ва ишончли ахборотларнинг шаклланишига хизмат қилади.

**Адабиётлар:**

Madhav V. (2017) Horngren’s Cost Accounting. Harvard University Rajan Stanford University. file:///C:/Users/User/Desktop/kitoblar4/Srikant%20M.%20Datar,%20Madhav%20V.%20Rajan-Horngren’s%20Cost%20Accounting_%20A%20Managerial%20Emphasis-Pearson%20(2017).pdf

Rachel Wehrman (2020) Improving Profitability with Cost Accounting. 11/09/2020 https://www.elliottdavis.com/improving-profitability-cost-accounting/

БҲМС 21-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома. https://lex.uz/nsbu

Кравченко Н.А. (2011) Совершенствование учета затрат и калькулирования себестоимости продукции рыбоводства // https://www.dissercat.com/content/sovershenstvovanie-ucheta-zatrat-i-kalkulirovaniya-sebestoimosti-produktsii-rybovodstva

Прищенко Е.А., Низовкина Н.Г. (2018) Севершенствование системы учета затрат и калькулирования себестоимости. //Мир экономики и управления. Менеджмент.. Том 18, #2 https://cyberleninka.ru/article/n/sovershenstvovanie-sistemy-ucheta-zatrat-i-kalkulirovaniya-sebestoimosti/viewer

Қарор (2020) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИДА СОЛИҚ ИМТИЁЗЛАРИНИНГ ЎРНИ

***Турабов У.О.***
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

***Аннотация:*** *Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш уларга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини ошириш, аҳолига янги иш ўринларини яратиш имкониятлари кенгайтириш муҳум вазифалардан бири ҳисобланади. Бундан ташқари тадбиркорларликни ривожлантириш мақсадида солиқлар турининг сонини қисқартириш бўйича бажарилаётган ишлар, бюджетдан ташқари жамғармаларга йиғимларни бекор қилиш ҳисобидан корхоналар фойдаланаётган имтиёзлар ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *бюджет сиёсати, инқироз, бюджет, солиқ имтиёзлари, солиқ маъмурчилиги, тадбиркорлик субъектлари, солиқ ҳисоботи, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари, солиқ, солиқ ставкаси, преференсиялар.*

***Аннотация:*** *Одной из важных задач в развитии сферы услуг в Республике Узбекистан является увеличение объема рыночных услуг за счет внедрения новых подходов к ним, расширения возможностей для создания новых рабочих мест для населения. Кроме того, ведется работа по сокращению количества видов налогов на развитие предпринимательства, льгот, которыми пользуются предприятия за счет отмены отчислений во внебюджетные фонды.*

***Ключевые слова:*** *бюджетная политика, кризис, бюджет, налоговые льготы, налоговое администрирование, хозяйствующие субъекты, налоговая отчетность, налоговые поступления, налоговые льготы, налоги, налоговые ставки, преференции.*

***Abstract:*** *One of the important tasks in the development of the service sector in the Republic of Uzbekistan is to increase the volume of market services through the introduction of new approaches to them, expanding opportunities for creating new jobs for the population. In addition, work is underway to reduce the number of types of taxes on the development of entrepreneurship, the benefits that enterprises enjoy by abolishing contributions to extra-budgetary funds.*

***Keywords:*** *budget policy, crisis, budget, tax benefits, tax administration, business entities, tax reporting, tax revenues, tax benefits, taxes, tax rates, preferences.*

## 1. Кириш.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий сиёсатининг энг муҳим элементларидан бири – солиқ сиёсатини янада либераллаштириш, солиққа тортиш тартибини соддалаштириш, солиқ юкини пасайтириш, хўжалик субъектларининг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, уларнинг фаолиятларига аралашишга чек қўйиш бўйича чора-тадбирларларни

амалга ошириш ҳисобланади. Республикамизда 2022 йилда ҳам амалга оширилаётган кенг кўламли солиқ ислоҳотларининг натижасида аҳоли реал даромадлари ўсиши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик жиҳатдан янгилаш, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини таъминлашда солиқ юкини босқичма-босқич пасайтиришнинг устувор йўналиш қилиб олиниши, шу жумладан Солиқ кодексининг тегишли моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

**2. Адабиётлар шарҳи.**

Мавзу доирасида асосий ўрганилувчи иқтисодий категория солиқ имтиёзлари тушунчаси бўлиб, солиқ имтиёзларига нисбатан берилган таърифларга батафсил тўхталсак.

В.Н.Незамайкин ва И.Л.Юрзиновалар (2004) —солиқ имтиёзи – бошқа тўловчиларга нисбатан солиқ тўловчиларга солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига солиқ қонунчилигида кўзда тутилган афзалликларнинг, жумладан, солиқ ёки йиғимини тўламаслик ёки кичикроқ ҳажмда тўлаш имкониятининг берилиши дейди.

И.А.Майбуров (2011) солиқ имтиёзларини қонун хужжатларида белгиланган тартибда солиқ тўлаш муддатини ўзгартириш бўйича имтиёзлар олишга имкон берувчи имтиёзлар ҳамда улар бир нечта шаклларга ажратилади: солиқ кредити, инвестицион солиқ имтиёзи, солиқ таътили.

Н.В.Милякова (2008) —солиқ имтиёзи – солиқ тўловчиларнинг алоҳида тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан таққослаганда афзалликлар тақдим этиш, жумладан солиқ ёки йиғимни тўламаслик ёки уларни озроқ миқдорда тўлаш имконияти.

Ф.Рахматуллаева (2016) солиқ имтиёзига категория сифатида қуйидагича таъриф берган: —имтиёзлар - бу иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш ва ижтимоий вазифаларни ҳал этиш мақсадида солиқ тўловчининг солиқ мажбуриятларини қонун томонидан белгиланган шаклда бутунлай ёки қисман камайтиришнинг йўллари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари мажмуидир.

А.Жўраев ва бошқалар (2009) солиқ имтиёзлари – солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича турли хил енгилликлар бўлиб, улар вақтинчалик ва доимий, тўлиқ ёки қисман ва бошқа кўринишларда берилиши мумкин.

А.С.Баладина (2011) бу борада қуйидагича таъриф берган: солиқ преференцияси – давлат томонидан солиқ мажбуриятини камайтириш юзасидан айрим солиқ тўловчилар учун мажбурий тартибда, бажарилиши лозим бўлган тақдим қилинадиган устуворликлардир.

Шунинг билан, солиқ имтиёзларини тақдим этиш, уларни тизимлаштириш, уларнинг жорий қилиниши натижасида рақобат мухитининг мурракаблашиб бориши юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб бориши лозим бўлган муаммолар мавжуд.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Ушбу мақолада қиёсий таҳлил ҳамда индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди. Қиёсий усулдан фойдаланилиб, солиқ имтиёзларига доир маълумотлар ва уларни таҳлиллар амалга оширилиб илмий хулосалар берилди.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-104-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, алоҳида ёндашувлар асосида хизматлар соҳасини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектларини молиявий ресурслар ва инфратузилма билан таъминлаш ҳамда уларга қулай солиқ режимини жорий этиш мақсадида қабул қилинди.

Қарорнинг 2-бандига мувофиқ 2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар чакана савдо ва умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари, автотранспортда йўловчи ва юк ташиш, транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш, компьютер хизматлари, маиший техникани таъмирлаш, агро ва ветеринария хизматларини кўрсатувчи ҳамда кўнгилочар масканларда хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 1 фоиз этиб белгиланди. Бунда:

мазкур солиқ имтиёзи тадбиркорлик субъектлари томонидан, агар уларнинг мазкур кичик бандда кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60 фоизини ташкил этса, қўлланилади;

мазкур бандда кўрсатилган фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари томонидан ходимлар сонини яшириш ҳолатлари аниқланганда, мазкур солиқ имтиёзининг амал қилиши тўхтатилади ҳамда қонунчиликда белгиланган молиявий санкциялар қўлланилиши белгиланди.Тадбиркорлик субъектларига 2022 йил 1 январдан бошлаб 2027 йил 1 январга қадар меҳмонхона (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг квадрат метрдан юқори бўлган савдо комплекслари (шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари) бўйича:

юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларини 90 фоизга камайтириш. Бунда 2027 йил 1 январгача янгидан қуриладиган объектларга (шу жумладан, улар эгаллаган ер участкасига) нисбатан мазкур имтиёзни улар фойдаланишга топширилган ойдан бошлаб 5 йил муддат давомида қўллаш;

фойда солиғини ҳисоблашда биноларнинг қийматини икки йил давомида амортизация харажатлари сифатида чегириш ҳуқуқини берилди. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар айрим туман ва шаҳарларда белгиланадиган туризм ҳудудларида рўйхатдан ўтган ҳамда ушбу ҳудудда умумий овқатланиш, меҳмонхона (жойлаштириш), савдо, кўнгилочар, туроператор ва турагент хизматларини кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун айланмадан олинадиган солиқ ставкасини – 1 фоиз қилиб белгиланди. Шунингдек, ушбу ҳудудлардаги объектлар ва улар эгаллаган ер участкаси бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғи миқдорларини – мазкур солиқлар бўйича ҳисобланган сумманинг 1 фоизи миқдорида белгилаш. Бунда туман ва шаҳарларнинг туризм ҳудудлари чегаралари Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлигининг ҳудудий бош бошқармалари хулосалари асосида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари томонидан белгиланади. Жисмоний шахслар томонидан маҳаллалараро савдо-хизмат кўчалари бўйида жойлашган турар жой объектларини хизмат кўрсатиш турлари бўйича нотурар жой объекти тоифасига ўтказилганда 2024 йил 1 январга қадар уларга нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг жисмоний шахслар учун ўрнатилган ставкасини сақлаб қолинади. 2022 йил 1 январдан уяли

алоқа операторлари учун уяли алоқа хизматларига солинадиган акциз солиғи ставкасини 10 фоиз этиб белгиланди. 2022 йил 1 апрелдан бошлаб қишлоқ жойларда антенна-мачта металл конструкцияларини, уларга ўрнатилган ва уларнинг ажралмас қисми бўлган конструкциялар ҳамда улар эгаллаган ер участкаларини юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқдан ва юридик шахслардан олинадиган ер солиғидан озод этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги “Паррандачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-100-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ички истеъмол бозорини парранда гўшти билан барқарор таъминлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қабул қилинди. Қарорнинг 1-бандида 2022 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган паррандачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун субсидия миқдори 2 500 сўм этиб белгиланди. Бунда, субсидия қўшилган қиймат солиғидан вақтинчалик озод қилиш бўйича имтиёз амалда бўлган давр учун ҳам тўланади.

Мазкур берилаётган имтиёзлар Республикамизда 2021 йил 9 ойликда фойдаланилган солиқ имтиёзлари юзасидан солиқ турлари худудлар кесимида таҳлилий маълумот 1-жадвал.

**1-жадвал**

**2021 йил 9 ойликда фойдаланилган солиқ имтиёзлари юзасидан солиқ турлари худудлар кесимида таҳлилий маълумот[1]**

(млрд.сўмда)

| Т/р | Ҳудуд номи | Жами фойдаланилган имтиёз | | шундан | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ҚҚС солиғи | | Фойда солиғи | | АОС солиғи | | Ер солиғи | | Мулк солиғи | | Ижтимоий солиқ | |
| | | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма |
| Республика бўйча | | 55935 | 29933,9 | 13882 | 24017,9 | 2622 | 1117,4 | 8289 | 111,1 | 9202 | 3208,5 | 10066 | 888,7 | 7104 | 154,7 |
| 1 | ЙСТҲДСИ | 776 | 21096,1 | 964 | 19375,9 | 129 | 530,1 | 3 | 7,2 | 421 | 644,1 | 582 | 411,0 | 65 | 21,2 |
| 2 | Қорақал.Рес. | 3 458 | 201,4 | 477 | 95,3 | 70 | 10,6 | 424 | 3,2 | 392 | 51,7 | 234 | 20,7 | 731 | 4,0 |
| 3 | Андижон вил | 4 275 | 233,6 | 573 | 148,7 | 177 | 18,1 | 588 | 4,8 | 684 | 22,1 | 732 | 8,5 | 816 | 4,6 |
| 4 | Бухоро вил | 4 527 | 498,1 | 763 | 283,2 | 113 | 19,4 | 423 | 3,4 | 773 | 46,5 | 493 | 110,3 | 1129 | 8,2 |
| 5 | Жиззах вил | 1 896 | 159,3 | 226 | 53,0 | 63 | 11,7 | 202 | 1,7 | 718 | 46,5 | 441 | 12,4 | 82 | 2,1 |
| 6 | Қашқадарё в | 3 704 | 1544,3 | 647 | 145,8 | 78 | 24,5 | 566 | 6,9 | 657 | 1332,2 | 686 | 19,7 | 448 | 3,4 |
| 7 | Навоий вил | 2 553 | 327,5 | 356 | 62,8 | 100 | 14,0 | 613 | 4,5 | 607 | 219,3 | 377 | 16,6 | 561 | 3,0 |
| 8 | Наманган в | 3 266 | 356,0 | 809 | 182,6 | 129 | 19,7 | 542 | 7,8 | 488 | 109,7 | 369 | 13,8 | 334 | 3,2 |
| 9 | Самарқанд в | 3 635 | 447,5 | 886 | 319,7 | 217 | 37,9 | 625 | 7,9 | 800 | 40,8 | 840 | 27,7 | 394 | 3,3 |
| 10 | Сурхондарё | 2 412 | 306,5 | 545 | 120,5 | 61 | 34,1 | 357 | 3,6 | 553 | 109,5 | 242 | 20,3 | 339 | 3,7 |
| 11 | Сирдарё вил | 1 311 | 149,1 | 236 | 88,3 | 47 | 6,7 | 183 | 2,8 | 324 | 26,4 | 228 | 18,2 | 172 | 1,8 |
| 12 | Тошкент вил | 4 172 | 675,2 | 1041 | 265,5 | 230 | 48,3 | 679 | 8,6 | 808 | 284,0 | 1340 | 52,0 | 131 | 2,2 |
| 13 | Фарғона вил | 4 631 | 409,1 | 897 | 258,2 | 207 | 38,8 | 742 | 12,9 | 781 | 38,8 | 831 | 19,5 | 813 | 11,4 |
| 14 | Хоразм вил | 3 878 | 328,4 | 571 | 128,7 | 103 | 17,2 | 521 | 8,6 | 690 | 122,2 | 459 | 17,3 | 451 | 4,8 |
| 15 | Тошкент ш | 11441 | 3202,0 | 4891 | 2489,7 | 898 | 286,2 | 1821 | 27,1 | 506 | 114,9 | 2212 | 120,7 | 638 | 77,8 |

[1] Жадвал Давлат солиқ қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

**2-жадвал**

**2021 йил 9 ойликда фойдаланилган солиқ имтиёзлари юзасидан солиқ турлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар кесимида таҳлилий маълумот[1]**

(млрд.сўмда)

| Т/р | Ҳудуд номи | Жами фойдаланилган имтиёз | | шундан | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | ҚҚС | | Фойда солиғи | | АОС | | Ер солиғи | | Мол-мулк солиғи | | Ижтимоий солиқ | |
| | | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма | сони | сумма |
| Республика | | 61336 | 29933,9 | 13882 | 24017,9 | 2622 | 1117,4 | 8289 | 111,1 | 9202 | 3208,5 | 10066 | 888,7 | 7104 | 154,7 |
| 1 | Солиқ кодекси | 37474 | 23595,2 | 10325 | 21221,3 | 747 | 246,3 | 2172 | 57,5 | 4694 | 1161,7 | 2155 | 533,8 | 3248 | 31,6 |
| 2 | Ўзбекистон Республикаси Қонуни | 333 | 84,7 | 275 | 81,5 | 11 | 2,8 | 49 | 0,2 | 0 | 0,0 | 3 | 0,1 | 1 | 0,0 |
| 3 | Президент Фармони | 8545 | 946,3 | 295 | 259,5 | 851 | 292,1 | 1 569 | 16,0 | 734 | 146,6 | 6 121 | 140,8 | 499 | 66,4 |
| 4 | Президент қарори | 12469 | 3758,9 | 2596 | 1 351,1 | 952 | 415,4 | 4 347 | 36,2 | 3596 | 1766,3 | 1 698 | 97,4 | 3153 | 39,7 |
| 5 | Вазирлар Маҳкамаси қарори | 1809 | 926,1 | 115 | 777,6 | 41 | 54,8 | 58 | 0,3 | 117 | 58,8 | 59 | 12,3 | 14 | 10,0 |
| 6 | Бошқа ҳужжатлар | 706 | 622,8 | 276 | 326,8 | 20 | 106,0 | 94 | 0,9 | 61 | 75,1 | 30 | 104,3 | 189 | 7,0 |

[1] Жадвал Давлат солиқ қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

***1-жадвал*** маълумотларидан кўриниб турибдики, 2021 йил 9 ойликда фойдаланилган солиқ имтиёзларидан 6 та солиқ турлари бўйича таҳлил қилинганда Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспексияси солиқ тўловчилари фойдаланган. Жумладан, қўшилган қиймат солиғи бўйича 964 та корхоналардан жами 19375,9 млрд.сўм ҳажмида, фойда солиғи бўйича эса 129 та корхоналар томонидан 530,16 млрд.сўм ҳажмида имтиёзлар берилган. Тошкент шаҳрида эса ҚҚСдан 4891 та корхоналар 2489,7 млрд.сўм, фойда солиғидан 898 та корхоналар 286,2 млрд.сўм, айланмадан олинадиган солиқдан 1821та корхона 27,1 млрд.сўм,ер солиғи бўйича 506 та корхоналар 114,9 млрд.сўм, мол-мулк солиғидан эса 2212 та корхоналар 120,7 млрд.сўмлик, Ижтимой солиқдан 638 та корхоналар 77,8 млрд.сўм хажмида имтиёзлардан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин.

2021 йил 9 ойликда фойдаланилган солиқ имтиёзлари юзасидан норматив-ҳуқуқий хужжатлар кесимида таҳлилий маълумот 2-жадвал.

Мазкур 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2021 йил 9 ойликда жами фойдаланилган солиқ имтиёзларидан таҳлил қилинганда қуйдагилар аниқланди. Жумладан, Солиқ кодекси бўйича 37474 та корхоналар жами 23595,2 млрд.сўм ҳажмида, Президент қарорлари бўйича 12469 та корхоналар томондан 3758,9 млрд.сўм, Президент Фармонлари билан 8545та корхоналарга 946,3 млрд.сўм, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билар 1809 та корхоналарга 926,1 млрд.сўм хажмида имтиёзлардан фойдаланганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 24 январдаги “Паррандачилик тармоғини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-100-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарор ички истеъмол бозорини парранда гўшти билан барқарор таъминлаш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида қабул қилинди. Қарорнинг 1-бандида 2022 йил 1 январдан бошлаб 2024 йил 1 январга қадар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлган паррандачилик хўжаликларига — ўз хўжаликларида етиштирилиб, реализация қилинган парранда гўштининг ҳар бир килограмми учун субсидия миқдори 2 500 сўм этиб белгиланди. Бунда, субсидия қўшилган қиймат солиғидан вақтинчалик озод қилиш бўйича имтиёз амалда бўлган давр учун ҳам тўланади.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда уларнинг экспортини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-53-сон Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон Республикамизда мавжуд хомашё базасидан самарали фойдаланган ҳолда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарида чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг экспортини янада рағбатлантириш механизмларини жорий этиш мақсадида қабул қилинди.

Хизмат кўрсатиш корхоналарида 2020-2021 йил январь-октябрь ойлари иқтисодий ҳолати тўғрисида таҳлил қилинди.(3-жадвал).

**3-жадвал**

**Хизмат кўрсатиш корхоналарининг 2020-2021 йил январь-октябрь ойлари ҳудудлар кесимида иқтисодий ҳолати тўғрисида таҳлилий маълумот[1]**

(млрд.сўмда)

| Т/р | Ҳудуд номи | Сони | 2020 йил 10 ойлик | | | 2021 йил 10 ойлик | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | Фойда-ланилган имтиёз суммаси | Қоплаб берилган ҚҚС суммаси | Тўланган солиқлар | Фойда-ланилган имтиёз суммаси | Қоплаб берилган ҚҚС суммаси | Тўланган солиқлар |
| **Республика бўйича** | | **195 277** | **4 878,6** | **309,5** | **3843,5** | **2505,6** | **880,5** | **5 254,9** |
| 1 | Қорақалпоғистон Рес. | 8 458 | 7,8 | 0,5 | 152,3 | 46,2 | 4,9 | 205,4 |
| 2 | Андижон вилояти | 14 175 | 12,3 | 3,1 | 267,5 | 79,4 | 22,9 | 292,9 |
| 3 | Бухоро вилояти | 12 360 | 39,4 | 4,7 | 200,5 | 74,9 | 26,8 | 268,4 |
| 4 | Жиззах вилояти | 7 981 | 13,7 | 6,6 | 101,4 | 28,1 | 12,0 | 126,1 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 11 733 | 22,2 | 0,9 | 210,2 | 120,7 | 19,3 | 255,5 |
| 6 | Навоий вилояти | 9 284 | 4 074,2 | 3,8 | 106,4 | 38,0 | 11,7 | 135,9 |
| 7 | Наманган вилояти | 12 145 | 11,5 | 13,9 | 156,2 | 53,6 | 18,2 | 214,6 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 16 327 | 95,2 | 1,1 | 218,1 | 133,2 | 199,3 | 74,6 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 10 836 | 35,6 | 11,6 | 140,1 | 49,0 | 39,8 | 184,7 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 6 488 | 8,7 | 4,6 | 56,3 | 29,6 | 22,8 | 62,4 |
| 11 | Тошкент вилояти | 19 498 | 42,6 | 25,4 | 318,9 | 185,2 | 104,3 | 377,5 |
| 12 | Фарғона вилояти | 16 996 | 251,9 | 15,1 | 162,6 | 141,9 | 36,1 | 237,6 |
| 13 | Хоразм вилояти | 8 614 | 26,0 | 3,6 | 121,9 | 74,0 | 20,3 | 144,5 |
| 14 | Тошкент шаҳри | 40 279 | 223,7 | 198,4 | 1343,2 | 1 290,4 | 291,4 | 2164,3 |
| 15 | Йирик солиқ тўловчилар | 103 | 13,8 | 16,0 | 288,1 | 161,3 | 50,8 | 510,4 |

[1] Жадвал Давлат солиқ қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Мазкур 3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда хизмат кўрсатиш корхоналарининг фойдаланилган имтиёз суммаси жами 4 878,6 млрд.сўмни, ҚҚС солиғи қоплаб берилган суммаси жами 309,5 млрд.сўмни, тўланган солиқлар эса 3843,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса, 2021 йилда фойдаланилган имтиёз суммаси жами 2505,6 млрд.сўмни, ҚҚС солиғи қоплаб берилган суммаси жами 880,5 млрд.сўмни, тўланган солиқлар эса 5 254,9 млрд.сўмни ташкил этган

Юқоридаги Фармоннинг 2-бандида 2022 йил 1 февралдан 2025 йил 1 январгача:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга оширган корхоналарга, мазкур лойиҳалар доирасида харид қилинган ускуналар қийматининг 10 фоизи, бироқ 500 минг АҚШ доллари эквивалентидан кўп бўлмаган миқдорда Жамғарма ҳисобидан субсидия ажратилади. Бунда мазкур лойиҳалар доирасида янги ускуналар харид қилинган бўлиши, ускуна қийматига етказиб бериш ҳамда бошқа қўшимча хизматлар харажатлари киритилмаслиги ҳамда лойиҳани фойдаланишга топшириш далолатномаси мавжуд бўлиши лозимлиги белгиланди.

Бўялган мато ҳамда аралаш ва бўялган газлама маҳсулотларини ҳамда таркибида сунъий тола 80 фоиздан юқори бўлган ип-калава ишлаб чиқариш ускуналарини харид қилувчи корхоналарга бошланғич 15 фоиз тўловни тўлаш учун хорижий валютада 7 йил муддатгача 3 йиллик имтиёзли давр билан депозит ставкасига банкнинг 1 фоизлик маржасини ҳисобга олган ҳолда “Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ томонидан кредит ажратилади. Бўялган мато, бўялган газлама ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини, шу жумладан, комиссионер (ишончли вакил) орқали реализация қилишдан тушган умумий тушумида ушбу маҳсулотларнинг камида 80 фоизини экспорт қилган корхоналар учун ижтимоий солиқни 1 фоиз миқдордаги солиқ ставкаси бўйича тўлашга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан туриб, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда уч йил муддатгача юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи тўловини кечиктириш ҳуқуқи берилади. Бунда, солиқни кечиктириш муддати тугаганидан сўнг солиқ қарзи ва ҳисобланган фоизлар кечиктириш муддатига тенг муддат мобайнида бўлиб-бўлиб тўланади.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Рақобат муҳитини бузувчи индивидуал имтиёзлар ва преференцияларни бекор қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш ва таҳлил қилишни амалга ошириш механизларини такомилаштириш, солиқ имтиёзларини, шу жумладан махфийлик белгиси остида бериладиган солиқ имтиёзларини ҳисобга олиш ва маъмурчилиги бўйича “E-imtiyoz” ахборот-таҳлилий тизимини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш, ҳамда унинг қўлланилишини электрон ҳисобварақ-фактураларда, ҳисоботларда ва бошқа электрон маҳсулотлар ва хизматларда акс эттириш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабиётлар:**

Александров И.М. (2009) Налоги и налогообложение: Учебник / И. М. Александров. — 10-е изд., перераб. и доп. — М.: Издательско- торговая корпорация «Дашков и К, 228 с.

Баладина А.С. (2011) Анализ теоретических аспектов налоговых льгот и налоговых преференций // Вестник Томского государственного университета- №4(16)- С. 45-60.

Жўраев А., Тошматов Ш., Абдурахмонов О. (2009) Солиқлар ва солиққа тортиш. Ўқув қўлланма. Т.: NORMA. 184- бет.

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи.- 640 б.

Майбуров И.А. (2011) Налоги и налогообложение . Ред. 4-е изд. - М: 558 с.

Милякова Н.В. (2008) Налоги и налогооблажение. Учебник. 7-е изд. Перераб. И доп.–М.:ИНФРА, С.33 Milyakova N.V.

Маъруза (2020) Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2020 йил 26 март куни коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашишни кучайтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишидаги маърузаси// Тошкент. 2020 йил, 26 март.

Незамайкин В.Н., Юрзинова И.Л. (2004) Налогооблажение юридических и физических лиц. –М.: Экзамен, С.44.

Рахматуллаева Ф. (2016) —Солиқ имтиёзларининг моҳияти ва иқтисодиётни рағбатлантиришдаги роли. Молия илмий журнали №2/ 108 бет.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КАПИТАЛ САМАРАДОРЛИК КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАҲЛИЛИ

***Усмонов Б.А.***
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

***Аннотация:*** *Мақолада акциядорлик жамиятларида капитал бошқаруви самарадорлигини баҳолашдаги мавжуд муаммолардан келиб чиқган ҳолда тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, шунингдек, капитал бошқаруви самарадорлигининг назарий асослари ёритиб берилган. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият олиб бораётган акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлиги бўйича таҳлил амалга оширилган. Шунингдек, олинган натижалар асосида капитални бошқариш самарадорлигини оширишга доир хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилган.*

***Калит сўзлар:*** *Капитал, баҳолаш, бошқариш, самарадорлик, капитални бошқариш, таҳлил.*

***Аннотация:*** *В статье актуальность исследования обусловлена существующими проблемами оценки эффективности управления капиталом в акционерных обществах, а также выделены теоретические основы эффективности управления капиталом. Проведен анализ эффективности управления капиталом акционерных обществ, действующих в нашей стране на сегодняшний день. Также на основе полученных результатов были разработаны выводы и рекомендации по повышению эффективности управления капиталом.*

***Ключевые слова:*** *Капитал, оценка, управление, эффективность, управления капитала, анализ.*

***Abstract:*** *In the article, the relevance of the research is based on the existing problems in assessing the efficiency of capital management in joint-stock companies, as well as the theoretical basis of the efficiency of capital management is highlighted. An analysis of the efficiency of capital management of joint stock companies operating in our country today has been carried out. Also, based on the obtained results, conclusions and recommendations on improving the efficiency of capital management were developed.*

***Keywords:*** *Capital, valuation, management, efficiency, capital management, analysis.*

## 1. Кириш.

Бугунги кунда юқори суръатларда ривожланаётган мамлакатларда олиб борилаётган амалиётдан маълумки, компанияларнинг молиявий менежерлари капитал ва уни самарали бошқариш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда инвестиция оқимини асосий омил сифатида ҳисобга олиш билан бир қаторда, турли инвесторлар томонидан компанияларнинг инвестиция салоҳиятини

баҳолаш, шунингдек, инвестиция жараёнлари билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни амалга оширишда компаниянинг капитал баҳоси, яъни компаниялар капиталидан оқилона фойдаланиш масаласи зарурлигини кўрсатмоқда.

Шунингдек, компанияларга кириб келаётган инвестиция оқимларининг ортиб бориши натижасида, хусусан компанияларнинг капитали бошқарувини самарали этишда, капиталга таъсир қилувчи омиллар сифатида хусусий ва қарз капиталининг таъсири даражасини аниқлаш ва шу билан бир қаторда, молиявий активларни баҳолаш асосида капиталнинг оптимал таркибини аниқлашнинг янгича ёндашувини ишлаб чиқиш заруриятини намоён этмоқда.

Жумладан, мамлактимизда олиб борилаётган фаол инвестицион жараёнида йирик корхоналарга хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ушбу корхоналарни йиллик молиявий ҳисоботи халқаро андозарларга мувофиқ равишда жорий қилиниши учун етакчи халқаро компанияларни жалб қилиниши, хорижий молиявий менежерлар томонидан корхоналарнинг капиталини самарали бошқариш зарурлигини намоён этади.

**2. Адабиётлар шарҳи.**

А.Дамодаран (2018) фикрига кўра, капитал бу корхонанинг активларига инвестиция килинган пул, моддий ва номоддий кийматликларнинг умумий қийматини ўзида ифодалайди.

Бу эса ўз ўрнида ҳам концептуал, ҳам эмпирик даражада кенг ўрганилаётган долзарб масалалардан бири бўлиб, мазкур йўналиш бўйича олимлар турлича тарзда тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олим Кеҳинде Жамес Сундейнинг (2011) фикрига кўра, акциядорлик жамиятларида капитал самарадорлигини ошириш тўлов қобилияти ва унинг ликвидлиги учун муҳим аҳамият касб этади. Унинг тадқиқотлари шуни кўрсатдики, акциядорлик жамиятлари молиявий холатини барқарорлигини таъминлаш уларнинг молиявий ҳисоботлари, назорат тизимини такомиллаштириш билан бир қаторда, ўз маблағларини бошқаришни самарали ташкил этиш, доимий ўсиш ва тўлов қобилиятини таъминлашдан дарак берди.

Моҳаммад Алипоур (2011) тадқиқотларига асосан, акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш унинг ретабеллигини оширишга хизмат қилибгина қолмай, дебиторлик қарзларини камайтириш орқали акциядорлар учун инвестиция киритиш жараёнига катта имконият беришдан иборат.

Яна бир хорижлик тадқиқотчилардан бири Ведавинаягам Ганесан (2007) қарашларига кўра, капитални бошқариш самарадорлигини ошириш, айланма маблағларга бўлган талабни минималлаштириш ва мумкин бўлган даромадларни максимал даражада оширишдан иборат. Унинг тадқиқотларига асосан акциядорлик жамиятлари капиталини самарали бошқариш орқали фойдалилик ва рентабеллик даражасини оширишга эришиш мумкин. Шунингдек, Хейн Леландниг (1994) фикрича, компанияларнинг капитали таркиби, қарз капитали қийматини аниқлашда муҳим ўрин тутади, қарз капитали компания капитали самарадорлигига таъсир этувчи муҳим омил ҳисобланади. Хусусан, қарз капиталини тадқиқ этиш нафақат компания капитали самарадорлигини оширади, балки компания келгусидаги режаларини ҳам унга мос тарзда олиб борилиши тадқиқ этилган (Burkhanov A.U., Eshmamatova M.M., 2021; Usmonov B., 2021).

Таниқли иқтисодчи олимлардан Ф.Модильяни ва М.Миллерлар (1958) капитал таркиби ва қийматини самарали баҳолашни ўрганиб, капитал таркибини шакллантириш тамойилларини изоҳлаб берган. Хусусан, олимларнинг фикрига кўра, капитал таркибини аниқлаш ва уни самарали баҳолаш иқтисодиётга таъсир қилувчи омиллар яъни солиқлар ва тушумлар, банкротлик, нобарқарор капитал

бозори ва инфляция каби омилларни инобатга олмаган ҳолда капиталнинг самарали бошқариш ва капитал таркибини аниқлаш назариясига асос солинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ф.Модильян ва М.Миллерлар (1958) назариясига кўра, капиталнинг оқилона таркибини аниқлашда, хусусий капитал билан қарз капитали таркибини ўзаро боғлиқлиги бўйича бир қанча масалаларини кўриб чиқилади.

Хорижлик иқтисодчи олимлар Г.Эпстеин ва бошқаларнинг (2003) тадқиқотларига асосан компанияларнинг капитални бошқариш самарадорлиги кучли макроиқтисодий асослар мавжуд бўлганда юқори бўлиши билан бирга капитални бошқарув усулига ҳам ижобий таъсир ўтказиши мумкин. Шунингдек иқтисодчи олимлар С.Майерс ва Н.Майлуф (1984) тадқиқотларига асосан компаниянинг капитал қийматини аниқлаш ва уни самарали бошқаришда тақсимланмаган фойда, хусусий капитал ва қарз капитали кўрсаткичлари асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Юқоридагиларга асосан ҳолда компаниянинг капитал самарали бошқаришга таъсир қилувчи омиллар, шу ўринда, капитал қиймати, компаниянинг фойдаси ва компаниянинг қиймати каби омилларни инобатга олган ҳолда компаниянинг умумий капитал қийматини аниқлаш ва уни самарали бошқаруви бўйича бир қанча хулосалар берилган.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Акциядорлик жамиятлари капитални самарали бошқариш ва компания самарадорлигини оширишнинг илмий-назарий тадқиқотларини ўрганиш билан бирга, унинг амалий жиҳатлари ҳам таҳлил этилган. Таҳлил жараёнида қиёсий солиштириш, статистик маълумотлардан келиб чиққан ҳолда иқтисодий жиҳатдан таққослаш ва гуруҳлаш, анализ ва синтез усулларидан кенг фойдаланилган.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Ациядорлик жамиятларида корпоратив молиявий бошқарув механизмини самарали ташкил этишда, унинг капитал таркиби ва тузилишини, самарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса акциядорлик жамиятлари учун капиталдан самарали фойдаланиш, вақт омилини тўғри белгилаш билан бир қаторда, молиявий рискларни олдини олиш ва барқарор ривожланиш имкониятини беради. “Бекободцемент” АЖнинг молиявий ҳолати ўрганилган бўлиб, ушбу ациядорлик жамиятининг капитал бошқаруви жараёни чуқур таҳлил қилинган. Унинг сўнгги йиллар (2015-2020 йиллар) давомидаги молиявий ҳолатини қуйидаги кўришимиз мумкин.

**1-жадвал.**

**“Бекободцемент” АЖнинг молиявий кўрсаткичлари динамикаси 2015-2020 йиллар (млн сўмда)[1]**

| Кўрсаткичлар | 2015 | 2016 | 2017 | 2018 | 2019 | 2020 |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Узоқ муддатли активлар | 181148 | 166434 | 176 018 | 226 339 | 232673 | 327 442 |
| Жорий активлар | 76 474 | 107 516 | 101 738 | 134 865 | 222081 | 181 538 |
| Узоқ муддатли мажбуриятлар | 67 781 | 41 865 | 14 136 | 13 681 | 109356 | 73 758 |
| Жорий мажбуриятлар | 35 437 | 50 793 | 66 389 | 62 597 | 40 870 | 25 178 |
| Хусусий капитал | 154404 | 181 292 | 197 232 | 284 925 | 304528 | 410 044 |
| Соф тушум | 310788 | 346 362 | 388 754 | 497 723 | 529619 | 697 032 |
| Ялпи фойда | 106926 | 177 501 | 184 354 | 215 311 | 145009 | 252 988 |

[1] Бекободцемент АЖнинг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

“Бекободцемент” АЖнинг узоқ муддатли активлар ҳажми 2015 йилда 181148 млн сўмни ташкил этган бўлиб, 2016 йилда бироз пасайган ҳолда 166434 млн сўмга тушди. Қолган йиллар давомида ўсиш кузатилиб, хусусан, 2017 йилда 176018 млн сўм ва 2020 йилда эса, 1,8 баробарга ортган ҳолда 327442 млн сўмни кўрсатди. Бу эса 2019 йилга нисбатан 94769 млн сўмга ортиқ демакдир.

Жумладан, жорий активларнинг ҳажми 2015 йилда 76474 млн сўм бўлган бўлса, 2020-йил охирида 2,37 баробар кўп кўрсаткич билан яъни 181538 млн сўм кузатилган. 2017-йил натижаларига кузатиш қайд этилган бўлиб, бу 2016-йилга нисбатан 5778 млн сўмга кам бўлса, 2018 йилда нисбатан эса 33127 млн сўмга камдир. 2019-йилда уларнинг ҳажми 222081 млн сўмга етганини кўришимиз мумкин.

Мажбуриятлар қисмига ўтадиган бўлсак, унда узоқ муддатли мажбуриятлар 2015-йилда 67781 млн сўни ташкил этган ва уч йил давомида уларнинг ҳажми кескин тушиб кетган. Жумладан, 2016-йилда 41865 млн сўм, 2017-йил 14136 млн сўм ҳамда 2018-йилда келиб 13681 млн сўм бўлганлигини кузатишимиз мумкин. 2019-йилда ўтган даврга нисбатан 8 баробарга ўсиш натижасида 109356 млн сўни ташкил этган ва 2020 йилга келиб 73758 млн сўмга тушган.




**1-расм. “Бекободцемент” АЖ молиявий кўрсаткичларининг ўзгариш тенденцияси 2015-2020 йиллар (млн сўмда)**

“Бекободцемент” АЖнинг хусусий капитали олти йил давомида барқарор ўсиб борган бўлиб, 2015-йилда 154404 млн сўмни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 181292 млн сўмга кўтарилган. 2018-йилда эса умумий ҳажми 284925 млн сўм бўлиб, 2017-йилга нисбатан 87693 млн сўмга кўпроқ бўлган. 2019-йилда унинг ҳажми 19603 млн сўмга ортган бўлиб, 2020-йилда эса 2019-йилда нисбатан қарийб 35% фоизга кўп бўлган. Таъкидлаш жоизки бундай ижобий натижаларнинг келиб чиқиши замирида резерв капитали ва тақсимланмаган фойданинг муҳим аҳамият касб этганлигидан дарак беради. Хусусан, хусусий капиталнинг 2020-йилда 2019-йилда қараганда 35% га ортиши замирида тақсимланмаган фойданинг 1,55 баробарга ўсиши таъминланганлигини кузатиш мумкин.

Жами активларга келадиган бўлсак, олти йиллик статистик маълумотлар шуни кўрсатяптики, уларнинг ҳажми 2015-йилда 257622 млн сўм бўлган бўлса, қолган йиллар давомида барқарор тарзда ўсиб борган. Хусусан, 2017-йилда 277756 млн сўмни кўрсатаётган бўлса, 2018 йил ва 2019 йиллар учун мос тарзда 361204 млн сўм ва 454754 мн сўмга етган. 2020-йилда эса 508980 млн сўм билан 2019 йилга

қараганга 54226 млн сўмга кўп демакдир. Бу эса ўз ўрнида узоқ муддатли активларнинг жорий активларга нисбатан қарийб икки баробарга кўплиги билан изоҳланади. Жами мажбуриятлар 2015-йил 103218 млн сўм ҳажмга эга бўлиб, уч йил давомида 2018-йилга қадар барқарор тарзда камайган ва 2018-йилда 76279 млн сўмни ташкил этган. 2019-йилда узоқ муддатли мажбуриятларнинг кескин тарзда ортиб кетиши натижасида жами активларнинг миқдори 150226 млн сўмга етган бўлиб, 2020-йилда бу кўрсаткич 98936 млн сўмга баҳоланган.

Соф фойда 2015-йилда 959 млн сўм бўлиб, кейинги 2016-йилда қарийб 30 баробарга ошган бўлиб, 28212 млн сўмни ташкил этган. Бу жараённи қуйидагича изоҳлаш мумкин, жумладан таннархнинг кескин камайиши натижасида ялпи фойда ва умумхўжалик фойдасининг 1,81 баробарга ўсишига олиб келди. 2017-йилда келиб 4,5 баробарга камайиши натижасида 6233 млн сўмни ташкил этди. 2018-йилда эса, 34722 млн сўмлик соф фойда мавжуд бўлиб, бу натижа 2019-йилга қараган 2 баробарга кўп, 2020-йилга нисбатан эса қарийб 3 баробарга кам бўлган. Бу эса, асосий фаолиятдан фойданинг 4,5 баробарга кўпайиши ва шу билан бир қаторда молиявий фаолиятнинг даромадлари кескин ўсиши ва давр харажатларининг камайиши билан изоҳланади.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Молиявий менежмент нуқтаи назаридан, акциядорлик жамиятлари капитал таркиби - бу активларни молиялаштириш учун жорий фаолият жараёнида фойдаланиладиган корхонанинг барча турдаги қарз ва ўз молиявий ресурсларининг нисбати. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятининг қарз ва ўз капитали нисбати унинг молиявий барқарорлигининг асосий мезонларидан биридир. Капиталнинг оптимал тузилиши - бу қарз ва ўз маблағларидан фойдаланиш нисбати бўлиб, бунда молиявий левераж коэффициентининг оптимал қийматига эришилади, шунинг учун мазкур вазиятда акциядорлик жамиятининг қарзга олинган ва ўз капитали ўртасида мувозанатга эришилади дэган аксиома мавжуд. “Бекободцемент” АЖ мисолида капитал харакатига ва таркибига доир хулосаларни ифодалар эканмиз, АЖ хусусий капитали олти йил давомида барқарор ўсиб борган бўлиб, аниқроқ айтадиган бўлсак таҳлил қилинаётган давр мобайнида 266% га ўсган. Таъкидлаш жоизки бундай ижобий натижаларнинг келиб чиқиши замирида резерв капитали ва тақсимланмаган фойданинг муҳим аҳамият касб этганлигидан дарак беради. Мазкур ижобий ўзгаришлар натижасида мос равишда молиявий левераж коэффициенти ҳам 2,65 га ошганлиги, акциядорлик жамияти томонидан мавжуд қарздорликларни ўз вақтида бажара олиш билан бир қаторда қўшимча инвестицион имкониятларини оширишга асос бўлади.

**Адабиётлар:**

Aswath Damodaran (2018) Applied corporate finance fourth edition. USA, 88 p.

Aktam Usmanovich Burkhanov and Madina Mansur qizi Eshmamatova (2021) The Ways for Improvement of Investment Strategy in the Period of Digital Economy. In The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems (ICFNDS 2021). Association for Computing Machinery, New York, NY, USA, 655–662. https://doi.org/10.1145/3508072.3508202

Bunyod Usmonov. EVALUATION OF EFFICIENCY OF CAPITAL MANAGEMENT IN JOINT STOCK COMPANIES IN THE TEXTILE SECTOR: IN CASE OF UZBEKISTAN. Asian Journal of Research in Business Economics and Management. 2022, 12(1) 40-50 pp.

Bunyod Usmonov (2021) WAYS OF EFFECTIVE CAPITAL MANAGEMENT OF JOINT STOCK COMPANY. International Finance and Accounting. 4(5).

Burkhanov, A. U. (2020). Assessment of financial security of investment funds. Journal of Advanced Research in Dynamical and Control Systems, 12(5), 293-300.

Burkhanov, A., & Bakhodirovna, B. D. (2021). Evaluation of economic potential of textile industry enterprises. Vlakna a Textil, 28(2), 9-21.

Kehinde James Sunday (2011) Effective Working Capital Management in Small and Medium Scale Enterprises, International Journal of Business and Management, Vol. 6, No. 9; September. Pp-271-279.

Epstein, Gerald and Grabel, Ilene and Sundaram, Jomo Kwame (2003) Capital Management Techniques in Developing Countries: An Assessment of Experiences from the 1990's and Lessons for the Future. PERI Working Paper No. 56, Available at SSRN: https://ssrn.com/abstract=393620 or http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.393620

Leland, H., (1994) Corporate debt value, bond covenants, and optimal capital structure. Journal of Finance Vol. 49, No. 4., pp.1213–1252

Modigliani F, Miller M.H. (1958) The cost of capital, corporation finance and the theory of investment. The American Economic Review, Vol. 48, No. 3 pp.261–97

Mohammad Alipour (2011) Working Capital Management and Corporate Profitability: Evidence from Iran, World Applied Sciences Journal 12 (7): 1093-1099, pp.1093-1099

Myers, S., and N.S. Majluf, (1984). Corporate Financing and Investment Decisions When Firms Have Information That Investors Do Not Have, Journal of Financial Economics Vol. 13, No.2 pp.187-221

Usmonov, B. (2022). POSSIBILITIES OF INCREASING ECONOMIC POTENTIAL OF INDUSTRIAL ENTERPRISES OF UZBEKISTAN (ON THE EXAMPLE OF JSC «UZBEKLIGHTINDUSTRY»). Архив научных исследований, 4(1).

Vedavinayagam Ganesan (2007) An analysis of working capital management efficiency in telecommunication equipment industry, rivier academic journal, volume 3, number 2, fall pp.-1-10.

Усмонов, Б. (2022). АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ КАПИТАЛ БОШҚАРУВ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ. Экономика и образование, 23(1), 85–89. извлечено от https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/353

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ТЕНДЕНЦИИ РАЗВИТИЯ FINTECH ТЕХНОЛОГИИ

***Хайдарова Н.Ш.***
*Ташкентский финансовый институт*

***Аннотация:*** *В статье приведены ключевые финансовые технологии, основные финансовые продукты и услуги с использованием Fintech, оказывающие влияние на развитие и функционирование финансового рынка. Определены факторы, стимулирующие их развитие и основные изменения в данной области. В результате исследования выявлено, что, во-первых, цифровая трансформация финансовой отрасли не ограничивается технологическим аспектом и включает в себя также организационную и продуктовую составляющие. Во-вторых, тенденции цифровой трансформации финансовой отрасли принципиально не отличаются от тенденций цифровой трансформации мировой экономики*

***Ключевые слова:*** *финансовые технологии (Fintech), цифровые технологии, инновации, цифровая экономика, цифровая трансформация, финансовое регулирование*

***Annotation:*** *The article presents the key financial technologies, the main financial products and services using Fintech, which have an impact on the development and functioning of the financial market. The factors stimulating their development and the main changes in this area are determined. As a result of the study, it was revealed that, firstly, the digital transformation of the financial industry is not limited to the technological aspect and also includes organizational and product components. Secondly, the trends in the digital transformation of the financial industry do not fundamentally differ from the trends in the digital transformation of the global economy.*

***Keywords:*** *financial technologies (Fintech), digital technologies, innovations, digital economy, digital transformation, financial regulation*

## 1. Введение.

Активное развитие технологий распространяется по всем сферам жизни. Финансовый рынок не стал исключением – появилось новое перспективное направление «Fintech», или финансовые технологии. На сегодняшний день именно рынок финансовых технологий считается одним из самых активно растущих.

Финансовые технологии, или «Финтех» (англ. FinTech), - отрасль, состоящая из компаний, использующих технологии и инновации для конкурирования с традиционными финансовыми организациями в лице банков и посредников на рынке финансовых услуг. FinTech можно отнести к использованию технологий для предоставления финансовых решений. FinTech появился в качестве инициативы, ориентированной на получение прибыли на основе новых бизнес-возможностей, заполнив неосвоенные рынки, которые стали менее привлекательными (или слишком дорогостоящими) для финансовых учреждений, особенно в посткризисных

условиях (например, денежные переводы в отдельные страны или регионы). С другой стороны, такая конкурентная сила побуждает появление финансовых инноваций. FinTech также можно рассматривать как компонент оцифровки товаров и услуг, предлагаемых традиционными организациями, и как ответ на высокие затраты на комплаенс и необходимость решения давних слабых мест, таких как недостатки в управления рисками данных.

**2. Обзор литературы.**

По определению исследователей David Lee и Kuo Chuen (2015) само понятие FinTech (Financial Tehnology) – финтех – возникло относительно недавно. Профессор Патрик Шуффель считает, что финтех – это абсолютно новая финансовая отрасль, деятельностью которой является улучшение финансовой деятельности, в частности, банковской путем применения новых технологий и разработок.

По мнению Skan Ju., Ryan E. (2019) Современный рынок FinTech поделен на сегменты, представленные электронными платформами, банковскими приложениями, цифровой безопасностью и прочие.

Проведенное исследование О.В.Борисовой (2018) показало, что традиционный рынок финансовых услуг резко меняется. Его основными направлениями развития являются: сокращение доли традиционного банковского сектора за счет увеличения объемов деятельности МФО, рост числа операторов платежных систем и цифрового банкинга; возникновение и стремительное развитие сервисов для сравнения финансовых продуктов и их покупки, сервисов по управлению финансами организаций и частных лиц, интернет сервисов в секторе торговли и маркетинга, краудфандинге, автоматизация on-line/off-line деятельности МФО; расширение инфраструктуры валютного рынка за счет возникновения интернет-кошельков и цифровых-бирж; размывание границ между отдельными секторами рынка; уменьшение числа посреднических организаций; ориентация бизнеса на использование экосистемы FinTech и построение на этой основе новых бизнес-моделей, усиление контроля со стороны уполномоченный государственный орган.

В своих исследованиях В.В.Масленников (2017) пишет, что успех развития FinTech в отдельно взятой стране во многом зависит от государственного регулирования данной сферы. На уровне правительств ряда стран создаются рабочие группы для разработки законодательных актов, регулирующих сферу FinTech. Так, например, с введением в Евросоюзе обновленной Директивы платежных услуг (PSD2) фокус регулирования сместился в сторону FinTech-компаний, которые предлагают открывать банковские услуги, платформы API с поддержкой больших данных и расширенные возможности аналитики. Развивается партнерство FinTech-компаний с государственными органами и в азиатских странах. Например, валютное управление Сингапура (MAS) и Австралийская комиссия по ценным бумагам и инвестициям (ASIC) заключили соглашение с FinTech -компаниями.

Как утверждает Bret King (2014) финансовая отрасль произведет трансформацию от текущего состояния финансовых сервисов до стадии так называемой финансовой экосистемы (Financial MarketPlace) или преобразится в модель-банк как финансовая платформа (Bank-As-A-Platform) для предоставления финансовых услуг смежным индустриям. Рассмотрены предпосылки появления цифровой трансформации как начальной фазы зарождения области ФИНТЕХ. Движение к digital во всех областях деятельности человека создает новые ценности и потребности цифрового общества, определяет пути перехода от текущих финансовых услуг к финансовой экосистеме через новые виды банковской

деятельности как «dual brand», «whitelabel banking», «digital branch», «financial marketplace»

По мнению А.С.Катрича (2017) Диджитализация создала новые виды ценностей. До интернета главным была оптимизация отношений внутри компаний и между компаниями и клиентами – создавались многочисленные CRM- и ERP-системы. Драйвером бизнеса считалось управление отношениями, все бизнес-модели строились вокруг этого. С появлением интернета человек получил возможность «разговаривать» с организацией в целом. Например, когда он заходит на сайт компании, то имеет дело не с отдельным человеком, а со всей структурой. Это позволило говорить о создании отношений человека и организаций. Потом появились корпоративные страницы в социальных сетях, что привело к новой философии отношений с клиентом, а именно персонализированная работа с каждым из них.

А.А.Никонов и Е.В.Стельмашонок (2018) считают что инструменты FinTech могут быть связаны как с непосредственным совершением финансовых операций (например, платежные системы), так и с их обслуживанием (например, робоконсалтинг – автоматизированные консультации потенциальным инвесторам; сюда же можно отнести большой сегмент Big Data и машинного обучения, направленный на сбор и обработку финансовой информации в целях повышения эффективности управления финансовыми ресурсами). FinTech включает в себя множество направлений. К числу основных относятся:

– криптовалюты;
– финансовые P2P-платформы (в рамках которых выделяется множество специфических финансовых продуктов, ориентированных на разные типы потребителей – краудфандинг, краудинвестинг, краудлендинг и т. д.);
– платежные системы;
– робоконсалтинг и робоинвестирование;
– интернет-банкинг.

Как считают исследователи Е.А.Демьянова (2017) и Т.Ю.Осипова (2016) существуют факторы, сдерживающие развитие финансовых технологий, в частности нехватка высококвалифицированных кадров в сфере информационных технологий, макро- и микрориски, с которыми сталкивается бизнес, нормативно-правовое регулирование отдельных отраслей, нехватка источников финансирования программных продуктов, нестабильная экономическая ситуация, низкое качество и др.

## 3. Методология исследования.

Методологическая база исследования представлена теоретическими положениями эволюционной теории, концепций совместного потребления и цифровой экономики. В качестве базового метода исследования был использован логико-структурный анализ теоретических и эмпирических данных, представленных в открытом доступе. В результате исследования определены социотехнологические драйверы развития цифровой экономики: большие данные, облачные технологии, технология блокчейна, цифровые платформы, Интернет вещей, концепция умного города, совместное потребление. Основные методы – анализ и синтез, позволяющие, с одной стороны, выделить отдельные направления развития FinTech, с другой – обобщающие и связывающие воедино основные тенденции развития

**4. Анализ и результаты.**

Активное развитие информационных технологий распространяется по всем сферам жизни. Финансовый рынок не стал исключением – появилось новое перспективное направление «FinTech», или финансовые технологии. На сегодняшний день именно рынок финансовых технологий считается одним из самых активно растущих.

На сегодняшний день в русском языке отсутствует толкование такого понятия как «FinTech» (или финансовых технологий) несмотря на то, что этот термин уже активно употребляется в течение нескольких лет.

Согласно зарубежным источникам FinTech (financial technology) это:

- Отрасль экономики, состоящая из компаний, которые используют технологии для предоставления финансовых услуг более эффективным способом. Компании из этой отрасли, в большинстве своем, являются старт-апами, созданными с целью совершения прорыва в уже существующих финансовых системах и организациях, не использующих программные продукты.
- Сфера действия технических стартапов, совершающих переворот в таких направлениях, как мобильные платежи, переводы денег, займы, привлечение средств и даже управление активами.
- Бизнес-направление, в основе которого лежит использование программных продуктов для предоставления финансовых услуг.

Сам термин «FinTech» был введен Силиконовой долиной. Именно там было создано множество IT-проектов, которые позже стали чем-то вроде «акселератора» современным финтехам. Сейчас столицей FinTech считается Лондон благодаря своему большому количеству FinTech-инноваций и своим инвестиционным потокам. В Великобритании выделяют четыре основных фактора развития направления FinTech: интенсивная инфраструктура, грамотно выстроенная правовая система, гибкая налоговая система и инвестиционная поддержка в стране (Калмыкова Е.Ю., 2016).

FinTech как «технологические инновации финансовых услуг», включая в это определение сочетание продуктов/услуг (например, цифровые розничные платежи, цифровые кошельки, FinTech кредит, робо-эдвайзер3 и цифровые валюты) и их основные технологии (табл. 1).

**Таблица-1**

**Ключевые финансовые технологии[1]**

| № | Ключевые финансовые технологии |
|---|---|
| 1 | Облачные технологии |
| 2 | Искусственный интеллект |
| 3 | Блокчейн |
| 4 | Машинное обучение |
| 5 | Интернет вещей |
| 6 | Аналитика больших данных |
| 7 | Технологии распределенных баз данных |
| 8 | Умные контракты |
| 9 | Прикладной программный интерфейс |
| 10 | Криптография |
| 11 | Биометрия |
| 12 | Экстернализация процессов и услуг |
| 13 | Автоматизация роботизированных процессов |
| 14 | Углубленная аналитика |
| 15 | Цифровая трансформация |

[1] Подготовленно автором согласно анализам исследования

Одним из слабых мест, выявленных кризисом, был некачественный сбор данных о рисках и отчетность в банках, что привело к тому, что в 2013 г. БКБН опубликовал свои «Принципы агрегирования рисков и представления отчетности по рискам».[2] Это стало ключевым событием, поскольку принципы устанавливают минимальные стандарты для сбора данных и управления (как и для ИТ-инфраструктуры), что может потребовать дополнительных инвестиций в технологии и организационную реструктуризацию. Усложняющийся комплекс глобальной регуляторной базы, растущие требования к нормативной отчетности и риск дорогостоящих штрафных санкций в результате ужесточения посткризисных стандартов способствовали росту расходов на соблюдение нормативных требований в финансовых учреждениях, особенно для международных банков, сталкивающихся с огромными и иногда противоречащими друг другу регулированием (табл. 2).

**Таблица-2**

**Примеры финансовых продуктов и услуг с использованием FinTech [3]**

| № | Финансовые продукты и услуги |
|---|---|
| 1 | Электронные платежи и электронные деньги |
| 2 | Международных переводы |
| 3 | Потребительские и коммерческие займы |
| 4 | Платформы равноправного кредитования (P2P) |
| 5 | Краудфандинговые платформы |
| 6 | Робо-эдвайзеры |
| 7 | Криптовалюты |

Рынок FinTech уже имеет большое количество направлений. Наиболее популярные среди них – это P2P-кредитование, E-wallets, Bitcoin, mPOS-эквайринг, T-commerce, M-wallets (mobile banking) и т.д. На первый взгляд может показаться, что это совсем незнакомые слова и понятия, с которыми еще не приходилось сталкиваться. Однако, если подробнее рассмотреть их, то окажется, что большинство людей так или иначе сталкивались с такими финансовыми технологиями.

Достаточно распространенным является P2P-кредитование. Это можно расшифровать как «peer-to-peer» или «person-to-person» кредитование, т.е. кредитование от человека человеку. Данный термин означает, что в процессе выдачи кредита или займа участвуют лишь физические лица без посредников, в качестве которых обычно выступают банки или кредитные учреждения. Существуют отдельные Интернет-сайты, где пользователь может выступать и в качестве кредитора, и в качестве заемщика. Большинство выдаваемых кредитов в рамках подобных сервисов являются необеспеченными частными займами, но в отдельных случаях возможно участие и компаний (юридических лиц). При данном виде кредитования повышается уровень риска, т.к. в большинстве случаев невозможно проверить кредитную историю заемщика и провести качественный скоринг. Соответственно, и ставки по таким кредитам относительно высоки. Чтобы понизить риск невозврата средств, кредиторы предпочитают выдавать массу мелких кредитов разным заемщикам.

[2] Basel Committee on Banking Supervision, «Principles for effective risk data aggregation and risk reporting». Bis.org. [Электронный ресурс]. URL: http://www.bis.org/publ/ bcbs239.pdf.

[3] Подготовленно автором согласно анализам исследования

В связи с многообразием финансовых технологий возникает необходимость в их классификации (Калмыкова (2016)). В общем, выделяется семь различных видов организаций:

1) Кредитование. Сюда относятся фирмы по частному кредитованию, P2P кредитование, приложения для определения кредитоспособности и т.д.

2) Системы по проведению платежей, т.е. это их обработка, выставление счетов.

3) Управление активами и личными финансами, или аналитика. Это такие компании, которые помогают частным лицам управлять своими личными счетами, кредитами, инвестициями.

4) Денежные переводы – компании по обеспечению переводов денежных средств между лицами по различным странам.

5) Цифровая валюта – организации, занимающиеся программным обеспечением в области цифровых валют.

6) Институциональные инструменты. Здесь собраны предприятия, которые обеспечивают банки, инвестиционные фонды и пр. торговыми системами, программным обеспечением по анализу и моделированию данных.

7) Краудфандинг – платформы, позволяющие группам лиц инвестировать в проекты или компании, при этом такие вклады переходят в форму собственного капитала этих компаний.

А также к FinTech можно отнести:

– фирмы венчурного капитала, т.е. компании, инвестирующие свои денежные средства в другие фирмы, находящиеся в отрасли FinTech;

– корпоративные инвесторы, включают в себя обе корпорации: одна осуществляет прямые иностранные инвестиции, другая – корпоративные отделения предприятия;

– бизнес-ангелы, предлагают начальный капитал, советы и бизнес-связи для начинающих стартапов в обмен на долю в собственном капитале или обратимые облигации;

– инкубаторы – помогают компаниям в их начальном развитии: предоставление начального капитала, наставничество и ресурсы (которые ориентированы на FinTech индустрию);

– FinTech эквайеры – основные государственные корпорации, которые приобрели FinTech-компании за прошедшие пять лет.

– известные выходцы – компании, которые получили большую огласку за последние пять лет (в т.ч. которые были приобретены другими организациями).

Несмотря на то, что рынок FinTech сегодня быстро расширяется, и каждый месяц появляется множество новых стартапов в этой области, до сих нет полномочного контроля со стороны государства.

Финансовые технологии развиваются с такой скоростью, что возникают трудности с осуществлением правового регулирования всех инновационных особенностей. Однако, это становится проблемой не только для государств, но также и для компаний-стартаперов и их потребителей. Поэтому регулирование финансовых технологий становится вопросом мирового уровня.

**5. Заключение.**

При оценке воздействия новых технологий на финансовый рынок в последнее время особое значение приобретают два фактора:

1) уровень принятия базовой технологии обществом;

2) степень и распространенность технологических ноу-хау среди населения в целом

Развитие сектора FinTech привлекает интерес регуляторов, которые в настоящее время оценивают наилучшие способы поддержки развития финансового рынка, в то время как обеспечение развития сектора способствует основным полномочиям, таким как системная стабильность, защита интересов и рыночная конкуренция. Задача заключается в устранении противоречий между наличием гибких, перспективных рамок, способствующих инновациям, и достаточно четкими рамками, позволяющими поддерживать доверие рынка, потребителей и инвесторов.

Таким образом, можно подвести итог, что современные инструменты FinTech оказывают значительное влияние на экономики разных стран, в особенности на банковские и кредитные системы. С одной стороны, они представляют угрозу для банков и кредитных учреждений, поскольку активно вытесняют их с рынка за счет своей современности и практичности. Однако, с другой стороны, можно сказать, что финансовые технологии повышают качество предоставляемых банками услуг и дают толчок для их продуктивного развития в сторону информатизации.

Несомненно, что регулирование FinTech еще не может в полной мере контролировать новые стартап компании и их технологии. При этом возникает большое количество перспективных направлений, которые в итоге, возможно, приведут к новой экономической бизнес-модели.

**Адабиётлар:**

Handbook of Digital Currency. Bitcoin, Innovation, Financial Instruments and Big Data. Ed. by David Lee Kuo Chuen. L.: Elsevier, Academic Press, 2015

Skan Ju., Ryan E. Fintech – Did Someone Cancel the Revolution (2019). URL: https://www.accenture.com/_acnmedia/PDF57/Accenture-Fintech-Did-Someone-Cancel-The-Revolution.pdf.

Борисова О.В. (2018) Рынок финансовых технологий и тенденции его развития // Финансы и кредит. – Т. 24, № 8. – С. 1844 – 1858.

Демьянова Е.А. (2017) Развитие компаний в современных условиях внедрения финансовых технологий // Имущественные отношения в Российской Федерации. № 7. С. 104 – 113.

Брет Кинг (2014) Банк 3.0. Почему сегодня банк – это не то, куда вы ходите, а то, что вы делаете. / Перевод с английского языка. – М.: Олимп-Бизнес. – 520 с.

Катрич А.С. (2017) Финтех – через трансформацию к новой экономике // Глобальные рынки и финансовый инжиниринг. – Том 4. – № 1. – С. 65-72. doi: 10.18334/grfi .4.1.38025

Калмыкова Е.Ю. (2016) Влияние информационных технологий на финансовый рынок / Е. Ю. Калмыкова, А. В. Рябова // Информационные технологии в науке, управлении, социальной сфере и медицине: сборник научных трудов III Международной научной конференции, 23-26 мая 2016 г., Томск: в 2 ч. – Томск : Изд-во ТПУ. – Ч. 2. – [С. 235-243].

Масленников В.В. Федотова М.А. Сорокин А.Н. (2017) Новые финансовые технологии меняют наш мир. Финансы: теория и практика. №1, 6 – 11 стр.

Никонов А.А., Стельмашонок Е.В. (2018) Анализ внедрения современных цифровых технологий в финансовой сфере // Научно-технические ведомости СПбГПУ. Экономические науки. Т. 11, № 4. С. 111–119. DOI: 10.18721/JE.11408

Осипова Т.Ю., Клименко Е.Н. (2016) Финансовые технологии как оболочка инструментов финансов домашних хозяйств // Проблемы учета и финансов. № 4. С. 27 – 36.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИ УНДИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ

***Шакаров С.Р.***
*Тошкент давлат иқтисодиёт университети*

***Аннотатция:*** *Мазкур мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасини шаклланиши, унда ер солиғи ва мулк солиғининг аҳамияти ва илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Шунингдек, республикамиздаги солиқ қарзи ортишининг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушумига боғлиқлиги таҳлил этилиб, хориж тажрибасига таянган ҳолда илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар солиқ қарздорлиги маъмуриятчилигини такомиллаштириш орқали республикамизнинг барқарор иқтисодий ўсиши учун хизмат қилиб, бюджет даромадларини ошириш йўллари бўйича тадқиқот олиб борилган бўлиб, мавзу доирасида иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилиб, хулоса ва таклифлар шакллантирилди.*

***Калит сўзлар:*** *маҳаллий солиқ, кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари, маҳаллий ҳокимият органлари, маҳаллий солиқлар, ресурс солиқлари, солиқ, бюджет, солиқ қарзи, қарздорлик, солиқ мажбурияти, солиққа оид ҳуқуқбузарлик, солиқ тушумлари, солиқ имтиёзлари.*

***Аннотация:*** *В данной статье рассмотрено формирование доходной базы местных бюджетов, значение и научно-практическая основа земельного налога и налога на имущество. Также была проанализирована зависимость увеличения налоговой задолженности в нашей республике от поступлений налогов и других обязательных платежей, разработаны научные предложения и практические рекомендации на основе зарубежного опыта. Разработанные предложения и рекомендации послужили устойчивому экономическому росту нашей республики за счет совершенствования администрирования налоговой задолженности, проведены исследования путей увеличения доходов бюджета, в рамках темы изучены исследования экономистов, сделаны выводы и предложения. сформировался.*

***Ключевые слова:*** *местный налог, недвижимость, местный бюджет, доходы местного бюджета, органы местного самоуправления, местные налоги, ресурсные налоги, налог, бюджет, налоговая задолженность, задолженность, налоговое обязательство, налоговая просрочка, налоговые поступления, налоговый кредит.*

***Annotation:*** *This article discusses the formation of the revenue base of local budgets, the significance and scientific and practical basis of the land tax and property tax. Also, the dependence of the increase in tax debt in our republic on tax revenues and other obligatory payments was analyzed, scientific proposals and practical recommendations were developed based on foreign experience. The developed proposals and recommendations served for the sustainable economic growth of our republic by improving the administration of tax debts,*

*studies were carried out on ways to increase budget revenues, studies of economists were studied within the framework of the topic, conclusions and proposals were made. formed.*

***Keywords:*** *local tax, real estate, local budget, local budget revenues, local authorities, local taxes, resource taxes, tax, budget, tax debt, indebtedness, tax liability, tax delinquency, tax revenue, tax credits.*

**1. Кириш.**

Ўзбекистонда солиқ қарздорлигининг камайиш тенденсиясига қарамай, уни кўпайтиришга олиб келадиган омиллар, хусусан, солиқ қарздорлигини ҳисобдан чиқариш тартибини қўллаш, маълум даражада солиқ тўловчиларнинг солиқ мажбуриятлари бажарилишини кечиктириш ёки қарздорликни тўлашдан қочиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Шу сабабли, солиқ қарздорлигини бартараф этиш йўлларини такомиллаштиришга эътибор бериш давлат солиқ хизмати идораларининг муҳим вазифаси сифатида белгилаб қўйилган. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда ҳисобланган солиқларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилиши муҳим аҳамият касб этади.

**2. Адабиётлар шарҳи.**

И.Ниязметовнинг (2016) фикрича, “Давлат ўз хазинаси даромадларини максималлаштиришга ҳаракат қилса, солиқ тўловчилар аксинча ўз солиқ мажбуриятларини минималлаштиришга, солиқ юки уларнинг имкониятларини чеклаб қўймаслигига уринадилар. Солиқ ундиришда давлатнинг “адолатлилиги” сусайиб боргани сайин, солиқ тўловчиларнинг “ростгўйлиги” ҳам камайиб бораверади”. Ўз навбатида, солиқларни ундириш механизмидаги, уни тартибга солувчи солиққа оид қонун ҳужжатларидаги номувофиқликлар, зиддиятлар, ноаниқликлар солиқ тўловчилар томонидан мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишида фаоллигини ҳамда мазкур қонунларга бўлган ишончларини пасайтиради.

Д.Черник (2003) ўзларининг тадқиқотларида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг хориж ва Россия Федерасиясида ундириш механизмини ўрганган ҳолда солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келгусида ҳар бир солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш мажбурияти бўйича амалий тавсияларни ишлаб чиқишган ҳамда ушбу тавсияларни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш соҳасида қўллаб уни исботлашган ва бир қатор амалий чораларни амалга оширишган.

А.Трошин (2000) томонидан ўрганилган. Тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини аниқлашнинг турли усулларининг фарқлари солиқ юкини ҳисоблашда солиқлар сони, шунингдек, солиқларнинг миқдори акс эттирилган. Бир методикани излашда асосий ғоя солиқ юкини кўрсатувчи индикаторни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида солиқ солиш даражасини таққослаш имконини берадиган универсал кўрсаткични ишлаб чиқишдан иборатлиги, бунда классик иқтисодчиларнинг назарий фикрлари таҳлил этилиб, солиқларнинг классификацияси, солиқларнинг халқ хўжалигига таъсири, солиқ юкини камайтиришни эконометрик усуллар билан регрессион таҳлиллар асосида кўрсатиб берган.

А.Аронов, В.Кашинлар (2007) ўзининг тадқиқотида эса, солиқлар ва бошқа мажбурийтўловларнинг хориж ва Россия Федерациясида ундириш механизмини ўрганган ҳолда солиқ тўлашдан бош тортган солиқ тўловчилар билан ишлаш сиёсати, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, келгусида ҳар бир солиқ тўловчи ўз хоҳиши билан солиқ тўлаш мажбурияти бўйича амалий тавсияларни ишлаб

чиқишган ҳамда ушбу тавсияларни солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш соҳасида қўллаб уни исботлашган ва бир қатор амалий чораларни амалга оширишган.

И.Жалонкинанинг (2012) фикрларидан бутунлай бошқача таклиф билан Тошматов "Корхоналарни ривожлантиришда солиқларнинг роли тўғрисида"ги китобида солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда уларнинг дебитор ва кредитор қарзларини қисқартириш ва уларни фаоллигини ошириш орқали ундириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар берган.

А.Ғиёсов (2019) ўзининг илмий мақоласида солиқ органлари томонидан асосий ҳисобрақамга қўйилган инкассо топшириқномаси бир ой муддатда тўлиқ ёки қисман бажарилмаган тақдирда, солиқ қарзини ундиришни хўжалик юритувчи субъектнинг қолган барча ҳисобрақамларига қаратилишини белгилаб қўйиш тартибини жорий этиш орқали солиқ тўлашдан қочишни олди олинади. Бунинг учун солиққа оид тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши, мавжудларига эса ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган ҳолда амалиётга жорий қилиниши солиқ тўловчиларнинг солиққа доир ҳуқуқий саводхонлигини оширишда, тўлов маданиятини мустаҳкамлашда ва солиқ маъмурчилигининг самарадорлигини кучайтириш орқали солиқ қарздорлигини пайдо бўлмаслигида сезиларли натижаларга эришилади деган танқидий қарашларини илгари сурган.

А.Смитни (1935) фикрига кўра, солиқларни тўлаш учун шахс ўша тўловни қаердан олишга эга бўлиши керак. Даромадларга эгагина тўлаши ва барча даромадлар 3 манбадан пайдо бўлиши мумкин. Булар ер, капитал ва меҳнатдан, қолган барча даромад турлари иккиламчи ва охир оқибат юқорида номи келтирилган 3 турдан шаклланади.

Андреева томонидан солиқ тўловчилар томонидан солиқ интизомига риоя қилинмаслик сабаблари тадқиқ қилинган, солиққа оид билимларни оширишга оид усуллари таҳлил қилиниб, солиқ тўловчиларга давлат ҳамкори сифатида хизматни такомиллаштириш усуллари таклиф қилинган.

А.Кузнецовнинг (2016) фикрига кўра солиқ тўловчи давлатнинг ҳамкори, буни солиқ органлари ходимлари томонидан тушуниб етмасдан, ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг солиқ саводхонлиги ва маданиятини ошириб бўлмаслиги такидланган.

О.С.Калачева (2016) томонидан солиққа оид ҳуқуқбузарликка қарши курашиш орқали аҳолининг солиқ маданиятини ошириш юзасидан тадқиқот олиб бориб, солиқ маданиятини оширишга тўсиқ бўлаётган омиллар ва асосий муаммолар тадқиқ этилган.

**3. Тадқиқот методологияси**.

Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, илмий мушоҳада, тасвирий статистик таққослаш индукция ва дедукция баҳолаш усулларидан фойдаланилди.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Бугунги кунда замонавий солиқ қарздорлигини мажбурий ундириш механизмларини такомиллаштириши балки, мазкур солиқ қарздорлигини замонавий ахборот телекоммуникация технологиялари орқали солиқ тўловчилар томонидан ихтиёрий тўлаш бўйича ҳуқуқий саводхонлигини оширишга йўналтирилган тарғибот ва тушунтириш ишларига эътиборини кучайтириш самаралироқ ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги “Ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизомини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-141-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Таъсирчан солиқ механизмини қўллаш натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида”ги ПФ-218-сон Фармонини қабул қилиниши жисмоний шахслардан олинадан солиқларни ундириш механизмини такомилларштиришни мухим босқичи ҳисобланади. Хусусан, манфаатдор шахс солиқ тўлашни кечиктириш ҳуқуқи тўғрисидаги хабарномани ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан уч ой ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали ер участкалари, бинолар ва иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтганлигининг қайд рақамини ва санасини кўрсатган ҳолда солиқ органларига юборорилиши, кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш даврида амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қайта молиялаштириш ставкасига тенг ставкадан келиб чиққан ҳолда, 50 фоизи миқдорида фоизлар ҳисобланиши Солиқ кодексининг 100-моддасига киритилди. Умумий овқатланиш корхоналарига айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича юзага келган қарздорликни, шунингдек барча солиқлар ва йиғимлар бўйича жарималар ҳамда пеняларни маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза юбормасдан, солиқ органларини хабардор қилган ҳолда фоизларни тўламасдан, тенг улушларда кечиктириб (бўлиб-бўлиб) тўлаш ҳуқуқи бериш юзасидан берилган таклифлари Солиқ кодексининг 482-моддасидага акс этди. Хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизомини янада мустаҳкамлаш мақсадида тижорат банкларида очилган қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган махсус мақсадли ҳисобварақлари тугатиш, бунда тугатилган махсус мақсадли ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиғи уларнинг асосий ёки иккиламчи ҳисобварақларига ўтказиш ваколатини Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида тартибга солиниш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги ПФ-141-сонли Фармонида тасдиқланди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги ПФ-218-сон Фармонида тасдиқланиб, фойдаланилмаётган объектлар мулкдорларига нисбатан оширилган ставкаларда қўлланилган таъсирчан солиқ механизми натижасида ҳосил бўлган мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича мавжуд солиқ қарзи ҳисобдан чиқарилиши ҳамда солиқ қарзини ундириш билан боғлиқ суд ва ижро ишлари тугатиш киритиш ваколати берилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги ПФ-141-сон Фармонига асосан тижорат банкларида 624,5 мингта махсус мақсадли банк ҳисобварақларига эга 185,6 мингта хўжалик юритувчи субъектлардан 178,1 мингтасининг 489,7 мингта банк ҳисобварақлари 2022 йил 15 июндан тугатилди. Махсус мақсадли ҳисобварақлардан фойдаланиш устидан доимий мониторинг олиб бориш тизими яратилди.Олиб борилаган мониторинг натижалари 22,1 мингта корхона томонидан 28,8 минг ҳолатда маблағлардан мақсадсиз фойдаланлиги ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлигини кўрсатди. Хусусан, “Ўздонмаҳсулот” АК 67 ҳолатда, Давлат активларини бошқариш агентлиги тасарруфидаги корхоналарда 56 ҳолатда, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси 53 ҳолатда, Ўзсувтаъминот АЖ таркибидаги корхоналар 30 ҳолатда ва қишлоқ хўжалиги корхонлари 28,5 минг ҳолатда камчиликларга йўл қўйган. Солиқ қарзи мавжуд бўлган “Toshkent” фермер хўжалигига махсус мақсадли ҳисобварақларидан пахта ва ғаллани сотишдан тушган пул маблағлари ҳисобидан банк кредитларини сўндиришга рухсат берилган бўлсада, тартибга зид равишда енгил автомобил (1 та

Chevrolet Equinox LT 9AT) сотиб олиш учун 318,5 млн.сўмлик тўловлар амалга оширган. 22 та корхона томонидан 3,6 млрд. сўмлик маблағлар махсус мақсадли ҳисобварақларга асоссиз кирим қилиниб, махсус мақсадли ҳисобварақларига фақат пахта ва ғалла сотишдан тушадиган пул маблағларини кирим қилишга рухсат берилган ҳолда, 46,8 млн. сўмлик солиқ қарзи мавжуд бўлган "Норқобилов Ҳумоюн" фермер хўжалиги томонидан тартибга зид равишда 1,0 млрд. сўмлик молиявий ёрдам маблағларини кирим қилган. Улар 337 та корхона солиқ базасини яшириш, имтиёзлардан нотўғри фойдаланиш, нархларни пасайтириб (кўпайтириб) кўрсатиш, иш хақи фондини яшириш, банк айланмалари даромадларни ҳисоб реестрларида акс эттирмаслик ва бошқа мезонлар асосида баҳолаш натижаларига кўра солиқ хавф даражаси ошишига йўл қўйган. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 13 июндаги 329-сон қарорининг 5-бандига асосан ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 4,2 мингтаси томонидан махсус мақсадли ҳисобварақлар орқали банк айланмалари амалга оширилмаганлиги ҳамда 2,2 мингтасида (шундан, 603 тасида 66,1 млрд.сўм банк айланмаси мавжуд) ер майдонлари мавжуд бўлмаганлиги аниқланиб, ер майдони мавжуд бўлмаган "Dilnura paxta g'alla dalasi" фермер хўжалигининг махсус ҳисобварағидан 118,8 млн.сўм банк айланмаси мавжуд бўлсада, 270,3 млн. сўмлик солиқ қарзидан бирор сўми ҳам тўланмаган.

Ривожланган хорижий давлатларни Солиқ қарзини ундириш бўйича хорижий давлат амалиётларини тажрибаларини тахлил қилиб кўрсак:

*АҚШ давлатида*;

Хат кўринишида хабарнома берилади ва бунда солиқ қарзи, ҳисобланган пенялар, фоизлар тўлиқ кўрсатилади. (10 кунда тўланмаса мол-мулклари арест қилинади)

Ҳар ойда муддати ўтказиб юборилгани учун штраф қўлланилади.

Тўлаш имконияти бўлмаса ҳар ойга бўлиб-бўлиб тўлаш учун шартнома тузиш мумкин (шартномани, интернет орқали ёки хатда кўрсатилган номерга телефон қилиб расмийлаштириш мумкин).

Ундирувни тухтатиб туриш бўйича мурожаат қилиш мумкин бундан пеня ҳисобланиши тўхтатилмайди.

Солиқ органи томонидан тўлаб бериш қобилияти мавжуд эмас деб топилса, барча мол-мулкларини арест қилиб сотиб юбориш, ойликларига, банкдаги ҳисобрақамларига, пенсия жамғармасига ҳам арест қуяди.

*Буюк Британия давлатида;*

Солиқ тўлашдан бўйин товлаш учун жарималар:

Етарлича эхтиёткорлик чораларини кўрган бўлсангиз ва солиқ органларига хато ҳақида хабар берган бўлсангиз жарима белгиланмайди.

Эхтиёткорлик чораларини кўрмаган бўлсангиз ёки солиқ суммасини тўламаган бўлсангиз, 30% гача.

Агар хато қасддан қилинган бўлса, 70% гача.

Агар хато қасддан қилинган бўлса ва сиз уни яширишга ҳаракат қилган бўлсангиз, 100% гача.

Энг оғир жазо ҳукми: 3 йилдан 17 йилгача озодликдан маҳрум қилиш йўлга қўйилган.

*Литва давлатида;*

Солиқ ссудаси шартномаси - солиқ қарзини тўлашни кечиктиришнинг турлари (график асосида, маълум муддатга кечиктириш ва ҳакоза)

86-моддасига асосан Солиқ органини рухсати билан мавжуд солиқ қарзини бошқа алоқадор корхонага юклаш мумкин.

88-моддасига асосан, Солиқ тўловчига фаолиятига молиявий қийинчилик келтириб чиқариш ҳолати кўзатилса, шартнома (солиқ кредити) тузган ҳолда солиқ қарзини тўлаш муддати узайтириш мумкин. Бунда, Фуқаролик кодексига мувофиқ залог, кафиллик билан таъминланади.

107-моддасига солиқ қарзини ундириш даври 5 йил этиб белгиланган.

*Австралия давлатида;*

Австралия солиқ қарзини тўлаш учун кўпроқ вақт ажратиш учун солиқ тўловчиларнинг сўровларига жавобларни автоматлаштирадиган Реал вақтда қарзни бошқариш тизимини яратиш учун сунъий ақл билан бирга башоратли моделлаштиришни қўллайди. Тизим солиқ тўловчилар томонидан белгиланадиган тўлов шартларини белгилайди, уларнинг прогнозлаштирилган мойиллиги ва тўлов қобилияти асосида қўланилади.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Давлат солиқ хизмати органлари томонидан жисмоний шахсларнинг солиқ қарзини ундиришдаги мавжуд муаммо ва камчиликларнинг амалдаги ҳолатини хориж тажрибаси билан таққослаб, солиқлар белгиланган муддатида тўланмаганлиги учун ҳисобланадиган пеня миқдорини солиқларнинг рағбатлантирувчи функсияси доирасида мамлакатда мавжуд инфляция даражасини ҳисобга олиб, қарздорликнинг пайдо бўлиш сабабларидан келиб чиққан ҳолда қисқартириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Таҳлил натижаларига кўра, 2022 йил 1 январь ҳолатига солиқ қарзи мавжуд 58,4 мингта юридик шахсларнинг 70,4 трлн. сўмлик (шундан, муддати ўтгани 270,4 млрд. сўм) дебиторлик қарзи мавжуд бўлсада, уларнинг 1,9 трлн. сўмлик солиқ қарзи тўланмасдан қолмоқда, яъни муддати ўтган дебиторлик қарз ҳисобидан 26,5 млрд. сўмлик солиқ қарзининг тўланишига амалий ёрдам бериш имконияти юзага келади. Таклифимиз Солиқ кодексининг 119-моддаси биринчи қисмга “Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс томонидан олинган кундан эътиборан ўн кун ичида юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисм бўйича якка тартибдаги тадбиркор солиқ қарзини узмаган тақдирда ва ушбу Кодекснинг 121-моддасида назарда тутилган чораларни қўллаш натижасида солиқ қарзи узилмай қолаверса, давлат солиқ хизмати органлари ушбу Кодекснинг $121^1$-моддасида белгиланган тартибда ундирувни дебиторлик қарзига қаратади.” қуйдаги сўзларни қўшиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**Адабиётлар:**

Андреева В.А. Повышение налоговой грамотности и культуры участников налоговых правоотношений. Экономика Интерактивная наука | 4 (14) 2017. стр.136-140.

Аронов А ва Кашин В (2007) Налоги и налогообложение М.: Магистр.

Жалонкина И, (2012) “Модернизация механизмов взыскания налоговой задолженности в Российской федерации”.автореферат диссертации на и соискание ученой степени кандидата экономических наук с.14.

Калачева О.С. (2016) Повышение налоговой культуры населения как способ борьбы с налоговыми правонарушениями в России. Бизнес. Образование. Право. Вестник волгоградского института бизнеса, №4 (37). стр. 35-41

Кузнецов А.Л. (2016) Налоговая политика и налоговые органы: реальное состояние, проблемы, перспективы (региональный аспект). [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://vasilievaa.narod.ru/zhurnal/

Кодекс (2020) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси- Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёт уйи.- 640 б.

Ниязметов И.М. (2016) Солиқ юкини оптималлаштириш: назария, услубият ва амалиёт. –Тошкент. Б.9.

Смит А (1935) Исследование о природе и причинах богатства народов. - М.:Соцэкгиз, Т.2. - С.343.

Трошин А. (2000) Сравнительный анализ методик определения налоговой нагрузки на предприятия// Финансы.-М., 2000. №5.-С44-45.

Ғиёсов А. (2019) Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликларни келиб чиқиши таҳлили. / Мақола - "Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар" илмий электрон журнал.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 майдаги "Ҳисоб-китоб тизимини такомиллаштириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов интизомини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-141-сон.

Фармон (2022) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 сентябрдаги "Таъсирчан солиқ механизмини қўллаш натижасида ҳосил бўлган солиқ қарзини ҳисобдан чиқариш тўғрисида"ги ПФ-218-сон.

Черника Д. (2003) Налоги: учеб. пособие / Под ред.– 2-э. ИНФРА. Стр. 486

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# КОРХОНАЛАРДА СЕГМЕНТАР ТАҲЛИЛНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МАСАЛАЛАРИ

***PhD, доцент Ширинов У.А.***
*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти*

***Аннотация:*** *Мақолада корхоналарда сегментлар таҳлилининг мохияти, сегментлар таҳлилининг асосий меъзонлари уларни таҳлили кўрсаткичлари ҳақида баён қилинган.*

***Калит сўзлар.*** *Алоқа, сегмент, таҳлил, рентабеллик барқарорлик.*

***Аннотация:*** *В статье описаны сущность сегментного анализа на предприятиях, основные критерии сегментного анализа и показатели их анализа.*

***Ключевые слова.*** *Коммуникация, сегментация, анализ, стабильность прибыльности.*

***Abstract:*** *The article describes the essence of segment analysis in enterprises, the main criteria of segment analysis and their analysis indicators.*

***Keywords.*** *Communication, segmentation, analysis, profitability stability.*

## 1. Кириш.

Бухгалтерия назариясида сегмент тушунчаси ташқи сегмент ҳисоботининг пайдо бўлиши билан боғлиқ. Бозор иқтисодиёти шароитида сегментар бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг роли ортиб бормоқда. Бунинг сабаби шундаки, хорижий мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатганидек, камида учта асосий мақсадни амалга оширишга имкон беради:

- ✓ таҳлил жараёнини информацион қўллаб-қувватлаш ва тижорат ташкилотининг таркибий бўлинмалари фаолияти самарадорлиги;
- ✓ ташқи фойдаланувчиларга ёрдам бериш кўп тармоқли тижорат ташкилоти фаолияти, унинг фойдаси ва хатарларини баҳолашда таҳлил қилиш;
- ✓ ички фойдаланувчиларни тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишда ахборотни қўллаб-қувватлаш.

Сегментар ҳисоб ва ҳисоботнинг пайдо бўлиши ташкилотнинг турли сегментлар таркибидаги фаолияти тўғрисидаги маълумотларга бўлган эҳтиёжи билан боғлиқ ва шунингдек, тижорат ташкилотига бўлган эҳтиёж билан ташқи макро муҳит шароитларига мослашиш унинг юқори динамик шароитлари. Менежерлар ички захираларни қидираётганда аудитор учун сегмент маълумотлари эҳтиёжига йўналтирилган таҳлил учун асосдир.

Ҳозирги кунда универсал сегментар ҳисоботнинг шакли мавжуд эмас. Бунинг сабаби ҳар бир ташкилотнинг фаолияти ва у ажратадиган сегментлар ноёблиги ва бухгалтерия ҳисоби стандартларида фақат сегментларни тақсимлаш бўйича умумий ёндашувлар мавжудлигидир.

Бошқарув мақсадида тузиладиган бошқарув сегментар ҳисобот корхоналар томонидан мажбурий тарзда тузиладиган молиявий ҳисоботнинг таркибий қисми ҳисобланмайди. Шу боис ҳам бошқарув сегментар ҳисоботини тузиш мажбурий ҳисобланмайди. Бошқарув сегментар ҳисоботнинг мажбурий эмаслиги ҳамда унга доир ягона тартибларни белгиланмаганлиги сабабли дунё мамлакатларида уни турли шакл ва мазмунда, таркибда, услубларда тузилаётганлиги кўриш мумкин.

Сегментация маълум бир критериялар асосида амалга оширилиши керак. Бундай мезонларга қуйидагиларни киритиш мумкин:




**1-расм. Сегментлар таҳлилининг асосий меъзонлари.**

Ўз сегментларига эга бўлган хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг умумий натижаларига сегмент фаолияти қай даражада таъсир қилаётганлигини аниқлаш ўта муҳимдир. Чунончи, умумий фойдада сегментнинг улуши қанча, активлардаги улуши қанча, рентабеллик кўрсаткичлари қай даражада, қайси сегмент фаолияти қониқарсиз ва бошқалар. Юқоридаги муаммоларни ўрганишимиз учун субъектга қарашли барча сегементларни таҳлил жараёнидан ўтказишимиз лозим (Иброҳимов А.Т., 1995).

## 2. Адабиётлар шарҳи.

Хорижий ва мамлакатимиз олимлари томонидан сегмент ҳисобини юритиш тартиби, сегментар ҳисоботларни тузиш кетма-кетлиги, тамойиллари ва афзалликлари бўйича тадқиқотлар олиб борилган.

Иқтисодчи олим А.А.Соколов (2004) Бизнес сегментлари корхона фаолият турлари сифатида, таркибий бўлинмалар, жавобгарлик марказлари ёки ташқи муҳитнинг қисмлари, сегментар ҳисоб учун белгиланган деб мулоҳаза юритган. Сегментар ҳисобот бу фаолиятнинг сегментлари томонидан тузилган ва улар тўғрисидаги маълумотларни ошкор қиладиган ташкилот молиявий ҳисоботининг бир қисми бўлиб, ҳисоботнинг манфаатдор фойдаланувчиларига ташкилотга

нисбатан мақбул бошқарув қарорларини қабул қилиш, шунингдек амалга ошириш учун керакли маълумотларни тақдим этиш ҳамда молиявий натижаларни, актив ва мажбуриятларни келажакдаги башоратларини қилишга хизмат қилади.

В.И.Бареленконинг (2019) такидлашича, "ҳар бир сегментда ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш, умуман холдинг тузилмасининг умумий натижаларини шакиллантиришга қўшган ҳиссасини, уларнинг холдинг молиявий холати ўзгаришига таъсирини аниқлаш ва чора тадбирлар ишлаб чиқиш ҳисобот бериладиган сегментлар ўртасидаги молиявий оқимларнинг холдинг ичидаги тақсимоти. Бизнеснинг турли сегментлари бўйича ишбилармонлик фаолияти ва самарадорлик кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш ҳам катта қизиқиш ўйғотади."

Иқтисодчи олим Е.В.Смирнованинг (2014) фикрича Сегмент таҳлили бу сегментларга бўлиш, бизнес сегментларининг жозибадорлигини баҳолаш ва уларни стратегик бошқариш учун жойлаштириш учун процедуралар тўплами.

Бундан ташқари П.Р.Гембл, Э.Марселла ва Е.В.Егошиналар ҳам сегментлар таҳлил бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришган.

## 3. Тадқиқот методологияси.

Мақолада анализ ва синтез, индукция ва дедукция, сабаб ва оқибат, замон ва макон, тизимли ёндошув, иқтисодий таҳлилнинг анъанавий, иқтисодий математик ва статистик, корреляция ва регрессия каби усуллардан фойдаланилган.

## 4. Таҳлил ва натижалар.

Сегментар ҳисобот хўжалик юритувчи субъектнинг барча ташкилий тузилмаларига мувофиқ ажратилган, менежмент талабларига мувофиқ тайёрланган, субъектнинг барча операцион сегментлари тўғрисида маълумотларни очиб берадиган компания бошқарув ҳисоботининг бир қисмидир. Сегментар ҳисобот бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ички фойдаланувчиларнинг ахборот эҳтиёжларини қондиришга қаратилган.

Сегментар ҳисоботларни аудиторлик таҳлилидан ўтказиш учун қуйидаги кўрсаткичларни ўрганишимиз лозим (2-расм).




**2-расм. Корхона сегметлари таҳлили кўрсаткичлари**

Таҳлил жараёнида капитал таркиби кўрсаткичлари (молиявий барқарорлик ва қарамлик коэффицентлари) кичик тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли

молиявий маблағлар (қуйилмалар) киритган кредиторлар ва инвесторларнинг ҳимояланиш даражасини акс этиради, тўлов қобилияти (ликвидлик) кўрсаткичлари (жорий, тезкор ва абсалют ликвидлик коэффицентлари) субъектнинг кредиторлар олдидаги қисқа муддатли мажбуриятларини бажариш учун зарур бўлган маблағлари нисбатини ифода этади, рентабеллик кўрсаткичлари (активлар, сотилган маҳсулотнинг, хусусий капиталнинг ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари рентабеллик коэффицентлари) субъект фаолиятини таҳлил қилишда фойданинг умумий суммаси билан бирга, у қандай ҳаражатлар эвазига олинаётганлини, маблағлар қандай даражада айланаётланлигини билиш мулкдорлар, шериклар ва кредиторлар учун ўта аҳамиятли ҳисобланади.

**1-жадвал**

**Корхона сегментлари ҳолати таҳлили кўрсаткичлари**

| № | Кўрсаткич | Формула |
|---|---|---|
| 1 | Сегмент фаолияти натижаси (фойда, зарар) | Сегмент даромади − Сегмент ҳаражати |
| 2 | Сегментнинг молиявий барқарорлик коэффиценти | Сегмент хусусий капитали / Сегмент активлари ўртача қиймати |
| 3 | Сегментнинг молиявий қарамлик коэффиценти | Сегмент мажбуриятлари / Сегмент хусусий капитали |
| 4 | Сегментнинг активлар рентабеллиги | Сегмент соф фойдаси / Сегмент активлари ўртача қиймати |
| 5 | Сегментнинг сотиш рентабеллиги | Сегмент соф фойдаси / Сегментнинг сотишдан соф тушуми |
| 6 | Сегментнинг хусусий капитали рентабеллиги | Сегмент соф фойдаси / Сегмент хусусий капитали ўртача қиймати |
| 7 | Сегментнинг махсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари рентабеллиги | Сегмент соф фойдаси / Сегментни махсулот ишлаб чиқариш таннархи |

Юқоридаги кўрсаткичлар орқали сегментлар таҳлил қилинганда корхона фойдасида қайси сегмент улуши юқорилиги, қайси сегмент барқарор ва қайси сегмент ликвидлигини кўришимиз мумкин.

Сегментар ҳисоботга нисбатан аудиторлик ва аудит билан боғлиқ хизматлардан фойдаланиш нафақат аудиторлик субъектининг молиявий ҳисоботдаги сегментлар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ ошкор қилинишини таъминлашга, балки асосий мақсадларни тўлиқ амалга оширишга имкон беради. Таҳлил жараёни хўжалик юритувчи субъектнинг таркибий бўлинмаларининг самарадорлигини юқори сифатли ахборот билан таъминлаш, ташқи фойдаланувчиларга диверсификация қилиш шароитида тижорат ташкилоти фаолиятини таҳлил қилишда кўмаклашиш, сегментларни ҳисобга олиш ва сегментар ҳисоботларни тайёрлаш, унинг фойдаси ва хатарларини баҳолаш, ички фойдаланувчиларни тактик ва стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишда тўғри ахборот билан таъминлаш.

Корхона фаолиятининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз сегментларнинг корхона умумий кўрсаткичларидаги улушларини аниқлашимиз лозим.

Корхона асосий кўрсаткичларининг ўзгариш коэффиценти қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$(Xn - Xn\text{-}1)$$

$$\frac{\quad}{Xn\text{-}1} * 100\%$$ [1]

Бу ерда $X_n$- таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг ҳисобот давридаги қиймати, $X_{n-1}$ таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг ўтган ҳисобот давридаги қиймати.

Корхонанинг умумий кўрсаткичларда сегментларнинг улушини қуйидаги формула орқали аниқлашимиз мумкин:

$$\frac{X_C}{X_O} * 100\%$$ [2]

Бу ерда $X_K$- таҳлил қилинаётган она корхона кўрсаткичи, $X_C$ - таҳлил қилинаётган сегмент кўрсаткичи.

Биз “Ўзбектелеком” АК ва унинг Самарқанд филиалининг 2019 йилги соф тушумини таҳлил қиламиз.[3]

$$\frac{27\,396\,266\,000}{4\,473\,888\,923\,000} * 100\% = 0{,}6\ \%$$

Кўришимиз мумкинки “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиалининг компания соф тушумидаги улуши 0,6% ни ташкил этмоқда.

Биз “Ўзбектелеком” АК ва унинг Самарқанд филиалининг 2019 йилги соф фойдасини таҳлил қиламиз. [4]

$$\frac{2\,557\,369\,000}{74\,793\,586\,000} * 100\% = 3{,}4\ \%$$

“Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиалининг компания соф фойдадаги улуши 3,4% ни ташкил этмоқда.

Рентабеллик кўрсаткичларининг сегментлар бўйича таҳлилини амалга оширдик (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Она корхона кўрсаткичларига сегментлар таъсири[5]**

| № | Кўрсаткичлар | Она корхона | 1-сегмент | 2-сегмент | .... | 10-сегмент |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Фаолияти натижаси (фойда, зарар) (минг сўм) | 74 793 586 | 21 021 452 | 5 684 954 | ... | 3 245 964 |
| 2 | Молиявий барқарорлик коэффиценти | 0.806 | 0.54 | 0.72 | .. | 1.15 |
| 3 | Молиявий қарамлик коэффиценти | - | - | - | - | - |
| 4 | Активлар рентабеллиги | 0.01 | 0.005 | 0.003 | ... | 0.002 |
| 5 | Сотиш рентабеллиги | 0.15 | 0.03 | 0.01 | ... | 0.095 |
| 6 | Абсолют ликвидлик коэффиценти | 0.008 | 0.007 | 0.005 | ... | 0.002 |
| 7 | Тўлов қобилияти коэффиценти | 0.708 | 0.56 | 0.801 | ... | 0.607 |

Жадвал орқали ҳар бир сегментни она корхонанинг капитал таркиби кўрсаткичлари (молиявий барқарорлик ва қарамлик коэффицентлари) кичик

[1] Муаллиф ишланмаси
[2] Муаллиф ишланмаси
[3] https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/korporativ-boshqaruv/hisobotlar/choraklik-va-yillik-hisobotlar-1
[4] https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/korporativ-boshqaruv/hisobotlar/choraklik-va-yillik-hisobotlar-1
[5] https://uztelecom.uz/uz/kompaniya-haqida-1/korporativ-boshqaruv/hisobotlar/choraklik-va-yillik-hisobotlar-1

тадбиркорлик субъектларига узоқ муддатли молиявий маблағлар (қуйилмалар), тўлов қобилияти (ликвидлик) кўрсаткичлари (жорий, тезкор ва абсалют ликвидлик коэффицентлари), рентабеллик кўрсаткичлари (активлар, сотилган маҳсулотнинг, хусусий капиталнинг ва маҳсулот ишлаб чиқариш ҳаражатлари рентабеллик коэффицентлари)га таъсирини аниқ кўришимиз мумкин бўлади ва сегментлар бўйича қабул қилинадиган қарорларнинг ҳам аниқлиги ошади.

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Тадқиқот натижасида қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳар бир сегментлари бўйича алоҳида таҳлиллар олиб бориш лозим;
2. Ҳар бир сегментнинг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқдир;
3. Ҳар бир сегмент бўйича аниқланган кўрсаткичлар бош корхонага таъсирини аниқлаш лозим.

Юқоридаги таклифлар сегментар ҳисоботлар орқали сегментлар таҳлил қилинганда корхона фойдасида қайси сегмент улуши юқорилиги, қайси сегмент барқарор ва қайси сегмент ликвидлигини кўриши мумкин бўлади ҳамда маълумот фойдаланувчиларига тўғри қарор қабул қилиш учун хизмат қилади.

**Адабиётлар:**

Бариленко В. И. (2019) Комплексный анализ хозяйственной деятельности : учебник и практикум для академического бакалавриата / под редакцией В. И. Бариленко. — Москва : Издательство. Юрайт, — 455 с.

Гембл П.Р., Марселла Э., Тапп А. Революция через сегментацию. URL: http://www.marketing.spb. ru/lib-research/segment/revolution.htm

Иброҳимов А.Т. (1995) Молиявий таҳлил. – Т.: «Меҳнат».

Смирнова Е.В., Цыганова И.Ю. (2014) Анализ сегментов бизнеса как инструмент стратегического управления организацией // Экономический анализ: теория и практика. №37 (388). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/analiz-segmentov-biznesa-kak-instrument-strategicheskogo-upravleniya-organizatsiey (дата обращения: 24.12.2021).

Соколов А.А. (2004) Учет по сегментам деятельности коммерческой организации: формирование и анализ. М.: Финансы и статистика. 288 с.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# ФОЙДА СОЛИҒИ БЎЙИЧА СОЛИҚ НАЗОРАТИНИ ЎТКАЗИШ ТАРТИБИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

***Янгибоев Ҳ.А.***
*Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт*

***Аннотация:*** *Ушбу мақолада фойда солиғи адолатли солиқ бўлишига қарамасдан хўжалик субъектларининг ундан қочиши сабаблари очиб берилган. Назорат тадбирларининг устувор йўналишлари бу солиқ қоидабузарликларининг олдини олиш, солиқ тўловчиларни солиқ мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришга ундашлиги баён этилган.*

*Солиқ назорати натижаларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадларини мустаҳкамлашни таъминлашга қаратилган тавсиялар берилган.*

***Калит сўзлар:*** *солиқ назорати, камерал солиқ текшируви, сайёр солиқ текшируви, солиқ аудити фойда солиғи, даромадлар, харажатлар, солиқ имтиёзлари.*

**Аннотация:** *В данной статье, несмотря на то, что налог на прибыль является справедливым налогом, раскрываются причины, по которым хозяйствующие субъекты его избегают. Указано, что приоритетными направлениями контрольной деятельности являются предупреждение налоговых правонарушений, стимулирование налогоплательщиков к добровольному исполнению своих налоговых обязательств.*

*По результатам налогового контроля даны рекомендации, направленные на обеспечение укрепления доходов Государственного бюджета Республики Узбекистан.*

**Ключевые слова:** *налоговый контроль, камеральная налоговая проверка, выездная налоговая проверка, налоговая проверка, налог на прибыль, доходы, расходы, налоговые льготы.*

***Annotation:*** *In this article, despite the fact that the profit tax is a fair tax, the reasons why economic entities avoid it are revealed. It is stated that the priority areas of control activities are prevention of tax violations, encouraging taxpayers to voluntarily fulfill their tax obligations.*

*Using the results of tax control, recommendations aimed at ensuring the strengthening of the State budget revenues of the Republic of Uzbekistan were given.*

***Keywords:*** *tax control, camera tax audit, mobile tax audit, tax audit, profit tax, income, expenses, tax benefits.*

## 1.Кириш.

Жаҳонда солиқларни ўз вақтида ва тўлиқ бюджетга йўналтиришнинг замонавий воситаларидан фойдаланиш орқали у мамлакатнинг ижтимоий-

иқтисодий ривожланиш истиқболларини аниқ белгилаш ва унга қаратилган вазифалар доирасида ишлаб чиқиладиган стратегияларни амалга ошириш самарадорлигини таъминлашда қулай шарт-шароит яратиб беришда ўз аксини топмоқда. Яъни солиқ тўловчиларнинг ихтиёрий солиқ интизомини рағбатлантириш, солиқ тўловчиларнинг фаолиятини риск бошқарув тизими (Risk-management system) орқали баҳолаш ҳамда тадбиркорлик ва инвестициявий муҳитнинг ривожланишини таъминлашда солиқ текширувларини солиқ тўловчиларнинг риск даражасидан келиб чиқиб амалга ошириш масаласига алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида эътибор қаратилмоқда.

Фойда солиғи бўйича тушумларни таҳлил қилишда солиқ назорати натижаларидан фойдаланиш зарур. Сабаби фойда солиғини тўловлар, ўз вақтда белгиланган тартибда ҳисоблаб бюждетга тўлаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва унинг даромадларини мустаҳкамлашни таъминлайди.

**2.Адабиётлар шарҳи.**

Иқтисодий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларда солиқ назоратига турлича таърифлар берилган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида 136 моддасига (2022) асосан солиқ назорати солиқ текширувлари ҳамда солиқ мониторинги шаклида амалга оширилади. Солиқ мониторинги солиқ тўловчининг ихтиёрий берган аризасига биноан амалга оширилади. Солиқ текширувлари солиқ тўламаслик хавфи даражасидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган «Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида»ги Низомда солиқ аудитига қуйидагича таъриф берилган - «Солиқ аудити — солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) муайян даврдаги молия ва солиқ ҳисоботларининг солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига барча жиҳатлардан мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини, солиқ солиш мақсадларида бухгалтерия ҳисоби ва солиқ солиш мақсадларида ҳисобга олишда солиқ мажбуриятларининг тўғри шакллантирилиши ва акс эттирилишини солиқ органи томонидан ўтказиладиган ўрганиш орқали солиқларни тўғри ҳисоблаш ва тўлашнинг тўғрилигини текширишдир».

Солиқ текшируви бўйича жаҳон моделлари, хусусан Англо-саксон модели (Буюк Британия, Австралия, Янги Зеландия), Романогерман модели (Германия, Франция, Япония), Аралаш модели (АҚШ, Канада) ва МДҲ давлатлари модели таҳлил қилинган ҳолда «солиқ текшируви» тушунчаси хорижий давлатларда «tax audit» тушунчаси билан ифодаланиши қайд этилган, шунингдек жаҳон тажрибасига кўра солиқ текширувлари типик икки турга: камерал солиқ текшируви (desk audit) ва сайёр солиқ текширувига (field audit) бўлиниши тўғрисида хулосага келинган. Диссертант «tax audit» тушунчаси тўғридан-тўғри таржима қилинганда «солиқ аудити»ни англатиши, амалдаги солиқ қонунчилиги бўйича солиқ текширувлари камерал, сайёр солиқ текшируви ҳамда солиқ аудитига бўлиниши, солиқ текширувининг бир тури сифатида «солиқ аудити»ни белгилаш унинг юридик табиатига хос эмаслигини қайд этиб, мазкур тушунча ўрнига «сайёр солиқ текшируви» тушунчасини, «сайёр солиқ текшируви» тушунчаси ўрнига «тадбирли

солиқ текшируви» тушунчасини қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисида хулосага келган.

Иқтисодчи олимлар К.Хотамов (2016) ва З.Курбановларнинг (2008) солиқ аудити бўйича тадқиқотларини ўрганган ҳолда солиқ аудити – аудиторлик ташкилотлари томонидан тадбиркорлик субъектларига солиқларага оид қонунчилигига риоя этилишини назоратини текшириш бўйича кўрсатиладиган аудиторлик хизматининг бир тури эканлигини қайд этиб, солиқ аудити молиявий категория сифатида аудиторлик хизматини ифодалаши, солиқ текшируви эса солиқ категорияси сифатида солиқ органининг маъмурий функциясини амалга ошириши, деган фикрни илгари суради. Ўтказилган таҳлиллар асосида солиқ текшируви тури ўз мазмунига кўра текшириш жойи, усули ва объектига нисбатан амалга ошириладиган бир-биридан фарқли белгиларга эга бўлган ҳаракатлар йиғиндиси эканлиги тўғрисида хулосага келинган. Шунингдек солиқ текширувларининг тури сифатида камерал ва сайёр солиқ текширувлари намоён бўлиши қайд этилган. Диссертацияда солиқ текшируви шакли таҳлил қилиниб, солиқ текшируви шакли ўз моҳиятига кўра солиқ текшируви ўтказиладиган объектга нисбатан унинг фаолият йўналиши қамровини ифодаловчи кўрсаткичлар жамланмаси эканлиги қайд этилади, шунингдек солиқ текшируви молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ текшириш (бухгалтерия, молия, статистика, банк) ва молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текшириш (рўйхатдан ўтганлиги, терминал ва касса апаратларининг мавжудлиги каби масалалар) шаклида ўтказилиши тўғрисида хулосага келинган.

«Солиқ аудитини ўтказиш тўғрисида»ги низомни қуйидаги мазмундаги 41-банд билан тўлдириш таклиф этилди: «Сайёр солиқ текширувлари даврийлиги қуйидагича: хавфлилик даражаси юқори бўлган солиқ тўловчиларда солиқ йилида бир мартадан ортиқ бўлмаган; хавфлилик даражаси ўртача бўлган солиқ тўловчиларда кейинги уч йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган; хавфлилик даражаси паст бўлган солиқ тўловчиларда кейинги 5 йилда бир мартадан ортиқ бўлмаган тарзда ўтказилади».

Солиқнинг алоҳида турлари бўйича аудит ўтказиш муҳим бўлиб, бу бўйича иқтисодчиларнинг фикрларини келтириб ўтамиз.

В.В.Киреева (2016) илмий ишларида «нафақат алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ аудитини ўтказишни, балким, алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ аудитини ўтказиш бўйича компанияларнинг ички аудит стандартларини ишлаб чиқишни таклиф қилган».

М.Ф.Сафонова ҳамда Е.А.Щербаковалар (2014) «фойда солиғи бўйича солиқ аудитининг илмий асосланган методикасини ишлаб чиқиш долзарб масала эканлигини қайд этишган».

Р.М.Шиханова (2015) «фойда солиғи аудитининг методикасини ишлаб чиқишнинг зарурлиги ва аҳамиятини қуйидагича эътироф этган: Фойда солиғи аудитининг методологиясини ишлаб чиқиш, бу нафақат ўтказилаётган аудитнинг меҳнат оғирлигини пасайтиради, балки, уларнинг сифатини оширади, аудиторлик далилларининг етарлилиги ва ишончлилигини таъминлайди».

З.Н.Курбанов (2020) «солиқ аудитини солиқнинг алоҳида турлари бўйича методикасини ишлаб чиққан ҳолда, қуйидагиларга эътибор беришни қайд этган: Аудит жараёнида қуйидагиларни текшириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

- хўжалик юритувчи субъект томонидан тўланадиган солиқ турларини;
- солиқ турлари бўйича солиққа тортиш базасининг тўғри аниқланишини;
- солиқ имтиёзларини тўғри қўлланилишини ўрганиш;
- солиққа тортиш базаси ва солиқ суммаларини тўғри ҳисобланганлигини текшириш;

- солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида бюджетга тўланганлигини аниқлаш;
- солиқ органларининг текшириш натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ суммалари ва пенялари тўланганлиги;
- солиқлар ва йиғимларни молиявий ва солиқ ҳисоботларида тўғри акс эттирилганлиги;
- солиқ ҳисоботидаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги текширилади».

«Россия Федерацияси Молия вазирининг 2019 йил 29 ноябрдаги «Россия Федерациясида 2024 йилгача бўлган даврда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги 1592-сонли буйруғида солиқ аудити, шу жумладан алоҳида солиқ турлари бўйича солиқ аудитини ташкил этиш ва ривожлантириш масалалари ўз аксини топган».

Иқтисодий адабиётлар ва илмий ишларни ўрганиш шуни кўрсатмоқдаки, алоҳида солиқ турлари ҳисобини солиқ аудитидан ўтказиш методикаси ва методологияси кам ўрганилган мавзулардан бўлиб қолмоқда. Мамлакатимизда солиқ тўловлари бўйича ҳисоб китоблар ҳисобини аудитдан ўтказишнинг баъзи масалалари З.Н.Курбанов (2008), К.Р.Хатамовлар (2016) томонидан ўрганилган. М.Ф.Сафонова (2017) эса солиқ тўловлари бўйича бюджет билан ҳисоб китоблар ички аудитини «ички солиқ аудити» деб аташни таклиф қилган.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Тадқиқотимиз методологияси бўлиб, фойдани солиққа тортиш бўйича иқтисодий муносабатлар ҳисобланади. Солиқ назорати бўйича назарий масалалар умумлаштирилди. Тадқиқот жараёнида амалий материалларни таққослаш ва гуруҳлаш каби усуллардан фойдаланилиб, хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида (2022) солиқ назоратининг солиқ текширувлари ҳамда солиқ мониторинги шакллари келтирилган «Ушбу кодекснинг 137-моддасида солиқ текширувларининг турлари қуйидагича эътироф этилган:. Солиқ текширувлари солиқ тўловчилар, йиғимларни тўловчилар ва солиқ агентлари томонидан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш мақсадида ўтказилади.

Солиқ текшируви солиқ тўловчи тўғрисида солиқ органларида мавжуд бўлган маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Солиқ органлари солиқ текширувларининг қуйидаги турларини ўтказади:

1) камерал солиқ текшируви;
2) сайёр солиқ текшируви;
3) солиқ аудити».

камерал солиқ текширувлари ўтказилиши лозим бўлган солиқ тўловчи ёки солиқ агенти томонидан тақдим этилган солиқ ҳисоботини, молиявий ҳисоботни, шунингдек солиқ тўловчининг фаолияти тўғрисида солиқ органида мавжуд бўлган бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш орқали камерал солиқ текширувларини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўриш;

ҳудудий солиқ органлари томонидан камерал солиқ текширувларини ўтказилиши ҳамда зиммасига юклатилган вазифаларни ижро этилиши устидан вертикал назоратни амалга ошириш;

камерал солиқ текширувларини амалга ошириш, қўшимча манбаларни аниқлаш, солиқ солиш масалаларини тўлиқ қамраб олинишида янада самарали

усулларни яратиш, амалиётга татбиқ этиш ва ушбу йўналишларда ягона сиёсат юритилишини таъминлаш юзасидан таклифлар беради;

ўтказилаётган камерал солиқ текширувлари тадбирларининг самарадорлигини таъминлашда солиқ органларининг бошқа тузилмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш.

солиқ тўловчилар томонидан солиқ тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланиши юзасидан солиқ аудитини ташкиллаштириш ва ўтказиш;

солиқ органларининг тегишли тузилмалари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида солиқ аудитини амалга оширилишини таъминлаш, аниқланган камчиликларни бартараф қилиш чораларини кўриш;

ўтказилган солиқ аудити ҳисобини юритиш, таҳлил қилиш ва натижаларини умумлаштириш ҳамда ҳуқуқбузарликлар хусусиятидан келиб чиқиб, таҳлилий маълумотларни Хавфни таҳлил қилиш ва солиқ тўловчиларни сегментлаш департаментига мунтазам равишда тақдим этиш;

солиқ тўловчилар фаолиятида солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишларини амалга ошириш, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш;

солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилиш тадбирлари, шу жумладан сайёр солиқ текширувларини сифатли амалга ошириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш юзасидан таклифлар тайёрлаш ва амалиётга жорий этиш ҳамда ушбу йўналишда ягона тартиб ва қоидаларни қўллаш;

солиқ тўловчилар фаолиятини назорат қилиш тадбирлари, шу жумладан сайёр солиқ текширувларини амалга ошириш, бюджетга маблағларни тўлиқ жалб этиш борасида хорижий тажрибаларни ўрганиш ва замонавий шаклларни амалиётга татбиқ этиб бориш;

Солиқ назоратининг яна бир шакл ва механизмларидан бири бу - корхоналарда солиқ аудитини ўтказишдир.

Солиқ аудити – солиқ тўловчиларнинг маълум бир даврдаги, молия ва солиқ ҳисоботлари солиқ кодексига, барча жиҳатлардан мувофиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, солиқ солишда, бухгалтерия ҳисоби шунингдек солиқ солиқ мақсадларида ҳисобга олишда солиқ мажбуриятларининг мақсадли шакллантирилишини, акс эттирилиш солиқ органи томонидан ўтказиладиган ўрганиш орқали солиқларни солиқ кодексига асосан тўғри ҳисоблаш ва тўлашнинг ҳаққонийлигини текширишдир.

Солиқ аудити охирги ўтказилган солиқ аудитидан кейинги 5 йилни қамраб олиши мумкин. Ихтиёрий тугатилаётган корхоналарда охирги 3 йилни қамраб олиши мумкин.

Солиқ назоратини асосий вазифалари солиқ тўловчилар фаолиятини таҳлил қилиб бориш мақсадида, «Солиқ ҳамкор» ахборот тизими ва «Автокамерал» дастурий маҳсулотини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини кўришдир.

Солиқ аудитини ўтказишда текширувчи, солиқ тўловчининг бухгалтерия, молия, статистика, банк ҳамда бошқа ҳужжатлари, солиқ ва молиявий ҳисобот маълумотлари билан мос келишини ўрганиши, бунда сотилган товарлар ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлар реализацияси ҳамда бажарилган ишлар ҳажмининг солиқ ҳисоботларида тўлиқ акс эттирилишига алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади.

Текширилаётган солиқ тўловчи мансабдор шахсларининг яқин қариндошлари (ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-укалари ва опа-сингиллари, эри (хотини), фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлар, боболари, бувилари, неваралари, шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, туғишган ва ўгай ака-ука

ва опа-сингиллари) бўлган давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг мазкур солиқ тўловчиларда солиқ текширувини ўтказиши мумкин эмас.

Солиқ аудитини бошлашдан олдин манфаатлар тўқнашуви (солиқ ходими ва солиқ тўловчи бир-бири билан яқин алоқада бўлиши ёки бир-бири билан қариндошлик алоқаси мавжудлиги) вужудга келганда ёки келиши мумкин бўлган ҳолларда солиқ аудитини ўтказишга жалб қилинган ходим бу ҳақда ўзининг бевосита раҳбарига маълум қилиши ва бундай ҳолат вужудга келганда тегишли раҳбар томонидан солиқ аудитини ўтказишга бошқа ходимни жалб қилиниши мумкин.

Солиқ органлари ходимлари солиқ аудити жараёнида солиқ тўловчилар тўғрисида олинган маълумотларни сир сақлашга мажбурдирлар, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Солиқ органлари ходимлари солиқ хавфи даражасидан келиб чиқиб, солиқ аудити ўтказилиши лозим бўлган солиқ тўловчилар рўйхатини шакллантиришда жумладан;

солиқ аудити ўтказилиши лозим бўлган солиқ тўловчилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давалат солиқ қўмитаси Хавфни таҳлил қилиш ва солиқ тўловчиларни сегментлаш департаменти томонидан махсус тизим орқали таҳлил қилинган хавф даражаси юқори бўлган, шунингдек, солиқлар ҳисобланмай қолишига олиб келган сабаблари кўрсатилган ҳолда солиқ аудити бошқармасига қўшимча ўрганиш ўтказиш мақсадида юборилади.

солиқ аудити бошқармаси ходимлари томонидан мазкур номзодлар бўйича 10 кун муддатда ўрганиш ўтказилади. Бунда солиқ хавфлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигига эътибор қаратилади.

ўрганиш натижаси бўйича солиқ аудити ўтказилиши лозим бўлган номзодларни соҳалар кесимида жамланади ва тегишлилиги бўйича ҳудудий солиқ органларига юборилади.

юқори хавф даражаси тасдиқланмаган солиқ тўловчилар рўйхати асослантирилган маълумотлар билан бирга солиқ аудити бошқармаси ходимининг хулосаси асосида хавфни таҳлил қилиш ва солиқ тўловчиларни сегментлаш департаментига қайтарилади.

солиқ аудити бошқармасидан келиб тушган солиқ аудити ўтказилиши лозим бўлган номзодлар рўйхати ҳудудий солиқ аудити бўлинмалари бошлиқлари томонидан текширувчилар кесимида тақсимланади.

солиқ аудити бошқармаси ўтказилган барча солиқ аудити натижаларини умумлаштиради ва аниқланган солиқ қонунчилиги бузилиши ҳолатларини таҳлил қилади.

солиқ аудити бошқармаси солиқ аудити натижалари бўйича аниқланган қонунбузилишлар хусусиятидан келиб чиқиб, таҳлилий маълумотларни хавфни таҳлил қилиш ва солиқ тўловчиларни сегментлаш департаментига тақдим этиб боради.

Фойда солиғи бўйича ўтказилган аудит далолатномасидан амалиёт маълумотларини келтириб ўтамиз.

2019 йилда жамият томонидан давлат солиқ инспекциясига тақдим этилган ҳисоб-китобида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлангунча қадар фойда 862 402,1 минг сўм, товарларни таннархдан паст баҳоларда реализация қилишдан ва текин беришдан кўрилган зарар 2 492 210,9 минг сўмни чегирилмайдиган харажатлар 83 743,7 минг сўм, солиқ солинадиган фойда 3 438 356,8 минг сўм, имтиёзлар 1 795 828,7 минг сўм, солиқ солинадиган баъза 1 642 528,0 минг сўмни ташкил этиб, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 98 551,6 минг сўм ҳисоблаб ҳисобот тақдим этган.

Солиқ аудитида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлангунга қадар фойда 575 241,5 минг сўм, товарларни таннархдан паст баҳоларда реализация қилишдан ва текин беришдан кўрилган зарар 2 898 026,5 минг сўмни чегирилмайдиган харажатлар 83 743,7 минг сўм, солиқ солинадиган фойда 3 557 011,6 минг сўм, имтиёзлар 1 831 425,2 минг сўм, солиқ солинадиган баъза 1 725 586,4 минг сўмни ташкил этиб, юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи 103 535,2 минг сўм ҳисобланади. Натижада юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича тақдим этилган ҳисоботга нисбатан 4 983,6 минг сўм миқдори–да қўшимча ҳисобланди.

Жамият томонидан 2020 йил тақдим этилган солиқ ҳисоботларига асосий йил якунлари бўйича 10 818 262,33 минг сўмни ташкил этиб, зарар билан якунланганлиги сабабли фойда солиғи ҳисобланмасдан, ҳисобот даврини 10 818 262,33 минг сўм зарар билан якунланган. Солиқ аудитида фойда солиғи тўлангунга қадар бўлган зарар суммаси 10 087 764,65 минг сўмни ташкил этиб, зарар билан якунланганлиги сабабли фойда солиғи ҳисобланмади.

Солиқларни тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчини 2021 йил давомида ўтказилган солиқ аудитлари натижалари 1-жадвалда келтирилган.

**1-жадвал**

**Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқларни тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларда 2021 йил давомида ўтказилган солиқ аудитлари натижалари таҳлили,*(млрд.сўм)***

| № | Ҳудудлар | Солиқ аудитлар ўтказилган солиқ тўловчилар сони | Солиқ аудитида аниқланган сумма | Ундирилган сумма | Ундириш ишлари давом қилаётган сумма |
|---|---|---|---|---|---|
| | **Жами** | **145** | **756,7** | **195,8** | **560,9** |
| 1 | Қорақалпоғистон Рес. | 6 | 8,3 | 4,0 | 4,3 |
| 2 | Андижон вилояти | 9 | 27,9 | 2,2 | 25,8 |
| 3 | Бухоро вилояти | 6 | 15,8 | 5,5 | 10,4 |
| 4 | Жиззах вилояти | 5 | 9,2 | 2,2 | 7,0 |
| 5 | Қашқадарё вилояти | 6 | 19,0 | 3,6 | 15,3 |
| 6 | Навоий вилояти | 6 | 9,8 | 5,5 | 4,4 |
| 7 | Наманган вилояти | 6 | 14,7 | 3,8 | 10,9 |
| 8 | Самарқанд вилояти | 9 | 19,6 | 11,5 | 8,1 |
| 9 | Сурхондарё вилояти | 4 | 8,5 | 7,0 | 1,5 |
| 10 | Сирдарё вилояти | 5 | 7,3 | 6,4 | 0,9 |
| 11 | Тошкент вилояти | 8 | 14,6 | 4,9 | 9,7 |
| 12 | Фарғона вилояти | 6 | 20,6 | 10,9 | 9,7 |
| 13 | Хоразм вилояти | 6 | 9,4 | 2,7 | 6,7 |
| 14 | Тошкент шаҳар | 30 | 122,0 | 30,0 | 92,0 |
| 15 | ЙСТ ДСИ | 33 | 449,9 | 95,6 | 354,4 |

Солиқларни тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчиларда 2021 йил давомида ўтказилган солиқ аудитлари натижасида Республика бўйича жами 145 та корхоналарда 756,7 млрд. сўмлик солиқ аниқланган, 2022 йил 1 январь ҳолатига 195,8 млрд. сўми ундирилган бўлиб қолган 560,9 млрд. сўми ундириш ишлари давом этирилмоқда.

Шундан ҳудудлар кесимида қарайдиган бўлсак энг кўп солиқларни тўламаслик хавфи юқори бўлган солиқ тўловчилар сони бўйича Йирик солиқ тўловчилар 33 та

ташкил этган бўлиб, 449,9 млрд. сўмлик, солиқ аниқланган, 2022 йил 1 январь ҳолатига 95,6 млрд. сўми ундирилган бўлиб қолган 354,4 млрд. сўми ундириш ишлари давом этирилмоқда. Тошкент шаҳарда 30 та корхонани ташкил этган бўлиб, 122,0 млрд. сўмлик, солиқ аниқланган, 2022 йил 1 январь ҳолатига 30,0 млрд. сўми ундирилган бўлиб қолган 92,0 млрд. сўми ундириш ишлари давом этирилмоқда. Андижон вилояти 9 та корхонани ташкил этган бўлиб, 27,9 млрд. сўмлик, солиқ аниқланган, 2022 йил 1 январь ҳолатига 2,2 млрд. сўми ундирилган бўлиб қолган 25,8 млрд. сўми ундириш ишлари давом этирилмоқда.

**5. Хулоса ва таклифлар:**

Солиқ назорати давлат солиқ хизмати органлари томонидан солиқ тўловчиларни, солиқ солиш объектларини ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни, бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тушаётган тушумларни ҳисобга олиш, солиқ текширувлари воситасида ҳамда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа шаклларда амалга оширилади.

Солиқ текширувининг қуйидаги турлари мавжуд:

1) камерал солиқ текшируви;

2) сайёр солиқ текшируви;

3) солиқ аудити.

Солиқ аудити – солиқ тўловчиларнинг маълум бир даврдаги, молия ва солиқ ҳисоботлари солиқ кодексига, барча жиҳатлардан мувофиқлиги ҳамда ҳаққонийлиги, солиқ солишда, бухгалтерия ҳисоби шунингдек солиқ солиқ мақсадларида ҳисобга олишда солиқ мажбуриятларининг мақсадли шакллантирилишини, акс эттирилиш солиқ органи томонидан ўтказиладиган ўрганиш орқали солиқларни солиқ кодексига асосан тўғри ҳисоблаш ва тўлашнинг ҳаққонийлигини текширишдир.

Солиқ турлари бўйича солиқ аудитини ўтказиш методикасини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Солиқ текширувларини рақамлаштириш асосида такомиллаштиришни таклиф этамиз.

**Адабиётлар:**

Буйруқ (2019) Россия Федерацияси Молия вазирининг 2019 йил 29 ноябрдаги “Россия Федерациясида 2024 йилгача бўлган даврда аудиторлик фаолиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида”ги 1592-сонли буйруқ.

Киреева В.В. (2016) Разработка методического подхода к формированию системы внутрифирменных стандартов налогового аудита. Таврический научный обозреватель. №5.2016.

Кодекс (2022) Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. 137 модда.

Низом (2021) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 7 январдаги 1-сон қарори билан тасдиқланган “Солиқ текширувларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида” ги Низом.

Сафонова М.Ф., Щербакова Е.А. (2014) Подходы к организации аудита налога на прибыль торговых организаций. /Международный бухгалтерский учет. № 35(329)

Сафонова М. Ф. (2017) Теория и методология внутреннего контроля и аудита налоговых затрат. 08.00.12 – Бухгалтерский учет, статистика диссертация на соискание ученой степени доктора экономических наук. Краснодар: стр. 121.

Қурбанов З.Н.(2020) Солиқ аудитининг назарий масалалари. “Логистика ва иқтисодиёт” электрон илмий журнал. 1-сон. 47-53 б.

Қурбанов З.Н (2008) «Солиқ ҳисоби ва аудитининг назарий ва методологик асослари». Дис....и.ф.д. - Тошкент.: БМА, 2008. 272 б.;

Хотамов К.Р. (2016) “Билвосита солиқлар ҳисоби, таҳлили ва аудитини такомиллаштириш” диссертация и.ф.д., Т:. 2016 й.136 б.

Шиханова Р. М. (2015) Развитие методологии аудита налога на прибыль: автореферат диссертации кандидата экономических наук: 08.00.12. Санкт-Петербург, С 12.

СОЛИҚ ВА ҲАЁТ
ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ ОММАБОП ЖУРНАЛ
III СОН. 2022

# РАҚАМЛИ БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРДА МОБИЛ СТРАТЕГИЯЛАРНИ АҲАМИЯТИ

***Тожимаматов И.Н.***
*Фарғона давлат университети*
***PhD.Сотволдиев Д.М.***
*Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт*

***Аннотация*** *Мазкур мақолада рақамли бизнес жараёнларда мобил стратегияларни аҳамияти тўғрисида маълумотлар берилган ҳамда ўрганилган. Шунингдек, мобил қурилмалар, иловалар, мобил экотизимларни бизнес жараёнларга жорий этиш масалалари, уларни усуллари ва стратегиялари ёритилган.*

***Калит сўзлар:*** *рақамли бизнес, мобил илова, мобил хизмат, мобил товар, мобил савдо, смартфон, B2B, B2B2C, мақсадли сегмент, big data, булутли технология.*

***Аннотация*** *В этой статье представлена информация и исследуется важность мобильных стратегий в цифровых бизнес-процессах. Также освещаются вопросы внедрения мобильных устройств, приложений, мобильных экосистем в бизнес-процессы, их методы и стратегии.*

***Ключевые слова:*** *цифровой бизнес, мобильное приложение, мобильный сервис, мобильный продукт, мобильная коммерция, смартфон, B2B, B2B2C, целевой сегмент, большие данные, облачные технологии.*

***Annotation*** *This article provides information and explores the importance of mobile strategies in digital business processes. It also highlights the introduction of mobile devices, applications, mobile ecosystems in business processes, their methods and strategies.*

***Key words:*** *digital business, mobile application, mobile service, mobile product, mobile commerce, smartphone, B2B, B2B2C, target segment, big data, cloud technologies.*

## 1. Кириш

Ҳозирги рақамли технологиялар бизнес жараёнларни қамраб олган даврда смартфонлардан кўра ҳам яхшироқ, кўпроқ ва қизиқарлироқ технологияни қўллаш ва тасаввур қилиш жуда ҳам қийин. Чунки бу қурилмалар доимо сизнинг ёнингизда ва сиз учун муҳим иқтисодий ахборотларни қайта ишлашга имкон яратиб, хатто уни бўлмаслиги бизнес жараёнларни тухтаб қолишига ҳам олиб келмоқда. Смартфонларда сенсор, камера, микрофон, овоз чиқариш қурилмаси, ахборот узатиш ва қабул қилиш қурилмалари (Bluetooth, WiFi), ташқи қуриламалар (принтер, хотира қурилмалари) ини улаш ва жойлаш портлари мавжуд бўлиб, улар яратган имкониятлар иқтисодий ва ижтимоий ахборотларни тез ҳамда қулай қайта ишлаш имконини беради. Шунингдек, ушбу қуриламалар ёрдамида тўловлар, ҳар қандай нарса ёки жараён, ходисалар ҳақида маълумотлар топиш, теле ва видео сухбатлар амалга ошириш, мусиқа ва кинофилмьларни тамоша қилиш, ўйинлар ва симуляция

имкониятини олиш, бундан ташқари уларни ўзингизга мослаш, созлашни осонлиги ва энг муҳими бу хусусиятларнинг барчаси битта фойдаланувчи учун қулай қурилмага бирлаштирилганлиги билан ҳам жуда ахамятлидир.

**2. Адабиётлар шарҳи.**

Ушбу тадқиқот мавзуси доирасида жуда ҳам кўплаб, иқтисодчи ва техник олимлар, мухандислар самарали ишлар олиб боришган. Жумладан, П.Вайл (2018) ўзининг "Цифровая трансформация бизнеса" китобида мобил технология стратегиялари хусусида алохида тўхталиб ўтган. А.А.Абдуллаев, И.М.Мамадаев, Е.В.Червяковлар (2021) ҳам ўзларининг тезис ва мақолаларида мавзуга доир илмий изланишлар олиб борган.

**3. Тадқиқот методологияси.**

Мазкур тадқиқотни ёритишда иқтисодчи ва техник олимлар, мухандисларнинг мавзу доирасида олиб борган илмий ишлари, яратган ўқув адабиётлари тизимли ўрганилган. Уларнинг хулоса ва фикрлари қиёсий таҳлил этилиб, маълумотларни қайта ишланди.

**4. Таҳлил ва натижалар.**

Смартфонлар илғор технологиялар сифатида қўлланаётгандан буён, деярли дунёнинг барча жойларида фойдаланлимоқда, уларнинг фойдаланиш даражаси сўнги 7 йилнинг ўзида 77% ни ташкил этган. Тахлилларга кўра шу йилларда ўртача ёшдаги АҚШ лик инсон мобил қурилмаларда ўртача 53% (174 дақиқа) вақтини сарфлаган. Бу рақамлар албатта бугунги кунга келиб, нафақат АҚШ да, бутун дунёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам юқоридаги кўрсатгичлардан кам эмас (Jason Murphy 2016).

Айни даврда мижозлар мобил қурилмалар ёрдамида деярли ҳамма иш жараёнлари ва ахборотларни қайта ишлаётганлиги сабабли, компаниялар, хизмат кўрсатувчи тармоқлар, ишлаб чиқарувчилар шу стратегияга қараб, уларни жалб қилишнинг энг яхши усулларини топишлари талаб этилмоқда. Бугунги кунга келиб, мазкур стратегия учун универсал модел ишлаб чиқилгани йўқ ва компаниялар мобил технологияларнинг барча афзалликларидан фойдаланиб, уларга мос келадиган услублар, ёндашувлар ва моҳиятни ўз иш тажрибаларидан келиб чиқиб, ташкил этишлари керак. Ихтиёрий ёшдаги инсонлар битта мобил қурилмадан фойдаланиб, бир неча дақиқада мижозлар учун илгари бир нечта компаниялар билан бир неча кун давомида кўплаб каналлар орқали амалга ошириладиган хизматларни амалга ошириш имкониятига эга бўлмоқдалар. Бу албатта инсонлардан мобил технологиялардан фойдаланиш саводхонлиги юқори бўлишни талаб этади.

Мисол учун саёхат ёки таътил учун жойни банд қилиш масаласини кўриб чиқайлик. Илгари кўпчилигимиз учун, бирон жойга саёхат қилиш учун бир неча йил олдин ҳафталаб давом этган ва бир нечта каналлар ҳамда компанияларни ўз ичига олган кўп босқичли жараёнлардан сўнг жойни банд қилишга эришимиз мумкин эди. Бунинг учун биз қаерга боришни аниқлашимиз, бу жой ва маҳаллий меҳмонхоналар ҳақида маълумот топишимиз, парвоз нархини билиб олишимиз, бошқа кўплаб масалаларни ҳал қилишимиз керак бўлар эди. Жараён оддий кўринсада сайёҳлик агентлигига бир неча бор ташриф буюриш, визалар учун консулликка мурожаат қилиш ва физик ҳамда рақамли каналлар орқали бошқа кўплаб алоқаларни ўрнатиш лозим бўлар эди. Бугунги кунда орзу қилинган саёхат ёки таътилни брон қилиш учун керак бўлган ҳамма нарса, жумладан, меҳмонхона шарҳлари, валюта курслари, авиачипталарнинг энг яхши нархлари, тўловларни амалга ошириш ва ҳатто виза олиш учун ариза бериш мобил телефонингизда амалга ошириш имконини беради. Нафақат бу, у орқали саёхат давомида гид, таржимон каби мутахассисларни ҳам

ўрнини босишга имконингиз бўлади. Натижада, мижознинг қўлида битта мобил қурилмада мавжуд бўлган кўплаб қатор компанияларга мижозларни жалб қилиш мумкин бўлади. Бунда мижоз ва хизмат кўрсатувчи ҳам иқтисодий ва ижтимоий манфаддорликка эга бўлади (Тожимаматов И., 2021).

Бундай экотизимлар B2B типдаги компаниялар учун ҳам қўлланилиши мумкин. Мисол учун, корпоратив мижозлар учун мўлжалланган Amazon Supply Amazon жисмоний шахсларга мўлжалланган, мобил қурилмаларда ишлайдиган бир хил фойдаланиш учун қулай бўлган мобил моделни таклиф қилади. Бу моделда албатта интерент, Big Data, булутли технологиялар тўлиқ қўлланилади ва мобил қурилмалар учун мослаштирилади (Вайл П. 2018).

Мобил мижозлар эҳтиёжларини қондиришнинг унверсал воситаси бўлиши билан бирга, хизматларни бирлаштиришдан ташқари, компаниялар мобил қурилмалар учун мослаштирилган дастур ёки ҳамкорликдаги веб-сайтларни яратиш орқали уларнинг қизиқишини қўллаб-қувватлашлари ҳам мумкин. Масалан, бугунги кундаги банк иловалари (Click, Payme), таълим порталлари (Hemis, Haksa, Coursera, Udacity), савдо платформалари (Amazon, Alibaba, Shopify, Wix, BigCommerce) ни мисол сифатида келтириш мумкин (Вайл П. 2018).

Турли изланувчилар ва инстиутлар томонидан халқаро миқёда ўтказилаётган сўровлар шуни кўрсатмоқдаки, мобил қурилмалар орқали мижозларни юқори даражада жалб қилган компаниялар анча юқори даражада соф фойда олишиб, саноатни ўртача кўрсаткичларига нисбатан даромад ўсишини таъминламоқдалар. Биргина МДХ давлатларини олиб кўрсак 2018 йилда мобил технологиялар ва хизматлар соҳасининг МДҲ мамлакатлари ЯИМ га қўшган ҳиссаси 4,7 фоизни ташкил этиб, қўшимча иқтисодий қиймати 101 миллиард АҚШ долларини ташкил этган. 2023 йилга келиб бу кўрсаткич 122 миллиард АҚШ долларига (ЯИМ нинг 5,1%) ортиши кутилмоқда[1].

Мобил қурилмаларга мослаштирилган мобил иловалар ва веб-сайтлар орқали мукаммал мижозлар тажрибасини тақдим этишга қаратилган қайта ташкил этишда жарёни нафақат компаниянинг жорий стратегиясини кучайтириш, балки унинг ички ташкилий стратегиясини ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

Мобил қурилмаларга мослаштирилган мобил иловалар ва веб-сайтлар ҳамда мобил дастурларнинг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- мижозларнинг севимли брендларини аниқлашда GPS координаталаридан фойдаланиб, уларга бўладиган харажатлар таркиби бўйича индивидуал ва эксклюзив таклифларини бериш;
- ойлик бюджетни ташкил этишда харажатлар ва тўловларни етишмаслиги тўғрисида огоҳлантиришлар ва маслаҳатлар бериш;
- ижтимоий тармоқлар орқали дўстона алоқалар, шунингдек, икки шахс ўртасида пул ўтказмаларини амалга ошириш;
- электрон ҳамён имкониятларини яратиш ва уни бошқариш;
- иловани созлаш учун эргонамик муҳит;
- мижозни тинглайдиган ва у билан ўз тилида гаплашадиган дўстона аватар ёрдамида овозли кириш ва чиқиш имкониятини яратилиши.

Компания мижозларни жалб қилиш учун қандай қилиб мобил моделни қуриши мумкинлиги ҳақида ўйлаётганда, катта харажатлар ёки кутилаётган даромад миқдорига эмас, балки стратегияни қанчалик аниқ шакллантиришга ва қанчалик самарали ташкил этишга боғлиқ.

Ушбу тадқиқотимизда биз Big Data, булутли технологиялар, буюмлар Интернети билан биргаликда компанияни экотизим юритувчисига айлантиришга

[1] Chrome-extension://efaidnb mnnni bpc ajp cglc lefin dmkaj /https: //www. gsma. com/ mobileeconomy /wp-content /uploads /2020 /03/ GSMA_MobileEconomy2020_RussiaCIS_ Rus.pdf

ёрдам берадиган жозибали мобил иловаларни яратиш учун ишлатилиши мумкин бўлган қуйидаги стратегияларни таклиф қиламиз:

- Товар ва хизматлар имкониятларини кенгайтириш – мобил илова ёрдамида брендни мустаҳкамлаш;
- Товар ва хизматлар туғрисидаги катта маълумотлар тизимини мобил иловаларда шакиллантириш;
- Каналлар интеграциясини ташкил этиш;
- B2B2C – экотизимини яратиш;
- Мақсадли сегментларни барпо этиш;
- Мобил қурилмаларга асосланган йўналишларни шакиллантириш;
- Мобил қурилмаларга мўлжалланган булутли технологияларни техник ва иқтисодий қўллаб қувватлаш;
- Мобил қурилмаларда Big Data технологияларни қўллаб қувватлаш.

Товар ва хизматлар имкониятларини кенгайтириш - мобил илова ёрдамида брендни мустаҳкамлаш стратегияси мижозларнинг фаоллигини ошириш учун мўлжалланган. Компаниялар ушбу стратегияни қўллашда жуда ижодий ёндашувлари керак. Улар одатда маҳсулот ва хизматларни тўлдириш учун мобил илова ёки веб-сайтдан фойдаланишлари лозим. Масалан, Johnson & Johnson компанияси 250 дан ортиқ бизнес соҳалари учун бир қатор мобил иловалар ишлаб чиқган ва уларни корпоратив брендини мустаҳкамлаш учун жорий этган. Масалан, соғлиқни сақлашни бошқариш дастури (Care4Today), беморнинг аҳволини баҳоловчи рақамли шкала (Digital Health Scorecard) каби жуда кўплаб қизиқарли брендларни яратган.

Товар ва хизматлар туғрисидаги катта маълумотлар тизимини мобил иловаларда шакиллантириш стратегияси бу мижозлар учун кенг миқёсида мавжуд товар ва хизматлар хақида маълумотларни катта тезликда олиш имкониятини яратиш тушунилади. Масалан, мобил иловада таклиф этилаётган товар ва хизматлар ҳақидаги турли маълумотлар (нархи, микдори, тузилиши, жойлашувчи ва бошқа кўплаб маълумотлар) ни 5 секундан ортмаган вақт мобайнида олиш, бошқа маълумотлар билан таққослаш, келгусида нархлар ва хоссаларни ўзгаришини имкони беради.

Каналлар интеграциясини ташкил этиш стратегия жисмоний ёки рақамли каналдан алоҳида устун бўлган узлуксиз каналлараро алоқани таъминлаш орқали умуман мижозлар билан муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар тўпламидир. Масалан, Австралиянинг энг йирик чакана савдо тармоғи бўлган Woolworths 3000 дан ортик озиқ-овқат, алкоголли ичимликлар, ёқилғи қуйиш шохобчалари ва истеъмол товарларини ўз ичига олган турли хил брендларга эга дўконлари мавжуд. Компаниянинг 2016 йилда даромади 42,4 миллиард долларни ташкил этиб, соф фойдаси 3,1% ни ташкил этган. Харидлари умумий даромаднинг озгина қисмини ташкил этадиган анъанавий харидорларга эътибор қаратиш ўрнига, компания барча мижозларга смартфон билан ишлаш, савдо қилиш имкони ва тажрибасини берувчи мобил иловани ишга туширган. Кўп функцияларга эга ушбу дастур харидлар рўйхатини тузишга ёрдам бераиб (масалан, штрих-кодларни сканерлаш орқали), унда мижозлар келадиган дўконларининг манзиллари, йўналишлари берилган эди. Унга кўра доимий мижозлар бўйича олдинги харидларга мувофиқ товарларнинг хилма хиллиги, махсус таклифларни ишлаб чиқишга ва бензинга чегирмаларни доимий мижозлар учун яратилишига олиб келди. Бундан ташқари дўконларга бора олмайдиган ёки онлайн харид қилишни афзал кўрган мижозлар, айниқса катта шаҳарларда яшаётган мижозлар мобил иловадан тугмачани босиб, ўзи учун керак товар ёки хизматларни бир кунлик етказиб бериш муддати билан сотиб олишлари мумкин бўлди. Woolworths компаниясини бу иловсини шу йилнинг ўзида 22 млн ортиқ одам фойдаланиб, 2 млн март юкллаб олинган. Ушбу

рақамлар мобил иловалардан фойдаланган ҳолда мижозларнинг фаоллигини ошириш савдо ўсишига фақат физик каналга қараганда кўпроқ ҳисса қўшиши мумкинлигини исботлаб берди.

B2B2C – экотизимини яратиш стратегияси моделида компания мижозлар билан бевосита алоқа қилмайди, чунки унда товар ва хизматлар бошқа бизнес вакиллари орқали сотилади. Бунда мобил иловалар ёрдамида компания охирги фойдаланувчилар билан ҳақиқий алоқаларни ўрнатишга имконига эга бўлади. Масалан, мобил иловалар ёрдамида Procter & Gamble компанияси ўз мижозларининг 83 фоизи дўконга ташриф буюришдан олдин қайси маҳсулотни сотиб олишлари мумкинлигини аниқлади. Шунингдек, Procter & Gamble компанияси деярли 4,5 миллиардни мижозлари мавжуд эканлигини билмас эди ва улар билан тўғридан-тўғри алоқа қилмай бошқа бизнес вакиллари алоқаси орқали товарлари сотилар эди. Мобил қурилмаларга мослаштирилган иловалар ва веб-сайтлар компанияга B2B2C моделини яратишни бизнес-бизнес-истеъмолчи уланишларни ўрнатишга имкон беради[2].

Мақсадли сегментларни барпо этиш стратегияси бу мобил илова ёки технологияларни аниқ мақсадлар доирасида режали ташкил этишни билдиради. Келинг, 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган, том маънода мобил қурилмалар дунёсида яшовчи маҳаллий фойдаланувчиларга алоҳида эътибор қаратган бўлсак, ҳозирда барча компания ва бизнес эгаларининг мақсади ёш мижозларни жалб қилиш орқали, мобил илова ёрдамида маҳсулот ва хизматлар портфелини аста-секин ошириб, кейин уларни умрбод содиқ мижозларга айлантиришга ҳаракат қилмоқда. Шунинг учун компаниялар ўзларининг мобил иловаларида мижоз билан ҳиссий алоқаларни яратиш учун янги дизайндан фойдаланишга, дастурни ишлатишни осонлаштиришга, ижтимоий тармоқларга кириш, замонавий ва фаол хусусиятлар яратишга, яъни ёшлар тилида “мода” брендларни ташкил этишга интилмоқдалар. Мисол учун, iGaranti турк банки яратган шундай илова ёшлар ўртасида кучли қизиқиш уйғотиб, уни юклаб олганларнинг 43 фоизи фаол фойдаланувчиларга айланди, 10% мижозлар биринчи йилида кредит олиш учун банкка мурожаат қилишди (Chris O’Neill, 2011).

Мобил қурилмаларга асосланган йўналишларни шакиллантириш стратегияси хозирги даврда мавжуд қурилмалар ва уларнинг техник имкониятларидан келиб чиқиб, мобил иловлар, хизматлар ва товарлар рўйхатларини таклиф этишлари лозим. Масалан, компаниянинг барча янги маҳсулотлари ва хизматлари аввал мобил каналда тақдим этилиши керак ва кейин барча мобил қурилмалар ва уларда ишлайдиган операцион тизимлар қўллаб қувватлайдиган мобил иловаларда тақдим этилиши керак. Бу йўналиш дунё тажрибасида йилига мижозларни 10 % и сотилаётган оддий товар ва хизматларни 20 % га нисбатан кўпроқ харид қилгани маълум бўлди.

Мобил қурилмаларга мўлжалланган булутли технологияларни техник ва иқтисодий қўллаб қувватлаш стратегияси бу албатта компаниянинг ўзини ёки шу техник хизматларни ва шароитларни яратиб берувчи булутли технологиялари бўлишни талаб қилади. Яъни, мижозларни жойлашган географик ўрни, вақти ва холатидан қатъий назар компания таклиф этган мобил хизмат туридан доимий фойдаланиш имкониятига эга бўлиши лозим. Бу худди, Google, Яндекс қидирув тизимларида яратилган булут технологиялари ўхшаб кетади. Уларда таржимадан тортиб, геолакация, хисоблашлар ва жуда кўплаб булутли хизматлар таклиф этилади. Бундан кўринадики барча бизнес эгалари ўзларининг мобил иловаларида катта маблағ талаб қилишига қарамасдан булутли технологияларни жорий этиши лозим.

Мобил иловаларда булутли ҳисоблаш (MCC) бу мобил иловалар яратиш учун булут технологиясидан фойдаланиш усулларини ўзида жамлаган замонавий

[2] Woolworths, “A Faster Pick Up Is a Tap Away”, Woolworths (Australia) веб-страница проверена 22 октября 2017 г., www.woolworths.com.au/Shop/Discover/about-us/woolworths-app?name=woolworths-app-woolworths-app&cardId=141

технологиялар мажмуасидир. Улар ёрдамида яратилаётган замонавий мобил иловалар аутентификация, фойдаланувчининг жойлашуви ҳақида маълумотлар ва хақиқий истеъмолчиларга мақсадли контент, хизмат, товар ва алоқаларни тақдим этиш каби долзарб вазифаларни бажаради. Шунинг учун улар маълумотларни сақлаш, хотира ва тезкор қайта ишлашни қўллаб-қувватловчи катта ҳисоблаш ресурсларини талаб қилади. Бу ресурслар юқорида айтганимиздек катта маблағ сарфини юзага келтиради. Бироқ, ишлаб чиқувчилар булутли хизматлардан фойдаланган ҳолда кўп функцияли мобил иловаларни яратадилар ва янгилайдилар, сўнгра уларни ҳар қандай қурилмадан масофавий кириш учун булутларга жойлаштирадилар. Мобил иловалар маълумотларни барча турдаги эски ва янги мобил қурилмаларда ишлатилиши мумкин бўлган, уларни қўллаб-қуувтловчи тизимларда сақлаш ва қайта ишлаш учун булутли технологиялардан фойдаланади. Булутли провайдерлар компанияга йилига ёки ойига бир марта тўланадиган моделни таклиф қилишади, шунинг учун компания фақат фойдаланилган булут ресурслари учун тўлов амалга оширади. Бу маҳаллий серверларни сотиб олиш ва сақлашга қараганда арзонроқ бўлади. Бундан ташқари, агар булутли дастурлар ички фойдаланиш учун мўлжалланган бўлса, компания ходимларга мобил иловаларни ўз қурилмаларига бепул ўрнатишга рухсат бериши мумкин. Барча ходимлар учун махсус қурилма конфигурацияларини сотиб олишнинг ҳожати йўқ бўлади. Бир қараганда бу оддий кўрниши мумкин, аммо қисқа вақт мобайнида улкан даромадларни яратилишига олиб келади.

Мобил қурилмаларда Big Data технологияларни қўллаб қувватлаш стратегияси энг долзарб стратегиялардан биридир. Бугунги кунда замонавий ахборот тизимлари ҳар куни катта ҳажмда ишлаб чиқариладиган маълумотларни бошқариш муаммоларига дуч келмоқда. Илмий соҳа, ишлаб чиқариш ва бизнес соҳаларида вазифаларни бажаришда қимматли натижаларга эришиш учун мавжуд катта маълумотларни (Big Data) қайта ишлаш воситаларидан малакали фойдалана олиш муҳимдир. Big Data билан бевосита боғлиқ бўлган ахборот технологиялари соҳасида энг фаол ривожланаётган соҳалардан бири бу қурилмага йўналтирилган буюмлар Интернетини ва фойдаланувчига йўналтирилган мобил иловаларни бирлаштирган мобил технологияларни жорий этишни талаб қилади. Катта маълумотлар-бу турли даражадаги тузилишга эга бўлган катта ҳажмдаги маълумотларни (бугунги кунда мавжуд электрон маълумотлар 60 ЗБ атрофида) қайта ишлаш учун ёндашувлар, усуллар ва воситалар мажмуасидир. Катта маълумотларни қайта ишлашнинг асосий мақсади-мавжуд бўлган барча турдаги маълумотлардан тезкор ва самарали фойдаланиш, унинг доимий ўсишни ва улкан ҳажмли маълумотларни ўзгаришини назорат қилиш ҳисобланади. Бу албатта комапния товар, хизмат ва контентлари ҳақидаги, уларнинг рақобатчилари таклиф қилаётган товар, хизмат ва контентлар ҳақидаги глобал маълумотларни домий назорат қилиб бориш, таҳлил қилиш ҳамда иқтисодий чораларни кўриш имконини беради. Мобил иловаларда ишлатиладиган катта маълумотлар қуйидаги асосий хусусиятлар билан аниқланади:

- Мобил илова ва қурилмалар орқали олинадиган маълумотлар тўпламлари ва уларни улкан ҳажми билан тавсифланиб, уларнинг ҳажми маълумотларни тўплайдиган, сақлайдиган, қайта ишлайдиган ва таҳлил қиладиган одатий маълумотлар базасига хос дастурий воситалар имкониятларига қараганда анча юқори имкониятларни яратиш;
- Мобил илова томонидан реал вақт режимида жорий маълумотларга тезлик мурожат қилиш, жавоб маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш тезлигининг ортириш;

- Мобил иловаларда маълумотларнинг ишончлилиги, бу фойдаланувчилар учун энг муҳим мезонлардан биридир, чунки ишончсиз маълумотлар билан ишлаш уларни таҳлил қилишни қийинлаштиради;
- Мобил иловаларда иқтисодий ҳисоботларни такомиллаштириш, бизнес жараёнларини ташкил этиш, компаниялар харажатларини оптималлаштириш ва бошқа фаолиятда катта маълумотларнинг афзалликларини белгилайдиган қимматли маълумотларни олиш (Абдуллаев А.А., Мамадаев И.М., Червяковлар Е.В., 2021).

**5. Хулоса ва таклифлар.**

Рақамли бизнес жараёнларда мобил стратегияларни жорий этиш, муваффақиятли мобил стратегия ва канал яратиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш орқали эришилади. Унга кўра юқорида айтиб ўтилган сккизта стратегияни босқичма-босқич ва энг зарурини биринчи бўлиб жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

**Адабиётлар:**

Chris O'Neill (2011) "Three Predictions for the Future of Retail & Brand Marketing", *Google*, May 12, www.nielsen.com/content/dam/ c360/canada/We-re-in-a-Digital-Revolution-Google.pdf.

Jason Murphy (2016) "What Woolworths Needs to Do to Fight Back", *News.com.au*, July 26, www.news.com.au/finance/business/retail/is-woolworths-at-risk-of-being-killed-by-german-giants/news- story/32fddb1ca6925658a7e620357a8633a0; C. Wahlquist, "Amazon Expands in Australia and Plans Big Warehouse", *Guardian* (London), April 19, 2017.

Абдуллаев А.А., Мамадаев И.М., Червяков Е.В. (2021) БОЛЬШИЕ ДАННЫЕ В МОБИЛЬНЫХ ПРИЛОЖЕНИЯХ. International Journal of Humanities and Natural Sciences, vol. 3-2 (54).

Вайл П. (2018) Цифровая трансформация бизнеса / П. Вайл — «Альпина Диджитал», 75-81 стр.

Тожимаматов И. (2021) Рақамли иқтисодиётни корхона фаолиятида тадбиқ этишнинг хусусиятлари ва уларнинг жорий этиш тамоиллари., 6-Сон. Ноябр-декабр ойи, 174 б.

TAX
AND LIFE

# СОЛИҚ ВА ҲАЁТ

ЭЛЕКТРОН ИЛМИЙ
ОММАБОП ЖУРНАЛ